

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б о б и р Ғ О Й И Б О В

СУҒД ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

**Самарқанд – 2020
СамДУ нашриёти**

УДК: 9 (575.1)

Ғойибов Бобир. Суғд тарихидан лавҳалар / Масъул муҳаррир М.М.Исҳоқов. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2020. – 174 б.

Мазкур монография жаҳоннинг қадим цивилизация марказларидан бири ҳисобланган Марказий Суғд – Самарқанд воҳасининг илк ўрта асрлар даври тарихига бағишланади. Тадқиқотда “Суғд” атамаси, “Кан” фамилияси ва унинг тарқалиши, Суғд конфедерациясининг шаклланиши, давлатчилиги, конфедерациянинг бошқарув маркази, Иштихоннинг конфедерациядаги ўрни, Суғдда элчилик муносабатлари ва Суғд конфедерацияси таназзулининг сабаблари, ўзбек ва тожик тилларидаги суғдий иборалар ва уларнинг талқини ҳамда Ўзбекистонда суғдшунослик борасида олиб борилаётган тадқиқотлар каби масалалар таҳлил қилинган.

Тадқиқот тарихчилар, ахеологлар, этнологлар ва Ватан тарихи билан қизиққан кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

Тошкент Давлат шарқшунослик университети профессори,
тарих фанлари доктори – М.М.Исҳоқов

Такризчилар:

ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, “Қадимги ва ўрта асрлар тарихи” бўлими бошлиғи, тарих фанлари доктори – А.Атаходжаев

ЎзР ФА Миллий археология маркази “Фанлараро тадқиқотлар” бўлими бошлиғи, тарих фанлари доктори – Ғ.Бобоёров

Монография Самарқанд давлат университети Илмий кенгашининг 2020 йил 29 февралдаги 7-сонли мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

© Бобир Ғойибов
© СамДУ, 2020 йил

СУЗБОШИ

Қадим Суғднинг марказий қисми ҳисобланган Самарқанд тарихи узок ўтмишга эга бўлиб, азалдан инсоният тамаддуни бешикларидан бири ҳисобланади. Айниқса воҳанинг илк ўрта асрлар даври Самарқанд тарихида муҳим ўрин тутган.

Илк ўрта асрлар Самарқанд марказли Суғд конфедерацияси – “Суғд иттифоқи” мазмунидаги ушбу нисбий атама остида илк ўрта асрларда Зарафшон дарёси ҳавзасидаги Самарқанд, Панч, Маймуғ, Иштихон, Кабудон, Кушония ҳукмдорликларини ҳамда Қашқадарё дарёси ҳавзасидаги Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларини ўз ичига олган муаяйн сиёсий уюшма тушунилиб, унинг таркибидаги мазкур ҳукмдорликлар ўз ички бошқарувида мустақил бўлишган. Уларнинг ҳар бири ўз бошқарув маркази – пойтахти, ҳукмдор сулоласи, ҳокимият рамзлари (танга, тамға ва ҳ.к.), қўшини каби ҳокимият хусусиятларига эга бўлишган. Ўз навбатида уларнинг битта сиёсий иттифоқ – конфедерацияга бирикишлари асосида мазкур ҳукмдорликларнинг ўзаро етакчи ҳукмдорлик (ёки сулола)га бўйсунилари, ҳукмдор сулолалар келиб чиқиши жиҳатидан ягона хонадонга бориб тақалишлари ёки айрим ижтимоий-сиёсий ва маданий-мафкуравий мажбуриятларни бажаришлари каби омиллар ётган. Жумладан, Самарқандда Чжаову (Жамук) хонадони ҳукм суриб, қолган ҳукмдорликлардан аксариятини ушбу хонадонга мансуб сулолалар бошқаришган ва улар орасида Самарқанддаги сулола етакчилик қилган. Ташқи душманларга биргаликда курашиш мажбуриятида бўлган ҳукмдорликлар вакиллари йилнинг муайян вақтларида битта жойга йиғилган ҳолда диний амалларни, хусусан, зардуштийлар удумларини ҳамкорликда бажаришган.

Бугунги кунга қадар Суғд тарихи юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ – тарихий-лингвистик тадқиқотлар. Суғд тарихини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланганига¹ қарамасдан, бу масалада ҳали ҳам мавҳум жиҳатлар кўп. Бу давр манбаларини тарихий-лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш муаммони ўрганишда биринчи даражадаги аҳамиятга эга.

Суғдий ёзма ёдгорликларни дастлабки таржима ва лингвистик таҳлил қилган инглиз олими И.Гершевич² тадқиқотлари бу борадаги дастлабки изланишлардан бўлди. Таъкидлаб ўтиш зарурки, тадқиқотчилар орасида И.Гершевич Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг ўқилиши ва талқини борасида сезиларли илмий изланишларни амалга оширган, ушбу ҳужжатлардан айрим-ларининг инглиз тилига таржима қилиниши суғдшуносликнинг дунё миқёсидаги ривожига замин яратди. В.А.Лившиц томонидан Муғ тоғи суғдий

¹ Tomashek, W. Central Asiatische Studies I. Sogdiana // SPAW. – Wien, 1877. – vol. LXXXVIII. – 187 p.

² Gershevich I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford: 1954. – P. 12.

хужжатларини ўқишда ҳам И.Гершевичнинг 1961 йил 29 сентябрда йўллаган мактуби муҳим илмий асос бўлган³.

Суғд конфедерацияси тарихининг VII аср охириги чораги ва VIII аср бошлари билан алоқадор тарихий жараёнлар Муғ тоғидан топилган 75 та суғдий хужжатларининг грамматик жиҳатдан ўрганилиши билан боғлиқ бўлиб⁴, ушбу тадқиқотларнинг амалга оширилиши суғдшуносликда янги даврни бошлаб берди. Суғдий хужжатларни лингвистик жиҳатдан ўрганган В.А.Лившиц Суғд бошқарувида туркийларнинг иштироки, хоқонлик ва Панч орасидаги муносабатлар масаласига тўхталган⁵. Олимнинг тадқиқотлари натижасида Суғд конфедерацияси Панч ҳукмдорлигининг мустақил маъмурий бирлик сифатида хоқонлик билан ҳамкорликда Араб халифалиги кучларига қарши ҳаракатлари маълум бўлади.

Суғдшунос М.Исҳоқов изланишларида ҳам суғдий манбаларнинг лингвистик таҳлиliga эътибор қаратилган. Жумладан, олимнинг “Глагольная система в согдийском языке” мавзусида номзодлик диссертацияси ва “Палеографическое исследование согдийских письменных памятников Центральной Азии до исламского периода” мавзуида докторлик диссертациясида исломга қадар бўлган суғдий ёзма ёдгорликлар лингвистикаси ва палеографияси тадқиқ этилган⁶. Мазкур илмий изланишлар суғдий ёзма ёдгорликларнинг лингвистик ва палеографик жиҳатдан тадқиқ этилишида ўзидан кейинги тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Суғд тарихи юзасидан манбаларни лингвистик таҳлил қилган инглиз эроншуноси Н.Симс-Виллямс тадқиқотларини ҳам бу борадаги муҳим изланишлар сирасига қўшиш мумкин⁷. Ёзма ёдгорликларни тадқиқ этган Б.Ғариб суғдий луғатни яратди⁸. Ёзма ёдгорликларни таҳлил қилган француз олими Ф.Гренэ тадқиқотларида Муғ тоғи хужжатлари билан бирга “Кўхна хатлар” ва Култўбадан топилган суғдий хужжатлар лингвистик жиҳатдан ўрганилган⁹. Мазкур манбаларда умумсуғд тарихига доир маълумотлардан кўра, кўпроқ манбаларнинг лингвистик таҳлиliga эътибор берилган. Шунингдек, суғдий ёзма ёдгорликларнинг этимологияси (сўзларнинг келиб

³ СДГМ II. – С. 8.

⁴ Согдийский сборник. Сборник статей о памятниках согдийского языка и культуры, найденных на горе Мур в Таджикской ССР. – Л.: 1934. – С. 12-18; СДГМ I. – 90 с.; СДГМ II. – 222 с.; СДГМ III. – 131 с.; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – 408 с.

⁵ Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (Док. А-14 с горы Мур) // СЭ. – 1960. – № 2. – С. 34-51; Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки) // НАА. – М.: Наука, 1979. – № 4. – С. 67-69.

⁶ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2008. – 453 с.; Ўша муаллиф. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари / Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 3-143

⁷ Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys. – 2006. – № 1. – P. 95-111; Sims-Williams N. The Sogdian Merchants in China and India. Cina e Iran. Da Alessandro Mango alla Dinastia Tang, a cura di Alfredo Cadonna e Lionello Lanciotti. – Firenze: 1996. – P. 25-32.

⁸ Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. – Teheran: Farhang Publications, 1995. – 644 p.

⁹ Grenet F., Vaissiere de la E. The last days of Pandjikent // Silk Road Art and Archaeology. 8. Journal of the Institute of Silk Road Studies. – Kamakura, 2002. – P. 155-196; Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. Transition Periods Iranian History. Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgeu, Studia Iranica. (22-25 mai 1985). – Cahier-Leuvan: 1987. – vol. 5. – P. 101-122; Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys. – 2006. – № 1. – P. 95-111.

чиқиши) муаммоларини И.С.Якубович изланишларида кўриш мумкин¹⁰. Мазкур тадқиқотда ҳам Суғдда конфедерациялашув жараёнига дахлдор умумий фикрлар келтирилган. Тадқиқот суғдий ёзувнинг эволюцияси тўғрисида муҳим илмий изланиш ҳисобланиб, муаллиф тадқиқот асносида суғдий никоҳ шартномаси (Nov. 3, Nov. 4) ва Абдурахмон ибн Субҳнинг Деваштичга мактубларини (1. I) этимологик таҳлил қилган ҳамда Суғднинг сиёсий тарихига оид бир қатор мустақил фикрларни илгари сурган.

Суғдий ёзувнинг лингвистик таҳлили ва манбалардаги суғдий ибораларнинг таҳлили, суғдий тил генезиси борасида Пайн Шмидт¹¹, Хавиер Тромблей¹², Прод окто Шерву¹³, Аншуман Пандей¹⁴, Раҳам Аша¹⁵ каби тадқиқотчиларнинг ишларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Иккинчи гуруҳ – топонимик ва тарихий-географик тадқиқотлар. Суғд конфедерацияси тарихини ёритишдаги муҳим масалалардан бири – бу мазкур маъмурий тузилма таркибидаги тарихий топонимларни тадқиқ этиш, уларнинг географияси ҳамда топографиясини аниқлаш ва бу орқали ўша давр ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлишдир. Бу борада бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, А.Л.Хромов, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасовлар Ўзбекистоннинг умумий топонимларини тадқиқ қилиш асносида суғдий топонимларга изоҳ беришга ҳаракат қилишган¹⁶. Уларни тадқиқотларини топонимлар изоҳли луғати десак бўлади.

Бу борада О.И.Смирнованинг тадқиқотлари ўзига хослиги билан ажралиб туради¹⁷. Олима Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидаги асосан Суғднинг Панч ҳукмдорлиги тасарруфидаги топонимларнинг топографиясини аниқлаган ҳамда Юқори Зарафшон воҳасининг тарихий-географик харитасини тузган. Арабшунос Ш.Камалиддин Суғддаги туркий топонимларни тадқиқ этиш¹⁸ билан бирга Марказий (Самарқанд) ва Жанубий Суғд (Кеш ва Нахшаб) ҳукмдорликларининг тарихий-географияси ҳамда маъмурий тузулишига доир тадқиқотлар олиб борган¹⁹. Олимнинг тадқиқотлари натижаси ўлароқ Кеш ва Нахшабнинг қарам мулклари номи аниқланган. П.Б.Лурье эса

¹⁰ Якубович И.С. Проблемы согдийской этимологии: диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – М.: 2009. – 201 с.

¹¹ A Compendious syriac dictionary / Edited by Payne Smith. Oxford, 1903. – 626 p.

¹² Xavier Trembley. Pour une histoire de la Serinde (Le manichéisme parmi les peuples et reregions d'Asie Centrale d'après les sources primaires). WIEN: DER ÖSTERREICHISCHEN AKADEMIE DER WISSENSCHAFTEN, 2001. – 337 p.

¹³ Prods Oktor Skjærvø. An Introduction To Manichean Sogdian. Berlin, 2007. – 121 p.

¹⁴ Anshuman Pandey. Revised proposal to encode the Sogdian script in Unicode. 2017. – 105 p.

¹⁵ Raham Asha. A Compendious Sogdian Dictionary. Paris, 2020. – 314 p.

¹⁶ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: ЎМЭ, 2005. – Б. 114; Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент: 1985. – Б. 17; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1988. – 291 б.; Хромов А.Л. Очерки по топонимии и микропонимии Таджикистана. – Душанбе: Ирфон, 1975. – Вып. I. – 85 с.

¹⁷ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана // МИА. – М.: 1950. – №15. – С. 54-66.

¹⁸ Камалиддинов Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарқ, 2006. – 187 с.

¹⁹ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 422 с.

Суғддаги аҳоли масканлари номини лингвистик таҳлил қилган²⁰. Унинг тадқиқотида асосий эътибор топонимларнинг келиб чиқишига қаратилган бўлиб, ишда Марказий Суғд ва Бухоронинг сиёсий жиҳатдан алоҳидалиги акс эттирилмайди. Мазкур тадқиқотлар Суғддаги жой номларининг таҳлили ва келиб чиқиши хусусиятларига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Учинчи гуруҳ – археологик тадқиқотлар. Археологик жиҳатдан Суғд тарихи Туркистон ўлкасининг Подшо Россияси томонидан босиб олинган даврдан бошлаб ўрганила бошланган. Афросиёбдаги дастлабки тадқиқотлар Н.И.Веселовский томонидан бошланган. Археологик қазишмалар В.Л.Вяткин²¹, В.В.Бартольд²², А.Ю.Якубовский²³, М.Е.Массон, А.И.Тереножкин, В.А.Шишкин, Я.Ғ.Ғуломов, Л.И.Альбаум, Х.Ахунбабаев, Г.В.Шишкина, Д.Қодиров ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар томонидан давом эттирилиб, изланишлар натижасида илк ўрта асрларда Суғд тарихи ҳамда Самарқанд тарихига оид қимматли асарлар вужудга келди.

XX асрнинг 40- йилларидан бошлаб Суғд тарихи билан боғлиқ бўлган Тали-Барзу, Октепа, Кулдортепа, Кофирқалъа, Жартепа каби объектларда археологик тадқиқотлар олиб борилди²⁴. 1946 йилдан бошлаб эса А.Ю.Якубовский²⁵, 1954 йилдан эса А.М.Беленицкий²⁶ раҳбарлигида давом этган Суғд-тожик экспедицияси натижалари бир қатор олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топди²⁷. Уларда илк ўрта асрлар Суғд маданияти ва санъатига дахлдор масалалар тўғрисида маълумотлар келтирилади.

1998-йилдан бошлаб Афросиёбда ўзбек-француз археологик экспедицияси (*Mission archeologique Franco-Ouzbek*) дастлаб П.Бернар, кейинчалик Ф.Гренэ бошчилигида ўзбек олимларидан М.Исамиддинов, Т.Шириновлар билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борди. Ушбу экспедициянинг катта ютуқларидан бири, бу Афросиёбдан 30 км шимолда жойлашган Кўктепа ёдгорлигининг тадқиқ этилиши бўлиб²⁸, бунинг натижасида Суғднинг қадим давлатчилиги тўғрисида фикрлар янада ойдинлашди.

²⁰ Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дисс. ... канд. филол. наук. – СПб.: 2004. – 305 с.

²¹ Вяткин В.Л. Афрасиаб - городище былого Самарканда. – Ташкент: Уздавнашр, 1959. – 266 с.

²² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. – М.: ИВЛ, 1963. – Том I. – С. 169-443.

²³ Якубовский А.Ю. Из истории археологического изучения Самарканда // Труды отд. Вост. Гос. Эрмитажа. – Л.: 1940. – Т. II. – С. 48-52.

²⁴ Шишкина Г.В., Сулейманов Р.Х., Кошеленко Г.А. Согд // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. – М.: 1985. – С. 173-292.

²⁵ Якубовский А.Ю. Итоги работ согдийско-таджикской экспедиции в 1946-1947 гг. // МИА. – М.: 1950. – №15. – С. 13-55; Ўша муаллиф. Итоги работ таджикской археологической экспедиции за 1948-1950 гг. // МИА. – М.: 1953. – №37. – С. 9-20.

²⁶ Беленицкий А.М. Общие результаты раскопок городища древнего Пенджикента (1951-1953) // МИА. – М.: 1955. – №66. – С. 104-155; Ўша муаллиф. Древний Пенджикент. – Душанбе: Ирфон, 1971. – 89 с.; Ўша муаллиф. Раскопки древнего Пенджикента. – М.: 1972. – 545 с.

²⁷ Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда (по материалам Пенджикентских храмов) // Живопись древнего Пенджикента. – М.: 1954. – С. 25-83; Ўша муаллиф. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. – М.: Искусство, 1973. – 65 с.; Дьяконов М.М. Росписи Пянджикента и живопись Средней Азии / Живопись древнего Пянджикента. – М.: Искусство, 1954. – С. 83-159; Vaissière de la É. Samarcande et Samarra. Elites d'Asie centrale dans l'empire Abbaside. – Paris: 2007. – P. 23-107.

²⁸ Rapin Cl., Isamididov M., Khasanov M. La tombe d'une princesse nomade a Koktepe pres de Samarkand // Akademie des inscriptions et belles lettres. Comptes vendues de seances. – Paris: 2001. – P. 35-98.

Жанубий Суғд (Қашқадарё) воҳасини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш 1946 – 1948 йиллардан бошланиб С.К.Кабанов, А.И.Тереножкин, Л.И.Альбаумларнинг ишлари Р.Ҳ.Сулаймонов томонидан давом эттирилди. Мазкур худуддаги археологик тадқиқотлар Эски Ангор ва Чимқўрғон канали қурилиши билан боғлиқ ҳолда жадал олиб борилган. 1965 – 1966 йилларда бу ерда М.Е.Массон ва С.К.Кабанов бошчилигидаги Кеш археологик-топографик экспедицияси қадимги Нахшаб шаҳри харобаларини тадқиқ этдилар²⁹. Айникса, Р.Ҳ.Сулаймонов бошчилигидаги Қашқадарё археологик экспедициясининг Ерқўрғонда олиб борган тадқиқот ишлари натижасида Суғднинг қадим давлатчилиги билан боғлиқ муҳим маълумотлар қўлга киритилди³⁰.

Тўртинчи гуруҳ – нумизматик тадқиқотлар. Суғдшуносликнинг асосчиларидан бири франциялик олим Аллот де ла Фюе тадқиқотлари³¹ ўзининг кенг қамровлилиги ва хитой йилномалари билан бир қаторда араб ва форс манбаларидан ҳам фойдаланилганлиги билан ажралиб туради³². Шунингдек, ушбу тадқиқотга суғдий ёзувли тангалар биринчилардан бўлиб жалб қилинган. Шу жиҳатдан олганда, унинг тадқиқотларини Европада бу соҳадаги илк ишлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Америкалик суғдшунос Р.Фрай суғдий унвонларнинг генезиси, Суғд ҳукмдорликларининг танга зарби бўйича нашрлар эълон қилган³³. Лекин Суғд нумизматикаси бўйича О.И.Смирнова тадқиқотлари бошқалардан анчайин фарқли. Олима ўз тадқиқотларида³⁴ илк ўрта асрларда Суғднинг араблар томонидан босиб олиниши жараёнларини тадқиқ этиш асносида ўрганилаётган мавзунинг баъзи қирраларига эътибор қаратган. Шунингдек, О.И.Смирнова биринчилардан бўлиб суғдий тангаларнинг каталогини тузган³⁵ ҳамда Суғд конфедерациясининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан боғлиқ ўз мулоҳазаларини ҳам айтиб ўтган. Таъкидлаш лозим бўлган яна бир масала шуки, олима томонидан “Суғд тарихидан лавҳалар (Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970)” яратилган бўлиб, тадқиқотда илк ўрта асрлар Суғд тарихининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид бир қатор масалалар ўз аксини топган. Лекин кейинги 50 йил

²⁹ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисябзком оазисе. Известия АН УзССР. 1951. – №6. – С. 62; Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Ташкент: Фан, 1977. – С. 6.

³⁰ Распопова В.И., Шишкина Г.В. Согд // Средняя Азия в раннем средневековье / Под редакцией Г. А. Брыкиной. – М.: 1999. – С. 220-241; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – 342 с.; Шишкина Г.В., Сулейманов Р.Х., Кошеленко Г.А. Согд // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. – М.: 1985. – С. 173-292.

³¹ Allot de la Fuye. Monnaies incertaines de la Sogdiane et des contrees voisines. Revue Numismatique. – Paris: 1910; 1925; 1926. – P. 40.

³² Гойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчининг ўрни. ... – Б. 42.

³³ Frye R.N. Tarxun – Turxun and Central Asian History // Harvard Journal of Asiatic Studies. – Cambridge, 1951. – vol. XIV. – P. 105-129; Frye R.N. The role of Abu Muslim in the “Abbasid Revolt” // The Muslim World. – Hartford: 1951. – vol. XXXVII. – P. 42; Frye R.N. The history of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge: 1954. n. 28. – 178 p.

³⁴ Смирнова О.И. К истории Самаркандского договора 712 г. (Договор арабского полководца Кутайбы с царем Согда Гуреком, заключенный в 712 г.) // КСИВАН. – 1960. – Вып. XXXVIII. – С. 140; Ўша муаллиф. О титуловании согдийских правителей. – М: ИВЛ, 1962. – С. 393-398; Ўша муаллиф. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – 288 с.

³⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – 389 с.

давомида тўпланиб қолган хулосалар ҳамда илмий ютуқлар мазкур тадқиқотни қайта тўлдиришни тақозо этади.

Суғд конфедерацияси ҳукмдорликларининг Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари даврида зарб эттирган тангалари ва илк суғдий тангалар талқини Е.Зеймаль томонидан амалга оширилган бўлиб³⁶, мазкур тадқиқот конфедерация ҳукмдорларининг илк тангаларини ўрганишда, сиёсий ҳаётнинг танга зарбида акс этиши масаласини тадқиқ этишда айниқса, қимматли.

Э.В.Ртвеладзе ва Дж.Ильясов тадқиқотларида илк ўрта асрларда Суғд тарихига, хусусан, унинг нумизматикасига эътибор қаратишган³⁷. Уларнинг тадқиқотларида келтирилган суғдий ибораларнинг талқини масаласи баҳсли.

Суғд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалар нумизмат Ғ.Бобоёров томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, унинг изланишларида илк ўрта асрларда Суғддаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жарёнлар тўғрисида маълумотлар жой олган. Тадқиқотчи Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувидаги вассаллардан бири сифатида Суғд масаласига бир мунча тўхталиб ўтган³⁸.

Суғдий тангаларнинг катта қисми А.А.Мусакаева томонидан ўрганилиб, улар шартли равишда “Турон тангалари” деб талқин қилинган³⁹. Ушбу тадқиқотда Суғд конфедерациясининг Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалари таснифига эътибор қаратилмаган. Бундан ташқари, тадқиқотнинг асосий маълумотлар базаси Бухоро воҳаси тангаларидан иборат.

Бешинчи гуруҳ – умумий тарихий тадқиқотлар. Суғд конфедерацияси тарихининг у ёки бу қиррасини ўзида акс эттирган ишлар ҳам талай бўлиб, ўрни келганда уларга ҳам тўхталиб, уларнинг тавсифини келтириш лозим. Хорижда Суғд тарихи билан боғлиқ илмий изланишларни XIX асрнинг иккинчи ярмида В.Томашек бошлаб берган бўлса, Й.Маркварт тадқиқотларида⁴⁰ Ўрта Осиёнинг исломдан аввалги сиёсий аҳволи ёритилиб, унинг ишлари турк-суғд муносабатларига катта эътибор қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

В.В.Бартольд ўз асарларида кўплаб миқдордаги манбаларни жалб этиш орқали Суғд бўйича тарихий-географик тафсилотлар, араблар босқини билан бир қаторда Марказий Осиёнинг ижтимоий ва этно-сиёсий тарихини даврлаштириш ҳамда худудий алоқадорлигини кўрсатиш юзасидан ўз хулосаларини илгари сурди⁴¹. Муаммонинг хоқонлик билан боғлиқ баъзи жиҳат-

³⁶ Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 269-273.

³⁷ Ртвеладзе Э.В. Цивилизация, государство, культуры Центральной Азии. – Ташкент: 2005. – 286 с.; Ртвеладзе Э. История и нумизматика Чача (вторая половина III - середина VIII в. н.э.). – Ташкент: 2006; Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента // Нумизматика Центральной Азии. – Ташкент: 2004. – Вып. VIII. – С. 58-59; Ильясов Д. О происхождении тамги Самаркандских правителей // Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тугган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – Б. 146-149.

³⁸ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата: автореферат дисс. на соиск. доктора истор. наук. – Тошкент: 2012. – 56 с.; Исхаков М., Камолитдин Ш., Бабаяров Г. Титулатура доисламских правителей Чача. – Ташкент: ТашГИВ, 2007. – 87 с.

³⁹ Мусакаева А.А. Туранские монеты III-VIII вв. – Ташкент: 2013. – 192 с.

⁴⁰ Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901. – P. 74.

⁴¹ Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья / Соч. – М.: Наука, 1963. Т. II (1). – С. 104.

лари қисман бўлса-да, рус турколог С.Г.Кляшторный⁴² изланишларида ўз аксини топган. Муаммонинг араблар босқини даври билан боғлиқ бир қатор жиҳатлари Б.Гафуров ва Г.Гоибов тадқиқотларидан ўз аксини топган⁴³. Хусусан, Б.Гафуров Суғдга конфедератив уюшма сифатида қарашни илгари сурган.

Этиен де ла Вессьер асарларида⁴⁴ Суғд конфедерацияси ва унинг таркибидаги ҳукмдорликлар географияси, Деваштич сиёсий фаолияти ва араблар босқини арафасидаги Суғднинг сиёсий ҳолатига эътибор қаратади. Жумладан, у Суғднинг араблар томонидан босиб олинishi масаласини алоҳида таҳлил этишга ҳаракат қилган. Тадқиқотчининг “Суғдий савдогарлар тарихи” номли асарида эса суғдийларнинг Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда тарқалишини ёритиш билан бирга тарихий Суғдга бирмунча тўхталган⁴⁵. Таъкидлаш лозимки, хитой йилномалари асосида Этиен де ла Вессьер биринчи бўлиб, Суғддаги маъмурий ўзгаришларга ўз тадқиқотларида жой ажратиб, Маймурғ ва Панч ҳукмдорликларининг бир муддат ягона ҳукмдорлик бўлганлигини илгари суради. Аммо мазкур ҳолат юзасидан манбаларда бевосита маълумот келтирилмаган.

Суғд тарихи бўйича нафақат Ғарбда мутахассислар етишиб чиқди, балки Японияда ҳам ўзига хос “суғдшунослик мактаби” шаклланди. Ушбу мактабнинг К.Эноки⁴⁶, М.Мори⁴⁷, Т.Хаяши⁴⁸, Т.Осава⁴⁹ каби намояндалари ва кейинги даврларда Турк хоқонлиги даври тарихи борасида илмий изланишлар олиб бораётган Ю.Йошиданинг⁵⁰ тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг маълумотларида мавзуга доир масалалар бўйича умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Америкалик тадқиқотчи Ж.К.Скэфф Турк хоқонлиги таркибидаги маъмурий бирликлар орасидаги муносабатларни хоқонлик тарихи доирасида тадқиқ этган бўлиб⁵¹, унинг бу борада билдирган фикрлари ўзининг кенг кўламлилиги билан ажралиб турса-да, мазкур тадқиқотда Суғдга хоқонликнинг бир вилояти сифатида қаралган.

Суғдшунос А.Атаходжаев тадқиқотларида илк ўрта асрлар турк-суғд муносабатлари чуқур таҳлил этилган бўлиб, олим тадқиқотлари асносида

⁴² Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С. 64; Кляшторный С.Г. Из истории борьбы народов Средней Азии против арабов // ЭВ. – 1954. – Вып. IX. – С. 55-64.

⁴³ Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга. 1. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 280; Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию (604-704). – Душанбе: Дониш, 1989. – С. 25-47.

⁴⁴ Vaissière de la É. Samarcande et Samarra. Elites d'Asie centrale dans l'empire Abbaside. – Paris: 2007. – P. 23.

⁴⁵ Vaissiere de la É. Histoire des marchands sogdiens. – Paris: College de France, 2002. – P. 286.

⁴⁶ Enoki K. On the nationality of the Epthalites // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko. – 1959. – № 18. – P. 34-40.

⁴⁷ Mori M. Sogdlularin Orta Asya'daki Faaliyetleri. TTK, Belleten, Ocak. – Ankara: 1983. – S. 339-351.

⁴⁸ Hayashi T. Sogdian Influence Seen on Turkic Stone Statues Focusing on the Fingers Representation // Ērān und Anērān. Studies Presented to B.I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday. – Venezia: 2006. – P. 245-259.

⁴⁹ Ōsawa T. Aspect of the Relationship Between the Ancient Turks and the Sogdians – Based on a Stone Statue with a Sogdian Inscription in Xinjiang // Ērān und Unērān. – Venezia: 2006. – P. 471-504.

⁵⁰ Yoshida Y. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related Problems // JA. 2003. – Tome 291. 1-2. – P. 35-67.

⁵¹ Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // Turks, 2. – Ankara: 2002. – S. 364-372

Суғднинг Марказий Осиё цивилизациясидаги ўрнини кўрсатиб берган ва шу аснода Суғднинг илк ўрта асрлар даври тарихига эътибор қаратган⁵². Ушбу масала доирасида Ў.Мансуров ҳам тадқиқот олиб борган бўлиб, тадқиқотчининг ишлари Суғд тарихига дахлдор манбалар тадқиқига бағишланган⁵³. Ш.Шоёқубов эса Муғ тоғи суғдий хужжатлари асосида илк ўрта асрлар Суғд давлатчилиги ва маҳкама ишлари тарихини ўрганган⁵⁴.

А.М.Маликов қадимги Суғд археологик ёдгорликларидан топилган хоқонликка алоқадор моддий ашёларни тадқиқ этиш баробарида, Суғддаги илк ўрта асрларда кечган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳам қисқача ёритиб ўтган⁵⁵. Хитойшунос А.Хўжаев Хитой йилномаларидаги Чоч, Фарғона ва айниқса, Самарқанд тарихига доир маълумотларни таҳлил қилиш мобайнида ушбу ҳукмдорликлар ҳамда бевосита уларнинг хоқонлик билан муносабатлари масаласига ҳам тўхталган⁵⁶. А.Хўжаев тадқиқотларида Суғд тарихининг муҳим жиҳатлари ҳам жой олган. Олим Суғд маркази Самарқанд тўғрисида хитой йилномаларида келтирилган маълумотларни чуқур таҳлил қилган⁵⁷.

Хуллас, Суғд тарихи акс эттирилган илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Марказий Осиё минтақаси ҳаётида муҳим рол ўйнаган Суғд тарихи илмий адабиётларда яхлит тарзда ўрганилган эмас. Тадқиқотларнинг аксариятида илк ўрта асрлар Суғд тарихи билан боғлиқ масалаларга муаллифларнинг мақсадлари доирасида у ёки бу даражада ёндашилганлиги кўринади. Археологик тадқиқотларда ҳам моддий ёдгорликлар мажмуининг турли йўналишларидаги тавсифлари ва археологик материал сифатидаги таҳлили, баъзи ўринларда у ёки бу топилманинг функционал талқини каби жиҳатларига аҳамият берилган. Қазиишлар натижасида Суғд шаҳарларининг илк ўрта асрлардаги меъморий қиёфаси, хўжалик турмуш тарзи, тарихий топографияси каби масалалар ҳам ёритилган.

Мазкур тадқиқотни яратишда ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган тарих.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов, тарих ф.д. Ғ.Б.Боёров, тарих.ф.д. А.Атаходжаевларга муаллиф миннатдорчилик билдиради.

⁵² Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – 219 б.

⁵³ Мансуров Ў.Н. Суғд ёзма ёдгорликлари манбашунослиги масалалари. Тарих фанлари номзоди... дис. – Тошкент: 2003. – 137 б.

⁵⁴ Шоёқубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2008. – Б. 45.

⁵⁵ Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI-VIII вв. (по археологическим и письменным источникам). Автореф. на соиск. учен. степени канд. истор. наук. – Самарқанд, 2000. – 24 с.

⁵⁶ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 10-37; Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi, 2004. – №1. – Б. 52-61.

⁵⁷ Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде // Цивилизация и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. 2009 г. 7-8 сентябр. – Самарқанд: 2009. – С. 142-144.

“СУҒД” АТАМАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

Маълумки, Суғд милoddан аввалги I мингйилликнинг бошларида Ўрта Осиёда шакллана бошлаган илк давлатлар (“шаҳар – давлат”, “воҳа давлати”)дан бири сифатида қадимий эроний битикларда *Сугуда*, юнон манбаларида *Согдиана* шаклида тилга олинади⁵⁸.

<*swyδ-*> /*syδ-*/, <*sywδ-*> /*səyud-*/ шаклларда ёзилган “Суғд” қадимги ёзма манбаларда *suūda* (Авесто), *Σογδιανή* (*Sogdia* – юнон), *Sugda* ёки *Suguda* (қадимги форсий), *šū-ug-da* (элам), *su-ug-du* (аккад) тарзида қайд этилган. “Авесто” китобида “Гава ўлкасида суғдийлар яшайди” деб келтирилади. Антик давр манбаларида ҳам *Sogdiane* ўлкаси (Суғд) ва *sogdianoī* аҳли (суғдий) ҳақида тафсилотлар келтирилиб, А.Атаходжаев ўз тадқиқотида Р.Фрайга суянган ҳолда, суғдийларнинг бу ҳудудга жойлашув мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми ва I мингйиллик бошлари деб келтиради⁵⁹.

Суғд конфедерацияси ҳудуди Ўрта Осиёда энг муҳим ҳудудлардан бўлиб бу ерда яратилган маданият Шарқий Туркистон, Хитой, Эрон, Ҳиндистон маданиятларига таъсир этган⁶⁰. Таъкидлаш жоизки, бугунги кун тарихшунослигида Суғд конфедерацияси чегаралари, айниқса жанубий чегаралари тўғрисида баҳслар кўзга ташланади. В.А.Лившиц ўз тадқиқотларида Страбон маълумотлари асосида Суғднинг жанубий чегараси Оксгача (*Waxsu* – Амударё) ва шимолда эса Яксартнинг юқори оқимигача (қадимги эроний тилда *Yax sarta* – «Тез оқувчи (?)», Сирдарё)⁶¹ бўлган деб келтиради.

Ўрта аср араб-форс тарихчи ва сайёҳлари Суғд деб Зарафшон воҳасининг марказидаги Самарқандни ёки бутун воҳани ҳамда жанубий Суғд деб Қашқадарёни (Кеш ва Нахшаб) келтирадилар⁶².

Аслида Суғд географик жиҳатдан бугунги Ўзбекистон ҳудудларининг Зарафшон ва Қашқадарё ҳудудлари бўйлаб жойлашган Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб воҳаларидан иборат марказий бўғинини ташкил этади. Аммо манбаларда V – VIII асрларга оид Суғднинг географик ҳудудлари ҳақида баъзан бир-бирини истисно этувчи фикрлар етиб келган. Масалан, хитой роҳиби Сюан-цзан⁶³ (629) “Суғд” тушунчасини жуда кенг ҳудудларга нисбатан тадбиқ этган⁶⁴. Унинг маълумотларидан аён бўлишича, Чу дарёси водийсидан то Қарши воҳасини Шеробод воҳасидан ажратиб турувчи тоғ довоидаги Темир дарвозагача (Дарбанд) “Суғд” деб аталган.

629 – 630 йилларда Ўрта Осиё орқали ўтган Сюан-цзан бу ҳудуднинг географияси тўғрисида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган. Унга кўра, Суғд

⁵⁸ Латышев В.В. Известия древних писателей о Скифах и Кавказе // ВДИ. – 1947. – № 1. – С. 257-279.

⁵⁹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 64.

⁶⁰ Goyibov B. From the history of relations between Sogd and India / South and Central Asia: insights and commentaries // Edited by A. Sengupta, M. Rakhimov // – New Delhi: KW Publishers Pvt Ltd, 2015. – P. 75-95.

⁶¹ Лившиц В.А. Древнее название Сыр-Дарьи // ВДИ. – М: 2003 – №1. – С. 3-10.

⁶² Бартольд В.В. Согд / Соч. – М: 1965. – Т: III. – С.487-488.

⁶³ Роҳиб Хитойдан Шарқий Туркистон, Жанубий Қозоғистон, Чоч, Кан (Самарқанд), Ши (Кеш), Тохаристон орқали ҳозирги Шимолий Афғонистондаги Балх, Қундуз орқали Ҳиндистонга ўтган. Орқага қайтишда эса Помир тоғлари орқали Тибет ва Шарқий Туркистондан ўтиб Хитойга келган (Қаранг: Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Ташкент: ЎМЭ, 1999. – С. 280).

⁶⁴ Гафуров Б.Г. Таджики. ... Кн. 1. – С. 314.

(хитойча *Сули*) Суёбдан то Кешгача (Қашқадарё воҳаси) бўлган ҳудудда жойлашган. Бу ҳудуд аҳолисининг тили ва ёзуви ҳам суғдийча бўлган⁶⁵. Бундан маълум бўладики, VII асрнинг биринчи ярмида суғдий тил ва ёзув Зарафшон водийси, Қашқадарё воҳаси, Уструшона⁶⁶ ва Чочда кенг тарқалган. Бу ҳақда Чочда зарб этилган тангалар ва сақланиб қолган топонимлар орқали ҳам билиш мумкин⁶⁷.

Худди шунга ўхшаш маълумот 726 йилда Ўрта Осиёда бўлган бошқа бир хитой сайёҳи Хой Чао томонидан келтирилган. У Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғини тил хусусиятларига қараб олти географик ҳудудга бўлади. Улар: Бухоро (*Ань*) воҳаси, Уструшона (*Цао*), Кеш (*Ши*), Чоч-Илоқ (*Ши-ло*), Маймурғ (*Ми*) ва Самарқанд (*Кан*) бўлган. Ушбу ҳудудлардан суғдий ёзма ёдгорликларнинг топилиши ҳам буни тасдиқлайди.

“Суғд” тарихий-географик атамаси қайси ҳудудларга боғланиши ҳақида хитой манбалари қизиқарли маълумотлар беради. Хитойлар ўз давлатларининг чегараларини хариталарга тушириш асносида ўзларига қўшни бўлган ҳудудларнинг номларини ҳам келтириб ўтганлар. Масалан, Хан сулоласи йилномасида Суғдни “Сухэ” деб келтиради ва Кангюйнинг бир бўлаги сифатида кўрсатилади. Тан сулоласи йилномасида эса Суғд *Шы* (Кеш) билан бир ҳудуд деб келтирилади⁶⁸.

Зарафшон дарёси (халқ тилида – «Зар сочувчи») ўрта аср муаллифлари асарларида “Суғд дарёси”, “Бухоро дарёси” деб келтирилади. Баъзан шундай ҳам бўладики, маълум бир макондан аҳолининг кўчиши натижасида ўша ердаги жой номи ҳам ўзгаради. Унинг асл жойини бошқа халқ ёки этник ўзгалар эгаллайди. Худди шу каби ҳолат Зарафшон дарёсига нисбатан бир неча бор рўй берганлиги маълум. Клавдий Птоломей уни Политимет (Πολιτίμητος) “кўп улуғвор” ёки “кўп шарафли” деб номлаган бўлиб, бу қадимги суғдийчада *Nāmika* ёки *Nāmīca* - “машҳур”, “фахрли, улуғвор” маъноларини англатади. Муғ тоғи суғдий хужжатларида бу сўз *nm'suw* ва *nm'sw* шаклида келтирилади⁶⁹. Бу гидроним хитойчадан *Nāmiet* шакли орқали кириб келиб, илмий адабиётларда Нами шаклида қўлланилган ва Суғд конфедерацияси жойлашган воҳа сифатида келтирилган⁷⁰.

“Суғд” атамаси узок вақт давомида турли тилли манбаларда учраб келган. В.Томашек бу сўзни умумэроний тиллардан келиб чиқиб, “порламоқ”, “ёнмоқ”, “ярқирамоқ” (тожик тилидаги “сuxтан” – “ёнмоқ” сўзининг негизини ташкил этади) деб изоҳлайди⁷¹. Форсий ёки тожик тиллари луғатида эса бу атама – “сув тўпланадиган пасттекислик” маъносини беради. Ушбу ўринда сув тўпланадиган жой сифатида Зарафшон дарёсининг қуйи қисми назарда тутилган⁷². Агарда *Suyd* топоними “ёнмоқ” – “сўхтан” маъноларини англа-

⁶⁵ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 348.

⁶⁶ Лившиц В.А. Согдийские документы из замка Чильхужра. ... – С. 77-89; СДГМ II. – С. 71-74.

⁶⁷ Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Титулатура доисламских правителей Чача. – Ташкент: 2007.

⁶⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 274.

⁶⁹ СДГМ II. – С. 78.

⁷⁰ Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана // Соч. III. – М: 1965. – С. 97-236.

⁷¹ Tomashuk W. Central Asiatische Studien I. Sogdiana. ... – P. 74-75.

⁷² Лившиц В.А. Согдийские документы из замка Чильхужра. ... – С. 80.

тадиган бўлса, уни Фарғона водийсидаги Сўх (Sox) шаҳри ва дарёси номига ўхшаш деб қараш мумкин. Авваламбор топоним сифатида шаклланган Суғд ибораси кейинчалик этнонимлашганлиги алоҳида таъкидлаш лозим⁷³.

Суғднинг географик жойлашуви ҳақида гапирганда маҳаллий манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Чунки қадимги эрон ва юнон муаллифлари Суғдни яқиндан билмаганликлари сабабли ўз асарларида Суғд маъмурий бирликлари ва географиясига оид аниқ маълумотлар бера олишмаган. Улардаги маълумотлар умумий тасаввур беради, холос. Масалан, Й.Маркварт Арйанам-Вайжа мамлакати ахамонийларга қадар мавжуд бўлган Ўрта Осиёдаги йирик давлат эканлиги, унинг маркази Хоразм бўлганлиги тўғрисидаги тахминни юнон-рим манбаларига асосланган ҳолда илгари сурган⁷⁴. Кейинчалик бу гипотеза В.Б.Хеннинг ва И.Гершевич томонидан, рус тарихшунослигида С.П.Толстов томонидан қўллаб-қувватланган эди⁷⁵. Уларнинг фикрича, мазкур минтақа Хоразмдан жанубга қараб жойлашган бўлиб, унинг марказида Марв ва Ҳирот (қадимги Ария) турган. Ушбу гипотезанинг вужудга келишига Геродот берган маълумотлар асос бўлиб хизмат қилган бўлиб, унда келтирилган Ак⁷⁶ дарёсидаги тўғон хоразмликларга қараган ҳамда Хоразм, Парфия, Ария ва Суғдиёна ахамонийлар сатрапликлари бўлган⁷⁷. Лекин ушбу маълумотларда Суғднинг тарихий-географик чегаралари тўғрисидаги маълумотлар жуда тарқок.

Суғд тарихий географияси ва маъмурий тузулиши хусусида Юнон-Рим тарихчиларидан фарқли ўлароқ ўрта аср араб-форс тарихчилари келтирган маълумотлар тарихий ҳақиқатга яқинлиги билан ажралиб туради.

Ўрта аср ислом даври тарихчи-сайёҳлари Суғд маркази Самарқанд ҳукмдорлигининг 12 та мулки бўлганлигини келтиришади. Улар Зарафшон дарёсидан жанубга қараб Бунжикат (ёки Панжикент ?⁷⁸), Варағсар, Маймурғ, Санжарфағн, Дарғом, Абғар ва шимолга қараб Ёркет, Бурнамуд, Бузмаджон, Кабудонжакет, Ведар, Марзбон жойлашган⁷⁹. Улар шарқдан ғарбга қараб санаб ўтилган. Мулклардан айримлари Суғд конфедерацияси шаклланишига қадар алоҳида ҳукмдорлик бўлган. Масалан, Маймурғ алоҳида ҳукмдорлик бўлиб, Варағсар ва Санжарфағн унинг таркибида эди. Эҳтимол, Панжикент ҳам Маймурғ таркибида бўлгандир⁸⁰. Чунки қатор манбаларда (хитой йилномалари, араб ва форс манбалари) муҳим сиёсий мавқеига қарамасдан Панч тилга олинмаган. Мазкур мулкларнинг баъзилари суғдий ҳужжатларда

⁷³ Девонакулов А. Асрори номҳои кишвар. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 143-151.

⁷⁴ Marquart J. Die Chronologie der altturkischen Inschriften. – Leipzig: 1898. – P. 59-72.

⁷⁵ Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – vol. 12. – P. 176; Gershevich I. The Avestan hymn to Mitra. – Cambridge: 1959. – P. 21.

⁷⁶ Парфия билан чегарадош бўлган ҳозирги Тажан-Херируд воҳаси (Қаранг: Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес. – Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. – М.: Наука, 1967. – С. 172-175).

⁷⁷ Дандамаев М.А. Политическая история ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985. – С. 31.

⁷⁸ Ислом даври манбалари Суғд таназзулга юз тутганидан анча кейин ёзилган. Бу даврга келиб Панжикент бошқаруви Самарқанд томонидан назорат қилингандир. Балки шунинг учун ҳам Бунжикат деб назарда тутилган жой Уструшона маркази Бунжикат билан чалкаштирилган – Б.Ғ.

⁷⁹ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т.1. – С. 144.

⁸⁰ Vaissière de la É. Sogdian traders: a history. ... – P. 120.

хам қайд этилган. Масалан, Дарғом мулкига тегишли қишлоқ номи *pr'tudn* – Фармитон деб келтирилган⁸¹.

Суғд конфедерациясининг жанубий ҳудудида жойлашган ҳукмдорлиги Кеш бўлиб, араб манбаларида унга қарашли мулклар (17 та) қуйидагилар эканлиги тилга олинади: Арған (ارغان), Ару (ارو), Баландарин (بالندرين), Бузмажан (بزماجن), Кашк (كشك), Маймурғ (مايمرغ), Кашкруд (كشكرواد), Ички Санкарда (سنكرده الداخلى), Ташқи Санкарда (سنكرده الخارجى), Мийон Киш (ميان كش), Расмаин (رسمائين), Руд (رود), Сийам (سيام), Сурруда (سورودة), Жажруд (جاجرود), Хузар (خزار), Хузарруд (خزارود)⁸².

Суғднинг Нахшаб ҳукмдорлиги ҳам бир неча катта-кичик мулкларни ўзида бирлаштирган бўлиб, манбаларда улар рустоқлар (18 та) сифатида тилга олинган. Улар қуйидагилар: Касби – كسبة, Базда – بزدة, Косон – كاسن (Косонтепа), Ғубдин – غوبدين, Батхудон – بتخدین, Сирокас – سيركث, Маймурғ – مايمرغ (Майманактепа), Фийжакас – فيجكث, Шийракас – ثيركث, Сакабадяз – ساكابدياز, Афуран – أفران, Кажар – كاجر, Баштан – بشتان, Бадйана – بديانة, Наукад – نوكد, Кармужин – كرمجين, Варазан – ورازان, Ванакат – وناكت⁸³.

Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларининг мулклари кейинги даврларга оид арабий тилли манбаларда учраса-да, мулкларнинг номланиши ва топографияси масаласида ноаниқликлар мавжуд. Масалан, дастлаб *Киш* шаклида тилга олинган Кеш таркибида бўлган Хузар кейинги асрларда Насаф таркибида кирганлиги манбаларда қайд этилади⁸⁴.

Араб манбаларида келтирилган маълумотлардан фарқли равишда Хитой манбаларида Суғд конфедерациясининг маъмурий бирликлари ноаниқ тасвирлаган ҳолатлари ҳам мавжуд. Йилномаларда Самарқанд Суғдининг маркази бўлган Кан (Самарқанд)га тегишли ҳудудлар қаторига *Унахэ* (Чоржўй) ва *Му* (Амул?)ни ҳам киритилади⁸⁵. Мазкур ҳолат *Унахэ* ва *Му* ҳукмдорининг Суғд конфедерацияси ҳукмдорлари шажарасидан эканлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Суғд ҳудудлари хусусида араб манбаларидаги маълумотлар ҳам бир хил нуқтаи-назарда эмас⁸⁶. Баъзи муаллифлар Суғд деб Ўрта Зарафшон – Самарқанд воҳасинигина тушунади. Шарқда Панжикент, ғарбда Кармана Суғднинг чегаралари бўлган деб кўрсатишади⁸⁷. Мазкур манбаларда Панчдан шарқ ва шимоли-шарқ томондаги Суғдга тегишли мулклар назардан четда қолган. Булар, Панчга қарам Парғар ва Зарафшон юқори оқимидаги Абатмаут – *'βtm'wt*, Пахут – *p'γwt* ва Ахсиканд – *'γsyknδh* (*γsyknδh*), Анзоб – *'nz'βh*, Искодар – *'sk'trh* (Искадар), Аски Разр – *'sky rzh*, Исфисар – *'spysr*, Евшишт – *'uwšyšt*,

⁸¹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 130.

⁸² Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 23-24.

⁸³ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. ... – С. 56-70.

⁸⁴ Hudud al-Alam. The regions of the world, a Persian geography / Translated and explained by V. Minorsky. – London: 1970. – P. 114.

⁸⁵ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 54.

⁸⁶ Бартольд В.В. Энциклопедия ислама / Соч. – М.: Наука, 1965. – Т. III. – С. 487-489.

⁸⁷ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана // МИА. – М.: 1950. – №15. – С. 54-66.

Азғанак – *'zynkh*, Заравадк – *'zr'wδkh* (*zr'wδkh*), Банпар – *β'nprh*, Варз – *βrz*, ('), *βtmyβh* – Фатмев, Вурзвадк – *βwrzw'δk*, Вишак – *βyšk*, Дарғаут – *δry''wtk* – Дарғаут ёки Дарғ – *δryh*, Крут – *krwt*, К(у)штут – *kwštwt* / (')*kštwt*, Мадм – *mδmh*, Мартиш / Мартушкат – *mrtš*, *mrtškt*, Партан – *p'rtn*, Пахуд – *pδywt*, Фармитан / Фарнмитан – *pr'myδn* / *prmyδn*, Вардакат – *wrd'kty*, Зраваб / Зрунб – *zr'w'p* / *zrnw'p* каби қишлоқлардир⁸⁸.

Араб манбаларида Муғ тоғи суғдий ҳужжатларига нисбатан Суғд географияси ва маъмурий бўлиниши хусусидаги маълумотлар анчайин ноаниқ. Масалан, Карманадан ғарбга томон Бухоро Суғдини “Катта Суғд”га қўшмай қаралган манбалар ҳам мавжуд. Худди шу каби Қашқадарё воҳасига нисбатан Суғдга тегишли ҳудуд сифатида қарашда ҳам ҳар хиллик мавжуд. Масалан, баъзи муаллифлар Суғд деб Зарафшон дарёсининг юқори оқимидан то қуйи оқимигача барча ерларни, жумладан, бу ҳудудга Бухоро воҳасини ҳам киритишлари билан биргаликда Кеш, Нахшаб воҳаларини Суғддан айириб қаралган ҳоллар ҳам учрайди. Чунончи, Ибн Хавқал араблар жорий қилган солиқ-молия маъмурий бўлинишдан келиб чиқиб, Суғдни Бухородан Кеш, Нахшабдан ажратиб қарайди⁸⁹. Ал-Истаҳрий маълумотларида эса Суғдни уч қисмга бўлиб (Самарқанд, Бухоро, Кеш-Нахшаб) қаралмагани кўзга ташланади, яъни, Истаҳрий ўз баёнини осонлаштириш учун Суғднинг қисмларини бир-биридан ажратиб берган⁹⁰.

Суғднинг тарихий чегаралари тўғрисида тарихчи-сайёҳ Ибн Хурдодбех маълумотларида Самарқанд ва Суғд алоҳида ҳудуд сифатида таърифланади⁹¹. Афтидан, бу нарсага исбот талаб қилмас ҳақиқат, деб қаралган. Ҳолбуки, Самарқанд кўпгина манбаларда Суғднинг марказий қисми деб келтирилади. Эҳтимол араб тарихчилари Суғдни яқиндан билмаганлар, натижада унинг тарихий чегараларини аниқ тасвирлай олишмаган.

Араб муаллифи ал-Муқаддасий эса Жайҳоний маълумотлари асосида илк ўрта асрларда Суғдга Кеш ва Насаф (Нахшаб) ерлари кирган, деб кўрсатади. Лекин у Самарқанд яқинидаги Иштихонни кучли мавқеига қарамай, Суғдга киритмайди. Ваҳоланки, Хитой йилномаларига кўра, Иштихон (Цао), Суғднинг муҳим марказий туманларидан бўлиб, бу ҳудудда Кушония (Хэ) ҳам жойлашган. Баъзи ҳолларда Кушония ва Иштихонга бир ҳудуд сифатида қаралади. Бунга ал-Муқаддасийнинг қуйидаги сўзларини мисол келтириш мумкин: “Суғднинг асосий бош шаҳри – Самарқанд, кейин эса Кеш, сўнгра Насаф, ундан кейин эса Кушония – то унинг охиригача. Ва у (Жайҳоний) дейдики, Самарқанддан бошқа Суғднинг яна бир йирик шаҳри – Иштихон. Лекин у Суғддан алоҳида ҳисобланади. Араб муаррихлари Бухорони ҳам Суғдга қўшадилар. Бунинг сабаби қилиб Бухорони Суғд дарёси (Зарафшон

⁸⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 84.

⁸⁹ Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи. Ш. Камалиддин. – Тошкент: ЎМЭ, 2011. – Б. 27-30, 49-51.

⁹⁰ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum..... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1967. – P. 316.

⁹¹ Хордадбех Ибн. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик (Книга путей и стран) / перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Наили Велихановой. – Баку: Элм, 1986. – С. 162.

дарёси – Б.Ф.) бўйида жойлашганлигини кўрсатишади⁹²”. Лекин илк ўрта асрларда Ғарбий Суғд – Бухоро 22 та ҳукмдорлик ва уларнинг таркибидаги ўнлаб мулкларни ўзида бирлаштирган бўлиб, мустақил ички бошқарувга эга бўлган. Ўрта аср тарихчи-сайёҳлари (Ал-Маъсудий, Ёқут ал-Ҳамавий...) ҳам ушбу маълумотни таъкидлашган. Географик жиҳатдан Бухорони Суғднинг алоҳида бўлаги дейиш мумкин⁹³. Лекин сиёсий жиҳатдан Бухоро ўз номидан танга зарб қилган мустақил ҳукмдорликлардан иборат бўлган.

Ал-Истахрий эса Самарқандни Суғднинг алоҳида муҳим қисми, деб таъкидлайди. Шу билан бирга, Бухорони ундан алоҳида таърифлайди: - “Бухоро шарқ томонидан Суғд билан чегарадош. Карминияга⁹⁴ етгач, у ёғи Дабусиядир, сўнгра Рабинжон, Кушония, Иштихон ва Самарқанд. Булар ҳаммаси Суғднинг юрагидир”⁹⁵. Бу ўринда Суғднинг юраги, дейилганда конфедерация маркази Самарқанд назарда тутилган.

Юнон манбаларида Суғд деб Зарафшон ва Қашқадарё воҳасигина тушуниланган бўлса, баъзи ўрта аср муаллифлари (масалан, ас-Самъоний. “Китоб ал-ансаб”) Суғдни Самарқанд деб тушунадилар⁹⁶.

“Суғд” тарихий-географик тушунчаси ҳақида айтилган кўплаб фикрлар орасида ал-Истахрий энг тўғри нуқтаи-назарини ифода этган: - “Мовароуннаҳр – унинг (бир қатор) мулклари бор. Унинг бири Жайхун билан туташ. Бу “Бухоро” деб аталади. Қолган Суғд (ерлари) унга туташ ва Самарқандга қарашлидир. Бухоро, Кеш, Насафга келсак, мен уларни асосан Суғдга тааллуқли деб ҳисоблайман⁹⁷”.

Суғд конфедерациясининг тарихий географияси ва маъмурий бўлиниши хусусида хитой манбаларида келтирилган маълумотлар янада муҳим аҳамиятга эга. 629 – 630 йилларда Тохаристон ҳудуди орқали Ҳиндистонга ўтган хитой будда роҳиби Сюан-цзян (600 – 664) кундаликлари “Да Тан Синой цзи”да (“Буюк Тан сулоласи [даврида] ғарбий мамлакатлар ҳақида хотиралар”) VII асрнинг биринчи чорагида Самарқанд шаҳри халқаро савдо марказларидан бири сифатида гуллаб-яшнаган шаҳар деб келтирилади. Манбада келтирилишича, Самарқанд мамлакатининг чегараси узунлиги 1251 – 1267 киллометрга тенг. Бозорлари турли хориж маҳсулотлари ва қимматбаҳо буюмлар билан тўла, аҳолиси гавжум бу шаҳарнинг ички шаҳар қисми 11,52 км айлана узунлигига тенг⁹⁸. Сюан-цзан Шарқий Туркистон, Етгисув, Чоч, Уструшона каби ҳудудлардан ўтади. Ниҳоят, хитойлик сайёҳлар конфедера-

⁹² Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum..... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1967. – P. 269.

⁹³ Гойилов Б. Суғд конфедерациясининг тарихий-маъмурий бўлиниши хусусида айрим мулоҳазалар // Илмий хабарнома. Научный вестник. – Андижон, 2014. – №1. – Б. 59-60.

⁹⁴ Араб тили манбаларда топонимлар ўзагига тегишлиликни билдириш мақсадида -ия қўшимчаси қўшиб ишлатилган. Масалан, Кармин+ия, Кушон+ия, Дабус+ия ва ҳ.к. – Б.Ф.

⁹⁵ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum. ... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1967. – P. 316.

⁹⁶ Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-Ансаб” Абу Саъда Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 77-89.

⁹⁷ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum. ... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1967. – P. 295.

⁹⁸ Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде. ... – С. 142-144.

ция маркази Самарқандга етиб келишади ва бир муддат бу шаҳарда қолишади⁹⁹. Сюан-цзан Суғд маркази *Симогйен* (Самарқанд)га *Кушуанничи* (Кушония / Каттакўрғон), *Мимохэ* (Маймурғ), *Киенпутанна* (Кабудон / Губдин?, Боғдон (Ғаллаорол)) каби ҳукмдорликлар итоатда эканлиги келтириб ўтади¹⁰⁰. Бу орқали Сюан-цзан ташриф буюрган пайтда Самарқанднинг сиёсий мавқеи қандай бўлганини тасаввур қилиш қийин бўлмайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан маълум бўладики, араблар истилоси арафасида ва давомида, сўнгра Араб халифалиги даврида, ниҳоят, Ўрта Осиёда мустақил ўрта аср давлатлари юзага келган IX асрдан кейинги даврларда Суғд ерлари ҳақидаги тарихий-географик, маъмурий-худудий тасаввурлар бир хилда бўлмаган. “Авесто” китобидан бошлаб, “суғдийлар яшаган ер – Гава мамлакати” яхлит тушунча бўлиб келган. Бу яхлитлик Аҳамонийлар давридан қолган битикларда ҳам Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига нисбатан қўлланилган бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Македониялик Александр Амударёдан ўтгач, бир муддатдан кейин Суғдга кирган ва Навтака (Қашқадарё воҳасидаги тарихий шаҳар – Б.Ғ.)ни эгаллаган. Сўнг Самарқанд сари юриш қилган. Бу ўринда сиёсий маънода “Суғд” тушунчаси деб қабул қилинган ҳудудлар – Зарафшон ва Қашқадарё ҳудудлари учун хосдир. Демак, тарихан Суғд мамлакати милоддан аввалги I- мингйилликдаёқ нафақат тарихий-маданий ўлка, балки маъмурий-худудий бирлик сифатида ҳам илк ўрта асрлардаги “Суғд” тушунчаси билан деярли бир маънога эга бўлган.

Суғднинг Уструшона билан чегаралари масаласи бу борадаги муаоммоли масалалардан ҳисобланади. Дарҳақиқат, Суғд маркази Самарқанддан унча узоқ бўлмаган бугунги Ғаллаорол (60 км), Бахмал (40-45 км) каби ҳудудлар конфедерация таркибига кирмаган. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлганлиги шубҳасиз. М.Исҳоқовнинг берган маълумотларига кўра буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: Суғд ўтроқ маданият ҳукмронлик қилган ҳудуд бўлиб, ушбу минтақаларда эса туркий қабилалар таъсири кучли бўлган. Бу эса Суғд ва Уструшона ўртасида оралиқ ҳудудларнинг вужудга келишига олиб келган. Шунинг учун ҳам баъзида Суғд чегараси Жиззах тоғидан бошланган деб келтирилади. Аслида эса, сиёсий жиҳатдан конфедерациянинг Уструшона билан чегаралари Кабудондан (ҳозирги Жомбой ва қисман Ғаллаорол ?) топилган Кампирдевор орқали ўтган¹⁰¹ бўлса ажаб эмас. Ушбу девор қолдиқларининг ғарбий йўналишда бугунги Қўшрабат ва Метан туманлари оралиғида (Қўрли қишлоғи атрофи) ўтганлиги дашт ҳудудининг Суғдга кирмаганлигини билдиради. Шундай экан, Суғднинг Уструшона

⁹⁹ Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань Цзяна (фрагменты из ленинградского рукописного собрания Института Востоковедения АН СССР). – М.: Наука, 1991. – С. 5-27.

¹⁰⁰ Бобоёров Ғ. Тун ябғу-хоқон. Тошкент: Abu Matbuot Konsalt, 2011. – Б. 7-12.

¹⁰¹ Ахунбабаев Х.Г. Древний Кабуданжакет (к вопросу локализации, генезиса этапов развития раннефеодальных владений и средневековых рустикаков Самаркандского Согда) \\\ Археология Средней Азии. Тезисы докладов. – Ташкент: 1990. – С. 26-27.

билан чегаралари бугунги Булунгур туманидаги ўтиш йўли “Юқори нукта” (“Высшая точка”) орқали ўтган деб ҳисоблаш мантиқан тўғри.

Бугунги кунда нафақат Ўзбекистон тарихшунослигида, балки жаҳон суғдшунослигида илк ўрта асрларда ўзига хос ижтимоий-сиёсий тузилишга ва давлат бошқарувига эга бўлган Суғдга нисбатан турлича сиёсий атамалар қўлланилаётгани кўзга ташланади. Масалан, ўзбекча тарихий адабиётларда “Суғд мулклари”, “Суғд давлати”, “Суғд подшолиги”, “Суғд конфедерацияси”, “Суғд ҳукмдорликлари” атамалари ишлатилаётган бўлса¹⁰², рус тилида яратилган адабиётларда унга нисбатан “Согдийские владения”, “Согдийское государство”, “Согдийское царство”, “Согдийская конфедерация”, “Согдийское княжество”¹⁰³, инглиз тилидаги адабиётларда эса “Sogdian Kingdoms”, “Sogdian Petty kingdoms”, “Sogdian oasis states”¹⁰⁴ каби атамалар қўлланилаётганига дуч келиш мумкин бўлиб, ушбу атамалардан айнан қайси бири ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳолати ҳамда давлатчилик шаклини кенгрок ифодалай олиши масаласи ҳалигача мунозаралидир¹⁰⁵.

Шу ўринда мазкур атамалардан бир қисмининг фақатгина Марказий Суғд ёки Суғд конфедерацияси учун, балки унинг таркибидаги ҳукмдорликларга нисбатан ҳам қўлланилаётганлиги ва бу масалада яқдиллик йўқлигини айтиш жоиз. Масалан, “Самарқанд подшолиги”, “Самарқанд мулки”, “Самарқанд ҳукмдорлиги”, “Панч подшолиги”, “Панч мулки”, “Панч ҳукмдорлиги” ва ҳоказо.

Шу билан бирга, масалага оид яна бир муаммо “Суғд” иборасининг “Сўғд”, “Сўғдиёна”, “Суғд” шаклларида учраши бўлиб, бу атама ҳам этнос номи ҳам географик маъно касб этиши кўзга ташланади. Бу эса тарихшуносликда муайян чалкашликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, тадқиқотларда ушбу сўзни ишлатишда асл маънога яқин бўлиш мақсадида этнос номи сифатида “суғдий”, географик ўлка номи, яъни, топоним сифатида эса “Суғд” атамасини ишлатиш мантиқлидир.

¹⁰² Исҳоқов М., Отахўжаев А., Бобоёров Ғ., Ғойибов Б. ва б.

¹⁰³ Смирнова О.И., Лившиц В.А., Ртвеладзе Э.В., Ахунбабаев Х. ва б.

¹⁰⁴ Этиен де ла Вессьер, Грене Ф., Симс-Виллиямс Н., Ёшида Ю. ва б.

¹⁰⁵ Ғойибов Б. Тарихий бир атаманинг ишлатилишига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон археологияси. – Самарқанд, 2014. – №8. – Б. 53-58.

“КАН” ФАМИЛИЯСИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Суғд тарихини тадқиқ этишдаги муҳим масалалардан бири баъзи суғдий атамаларнинг таҳлили ва уларнинг тарқалиши масаласи ҳисобланади. Шундай иборалардан бири *knd(h)* – *Кан* (ёки “Қанд”) суғдий атамаси бўлиб, мазкур атама бир қатор топонимлар таркибидаги компонент сифатида учрайди. *kndh* – “шаҳар” ёки *kt* – “хона (уй)” маъноларини ифодалаб келган. Ушбу компонент *кан*, *кент*, *кант*, *қанд*, *кам* шаклларида ҳам учрайди¹⁰⁶.

knd (суғдий) *kanθ* (христиан), *kanthā*, *kantha*, *katha* (Хўтан) шаклларида учрайдиган мазкур иборанинг *knd* шакли (*čun`nčknd*, *sm`rknd*) манбаларда анча кенг тарқарган. Масалан, “Самарқанд” топониминининг иккинчи қисмини ташкил этган “Кан” ёки “Қанд” суғдий тилда *knd(h)* (*kand / t*) – شهر “шаҳар” маъносини ифодалаб келган¹⁰⁷. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида ҳам бу сўз айнан “шаҳар” номи (Конибодом шаҳри) маъносини ифодалаган. “Самарқанд” топоними эса суғдий ҳужжатларда *sm`rknd* – *Смарканд* шаклида учрайди¹⁰⁸. IX-X асрларга келиб суғдий тил унутила борган ва унинг ўрнига келган форсий (дарий) тилида *Смраканд* сўзи *Самарқанд*га айланган.

Маҳмуд Кошғарий “Самарқанд” топонимини туркий тил асосида *самиз+канд* – “семиз (бой) шаҳар” деб келтиради¹⁰⁹. Топонимнинг биринчи қисми “семиз”, “бой” маъносида талқин этилган. Баъзи тадқиқотларда европалик олимларнинг маълумотларига асосланган ҳолда, бу ном қадимдан қолган, санскритча (қадимги ҳиндча) *samarya* сўзига яқин бўлиб, “йиғилиш, йиғин”, “машварат” сўзидан келиб чиққан деб изоҳланади¹¹⁰. Лекин бу фикр топонимни сунъий таърифлаш бўлиб, асл маънодан йироқ. “Самарқанд” топонимининг биринчи қисми *s`m`r* – *самар* сўзи суғдий асосга эга бўлиб, “оралиқ”, “чегара” маъносини ифодалаш учун ишлатилганлиги эҳтимоли юқори¹¹¹. Ушбу маъно эса Самарқанднинг географик ҳолатига ҳам яқин. М.Исҳоқовнинг фикрича, *knd* – *кент* “қазилган”, “ўйиқ” маъносидаги сўздир.

Маълумки, илк ўрта асрларда шаҳарлар девор билан ўралган. Шаҳарнинг биринчи хусусияти бу мудофаа девори билан ўралганлик бўлиб, шаҳар деворлари “*Канпир (Кан+пир) девор*” дейилган. Бу сўз қўш ўзакли бўлиб унинг биринчи қисмидаги “кан” – “ўйиқ жой”, “қазилган”, “ўйиб олинган” (шаҳар мудофаа иншоотларининг ҳандақ билан ўралган қисмига нисбатан ишлатилган) деган маънони англатади¹¹². Масалан, ўзбек тилидаги “кон” (фойдали қазилмалар), “ком” (танглай), “кан+ал” (ариқ), “кан+дагар” (хунар) каби сўзлар ҳам ана шу сўз асосида шаклланган. Масалан, *Кан* компонентининг келиб чиқишига асос бўлган *kām / kām* ибораси эса *Šāfur+kām* – Шофурком, *Kāmi+šāry* – Коми Шарғ каби бир неча

¹⁰⁶ Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: ... – С. 88.

¹⁰⁷ Gharib B. Sogdian Dictionary. ... P. 190.

¹⁰⁸ СДГМ II. С. 79, 111.

¹⁰⁹ Махмуд ал-Кашғари. Диван Лугат ат-Турк / перевод, предисловие и комментарии З.А.М.Ауэзовой. Индексы составлены Р.Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. С. 852.

¹¹⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2004. – Том 8. Б. 458.

¹¹¹ Gharib B. Sogdian Dictionary. ... P. 351.

¹¹² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2004. – Том 8. Б. 439.

гидронимларнинг таркибий қисми сифатида “канал” маъносини ифодалаш учун ҳам ишлатилган¹¹³. Ушбу маъно шаҳарларнинг жойлашган ўрнига қараб ҳам ишлатилган. Масалан, Қандаҳор, Қандиза ва ҳ.к.

“Кан” сўзи давр ўтгани сайин тилдаги товуш ўзгариши натижасида *қан*, *қанд*, *кен*, *кент* каби шаклларга кирган ва ўзгарган¹¹⁴. *Канпир* сўзининг иккинчи қисмдаги *pr* – “пир” сўзи эса суғдийча *p’u* – “химояламоқ” деган маъноларни ифодалаш учун ишлатилган¹¹⁵. “Пири устоз”, “пир”, “пири муруд” сўзларининг замирида “химоячи” маъноси англашилади (шаҳарни химоялаб турган деворга нисбатан ишлатилган). Ушбу икки *кан+пир* сўзларининг қўшилуvidан “шаҳарнинг хандақ билан ўралган химояси”, яъни, умумий маънода “девори” маъноси келиб чиқади.

Суғдшунос В.А.Лившиц *кат* сўзи билан *канд* сўзининг генезиси бир, тафовут шевавий талаффуз оқибатида бўлиб, суғдий ҳужжатларда *Кан* – “шаҳар” маъносини ифодалаб келади деган фикрни билдириш орқали буни изоҳлашга ҳаракат қилади¹¹⁶. Дарҳақиқат *Кан* топоними *Кат* кўринишда ҳам шаҳар номини ифодалаганлиги Хоразмнинг қадимги пойтахти (*Кат*) номланишида яққол кўринади. *Кан* компоненти билан ясалган бошқа топонимларда ҳам айти маъно англашилади. Уструшонанинг қадимий шаҳри бўлган Бунжикат топонимидаги *кат* компонентининг келиб чиқишини А.Р.Аюбов Сибир ва Олтойда яшаган орий қабилалари билан боғлайди. Унга кўра, бу ибора дин билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, совуқ хавода вафот этган қабиладошларини улар то иссиқ кунлар келгунига қадар *када* (кеде)да сақлашган. *Када* ёки *ката* ушбу қабила тилида “уй”, “хона” маъносини англатган¹¹⁷.

Марказий Осиёда кенг тарқалган ва кейинчалик “қишлоқ”, “шаҳар”, “овул”, “қалъа” каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилган *кат* (кад) атамаси, ибтидоий *кад*, *кат* ёки *ката* сўздан келиб чиққанлиги эҳтимоли йўқ эмас. Лекин бу иборани орий қабилалари билан боғлаш қўшимча далилларга муҳтож. Шундай экан *кент* – “шаҳар” маъносидаги ушбу сўз *кат* иборасининг диалектал шакли ҳисобланади. Маҳмуд Кошғарийнинг *кент* атамасини туркий деб ҳисоблаб, туркий сўзлар луғатида келтиришига сабаб ҳам *кент* сўзининг дастлаб суғдий аҳоли орасида ишлатилиб, сўнгра туркий аҳолига ўтганлиги деб ҳисоблаш юқоридаги асослардан маълум бўлади.

Хитой манбаси “Тундянь”да Самарқанд давлатининг пойтахти *Сабаошуй* дарёси (Сиёб дарёси) бўйидаги *Алуди* шаҳри деб келтирилади. “Алуди” топонимининг ҳозирги пайтда қаерга тўғри келиши масаласи баҳсли ҳисобланади. А.Хўжаевнинг фикрича, “Алуди” Самарқанд ҳукмдорларининг қароргоҳи – “Ўрда” (“Марказ” ёки “Қалъа”)нинг хитойча транскрипциясидир¹¹⁸. “Алуди” топонимини туркий “ўрда” билан солиштиришдан

¹¹³ Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: ... С. 181.

¹¹⁴ Lurje P.V. The element – *kath / kand* in the place names of Transoxiana // ST. 32, fascicule 2, 2003. P. 185-212.

¹¹⁵ СДГМ II. С. 206.

¹¹⁶ СДГМ II. С. 89-90.

¹¹⁷ Аюбов А.Р. Топонимы Уструшаны: истоки их происхождения и значения. – СПб.: 2009. С. 32-48.

¹¹⁸ Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде // Цивилизация и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. 2009 г. 7-8 сентябрь. – Самарканд: 2009. – С. 142-144.

кўра, суғдий *diz* – “қалъа” сўзи билан тугайдиган жой номи деб талқин қилиш ҳам мумкин. П.Б.Лурье маълумотларига кўра, *diz*, *diza*, *dēza*, *dezak* сўзлари “истеҳком”, “қалъа” маъноларини англатади¹¹⁹. Масалан, Кан+диза, Чокар+диза, Диз+ак ва ҳ.к. Ушбу иборани “қалъа” маъносида талқин этувчи тарафдорлар кўпроқ.

Кан ибораси масаласига қайтсак. *Кан* ибораси “шаҳар” маъносини ифодалаш билан бирга “самарқандлик” тушунчасини ифодалаш учун ишлатилган ўзига хос “фамилия” ҳам бўлганлигини кўриш мумкин. Хитой йилномаларида келтирилишича, Самарқанд ҳукмдорлари исмига ҳам *Кан* фамилияси қўшиб ишлатилганлиги кузатилади. Масалан, Ғарбий турк хокони Тарду хокон (567 – 600) ўз қизини *Кан Шифуби* исмли Самарқанд ҳукмдорига турмушга берганлиги хитой йилномаларида қайд этилади¹²⁰.

Мазкур фамилия асосан Хитой манбаларида “самарқандлик”, “Самарқанддан”, “Самарқанд фуқароси” маъноларини ифодлашда ишлатилган. *Кан* фамилиясининг Хитой ҳудудига тарқалиши асосан суғдийларнинг Хитойга кўчиб бориши билан боғлиқ.

Суғдийларнинг ўз юртини ташлаб Хитой ва Шарқий Туркистон ҳудудларига кириб бориши асосан мил. авв. IV асрда юз бериб, бунга асосий сабаб Суғд ҳудудига македониялик Александрнинг юришлари бўлган¹²¹. Кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди¹²².

Хитой йилномаларида келтирилишича, *Кан* (Самарқанд), *Ми* (Маймурғ), *Ши* (Кеш) ва бошқа бир қатор “Ху мамлакатлари”дан савдогарлар Хитойга бориб, бу мамлакатдаги Гансу, Дуньхуан (суғдийлар энг кўп жойлашган вилоят) ўлкаларида¹²³ ва Шарқий Туркистондаги Турфон, Куча, Кошғар, Хўтан шаҳарларида бир неча савдо колонияларини барпо этишган¹²⁴. Хитойда ўз савдо манзилгоҳларини барпо этишга уринган Суғддан келган самарқандликлар, кешликлар, маймурғликлар битта мавзеда истиқомат қилишса-да, ўзлари мансуб бўлган ҳукмдорлик фуқароси билан қўшни бўлишни афзал билишган ва шу асосда суғдийлар жамоалари биргаликда яшайдиган манзил қишлоқларни бунёд этишга уринишган.

Суғдийларнинг Хитой ва Шарқий Туркистон бўйлаб жойлашуви Буюк ипак йўлининг вужудга келиши билан янада жонланди. Натижада Тарим воҳаси, Лобнор атрофи ва Гансуда, Ордос ва Мўғулистонда Суғд манзилгоҳлари вужудга келган. Бу эса Буюк ипак йўли бўйлаб суғдий тил ва

¹¹⁹ Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: ... – С. 111.

¹²⁰ Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Самарканд в V-VII вв. / СС. Выпуск 2. Редактор Шамсиддин Камолиддин. LAP Lambert Academic Publishing, 2015. – С. 13.

¹²¹ Чигуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана / СНВ. X. – Москва: Наука, 1971. – С. 147.

¹²² Рахимов Н.Т. Согдийская колонизация: история изучения и новые данные / НОМАИ ДОНИШГОҲ. УЧЕНЬЕ ЗАПИСКИ. SCIENTIFIC NOTES. 2016. №2 (47). – С. 32.

¹²³ Mori M. Soğdluların Orta Asya'daki Faaliyetleri. ТТК, Belleten, Ocak. – Ankara: 1983. – S. 341-345.

¹²⁴ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 57-58.

ёзувнинг ахамиятининг ошишига олиб келган¹²⁵. Мазкур ҳудудларда ўнлаб суғдийлар яшайдиган қишлоқлар вужудга келган¹²⁶.

Дуньхуан, Гансу ва Шарқий Туркистондан топилган милодий III-VII асрларга тааллуқли суғдий ҳужжатлар ҳам муаммонинг моҳиятини англашда ёрдам беради. Хусусан, “Кўхна хатлар” (ҳозирда Лондондаги Британия музейида сақланмоқда) деб юритилувчи Хитой деворининг қоровул бекатидан топилган (Дуньхуан) суғдий битикларда Самарқанд мамлакатида Турфон ва ундан сўнг Хитойга борган савдогарлар жамоасининг савдо маршрутлари ҳамда мазкур минтақаларда самарқандлик суғдийларнинг алоҳида манзилгоҳлар барпо этганликлари ҳақида гап боради¹²⁷.

Шарқий Туркистондан топилган 639 йилга тааллуқли суғдий ҳужжатда эса (Чинанчканд / Турфон) олди-сотдида иштирок этиб, ҳужжат тузилишида гувоҳлик қилган суғдий этнос вакиллари – самарқандлик, қушониялик шахслар номи биргаликда учрайди. Чинанчканд бозорида самарқандлик савдогар *Вахшубирт Тўдак* ўғлининг ва хитойлик роҳиб *Йон-Сийон Ута* ўғлига *Упачаҳ* исмли чўрини сотишига бағишланган. Унда *Упачаҳ*нинг туркий ва суғдийлар юрти – Турк хоқонлиги тасарруфидаги ҳудуд – Туркистондан эканлиги алоҳида таъкидланган¹²⁸. Ушбу маълумотлардан кўринадик, илк ўрта асрларга қадар ўтган минг йиллик бир давр мобайнида суғдийлар Буюк ипак йўли бўйлаб Турфон ва Хитойга қадар бўлган ҳудудларда ўз колонияларини барпо этиб, янгиликларнинг ҳамда маданий илғор аломатларнинг ташувчилари бўлишган.

К.Байкапованинг фикрича V-VII асрларда Талос водийси, Чу, Или дарёлари ҳавзасида аҳолиси суғдийлардан иборат бўлган 300 дан зиёд шаҳар ва аҳоли манзилгоҳлари (қишлоқ) вужудга келган. Фақатгина, Чу водийсида VI-VIII асрларда асосий аҳолиси суғдийлар бўлган 18 та йирик шаҳар ва кўплаб кичик манзилгоҳлар бўлган¹²⁹.

Суғдийларнинг VIII аср ўрталарида Дуньхуан ҳудуди бўйлаб тарқалиши хусусида муҳим маълумотлар Хоккайдо университети профессори Икэда Оннинг хитой кўлёмаларининг таҳлили натижасида ойдинлашди. Л.И.Чигуевскийнинг Икэда Онга таяниб келтиришича, биргина Цунхуасян қишлоғидаги умумий аҳолининг 236 нафарини эркаклар ташкил этиб, улар 22 хил фамилияда бўлишган. Мазкур фамилияларнинг ярмидан кўпи (60 % тахминан) 4 та тармоққа, жумладан, Самарқанд (*Кан*, 48 нафар), Бухоро (*Ан*, 39 нафар), Тошкент (*Ши*, 31 нафар), Кабудон (*Цао*, 30 нафар) (жами: 148 нафар) ҳукмдорликларига мансуб фамилиялар ҳисобланади. Шунингдек, ҳужжатларда Суғд ва Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларига мансуб фамилиялар ҳам қайд этилади. Масалан, Тохаристондан (*Ло*) 23 нафар, Қушониядан (*Хэ*) 20 нафар ва Маймурғдан (*Ми*) 20 нафар шахс фамилияси манбаларда тилган олинган. Икэда Он тузган жадвалга кўра, отаси суғдий

¹²⁵ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 8-10.

¹²⁶ Зуев Ю.А. Китайские известия о Суябе // Изв. АН Каз.ССР. – Алма-Ата, 1960. – Вып. 3 (14). – С. 19.

¹²⁷ Ртвеладзе Э.В. Великий шёлковый путь. ... – С. 107-112.

¹²⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Б. 23.

¹²⁹ Байпаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья. ... – С. 29-31.

фамилияда, ўғил хитойча ёки аксинча ҳолатлар ҳам мавжуд бўлганлиги келтирилади. Шунингдек, бир ота-онанинг фарзандлари ҳам суғдий ва хитойча фамилияда бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд¹³⁰. Бир сўз билан айтганда мазкур минтақада ҳар ½ бири суғдий фамилияли киши бўлган.

Хитойнинг Цунхуасян ҳудуди аҳолисининг рўйхати акс этган “Мажбуриятлар китоби”да номи зикр этилган энг ёши катта фуқаро 66 ёшли *Кан Ну-цзы* бўлган. *Кан Ну-цзы* тахминан 635 йилда Самарқандда туғилган бўлиб, у Хитойга боргандан кейингина ушбу исмни олган¹³¹. Юқоридаги маълумотлар кўрсатадики, VII-VIII асрларда Дуньхуан ва унга қўшни минтақалардаги аҳоли манзилгоҳлари Суғддан, асосан, Самарқанддан борганлар ҳисобига шаклланган. Бу эса “Кўхна хатлар”да келтирилган маълумотлар асосида ўз тасдиғини топади¹³².

Турфондаги суғдийлар Самарқанддаги ўзларининг қавмдошлари билан доимий алоқада бўлиб турганлар. Бу ҳақда тахминан 313 йилларда битилган “Кўхна хатлар”да ҳам маълумот келтирилган бўлиб, мактуб Турфондан Самарқандга жўнатилган, аммо манзилига етиб келмаган. “Кўхна хатлар” санаси эроншунос В.Б.Хеннинг томонидан аниқланган¹³³ бўлиб, бунга асос сифатида олим 307 йилда Е ва 312 йилда Лоянг шаҳарларининг эгалланишини келтиради¹³⁴. Ушбу фикр Ф.Гренэ ва Н.Симс-Вильямс томонидан ҳам қўллаб-қувватланган¹³⁵. Я.Харматта эса ушбу ҳужжатларнинг санаси милодий 196 йилга дахлдор деб кўрсатишни таклиф этиб, бу санани юз йилдан ортиқроқ муддатга қадимийлаштиришга ҳаракат қилади¹³⁶. Бизнингча, В.Б.Хеннинг талқини тўғри бўлиб, унда хунларнинг ҳужумлари ва Лоянгнинг ёнғин остида қолиши билан боғлиқ тарихий жараён ҳақида гап боради. Бу эса ўша замон тарихий жараёнларига мос келади.

“Кўхна хатлар”нинг биринчиси *Минай*нинг онаси *Чатис*га ўз аҳволи ҳақида, иккинчисидан *Нанай* *Канак*нинг *Варзакка* номаси, учинчисидан *Нанай*донга *Шайон* исмли қизнинг мактуби ва кейингиси савдогар *Аспандот*нинг *Фрихватав*га ёзган хати эди¹³⁷. Дуньхуандан Самарқандга жўнатилиш учун ёзилган мактубларда суғдий савдогарлар жамоаси (қайси шаҳар эканлиги номи мактубдан ўчиб кетган), Лояндаги суғдийлар, Самарқанд шаҳри ва Дуньхуандан Суғдга борадиган савдо йўналишларига доир маълумотлар келтирилади¹³⁸.

Дуньхуан вилоятидан топилган Р-3559 рақамли суғдий тилда ёзилган ҳужжатда келтирилишича, ушбу вилоятда жами 13 та қишлоқ бўлиб, улардан бири *Сунгхуа* деб аталган. Мазкур ҳудудда Марказий Осиё вакилларини

¹³⁰ Чигуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана. ... – С. 150.

¹³¹ Чигуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана. ... – С. 153

¹³² Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I, III) // ППВ. – М.: 2008. – № 1 (8). – С. 173.

¹³³ Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – vol. 12. – P. 601-615.

¹³⁴ Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I, III) // ППВ. – М.: 2008. – № 1 (8). – С. 173.

¹³⁵ Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters.

¹³⁶ Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // Probegomena to the History of Preislamic Central Asia. – Budapest, 1979. – P 153-165.

¹³⁷ Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – vol. 12. – P. 601-615.

¹³⁸ Vaissière de la É. Sogdian traders: ... – P. 43-45.

кўплаб учратиш мумкин бўлган. Масалан, *Цао* давлатидан келган *Цао Сяосяо*, *Цао Туличжи*; Кан (Самарқанд) давлатидан келган *Канг Фу*. ...¹³⁹.

Таъкидлаш лозимки, Хитой йилномаларида *Kang* иероглифи Самарқанд топонимининг қисқартирилган хитойча транскрипцияси эканлиги келтирилади. Иккинчи иероглиф *guo* “давлат” ёки “ҳукмдорлик” маъносини англатади. Қадимги хитойликлар Самарқанддан келган кишиларни шунинг учун ҳам ҳукмдорлик номидан келиб чиқиб *Кан* фамилияси билан аташган¹⁴⁰.

Хитойшунос А.Хўжаевнинг таъкидлашича, илк ўрта асрларда Тан империясининг ташқи душман муҳофазасини қайтаришда ёрдам берганлиги учун Уйғур хоқонлигига (745 – 840) берилган савдо имтиёзларидан суғдийлар ҳам фойдаланиб, ўзларини уйғур деб таништиришган ва шу тариқа *Кан* фамилияси Шарқий Туркистонга ҳам кенг тарқалган. Кўплаб ҳолатларда самарқандлик суғдийлар уйғур аёлларга уйланган. Лоянг шаҳрида самарқандлик кишига мансуб қабрлар ўрганилганда марҳумларнинг исмлари *Канг Можя* ва яна бир қабрда дафн қилинган (647 йил) кишининг исми *Канг Данунг* эканлиги аниқланган. Исмларга “Кан”ни қўшиб ишлатиш самарқандлик эканлигини билдириш учун хизмат қилган¹⁴¹.

Суғдийлар Буюк ипак йўлининг шарқидаги савдо алоқаларида ҳам муҳим рол ўйнаган. Вэй сулоласи тарихининг 102 бобида “Суғд давлати савдогарлари илгари кўпроқ Лянг заминига келиб тижорат қилар эди. Гузангда уларни кўп учратиш мумкин эди” деб ёзилган. Тарихий Лянг ва Гузанг (ҳозирги Увей) шаҳарлари қадимги Хэси йўлагига жойлашган йирик савдо марказлари бўлган¹⁴².

Бунга яна бир мисол. Турк хоқонлиги Хитойнинг Суй сулоласини мағлуб этгач, суғдийлар Кумул шаҳри яқинидаги Хами вилоятини назоратга олиб, бу ерда хоқонлик бошқарувини жорий қилишган. Самарқандлик *Кан Су-ми* Ордосдаги Бэйан округи губернатори лавозимига тайинлангани, илк ўрта асрларда Турфон воҳаси самарқандлик суғдийларнинг ўзига хос ўринга эга эканликларидан далолат беради. Суғдшунос А.Атаходжаевнинг таъкидлашича, мазкур жараён Суғддан муҳожирларнинг келишини кучайтирган. Жумладан, VII асрнинг иккинчи ярмида самарқандлик *Кан Ян-тян* (манбада “Кан давлатидан буюк йўлбошчи” деб келтирилади) гуруҳи Тарим сойи шарқдаги Лоб Нор кўли атрофидаги ташландиқ шаҳарга ўрнашиб, бу ерда учта қишлоқ бунёд этган. Улардан бири Путаочэн – “Узумзор” деб аталган. VII асрдан сўнг суғдийларнинг бу худуддаги нуфузи ошиб борган. Буни Дуньхуандан топилган ҳужжатлар тасдиқлайди. Уларда VII–VIII асрларда Лоб Нор кўли жанубида тўртта суғдийлар шаҳри бўлганлиги қайд этилган¹⁴³.

Сўнгги йилларда Хитойнинг Датанг вилоятида топилган Шимолий Вэй сулоласи даврига оид суғдийлар маданиятига хос буюмларнинг, жумладан,

¹³⁹ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 58.

¹⁴⁰ Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде. ... – С. 142-144.

¹⁴¹ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 59-60.

¹⁴² Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 56.

¹⁴³ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Б. 21.

кумуш ва тилладан ясалган идиш-товоқ ва бошқа хўжалик буюмларининг кўплаб топилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур топилмаларнинг талқини натижасида маълум бўладики, Хитойда суғдийлар нафақат савдо ишлари балки маъмурий ва ҳарбий ишларга ҳам жалб этилган. Мансабдорлар орасида *Хучжифу Кангжи* каби 20 дан ортиқ самарқандликлар бўлганлиги келтирилади. Таъкидлаш лозимки, Шимолий Вэй сулоласи Лоянг шаҳрини ўз давлатларининг пойтахти этиб белгилашган. Шу боис Марказий ва Жанубий Осиёдан келганлар, жумладан, суғдийлар ҳам мазкур шаҳарга жойлашишган ва Лоянга зардуштий ибодатхоналарини қуришган¹⁴⁴.

Хуллас, дастлаб Марказий Суғд – “Самарқанд” топонимининг бир қисмини ифодалаган *Кан* ибораси кейинчалик “самарқандлик” маъносида Хитойда кенг тарқалган. Шу тарзда “Кан” атамаси ҳам жой номи, ҳам Самарқанд сулоласи номи сифатида Хитой манбаларидан жой олган. Бу Хитойдан топилган *Кан* фамилияси келтирилган суғдий ҳужжатларда ва қабр тошларида келтирилганлиги билан асосланади. Бу эса ҳозирда ҳам Хитойда *Кан* фамилиясида бўлганларнинг келиб чиқиши Самарқанд билан боғлиқлиги эҳтимоли юқорилигидан далолат беради.

¹⁴⁴ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 58-59

СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ

Суғдий этнос доминантлигидаги минтақа ҳисобланган Суғдда ягона иттифоқнинг шаклланиши бир қанча мураккаб тарихий жараёнлар билан боғлиқ. Ушбу тарихий жараёнларни таҳлил қилиш ва уларга таъсир этган омиллارни аниқлаш Суғд тарихини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Суғдда конфедерациянинг вужудга келиши муаммосини таҳлилидан олдин тарихда давлатнинг вужудга келиши масаласига қисқача изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Тарих фанидаги баҳсли муаммолардан бири давлатнинг келиб чиқиши масаласи ҳисобланади.

Илк давлат уюшмалари тахминан мил. ав. IV – III мингйилликларда Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитойда вужудга келган. Мазкур давлатларда муқаддаслаштирилган ҳукмдор шахси давлатни жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи сиймо бўлиб, у илоҳлар ва фуқаро орасида “воситачи” ҳисобланган ҳамда ўзининг харизма хусусияти билан жамият барқарорлиги ҳамда раванқ топишини таъминлаган¹⁴⁵. Мазкур давлат уюшмалари дастлаб шаҳар-давлат кўринишда бўлиб, уларнинг ягона марказ атрофида бирлашуви натижасида давлат вужудга келган¹⁴⁶.

Қадимги Шарқдан фарқли равишда Ўрта Осиё худудида илк давлатчилик аломатлари бронза даврида аҳолининг мулкӣ тенгсизлигига асосланган муносабатлар негизида вужудга келган. Иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва жамиятнинг тараққий этиши натижасида Марказий Осиёда шаҳарлар ривожланди ҳамда ўтроқ воҳаларда кенгайиб, воҳа-давлатлари вужудга келди¹⁴⁷.

Мил. авв. VII – VI асрларга келиб Ўрта Осиёда давлатчиликнинг тараққий этиши натижасида Катта Хоразм, Бақтрия подшолиги кейинчалик, Суғдийна ва қадимги Фарғона (Даван)да давлатлар шаклланди¹⁴⁸.

Марказий Осиё давлатчилигининг воҳа давлатчилиги ривожини милод бошларига келиб конфедератив асосдаги давлатлар тараққиётида давом этди. Бундай давлат уюшмасига бир неча ҳукмдорликларни (Самарқанд, Кушония, Панч, Кеш, Нахшаб, Кабудон)¹⁴⁹ ўзида бирлаштирган Зарафшон воҳасидаги Суғдни мисол қилиб кўрсатиш мумкин¹⁵⁰.

¹⁴⁵ Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми: тарих фанлари доктори автореферати. – Тошкент: 2012. – Б. 14; Крадин Н.Н. Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток. – М.: 2001. – № 3. – С. 21-32.

¹⁴⁶ Сагдуллаев А. ва б. . Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: 2000. – Б. 7; Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми: тарих фанлари доктори автореферати. ... – Б. 14

¹⁴⁷ Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 4-6.

¹⁴⁸ Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. Катта Хоразм // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: 2001. – Б. 8-9; Матбобоев Б. Қадимги Фарғона давлати (Даванъ) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: 2001. – Б. 29.

¹⁴⁹ “Хукмдорлик” атамаси хусусида батафсил қаранг (Қаранг: Ғойибов Б. Тарихий бир атаманинг ишлатилишига доир айрим мулоҳазалар / Ўзбекистон археологияси. 2013. – №8. – Б. 53-58).

¹⁵⁰ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – Б. 274-286.

Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларида жойлашган туман ёки вилоят миқёсдаги бир қатор тарихий-сиёсий маъмурий тузилмалар: Самарқанд (марказ), Кеш, Нахшаб, Панч, Маймурғ, Кушония, Иштихон, Кабудон, Фай сингари ҳар бири алоҳида бошқарувига эга ҳукмдорликлар милод бошларидан бошлаб то VIII асрнинг 80- йилларига қадар конфедератив асосда бошқарилиб, бу ноёб бошқарув шакли ўзбек давлатчилиги тарихидаги кейинги давр давлатчилиги учун замин яратди. Тарихий Суғднинг конфедератив асосдаги бошқарув шакли унинг устидан ҳукмронлик қилган давлатлар (Қанғ, Хионий, Эфталийлар, Турк хоқонлиги) томонидан инобатга олинган ва бошқарув шакли ўзгартирмаган. Бу эса иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлаган омил сифатида намоён бўлади¹⁵¹. Суғд тарихида конфедератив асосда қараш мазкур минтақадаги давлатчилик муносабатларини ўрганишда, Ўзбекистондаги давлатчилик тарихини ҳаққоний ўрганишда муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Суғдда конфедерациялашув жараёни Юнон-Бақтрия подшолигидан ажралиб чиқиши ва мустақиллашуви даври билан бошланган. Суғд мил. ав. II- асрдан бошлаб Юнон-Бақтрия империясидан ажралиб чиққандан кейин ҳам Суғд ҳукмдорлари уларга тақлидан юнон ёзувидаги ўз тангаларини зарб этишда давом этишди. Кўп ўтмай эрамизнинг I- асрида Суғдда бир томонида *ҳукмдор тасвири, иккинчи томонида ёйчининг расми* акс эттирилган суғдий ёзувли кумуш тангалар зарб қилина бошланган¹⁵². Бу эса иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан конфедерациянинг ўз шаклига қира бошлаганидан далолат берарди. Конфедерация ҳолатига қира бошлаган сари Суғдда иқтисодий ривожланиш ва тараққиёт жадаллаша борган.

Лекин манбаларнинг етишмаслиги Юнон-Бақтрия подшолиги даврида Суғд конфедерациясининг давлат бошқаруви ва сиёсий-маъмурий тузулишини ўрганиш учун тўлиқ имкон бермайди. Юнон-Бақтрия подшолари даврида ҳам Суғдда ноиблик асосида маҳаллий бошқарув бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Дастлабки суғдий ноиблар даврида Юнон-Бақтрия тангаларининг зарб қилинганлиги бундан дарак беради¹⁵³.

Юнон-Бақтрия давлатининг парчаланишига сабаб юэчжи қабилаларининг ҳужуми бўлиб, бу билан боғлиқ тарихий жараёнлар хусусида тадқиқотчилар бир хил фикрда эмаслар. Япон олими И. Кубаваранинг фикрларига асосланган ҳолда К. Рапен юэчжиларнинг дастлабки ҳужумлари мил. авв. 145 йил, иккинчи даври мил. авв. 130- йилларга тўғри келади деган хулосага келган¹⁵⁴. Хитой йилномаларига кўра, юэчжиларнинг ғарбга жишишлари мил. авв. 177 – 176 йилларга тўғри келиб, айнан Суғдга кириб келишлари мил. авв. 145- йиллар атрофига тўғри келиши эҳтимол юқори.

¹⁵¹ Гойибов Б. Согдийская конфедерация: формирование и особенности // Отан тарихы. Ғылыми журнал. – Алматы, 2015. – №3. (71). – С. 47-60.

¹⁵² Эрназарова Т., Кочнев Б. Тангалар ўтмиш даракчилари. ... – Б. 9.

¹⁵³ Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. ... – С. 269-273.

¹⁵⁴ Rapin Cl., Isamidinov M., Khasanov M. La tombe d'une princesse nomade a Koktepe pres de Samarkand // Akademie des inscriptions et belles lettres. Comptes rendus de seances. – Paris: 2001. – P. 75-79, 81-82.

Юнон-Бактрия давлати қулагандан кейин ҳам Бактрия ҳудудида подшо Евкратид тангалари муомалада бўлган. Жанубий Тожикистон (Шарқий Суғд) ҳудудидан топилган тангалар мил. ав. II – I асрларда зарб қилинганлигини кўрсатади¹⁵⁵. Шунингдек, Суғдда ҳам *ёйчи* тасвири туширилган Евтидем ва Гиркод тангаларига таклидан тангалар зарб қилинган¹⁵⁶. Кейинчалик милодий V асрга келиб бу тангаларнинг зарб қилиниши тўхтаган¹⁵⁷.

Суғднинг ажралиб чиқиши ва мустақиллашувига биринчидан, Юнон-Бактриядаги тахт учун курашлар сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, марказ ва Суғд ўртасида Хуросон чўли (ҳозирги Туркменистон ҳудудида) жойлашган бўлиб, бу ҳолат Суғднинг марказдан узилиб қолишини тезлаштирди. Юнон-Бактрия подшолиги қулагандан сўнг Суғдда конфедерацияга бирлашиш янада жадаллашган.

Суғд конфедерациясининг шаклланишидаги муҳим давр бу Қанғ даври (мил. ав. II – милодий V- аср ўрталари) ҳисобланади. Юнон-Бактрия давлати таназзулга юз тутиб, унинг ўрнига Кушонлар империяси ташкил топган. Кушонлар давлати билан қарийб бир вақтда Қанғ давлати ҳукм сурган бўлиб, Суғд конфедерацияси ушбу давлат таркибида бўлган. Конфедерациянинг Қанғ давлати таркибида бўлган даврида қандай бошқарилганлиги хусусида тадқиқотлар қарийб йўқ ҳисоби.

Суғдшуносликдаги муаммолардан бири бу – Қанғ давлатининг конфедератив бошқарувдаги бирликларни (Суғд, Чоч, Хоразм ва ҳ.к.) ўзида бирлаштирилганлиги масаласидир. Чунки Қанғ давлатининг ўзи ҳам конфедератив асосдаги бошқарувга эга бўлган. Давлатнинг бошқарув тизимида конфедератив асослар кўзга ташланади. Масалан, Қанғ давлати махсус Кенгаш томонидан бошқарилган. Ҳокимият органларининг бўлиниш ҳолати Қанғда кузатилмайди¹⁵⁸. Қанғ давлатининг конфедератив асосда бошқарувида унинг географик тузилиши муҳим бўлиб, давлат ҳудудий жиҳатдан бир-бири билан боғланмаган (тоғликлар, чўллар, дарёлар билан чегараланган) Чоч, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, Фарғона, Суғд каби ҳудудларни ўзида бирлаштирган эди. Бу эса Қанғ давлатини ягона бир марказдан туриб бошқаришни қийинлаштирарди. Ушбу географик омиллар Суғдда олдиндан мавжуд бўлиб келаётган конфедератив бошқарув анъанасини янада мустақамлаш имкониятларини кенгайтирди. Натижада, Қанғ давлатидаги конфедератив бошқарув шакли ундан кейин ҳам Суғдда давом этди¹⁵⁹ ва Суғд ҳукмдорликларининг марказ атрофига бирлашиши янада кучайди¹⁶⁰. Уларнинг марказга бирлашишлари замирида эса ягона хонадонга мансублик омили ётарди. Фақатгина Қанғ ва Суғдда конфедерациялашувда этнослар доминантлиги фарқ қилган.

¹⁵⁵ Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. ... – С. 269-271.

¹⁵⁶ Мусакаева М. Монеты Гиркода // ИМКУ. 2004. – №34. – С. 76-88.

¹⁵⁷ Эрназарова Т., Кочнев Б. Тангалар ўтмиш даракчилари. ... – Б. 9.

¹⁵⁸ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 32.

¹⁵⁹ Захидов П. Государство Кангуй. – Ташкент: 2009. – С. 3-9.

¹⁶⁰ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 54.

Қанг (ёки *Кангю*) давлати мил. авв. III- асрдан милодий III- асргача мавжуд бўлган. Мил. авв. II- асрдан бошлаб кучайган Қанг давлати ўз таркибига Зарафшон воҳасида жойлашган Суғдни ҳам киритган. Аниқроғи Суғд конфедерацияси мил. авв. 175 йилда Қанг давлати таркибига қўшиб олинган¹⁶¹. О.И.Смирнованинг фикрича, *Кангю* ибораси “гуллаб яшнаган ўлка” маъносини англатиб, Хитой йилномаларидаги ушбу сўз *қанг* халқи номи билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин¹⁶².

Қанг давлати Суғд ерларига эгалик қилган даврдан бошлаб, унинг маркази Самарқанд ва бир қатор ҳукмдорликларда Қанг ҳукмдори хонадонига тегишли шахслар мамлакатни идора қилишган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Суғд маълум муддат Кушон давлати таркибида ҳам бўлган (тахминан 25 – 265 йиллар). Бу даврда эса Суғд ҳукмдорлари Кушонияда асосий рол ўйнаган юэчжи қабиласига мансуб кишилардан бўлганлигининг эҳтимоли юқорирокдир¹⁶³.

Суғд конфедерацияси Қанг давлати таркибида ривожланди ва субъектлар яхлитлашди. Соҳа мутахассислари Қанг даврида Суғднинг ҳар бир мулкани яхлит маъмурий бирлик сифатида қайд этишади¹⁶⁴. Бунга, албатта, биринчи навбатда, таъсир кўрсатган омил Суғд конфедерациясининг ўз нисбий мухториятини сақлаш мақсадида ҳукмрон давлат хазинасига катта миқдорда фойда келтириши эди¹⁶⁵. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Қанг давлати ҳукмронлигининг сўнгги даврида (милодий III – IV асрлар) Самарқанд, Маймуғ, Кушония, Иштихон, Кабудон, Кеш, Нахшаб каби ҳар бири алоҳида ҳукмдорлик ҳолатидаги сиёсий уюшмалардан иборат Суғд конфедерациясидан, бир неча кичик ҳукмдорликни ўз ичига олган Бухоро алоҳида бошқарувга эга маъмурий бирликка айланган¹⁶⁶. Шунга қарамай Бухоронинг Суғд конфедерацияси, айниқса, Самарқанд билан ҳамкорлиги давом этган. Шунингдек, Бухоро ва Самарқанднинг алоҳида ривожланишига географик омилларнинг таъсир этганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. А.Мухаммаджоновнинг фикрича, бу икки минтақа ўртасида Зарафшон дарёсининг бир муддат қуриши натижасида катта чўл пайдо бўлган¹⁶⁷. Натижада эса, Суғднинг икки қисмида алоҳида урбанистик жараёнлар вужудга келиб, Бухоро ва Самарқанд алоҳида тараққий этган.

Суғд конфедерациясининг Қанг давлати давридаги ҳолати масаласини давом эттирсак. Хитойшунос А.Хўжаевнинг таъкидлашича, Қанг (*Канцзюй*) давлати таназзулга юз тутгач, Кан (*Kang-guo*) давлати (маркази Самарқанд

¹⁶¹ Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. ... – Б. 5.

¹⁶² Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – М.: Наука, 1963. – С. 27.

¹⁶³ Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. ... – Б. 53.

¹⁶⁴ Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. ... – Б. 50-63.

¹⁶⁵ Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN Южной и Северной династии. ... – С. 41.

¹⁶⁶ Лившиц В.А., Луконин В. Среднеперсидская и согдийская надписи на серебряных сосудах // ВДИ. – 1964. – №3. – С. 169-170.

¹⁶⁷ Бу чўл Маликчўл деб номланиб, ҳозирги Бухоро ва Навоий вилоятлари ўртасида жойлашган (Қаранг: Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан XX аср бошларигача). – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 99-248).

бўлган Суғд конфедерацияси) вужудга келди¹⁶⁸. Олимнинг фикрича, Самарқанд (*Kang-guo*) марказли конфедерациянинг вужудга келиши V асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Ушбу сана келтирилган манбада Самарқанд хукмдори хонадон сулоласининг номи (фамилияси) *Вэнь*, исми – *Шифуби* деб қайд қилинган. Мазкур хукмдорнинг аجدодлари мил. авв. II- асрда Тангри-тоғнинг шарқий қисми ва Помир орқали Самарқанд худудларига келиб ўрнашганлар¹⁶⁹.

А.Атаходжаев ҳам Суғд конфедератив давлат тузилмаси Қанғ давлати парчалангач шаклланган деб келтиради¹⁷⁰. Аммо Суғд конфедерацияси Қанғ ичида ҳам Қанғ давлатининг ноиб томонидан конфедератив асосда бошқарилган¹⁷¹. Бу ҳақда К.Шониёзов ҳам Суғд ерларининг Кан (Самарқанд) атрофида бирлашуви Қанғгача бўлганлигига ишора беради. Яъни, Қанғ Суғдни ўз таркибига киритган вақтда у конфедератив асосдаги бошқарувга эга бўлган¹⁷². Бизнингча, Қанғ давлати таназзулга юз тутгандан кейин Суғд конфедерацияси вужудга келмаган, балки аввал Қанғ таркибидаги олдиндан мавжуд бўлган мазкур иттифоқ ўз фаолиятини қанғсиз давом эттирган. Аслида имконият бўлганида эди Қанғ давлати тобеълигидан қутулган, ўз қўшниларига нисбатан анча қудратли бўлган Суғд (Самарқанд) ихшидлари марказлашган, яқка ҳокимлик тизимидаги мумтоз давлатчиликка эҳтимол асос солган бўлардилар.

Суғд конфедерацияси бир муддат Қанғ давлати инқирозидан кейин милодий 437 йилдан то 470- йилларга қадар хионийлар давлати тасарруфида бўлган¹⁷³. Жумладан, IV- асрнинг иккинчи ярмида суннулар (хунлар)¹⁷⁴ Суғд (Самарқанд?) хукмдорини ўлдириб, унинг мамлакатини эгаллаганлар¹⁷⁵. Юқорида келтирилган хунларнинг IV- асрда Шимолий Хитойни эгаллаган хунлар ёки хиндчада *huna* деб келтириладиган хионийлар эканлиги аниқ исботга эга эмас. Маълумки, хунлар ва хионийларнинг ташқи кўриниши бири-биридан фарқ қилиб, афтидан, хунлар хионийлар таркибига сингиб кетганлар¹⁷⁶. Хионий ва эфталий (Византия манбаларида “оқ хунлар” деб келтирилади) тангаларидаги унвонларда акс эттирилган суғдийча *хив* [хив], бактрийча *хобо* [хув] сўзларининг келиб чиқиши халқ ёки элат номини ифодалаши билан боғлиқ¹⁷⁷. Гап шундаки, тарихда турли босқичларда туркий хукмдорликлар маъмурий, маҳкамавий ишларда эроний тилдан фойдаланиб

¹⁶⁸ Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде. ... – С. 142-144.

¹⁶⁹ Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде. ... – С. 142-144.

¹⁷⁰ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 65, 67.

¹⁷¹ Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN. ... – С. 41.

¹⁷² Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 54.

¹⁷³ Гафуров Б. Таджики. ... Кн. 1. – С. 247-248.

¹⁷⁴ Афтидан, VI асрнинг охири ва VII асрнинг бошидан *хун* этноними суғдий тилда туркларга (ғарбий ва шарқий) нисбатан ишлатилган. Бу ҳақда Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган *хун* ёки *хун* “турк”, *хун 'nk* “туркий” каби сўзларнинг бир неча маротаба келтирилганлиги мисол бўлади (Қаранг: СДГМ II. – С. 117).

¹⁷⁵ Enoki K. On the nationality of the Ephtalites. ... – P. 34-40.

¹⁷⁶ Grenet F. Regional interaction in Central Asia and Northwest India in the Kidarite and Hephthalite period / Proceedings of the British Academy CXVI. – London: 2002. – P. 209-214.

¹⁷⁷ Лившиц В.А. Согдийские и бактрийские настенные надписи на городище Афрасиаб. ... – P. 59-74.

келганлар. Лекин бу ҳол сиёсий ҳукмронлик тарихини фақат эроний деб ҳисоблашга асос бермайди.

Ҳионийлар давлати даврида Суғдда конфедерациялашув ва унинг хусусиятлари борасида манбаларда маълумот келтирилмаган.

Аҳмад Ҳасан Доний ва Карл Йетмар бошчилигидаги Германия – Покистон экспедицияси (1979 й.) томонидан бу ерда олиб борилган тадқиқотлар натижасида минглаб қоятош суратлар ҳамда бир ярим мингдан ортиқ 17 тилдаги битиклар топилган бўлиб, бу ёзув намуналарининг 450 таси суғдийча эканлиги аниқланган¹⁷⁸. Улардан суғдийлар Қорақурум водийсининг тоғли Шатиал йўлида фаол савдо олиб бориб, ўз ҳаракатларини жанубий ва шарқий йўналишда давом эттирганлари маълум бўлади. Ушбу суғдий ёзув намуналари Х.Хумбах томонидан ўрганилган¹⁷⁹. Ёзувларни тадқиқ этганлардан бири – К.Йетмарнинг фикрларига кўра, ёзувлар Ҳиндистон ва Суғд ўртасидаги савдо муносабатларини ҳимоя қилган Ҳионийлар даврида вужудга келган¹⁸⁰. Битикларда Маймурғ, Кеш ва Суғднинг бошқа ҳудудларидан борган савдогарларнинг номлари тилга олинган бўлиб, уларнинг ёнида Самарқанд тангаларидаги тамғалар акс эттирилган. Ёзувларда тилга олинган Суғд ҳукмдорликларининг фуқаролари ўзлари мансуб бўлган жой номи (кешликлар, маймурғликлар ва ҳ.к.) остида тилга олинган. Бу эса конфедерациянинг бош қоидаларидан бири бўлган шахс мақомининг бир-бирига яқинлигини таъминлаб берувчи нормаларнинг Суғдда Ҳионийлар давридаёқ мавжудлигини кўрсатади.

Суғдий битиклардан бири самарқандлик савдогар Нанай-Вандак томонидан ёзилган бўлиб, у ўзидан кейинги савдогарларга шу жойда хабар қолдирган. Нанай-Вандак суғдий савдогарлар бошлиғи сифатида уларнинг фаолиятини назорат қилиб турган¹⁸¹. Шатиалдаги қояда Афросиёб ва Панжикент деворий суратларида акс эттирилган кийимдаги суғдий савдогарлар тасвирига ўхшаш тасвир тошга ўйилган. Унда савдогар қўлида тутатқи ушлаб турган, тутатқидан қанотли афсонавий махлуқ чиқиб келаётган ҳолда акс эттирилган. Бу тасвир Афросиёбдаги “от” ва “қанотли эчкилар” тасвирига жуда ўхшаш¹⁸².

Суғд устида Ҳионийлар давлатининг ҳукмронлиги 30 йилча давом этган бўлиб, бу даврда конфедерация бошқаруви қандай бўлганлиги маълум эмас. Шатиал қоятош суратлари ва суғдий ёзувларидан шу аён бўладики,

¹⁷⁸ Тадқиқотчилар Шатиалдаги суғдий ёзувларни милодий III – VII- асрларга мансуб деб ҳисоблайдилар. Шатиал ёзувларининг бир неча авлод кишиларга мансуб эканлигини суғдий ёзувнинг қадимий шаклида ёзилганлигидан ҳам билиш мумкин (Қаранг: Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. . . . – С. 133). Кўпгина суғдий битиклар жуда қисқа бўлиб, фақатгина бир исмдан ёки бир жумла сўздан иборат. Битикларнинг баъзиларида уларнинг ёзилган вақти келтирилган, тошга ўз исмини ва маълум вақтни ёзиб қолдириш орқали савдогарлар бир-бирига хабар етказишган.

¹⁷⁹ Humbach H. Die Soghdischen inschriftenfunde vom oberen Indus (Pakistan) // Allgemeine und vergleichende Archäologie – Beiträge. Bd 2. – München: 1980. – P. 201-228.

¹⁸⁰ Йетмар К. Чилас / перевод с англ.: Ж.Войников (Қаранг: www.iranicaonline.org).

¹⁸¹ Йетмар К. Чилас / перевод с англ.: Ж.Войников (Қаранг: www.iranicaonline.org).

¹⁸² Буряков Ю.Ф. К вопросу о связях Согда и Индии в древности и раннем средневековье // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент: 2000. – С. 161-162.

хионийлар даврида суғдийлар мустақил ташқи савдо алоқаларини олиб боришган. Бу конфедерациянинг тарақий этишида муҳим омил бўлган.

Шарқий Туркистондан (Хитойнинг шимоли-ғарби) топилган милодий III – VII асрларга тааллуқли суғдийча хатлар ва ҳужжатлар ҳам бу борадаги тасаввурларнинг кенгайишида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, 1907 йилда Ауриэл Стейн томонидан топилган хитой қоғозига ёзилган (дастлаб тўла сақланган 6 та ва яна 3 та бўлак мактуб) “Кўхна хатлар” (ҳозирда Лондондаги Британия музейида сақланмоқда) деб юритилувчи Хитой деворининг қоровул бекатидан (Дунхуандан ғарбда) топилган милодий 313 – 317 йилларга¹⁸³ тааллуқли суғдий мактублар топилган бўлиб, улар Дунхуандан Самарқандга жўнатилиш учун ёзилган. Мактубларда суғдий савдогарлар жамоаси (қайси шаҳар эканлиги номи мактубдан ўчиб кетган)¹⁸⁴, Лоянгдаги суғдийлар, Самарқанд шаҳри ва Дунхуандан Суғдга борадиган савдо йўналишларига доир маълумотлар келтирилади¹⁸⁵. “Кўхна хатлар”ни тадқиқ этган мутахассислар мазкур савдогарларнинг исмларига ўхшаш исмлар ушбу ҳужжатда ҳам келтирилганлигини таъкидлашади¹⁸⁶. Суғдий савдогарлар Буюк ипак йўли бўйлаб Хитой ва Ҳиндистонга савдо ишлари билан қатнаганликлари ушбу манбалар таҳлили натижасида янада ойдинлашади. Таъкидлаш жоизки, Суғдийларнинг Шарқий Туркистон ва Хитой бўйлаб ўз манзилгоҳларини тузишлари Кушонлар давридан бошлаб, Эфталийлар даврида жадаллашган¹⁸⁷.

Милодий 470 – 480- йиллардан бошлаб Суғд Эфталийлар давлати (V аср ўрталаридан – VI- аср ўрталаригача) таркибида бўлган¹⁸⁸. Эфталийлар давлати таркибида Суғд конфедерациясининг ривожини таъминловчи муҳим асослардан бири бу – шаҳарлар тараққиёти бўлди. Бу даврда Самарқанд шаҳри деворининг қайта таъмирланиши, Пойкент шаҳрининг кенгайиб 21 га майдонга эга бўлиши, Варахша шаҳрининг кенгайиши, Ромитан, Панжикент¹⁸⁹, Иштихон шаҳарларининг ривожланиши Суғд конфедерациясининг

¹⁸³ “Кўхна хатлар” санаси эроншунос В.Б.Хеннинг томонидан аниқланган (Қаранг: Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters. ... – P. 601-615) бўлиб, бунга асос сифатида олим 307 йилда Е ва 312 йилда Лоян шаҳарларининг эгалланишини келтиради (Қаранг: Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I, III). ... – С. 173). Ушбу фикр Ф.Грене ва Н.Симс-Вильямс томонидан ҳам қўллаб-қувватланган (Қаранг: Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. ... – P. 101-122). Я.Харматта эса ушбу ҳужжатларнинг санаси милодий 196 йилга дахлдор деб кўрсатишни таклиф этиб, бу санани юз йилдан ортиқроқ муддатга қадимийлаштиришга ҳаракат қилади (Қаранг: Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // *Probegomena to the History of Preislamic Central Asia*. – Budapest, 1979. – P 153-165). Бизнингча, В.Б.Хеннинг талқини тўғри бўлиб, унда хунларнинг ҳужумлари ва Лояннинг ёнғин остида қолиши билан боғлиқ тарихий жараён ҳақида гап боради. Бу эса ўша замон тарихий жараёнларига мос келади.

¹⁸⁴ Этиенн де ла Вэссиер ушбу савдогарларни ўз асарида номма-ном келтириб ўтади (Қаранг: Vaissière de la É. Sogdian traders: ... – P. 48-49).

¹⁸⁵ Vaissière de la É. Sogdian traders: ... – P. 43-45; Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь / Энциклопедический справочник. – Ташкент: ЎМЭ, 1999. – С. 107-112.

¹⁸⁶ Sims-Williams N. The Sogdian Inscriptions of the Upper Indus // *Antiquities of North Pakistan / Reports and Studies*. Ed. K.Yettmar. – Mainz, 1989. – P. 40.

¹⁸⁷ История Узбекской ССР. В четырех томах. С древнейших времен до середины XIX века / Отв. Ред. Я.Г. Гулямов. – Ташкент: Фан, 1967. Том 1. – С. 157.

¹⁸⁸ Гафуров Б. Таджики. ... Кн. 1. – С. 252.

¹⁸⁹ Сулейманов Р. Древний Нахшаб. ... – С. 69.

тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилди¹⁹⁰. Мазкур шаҳарларнинг типологик жihatдан арк, шаҳристон, работ ва қабристон қисмларига бўлинганлиги тадқиқотлар натижасида маълум бўлади¹⁹¹.

Илк ўрта асрларда минтақа шаҳарсозлиги ҳамда урбанизация жараёнларини ўрганиш Суғдда конфедерациялашув муаммосини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ромитан, Иштихон, Панжикент каби шаҳарлар соф маънода илк ўрта асрларда вужудга келган маданий қатламларининг чегаралари аниқ ёдгорлик бўлиб, бу ҳақда соҳа олимлари бир хил фикрни илгари сурадилар¹⁹². Шу фикрлардан келиб чиқиб, Суғд конфедерациясида V- асрдан бошлаб қишлоқ маконлари ва шаҳарлар тараққиёти жадаллашган дейиш асослидир¹⁹³. Хитой йилномаларида ҳам ушбу масалага доир маълумот келтирилган бўлиб, йилнома муаллифлари Кеш атрофида 500 та шаҳар бўлганлигини келтиришади¹⁹⁴. Кеш атрофларида 500 та шаҳар бўлганлиги анчайин муболағали бўлса-да, қишлоқ маконлари сонининг юзлаб бўлганлиги археологик тадқиқотлар натижасида маълум бўлади¹⁹⁵.

Эфталийлар ҳукмронлик қилган даврдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тарихий манбаларда тўлиқ акс этмаган. Аммо нумизматик материаллар таҳлили натижасида маълум бўладики, эфталийлар даврида Суғд конфедерацияси ҳукмдорликлари мустақил танга зарбига эга бўлган. Масалан, Нахшаб ва Панч ҳукмдорлигида мустақил танга зарби бўлган¹⁹⁶. Сосонийлар устидан қозонилган ғалабага эришишда суғдийлар эфталийларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг иқтисодий таянчи бўлган¹⁹⁷. Бизнингча, бу ҳолат Суғднинг марказий ҳокимият олдида ўзининг конфедератив ҳолатини сақлашида ва давлатчилик анъаналарини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу ўринда конфедерация таркибида Кеш ва Нахшабнинг сиёсий мақоми ва Кешнинг Суғд конфедерацияси маркази бўлганлиги масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади.

Хитой йилномаларида *Нашебо* деб тилга олинган Нахшабнинг жанубий вилоятлари тахминан милодий I – IV- асрларда кушонлар давлати таъсирида бўлган¹⁹⁸. Бунга ишора берадиган ҳолатлар мавжуд. Жумладан, Қашқадарё худудидан топилган тангалардаги *kwš[’n]* жумласининг “кушоний” ёки “кушонга оид” деб талқин қилиниши Жанубий Суғддаги сўнгги Кушон ҳукмдорларига тақлидан танга зарб қилинганлиги кўрсатади¹⁹⁹. Лекин Нах-

¹⁹⁰ Пугаченкова Г.А. Древности Мианкаля. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 162.

¹⁹¹ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О. Средневековый город Средней Азии. – Л.: 1973. – С. 149.

¹⁹² Распопова В.И. Жилища Пенджикента. – Л: Наука, 1990. – С. 7; Яна қаранг: Семенов Г.Л. Согдийская фортификация V-VIII веков. – СПб: 1996. – С. 5.

¹⁹³ Якубов Ю. Раннесредневековые сельские поселения горного Согда (к проблеме становления феодализма). – Душанбе: Дониш, 1988. – 288 с.

¹⁹⁴ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 4.

¹⁹⁵ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахриябзком оазисе. Изв. АН УзССР. 1951. – №6. – С. 6-12.

¹⁹⁶ Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв. // ВДИ. 1961. – №. 1 (75). – С. 136-138; Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента. ... – С. 59.

¹⁹⁷ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 149.

¹⁹⁸ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 58.

¹⁹⁹ Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв. ... – С. 136.

шабнинг кушонлар ҳукмронлиги остидаги ҳолати узоққа чўзилмаган. Эфталийлар давридан бошлаб Кеш кучайган ва VI- асрнинг охирларидан Нахшабни ўз таркибига киритган²⁰⁰. Шунинг учун ҳам “Тан шу” йилномасида, Нахшаб VI – VII асрларда ярим мустақил мақомда бўлиб, *Ши* (Кеш) таркибидаги “Кичик *Ши*” деб аталган²⁰¹. Йилномаларда Нахшабнинг ўтмишда *Тухоло* (Тохаристон)га оид ҳудудда ўрин олганлиги келтирилади²⁰². Нахшабнинг кучайиши сўнги Эфталийлар ва Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Мазкур ҳукмдорликнинг ҳар иккала салтанат учун муҳим эканлиги Нахшаб учун бўлган жанглardan маълум²⁰³. Археологик тадқиқотларда ҳам мазкур даврда Нахшабнинг ривожланганлиги келтирилади. Уларга кўра, бу даврда исломдан олдинги Нахшабнинг бошқарув маркази Ерқўрғонга кўчиб, шаҳар 150 га майдонга тенг бўлган. Сўнгра эса илк ўрта асрларда ривожланган Қалъаи Заҳоки-Морон (225 га) каби шаҳарларнинг мавқеи кўтарилади²⁰⁴. Араблар босқинидан кейин эса сиёсий бошқарув маркази Насаф шаҳри харобалари бўлган Шуллиуктепага кўчирилган. Бу даврда Қалъаи Заҳоки-Морон ҳам ҳали мавжуд бўлган²⁰⁵. Бир сўз билан айтганда милодий IV – VI- асрлар Нахшабда қасрлар қуриш раванқ этган²⁰⁶. Кейинги асрлардан бошлаб эса айна мана шу қасрлар тараққиёти шаҳарсозлик ривожига сезиларли таъсир этган²⁰⁷. Бу эса Суғд конфедерациясининг ривожига муҳим туртки берган.

Нахшабни ўз таркибига олган бир муддат Суғд конфедерациясининг маркази бўлган ҳукмдорлик Кеш бўлиб, унинг марказлик мақоми йилномаларда келтиргани каби VII асрнинг ўрталарига тўғри келади²⁰⁸. Мазкур даврдан олдин Кешнинг конфедерация маркази бўлганлигини кўрсатувчи манбалар йўқ. К.Эноки “Хионийлар Суғд подшосини ўлдириб, унинг маркази Самарқандни эгаллаганлар” деб келтиради²⁰⁹. Хионийларнинг Суғдни эгаллаган даврини V- асрнинг биринчи ярми деб оладиган бўлсак²¹⁰, бу даврда Самарқанднинг марказ сифатида тилга олинганлиги Кешнинг фақат VII асрнинг иккинчи ярмида кучайгани ва конфедерация марказлигига даъво қилганлиги маълум бўлади. Мазкур ҳукмдорлик маркази бўлган Кешнинг илк ўрта асрлардаги тарихий ўрни бугунги Китоб яқинидаги Қаландартепа ҳудудига тўғри келади. Шаҳарнинг кейинги тараққиёти Шаҳрисабз орқали давом этган²¹¹.

²⁰⁰ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 58.

²⁰¹ Нахшаб ҳукмдорлигининг ҳам бу даврдаги сиёсий мақоми Паргарнинг Панчдаги мавқеи каби бўлган кўринади. Чунки, Нахшаб ҳукмдорлари ҳам дастлаб Кешга бўйсунганлар. Дастлаб Кеш таркибида бўлган Нахшаб кейинчалик алоҳида ҳукмдорлик сифатида ўз номидан танга зарб этган – Б.Ф.

²⁰² Ушбу ўринда маълумот Суғднинг жанубида жойлашган Тохаристонга тегишли (Қаранг: Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 44).

²⁰³ История ат-Табари. ... – С. 225.

²⁰⁴ Сулейманов Р. Древний Нахшаб. ... – С. 4, 67-69.

²⁰⁵ Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 15.

²⁰⁶ Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Ташкент: Фан, 1977. – С. 6-10.

²⁰⁷ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. ... – Б. 199.

²⁰⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 315-316.

²⁰⁹ Енок К. On the nationality of the Ephtalites. ... – P. 35-36.

²¹⁰ Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN. ... – С. 56.

²¹¹ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. ... – С. 62-68.

П.Равшанов Суғд ҳукмдорликларининг Кеш атрофида бирлашишини Самарқанднинг Македониялик Александр босқинидан кейин бир неча аср давомида ўзининг олдинги мавқеини тиклай олмагани натижасида конфедерация ҳукмдорлари милодий III- аср охири ва IV- аср бошларида Кеш атрофида бирлашганлиги борасидаги фикрни илгари суради²¹². Аммо мазкур фикр ҳам қўшимча далилларга мухтож. Чунки Македониялик Александр хужумидан милодий III – IV- асрларгача 600 йилдан ортиқ вақт бор. Шунингдек, йилномаларда Суғд ҳукмдорликлари Кеш атрофида бирлашдилар эмас, балки, Кеш Суғд конфедерациясининг марказлигига даъво қилганлиги ва Хитойга элчи жўнатганлиги келтирилган. Бундан ташқари, Хитой йилномаларида ҳам чжаовулар мил. авв. II- асрдан айнан Самарқанддан туриб ўз ҳокимиятларини ёйганликлари ва тармоқларга бўлинганликлари келтирилади²¹³. Қадимшунослар ҳам Самарқанднинг мил. авв. VII асрдан бошлаб, Суғдиёнаннинг маркази ва турли сулола ҳукмдорлари даврида ҳам марказлик мақомида бўлганлигини эътироф этишади.

Эфталийлар даврида Нахшаб ва Панчда танга зарби йўлга қўйилганлиги тадқиқотларда келтирилади. О.И.Смирнова Панч ҳукмдорлари орасидаги сулолавий боғлиқликни улар томонидан зарб қилинган тангалардаги белгиларга қараб изоҳлайди²¹⁴. Нумизмат Ж.Я.Ильясов ҳам Эфталийлар давридан бошлаб Панч ҳукмдорлари тангалар зарб қилган бўлишлари мумкинлигини илгари суради²¹⁵. Суғднинг Нахшаб ҳукмдорлигида ҳам эфталийлар ёки улардан олдинроқ кушонлар даврида тақлидан ёки таъсир натижасида танга зарб этилганлиги шахарсозликнинг равақ топганлигидан далолат беради.

567 йилда Эфталийлар давлати қўшини ва Турк хоқонлиги армияси ўртасидаги тўқнашув натижасида эфталийлар инқирозга учради²¹⁶. Суғддаги эфталийлар ҳукмронлигига Фарбий туркларнинг бу ҳудудни 569 йилда барҳам берилганлиги натижасида эришилди²¹⁷.

Марказий Осиёда, хусусан, Суғдда ўрнашиб олган Фарбий турклар бу ердаги конфедератив бошқарув тизими ва давлатчилик асосларини сақлаб қолишган²¹⁸. Суғд конфедерацияси хоқонлик учун муҳим иқтисодий стратегик минтақа ҳисобланиб, буни ҳисобга олган Турк хоқонлари мамлакатни идора этишнинг билвосита усулларида фойдаланишган²¹⁹. Яъни, конфедерацияни бошқариш мақсадида хоқонлар *элтабар* ва *тудун*ларни жўнатиб хазинага келадиган даромадни таъминлаш баробарида Суғд ихшидлари билан қариндошлик алоқаларини ҳам ўрнатишган. Хусусан, Суғд конфедерация маркази Самарқанд ҳукмдорларидан *Шифуби* ва *Кюмучжиларнинг* Турк хоқонларининг куёвлари бўлганлиги хитой йилномаларидан алоҳида

²¹² Равшанов П. Қашқадарё тарихи. ... – Б. 203.

²¹³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311.

²¹⁴ Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. – М: ИВЛ, 1962. – С. 393-398.

²¹⁵ Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента. ... – С. 58-59.

²¹⁶ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue. ... – P. 206.

²¹⁷ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 269.

²¹⁸ Гафуров Б.Г. Таджики. ... Кн. I. – С. 276.

²¹⁹ Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқарувида қўллаган усул ва воситалари масаласига доир // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2011. – №4. – Б. 3-15.

кайд этилган²²⁰. Суғд бошқарувидаги мазкур ҳолатлар унинг конфедератив асосда идора этилганлиги масаласини янада аниқлаштиради²²¹. Фақатгина Турк хоқонлигининг дастлабки ҳукмронлик йилларида Суғдда Абруй бошчилигидаги кўзғолон кўтарилиши (VI- асрнинг 80- йиллари), конфедерация таркибидаги шаҳарларда яшовчи савдогарлар ва зодагонлар мамлакатдан кувиб юборилганлиги конфедерация шаҳарларидаги тараққиётга салбий таъсир кўрсатган²²².

Хуллас, Суғд илк ўрта асрларда ҳам ер-мулкчилик ва ҳудудий жойлашув асосида ўз конфедератив сиёсий тузилишини сақлаб қолган. Бу ҳолат анъанавий хусусиятга эга бўлиб, унинг аҳамиятини эътиборга олган Қанғ, Эфталитлар давлатлари ва Турк хоқонлиги ишончли даромад манбаи сифатида Суғднинг нисбий ички мухториятини сақлаган ҳолда бошқаришни мақсадга мувофиқ деб қарашган. Ушбу ҳолат ўша даврларга тааллуқли ёзма ва нумизматик манбаларда ўз ифодасини топган.

Юқоридаги фикрлар асосида қуйидагиларни илгари суришга мумкин:

– Суғд конфедерациясининг қай шаклда ташкил топганлиги масаласини тадқиқ этишда маҳаллий ёзма манбалар ҳамда археологик материаллар (асосан, нумизматик ва эпиграфик ёдгорликлар)га мурожаат қилиш лозим. Маҳаллий манбалар муаллифлари Суғдни яқиндан билишган ва конфедерация хусусиятларига доир нисбатан аниқ маълумотлар келтиришган. Лекин на хориж ва на маҳаллий илмий адабиётда Суғд конфедерациясининг шаклланиши ва ички хусусиятлари борасида маълумот келтирилмайди;

– Суғдда конфедерациянинг шакллана боришини ҳам шартли равишда бўлиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда унинг илк даврини милоднинг I-асридан (Суғдда мустақил танга зарбининг йўлга қўйилиши) ва таназзулини VIII асрнинг сўнгги чораги деб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Буни нумизматик материаллар ва ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди;

– Суғдда мавжуд ҳукмдорликларнинг муайян бир конфедерация тузилмасига айланиши асосида бир неч омиллар ётган бўлиб, бу жараён бошланғич даврда атроф кишлокларни, кейинчалик рустоқларни таркибига олиши мобайнида шаҳар-давлат, воҳа-давлати ва конфедерация ташкил топади. Бу Марказий Суғд – Самарқанд ва Жанубий Суғд – Кеш ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари ва хитой йилномаларида келтирилган маълумотлар асосида ўз тасдиғига эга;

– Суғд конфедерацияси тарихида Қанғ давлатининг ўз ўрни бўлиб, Қанғ давлатида конфедерацияга бирлашишда туркийлар етакчилик қилишган бўлса, Суғдда Қанғдаги анъананинг давоми сифатида доминантлик суғдийлар кўлида бўлган ва хоқонлик даврида ҳам ушбу ҳолат сақланиб қолган;

– Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларида пайдо бўлган шаҳарларнинг илк ўрта асрларда ўз бошқарув тизимларига эга бўла боришлари натижасида шаҳар-давлат – воҳа-давлат – конфедерация босқичларини босиб

²²⁰ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений. ... II. – С. 305.

²²¹ Goyibov B. Soğd merkezi yönetimi ve onun Köktürk kağanlığına bağlılık şartları // Gazi Türkiyat. – Ankara, 2013. – №13. – S. 81-90.

²²² Enoki K. On the nationality of the Ephtalites. ... – P. 5-58.

ўтганлар. Бу жараён Самарқанд, Нахшаб ва Кешда олдинроқ юз берган бўлса, Кушония, Иштихон, Кабудон, Панч, Маймурғ ва бошқа ҳукмдорликлар анча кейинги даврларда ўзини намоён этгани кузатилади;

– Суғд ҳукмдорликларининг ягона иттифоққа бирлашиш жараёнлари воҳанинг ҳамма жойида айна бир вақтда рўй бермаган бўлиши мумкин. Дастлаб географик жойлашувига кўра ўзаро яқин бўлган маъмурий бирликлар муайян бир сулола ёки қариндош сулолалар ташаббуси билан бирлашган, кейинчалик бу жараён кенг миқёсда ривож топган. Конфедерация маркази бўлган Самарқанд ўз атрофидаги шаҳар ва шаҳар миқёсидаги майда ҳукмдорликлар (Кабудон, Маймурғ, Иштихон)ни ўз атрофига бирлаштириб, Ўрта ва Шарқий Зарафшон ҳавзасида муайян бир сиёсий уюшма ташкил топган бўлса, шунга ўхшаш жараён Қашқадарё ҳавзасидаги бир-бирига нисбатан яқин жойлашган Нахшаб ва Кеш каби шаҳарларнинг илк босқичларда иттифоқ ёки улардан бирининг иккинчисидан ўз устунлигини таъминлаши асосида муайян бир сиёсий уюшма шаклини олганлиги ва ҳар иккала минтақанинг ягона – Самарқанд марказ бўлган иттифоққа бирлашишлари асосида Суғд конфедерацияси ташкил топади.

Хуллас, конфедерациянинг шакллана бошлаган даври милодий I-асрларга тўғри келиб, Қанғ, Хионийлар давлатлари ҳукмронлиги остида бўлган даврда Суғд конфедерациясининг ички хусусиятлари (танга зарби, сулолавий белгилар, маъмурий бўлинишлар, марказ ва ҳудудлар ўртасидаги алоқалар ва ҳ.к.) шакллана борган. Суғднинг қулай географик минтақада жойлашуви ва суғдийларнинг ҳаётий ресурслардан унумли фойдалана олганликлари, тарихий Суғднинг Буюк ипак йўли бўйлаб савдо муносабатларидаги етакчилиги ва шу асосдаги иқтисодий юқори мавқеи, хионийлар ва эфталийлар давридан бошлаб Зарафшон ва Қашқадарё ҳудудларида шаҳарсозликнинг ривожланиши каби омиллар Суғдда конфедератив бошқарувнинг асосларини яратди. Эфталийлар ҳукмронлиги ва Турк хоқонлари давридаги шаҳарлар тараққиёти ва урбанизация жамият ривожига ҳамда Суғд конфедерациясининг ўз тараққиётининг юқори чўққисига эришишидаги муҳим омил бўлган.

ИЛК ЎРТА АСР СУҒД ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ

Ер юзининг аксарият ҳудудларида бўлганидек, Марказий Осиёда ҳам илк давлатлар ўтроқ аҳоли яшайдиган воҳаларда – дастлаб, Мурғоб, Амударё ва Зарафшон каби дарёлар ҳавзаларида вужудга келган²²³. Давлатнинг пайдо бўлишига олиб келган омилларнинг хусусиятлари эса давлатларнинг таснифини белгилаб беради. Ушбу омиллар давлат фуқароларининг ҳудудий жойлашув жиҳатларида, ҳокимиятнинг сиёсий хусусиятларида, солиқ тизимида, халқаро муносабатлардаги мустақилликда, давлатнинг ҳуқуқий меъёрларида, мансаблар иярархиясида намоён бўлади²²⁴. Давлатни шакллантиришга хизмат қилувчи мазкур ҳолатлар Марказий Осиё минтақасида давлатнинг вужудга келишини “цивилизациявий ёндашув” асосида тушунтириб бериш мумкинлигини кўрсатмоқда. Зеро, цивилизациявий ёндашувда давлатчиликнинг вужудга келишини белгиловчи асосий омиллар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўлчамлари, унинг маънавий-мафкуравий хусусиятлари, табиий-географик ҳолати билан боғлиқ ҳолда қаралади²²⁵.

“Цивилизациявий ёндашув”га кўра, давлатнинг ривожланиши деҳқончиликнинг тараққий этиши, ҳунармандчиликнинг мустақил ишлаб чиқариш соҳасига айланиши натижасида мулкий муносабатлардаги тенгсизлик вужудга келиб, қабила бошлиқлари, коҳинлар, ҳарбийларнинг жамиятдаги мавқеи ошиб, илк шаҳар-давлатлар вужудга келган²²⁶. Илк ўрта асрлар даврига келиб эса ўтроқ турмуш тарзи ҳукмрон бўлган зироатчилик воҳаларида қабилалар ҳарбий ташкилотлари аҳамиятининг ошиши натижасида ҳудудий-сиёсий уюшмалар кўринишдаги давлат бирлашмалари шаклланган²²⁷. Мазкур сиёсий уюшмалар бошқарув тизимида конфедератив асос етакчи бўлиб, ушбу давлат тузилмасига илк ўрта асрларда Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган Суғдни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Давлат типлари илк кўринишларидан бири бу давлатнинг “конфедерация” шакли бўлиб, бугунги кунда “конфедерация” тушунчасига тадқиқотларда қуйидагича таъриф берилган. Уларга кўра, “конфедерация” (*confederatio* – бирлашиш, иттифоқ) давлатлар иттифоқи бўлиб, у янги давлатнинг вужудга келишига олиб келмайди. “Конфедерация” нисбатан кам тарқалган давлат тузулиши шакли ҳисобланиб, уни ташкил этувчи давлатлар ўз мустақиллигини сақлаб қолади, ўз ҳокимияти, бошқарув органларига эга бўлади, ўз фаолиятини мувофиқлаштириш учун конфедерацияга аъзо давлатлар маълум шартларга риоя қилишади. Конфедерация аъзолари ўртасидаги шартлар белгиланган соҳаларда фаолият кўрсатади (масалан, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий в.б.). Конфедерацияга баъзан давлатларнинг феде-

²²³ Ширинов Т. Қадимги Бактрия подшолиги. Катта Хоразм // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: 2001. – Б. 8-9.

²²⁴ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 28-29.

²²⁵ Ртвеладзе Э.В. ва б. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан. ... – Б. 19.

²²⁶ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. – Ташкент: Адолат, 2001. – С. 22-25.

²²⁷ Морозова Л.А. Теория государства и права. – М.: Изд. Эксмо, 2009. – С. 74.

рацияга бирлашиш сари тутган йўлидаги оралиқ бўғин деб ҳам қаралади. Ҳуқуқий жihatдан конфедерация аъзоларини бирлаштирувчи бир қатор қоида меъёрлари ва хусусиятлари мавжуд²²⁸.

Улар авваламбор қўйидагиларда намоён бўлади: маълум бир ғоя атрофида бирлашиш; унинг ягона ҳудудга эга бўлмаслиги, яъни, конфедерация ҳудуди мазкур иттифоқ таркибига кирувчи давлатларнинг ҳудудидан ташкил топади (конфедерация аъзолари хоҳлаган вақтда конфедерациядан чиқиши мумкин); конфедерацияда фақат ягона мақсадларни амалга оширишга қўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи органлар шакллантирилиши мумкин; унда ягона фуқаролик мавжуд эмас, фақатгина конфедерация ҳудудида шахс мақомининг бир-бирига яқинлигини таъминлаб берувчи нормалар ўрнатилиши мумкин; федерациядан фарқли равишда конфедератив шаклдаги давлатда ҳокимият органларининг бўлиниши кузатилмайди, унда фақат ягона мақсадларни амалга оширишга қўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи органлар шакллантирилиши мумкин²²⁹; турли давлат бошқарув шаклларида фарқли ўлароқ конфедерацияга бирлашган маъмурий бирликларнинг ҳар бири ўз армиясига эга бўлиши ва улар умумий қўмондонлик асосида бирлаштирилиши мумкин²³⁰; бундан ташқари федерацияда – ягона пул тизими мавжуд бўлиб, конфедерацияга кирувчи ҳар бир давлатда ўз пули ҳамда ушбу пул тизимлари бу ҳолатда бир-бирига яқинлаштирилиши мумкин; федератив тузулишдаги давлатда ягона марказдан бошқариш мавжуд бўлиб, конфедерацияда эса мувофиқлаштириш бўлиши мумкин, лекин бу ҳолат конфедерация аъзоларининг ихтиёрий тан олиши орқалидир²³¹.

Бошқарув шаклига қўра бугунда ҳам конфедератив бошқарув шаклига эга бўлган давлатлар ҳам мавжуд. Масалан, Швейцария конфедерацияси. Конфедерациянинг умумий хусусиятлари тўғрисида тасаввур шаклланиши учун Швейцария конфедерациясининг ички хусусиятларини изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Швейцария 20 та кантон ва 6 та ярим кантондан иборат. Швейцарияда ҳудудида 2 та анклав (далатнинг барча томонлари бошқа давлат ҳудудлари билан ўралган қисми) ҳудуд мавжуд. Улар: Бюзинген (Германия мулки) ва Кампионе-де-Италия (Италия мулки). Ҳар бир кантон ўз конституциясига эга бўлса-да, федерал конституцияси уларнинг ваколатларини чегаралаб туради. Федерал кенгаш таркиби халқ томонидан 4 йил муддатга сайлаб қўйилади²³². Ҳар бир кантон федерациянинг округ бирлиги ҳисобланади. Конфедерацияда давлат бошлиғи – Президент ҳисобланади. Австрия габсбургларидан ўз мустқилликларини ҳимоя қилиб, кантонлар 1291 йил 1 августда “абдий

²²⁸ Карнейро Р.Л. Теория происхождения государства // Раннее государство, его альтернативы и аналоги. – Волгоград, 2006. – С. 55-71.

²²⁹ Каримова О.А., Гаффаров З.М. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 35.

²³⁰ Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Основы государства и права. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 16-17.

²³¹ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Тошкент: 1999. – Б. 16-17.

²³² Қаранг: www.wikipedia.org

иттифок” тузиб, Швейцария конфедерациясига пойдевор куришган²³³. Бу эса Швейцария конфедерациясининг вужудга келишига ташқи душман хавфини қайтариш мақсадида жипслашиш бирламчи омил бўлганлигини кўрсатади.

Швейцария иттифоқи таркибидаги кантонлар ўз давлат ҳокимияти органларини ташкил этишган бўлсалар-да, муайян ҳарбий, хўжалик, ёки сиёсий мақсадларни кўзлаб, ўз мақсадларини уйғунлаштириш учун бирлашишган. Масалан, ҳар бир кантон фуқароси марказий ҳокимият олдида ҳарбий мажбуриятга эга бўлган²³⁴. Кантонлар ваколатларининг федерал конституция томонидан чегараланиб турилгани уларнинг марказий ҳокимиятга боғлиқликларидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, конфедератив бошқарув шакли қадим тарихий илдизларга эга. Конфедератив бошқарувга асосланган давлатлар Европада, хусусан, Швейцарияда 1291 йилда вужудга келган бўлса-да, мазкур давлат бошқарув типининг илк аломатлари Марказий Осиёда мил. авв. V-IV асрлардан бошланган дастлабки кўчманчи асосдаги давлатларда *қабилиттифоқи* кўринишида²³⁵, милод бошларида Марказий Ўзбекистоннинг тарихий-маданий воҳаси Суғдда *воҳа ҳукмдорликларининг иттифоқида* намоён бўлади²³⁶.

Бугунги Ўзбекистон худудида тарихда мавжуд давлатларни ўз хусусиятларига кўра бир неча типларга бўлиш мумкин. Уларнинг баъзилари ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар бирлашуви натижасида вужудга келган бўлса (масалан, Қанғ давлати), баъзилари бу худудда мавжуд давлатларни бевосита босиб олиб, бўйсундириш асносида ўз давлатлари бошқарувини жорий этишга ҳаракат қилишган (масалан, Аҳамонийлар давлати)²³⁷. Шунингдек, симбиоз натижасида вужудга келган ва ҳозирги кунга қадар тадқиқотчилар томонидан давлат бошқарув тузуми кам ўрганилган давлат тузилмалари ҳам мавжуд бўлиб, мазкур давлатлар сирасига асли Марказий Осиёдан Шарқий Туркистонга бориб жойлашган ҳамда хуннларнинг ҳужумлари натижасида яна ўз она юртларига қайтган *Чжаовулар* доминантлигида Самарқанд марказли Суғд конфедератив давлатини ҳам мисол қилиш мумкин. Манбаларда нафақат Самарқанд балки Хоразм ва Бухоро ҳукмдорларининг *чжаовулардан* эканлиги келтирилади²³⁸. Бундан ташқари, ноиблик асосидаги мутлақ монархия типигаги давлатлар ҳам Марказий Осиё ҳукм сурган. Шундай давлатлардан бири мил. авв. III аср ўрталаридан мил. авв. II аср ўрталаригача мавжуд Юнон-Бақтрия давлатидир²³⁹. Мазкур давлат таркиби-

²³³ Мустақиллик (изоҳли илмий-оммабоп луғат) / А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 97.

²³⁴ Қаранг: www.wikipedia.org

²³⁵ Крадин Н.Н. Империя Хунну. – М.: Логос, 2001. – С. 232-233.

²³⁶ Гойибов Б. Согдийская конфедерация: формирование и особенности // Отан тарихы. Ғылыми журнал. – Алматы, 2015. – №3. (71). – С. 47-54.

²³⁷ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. ... – С. 54-55.

²³⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311-318.

²³⁹ Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 270-271.

даги маъмурий бирликларнинг бошқарув шакли чекланган монархия типига дахлдор бўлиб, ҳукмдорлари ўз номидан тангалар зарб эттиришган²⁴⁰.

Қанғ давлати Юнон-Бақтрия давлатидан сўнг тарих сахнасига чиққан. Дастлабки Қанғ ҳукмдорларининг танга зарби хусусида маълумотлар кам. Қанғнинг илк даврида Юнон-Бақтрия ҳукмдорларига тақлидан тангалар зарб қилинган ва ички бозорда ишлатилган. Қанғ давлати таркибидаги маъмурий бирликлар учун умумқанғ танга зарби бўлмаган²⁴¹. Ҳар бир маъмурий бирлик ўз танга зарбига эга бўлган. Жумладан, Бухоро атрофи ҳукмдорлари ўз унвонлари ва исмлари ёзилган Евтидем тангаларига тақлидан танга зарб эттиришган бўлса, Марказий Суғд – Самарқандда Гиркод тангаларига тақлид қилинган суғдий ҳукмдорлар тангалари босилган²⁴². Хоразмда алоҳида тангада исми келтирилмаган ҳукмдор тангаларининг зарб қилинганлигини кузатиш мумкин²⁴³. Тангалар таҳлили шуни кўрсатадики, Суғдда танга зарби нафақат Қанғ давлати мавжудлиги даврида, балки Хионийлар, Эфталийлар ҳамда Турк хоқонлари даврида ҳам давом этди²⁴⁴. Суғд таркибидаги маъмурий бирликларнинг ҳар бирида мустақил танга зарби мавжудлиги масаласи унинг конфедератив бошқарув тизими билан боғлиқ бўлган. Суғднинг Қанғ таркибидаги мустақил танга зарби унинг иқтисодий мустақиллигига ва ўз навбатида конфедератция ҳолатига киришида муҳим омил бўлган. Буни соҳа мутахассислари ҳам эътироф этишади²⁴⁵.

Марказ билан нисбий боғлиқликда мавжуд бўлган ҳолда фаолият юритган²⁴⁶, ўзига хос ноёб бошқарув шаклига эга бўлган Марказий Осиё халқлари тарихида салмоқли ўринга эга, илк ўрта асрларда ўз тараққиётининг юқори чўққисига чиққан Суғд бошқаруви учун ҳам конфедератив шакл хос бўлган²⁴⁷. Бу ҳақда бир қатор ёзма (хитой йилномалари, Муғ тоғи суғдий хужжатлари, араб тилли манбалар) ва нумизматик ҳамда археологик манбалар бизгача етиб келган бўлса-да, Суғддаги конфедератив асосдаги бошқарув шакли ва унинг хусусиятлари тадқиқотчилар назаридан четда қолган.

Ўз даврида Суғднинг конфедератив асосда бошқарилганлиги доир илк ишоралар эроншунос олим В.Б.Хеннинг изланишларида келтирилади²⁴⁸. Б.Гафуров ўз тадқиқотида Суғднинг конфедератив асосда бошқарилганлигига эътибор қаратган. Лекин унинг шаклланиши ва ички хусусиятларини ёритмаган. Тадқиқотчи изланишида Суғдда конфедерация мавжудлиги ҳеч қандай изоҳсиз келтирилади²⁴⁹. Э.В.Ртвеладзе ҳам давлатчилик ва давлат тузилмалари борасидаги фикрларида “конфедерация” типигаги давлат

²⁴⁰ Мусакаева М. Монеты Гиркода // ИМКУ. 2004. – №34. – С. 76-88.

²⁴¹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и права. – Ташкент: Адолат, 2000. – С. 56.

²⁴² Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. ... – С. 57.

²⁴³ История Узбекской ССР. ... Том I. – С. 129.

²⁴⁴ Эрназарова Т., Кочнев Б. Тангалар ўтмиш даракчилари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 9-12.

²⁴⁵ Ртвеладзе Э., Саидов А., Абдуллаев Е. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана. ... – С. 68.

²⁴⁶ Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқарув тарихи. – Тошкент: 2012. – Б. 147-148.

²⁴⁷ Гойибов Б. Согдийская конфедерация: формирование и особенности. ... – С. 47-60.

²⁴⁸ Henning W.B. Sogdica. ... – P. 8-11; Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters. ... – P. 176.

²⁴⁹ Гафуров Б. Таджики. Книга I. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 314-319.

давлатчиликнинг чекланган монархия типига дахлдор деб келтиради. Конфедерация ўз танга зарбига эга бир неча мустақил маъмурий бирликлардан иборат иттифоқни англатишини ва бунга мисол тариқасида Қанг давлати ва Юэжчилар иттифоқини келтиради. Шунингдек, олим мустақил танга зарбини конфедерациянинг асоси деб ҳисоблайди²⁵⁰.

Бевосита Суғд тарихи юзасидан изланишлар олиб борган В.Лившиц, М.Исҳоқов, А.Атаходжаев, Ғ.Бобоёров, Ш.Шоёқубов каби тадқиқотчилар ҳам “Суғд конфедерацияси” иборасини ишлатишади²⁵¹. Муаммога доир умумий ишларда ҳам Суғднинг иттифоқ ёки конфедерация эканлиги келтирилади²⁵². Лекин юқорида келтирилган олимларнинг ишларида Суғд тарихига нима учун конфедератив асосда қараш кераклиги масаласи очик қолган.

Таъкидлаш лозимки, конфедератив бошқарув шаклининг Суғддаги ҳолати ўз хусусиятларига кўра, бугунги кундаги конфедерация типидagi давлат бошқарувидан баъзи жиҳатлари билан фарқ қилишига кўра ажралиб турса-да мазкур минтақадаги бошқарув шакли давлатчиликнинг конфедерация типига алоқадор дейишга етарлича асос бор.

Бу куйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, конфедерацияга бирлашган маъмурий бирликларнинг шартларидан бири авваламбор ягона мақсад йўлида бирлашиш ҳисобланади. Бу ҳақда хитой йилномаси “Бей ши”да куйидаги маълумот келтирилади: “Суғд маркази Самарқанд ҳукмдорлари қароргоҳида аждодлар ибодатхонаси бор, улар йилнинг олтинчи ойида қурбонлик қилишади. Бошқа ҳукмдорлар қурбонлик келтиришда ёрдам беришади. Будда динига сиғинишади. Ху (яъни, суғдий) ёзувидан фойдаланишади”²⁵³. Мазкур маълумот Суғдда конфедерацияга бирлашишнинг бош омилларидан бири иттифоққа бирлашган ҳукмдорларнинг ягона хонадонга мансублиги ва ўз аждодлари руҳига қурбонлик қилишлари билан асосланади²⁵⁴. Айни манбада келтирилган “... Хэ (Кушония) ва Ми (Маймурғ) ҳукмдорларининг келиб чиқиши Чжаову сулоласидан эканлиги ва уларнинг

²⁵⁰ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и права. – Ташкент: Адолат, 2000. – С. 56.

²⁵¹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008; Исҳоқов М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990. Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010; Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тизимига доир // *Sharqshunoslik*. – 2008. – № 13; Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқарувида қўллаган усул ва воситалари масаласига доир // *O‘zbekiston tarixi*. – Тошкент, 2011. – №4.

²⁵² Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 387; Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-Қисм. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 66-67; Кобзева О.П. Роль Великого шелкового пути в формировании этнического разнообразия Зарафшанской долины / Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 164-165.

²⁵³ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений. ... II. – С. 271-276.

²⁵⁴ Шунингдек, йилномаларда келтирилган: - “...Еттита ҳукдорликда Дэси руҳи бор, Ғарбий денгиздан жанубда жойлашган ҳамма ҳукмдорликдагилар унга сиғинишади. У олтин саждагоҳ каби тасаввур қилинган, узунлиги 15 фут ҳажмда. Ҳар куни бешта туя, ўнта от ва юзта кўйни қурбонлик қилишади. ...” мазмунидаги жумладан ҳам ҳукмдорларнинг қариндошликни билдириш учун қурбонлик қилганликларидан далолат беради (Қаранг: Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 274-275).

уруғи *Кан* (Самарқанд)га бориб тақалиши”²⁵⁵ ҳақидаги маълумот конфедерацияга бирлашган хукмдорларни асосан қариндошлик ришталари боғлаб турганлиги кўрсатади. Хуллас, Суғдда конфедерацияга бирлашишнинг бош шарти бу қариндошликни кўрсатиш мақсадида аждодлар руҳига қурбонлик келтириш ҳисобланган.

Иккинчидан, конфедерация ҳудудининг доимо бир хил турмаганлиги борасидаги фикрлар ҳам Суғд мисолида кўзга яққол ташланади. Хитой йилномаларида келтирилганидек, Суғд конфедерацияси дастлаб марказ Самарқанд ва унинг атрофи ҳудудларини бирлаштирган бўлса, кейинчалик унинг таркиби Кеш, Панч ва Фай каби маъмурий бирликлар билан янада кучайган. Араб тарихчи-сайёҳларининг Суғд ҳудудлари тўғрисида келтирган маълумотларининг турли туманлиги ҳам мазкур конфедерациянинг баъзан кенгайганлигидан ва баъзан торайганлигидандир²⁵⁶. Араб тарихчи-сайёҳларидан фарқли равишда хитой йилномаларида Суғд маркази *Кан* (Самарқанд)га бўйсинувчи ҳудудлар қаторига *Му* (Марв?) *Унахэ* (Чоржўй) ҳам кирганлиги келтирилади²⁵⁷. Шунингдек, Суғд конфедерациясининг тенг аъзоларидан бири бўлган Панчнинг аксарият манбаларда келтирилмаганлиги²⁵⁸ ҳам сўзсиз Суғд конфедерацияси субъектларининг марказга нисбатан бир хилдаги турмаганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, 712 йил Самарқанд араблар томонидан эгалланганидан сўнг, ўртада тузилган шартномага мувофиқ, конфедерация чегараларига Кеш ва Нахшаб ҳам киритилганлиги қайд этилган²⁵⁹. Ушбу ҳолатда ҳам Суғд конфедерацияси ўз мавжудлигини йўқотмасликка ҳаракат қилган. Суғд ихшиди Ғурак (710-738) Иштихондан туриб мамлакат бошқарувини олиб боришга мажбур бўлган²⁶⁰.

Учинчидан, бугунги кунда “конфедерация”га берилган таърифга кўра, унда ягона фуқаролик мавжуд эмас. Фақатгина конфедерация ҳудудида шахс мақомининг бир-бирига яқинлигини таъминлаб берувчи нормалар ўрнатилиши мумкин. Бу эса Суғд мисолида хитой йилномаларидаги маълумотлар асосида янада аниқлик касб этади. Жумладан, йилномаларда *Кан* (Самарқанд), *Ми* (Маймурғ), *Ши* (Кеш) каби “Ху ўлкалари”дан Хитойга келиб, ўз савдо колонияларини (факториялар) барпо этганлиги ҳақидаги қайдлар учрайди²⁶¹. Ушбу маълумотлардан маълум бўладиги, самарқандлик, кушониялик, маймурғлик ва кешлик савдогарлар ҳамкорликда фаолият юритиб, Хитойда ўз савдо манзилларига асос солишган²⁶². Улар қаерда бўлмасин, Суғднинг қайси хукмдорлигидан келганлигига қараб ўз жамоа масканларини барпо этишга уринишган. Мазкур савдогарлар Суғд фуқароси сифатида эмас,

²⁵⁵ Хитой йилномаларида таъкидланадиги, Кан (Самарқанд)даги хонадон Суғддаги тўққизта сулоладан бири ва қариндошлар орасида у марказий мавкега эга. Мазкур тўққизта хонадон вакиллари ягона уруғдан тарқалган (Қаранг: Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 280-281).

²⁵⁶ Бартольд В.В. Энциклопедия ислама / Соч. – М.: Наука, 1965. – Т. III. – С. 487-489.

²⁵⁷ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 54.

²⁵⁸ Vaissière de la É. Sogdian traders: a history. ... – P. 120.

²⁵⁹ Kurat A.H. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'i zebti. ... – S. 387-430.

²⁶⁰ Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии. ... – С. 380-388.

²⁶¹ Mori M. Soğdlularin Orta Asya'daki Faaliyetleri. ... – S. 341-345.

²⁶² Сағдуллаев А., Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдо-сотик тизими. – Тошкент: Akadimiya, 2012. – Б. 7.

балки, ўзлари мансуб ҳукмдорликнинг фуқароси сифатида қайд этилиши ҳолати юқоридаги фикрга асос беради.

Тўртинчидан, Суғднинг конфедератив асосдаги бошқарувини кўрсатувчи яна бир жиҳат давлат бошқарув тизимининг давлат ҳокимияти (яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) органларига бўлинмаганлиги эди. Унда фақат ягона мақсадларни амалга оширишга кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи орган – “Оқсоқоллар кенгаши” мавжуд бўлган²⁶³. “Оқсоқоллар кенгаши” зодагонлар, савдогарлар, деҳқонлардан иборат бўлиб, ихшидлар ҳам ушбу орган олдида ҳисобот беришган²⁶⁴.

Бешинчидан, давлатнинг асосий кучи қўшин бўлиб, уруш хавфи туғилганда ёки ҳарбий юриш олдидан шаҳар, вилоятларни муҳофаза қилиш мақсадида марказга конфедерация таркибидаги ҳукмдорликлар ўзларининг қўшини – чокарлари билан хизмат қилган²⁶⁵. Ҳар бир ҳукмдорлик фуқароси давлат олдида ҳарбий мажбуриятга эга бўлган. Суғдда ҳарбий хизмат учун ҳақ ҳам тўланган²⁶⁶. Мамлакатга ташқи душман кучлари ҳужуми даврида нафақат конфедерация аъзолари балки қўшни иттифоқларга ҳам қўшин етказиб бериш шарти бўлган. Масалан, Араб халифалиги қўшин тортган вақтда Бухоро маликасига ёрдам берган Суғд конфедерацияси ҳукмдори Тархун (700 – 710) бошлиқ иттифоқчиларни эслаш жоиз²⁶⁷. Кўриниб турибдики, ташқи душман ҳужуми вақтида нафақат конфедерация ҳукмдорларининг балки Суғд конфедерациясининг қўшниларига ҳам ёрдам беришга ҳаракат қилганлиги бунга яққол мисол бўлади²⁶⁸.

Суғд маркази Самарқанднинг юзчиликлар томонидан эгалланиши²⁶⁹, 437 йилда хионийларнинг ушбу шаҳарни босиб олишлари²⁷⁰, Табарий маълумотларида келтирилган Жанубий Суғдга Сосонийлар юришлари²⁷¹, милоннинг 25-265 йилларида Нахшаб ҳудудларига кушонларнинг ҳарбий ҳаракатлари²⁷² Суғд ҳукмдорларининг доимий ҳарбий ҳаракатлар олиб боришлари учун бирлашишларини тақозо этган. Бу эса Суғдда ҳарб ишига ҳам етарли даражада эътибор берилганлигини кўрсатади²⁷³. Конфедерацияга бирлашган ҳукмдорларнинг умумий душманга қарши биргаликда курашишлари шарт ҳолат бўлиб, бунга амал қилмаслик хоинлик ҳисобланилган. Гуракнинг арабларга қарши курашмаганлигини Деваштич хоинлик деб ҳисоблаган. Муф

²⁶³ Отахўжаев А. Илк ўрта аср Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 67.

²⁶⁴ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 23-38.

²⁶⁵ Beckwith C. I. Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam // АЕМА. – Wiesbaden, 1984. – Tom IV. – P. 36-38.

²⁶⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 48.

²⁶⁷ Гардизий Абу Саид. Зайн ал-ахбар. ... – С. 42.

²⁶⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 112.

²⁶⁹ Rapin Cl., Isamidin M., Khasanov M. La tombe d'une princesse nomade a Koktepe. ... – P. 35-98.

²⁷⁰ Enoki K. On the nationality of the Ephtalites. ... – P. 34-40.




²⁷¹ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue. ... – С. 228-229.

²⁷² Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 277.

²⁷³ Рудо К.Г. К вопросу о вооружения Согда VII-VIII вв. Сообщение Республиканского историко-краеведического музея ТаджССР. – Душанбе: 1952. – С. 59-72; Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии / Культура Востока. Древность и раннее средневековье. – Л.: Аврора, 1979. – С. 215-221; Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. – Л.: Наука, 1980. – С. 65-110.

тоғи А-19 хужжатида ’’уw’’n’k – “гуноҳкор, хоин” сўзининг Деваштич томонидан Ғуракка нисбатан ишлатилганлиги буни исботлайди²⁷⁴. Конфедерация ҳукмдорларининг иттифоққа бирлашишлари замирида ташқи душман хужумини қайтариш шарти бўлганлиги кўрсатади.

Олтинчи асос эса конфедерация субъектларининг мустақил иқтисодий сиёсати билан боғлиқ. Суғд конфедерациясининг аъзоларидан Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Панч, Кушонияда мустақил танга зарби бўлганлигини исботловчи нумизматик манбалар мавжуд.

Суғд конфедерация ҳукмдорларининг милод бошларида Юнон-Бақтрия подшоларига таклидан танга зарб эттиришган²⁷⁵. Суғд конфедерацияси ихшидлари томонидан VII аср иккинчи ярмидан то VIII аср ўрталаригача зарб қилдирилган хитой таклиди тангаларида суғдий ёзувда *šyšpur* – Шишпир (640-йй.), *βrywm’n* – Авархуман (650-йй.), *twk’sp’d’k* – Тукаспадак (690-йй.), *trywn* – Тархун (700-710), *wyrk* – Ғурак (710-738), *twry’r* – Турғар (738-750) каби ҳукмдорлари исми²⁷⁶, Кешда зарб қилинган тангаларнинг бир қанчасида суғдий ёзувли *kšy’n’k uwb’xwpr’t* – *Кеш ҳукмдори Ахурпат* жумласи²⁷⁷, от тасвири ва ёзув (*βуу uwb* – “илоҳий ҳукмдор”), иккинчи томонида эса  шаклли тамға ва унинг устида ёзув ўрин олган Нахшаб тангалари²⁷⁸, суғдий ёзувда *pncy MR’Y sm’wky’n* – “Панч ҳукмдори Чамаукйон” жумлалари ўрин олган ва танганинг орқа томонида эса   тамғалар мавжуд Панч тангалари²⁷⁹ конфедерация ҳукмдорликларининг ўз танга зарбига эга эканлигини кўрсатади. Ҳатто Кушония ҳукмдорлигининг кичик мулки ҳисобланган Самитонда ҳам танга зарб қилинганлиги нумизматик материаллар асосида ойдинлашади²⁸⁰. Шу ўринда илк ўрта асрлар даврига келиб, Турк хоқонлиги таркибидаги Чоч, Уструшона, Фарғона, Тоҳаристон, Хоразм, Бухоро (Ғарбий Суғд) каби конфедератив давлат уюшмаларининг ҳар бирида мустақил танга зарбининг йўлга қўйилганлиги алоҳида қайд этиш лозим²⁸¹.

Еттинчидан, федератив тузулишдаги давлат ягона марказдан бошқариш қоидаларига эга бўлиб, конфедерацияда эса мувофиқлаштириш мавжуддир. Лекин бу ҳолат конфедерация аъзоларининг ихтиёрий тан олиши орқали амалга оширилади. Хусусан, қадимдан Самарқанд ҳукмдорлари конфедерация марказий ҳокимиятини бошқаришган бўлса, Кеш кучайган вақт унинг

²⁷⁴ СДГМ II. – С. 171.

²⁷⁵ Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. ... – С. 269-273.

²⁷⁶ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 35-43.

²⁷⁷ Ўша жойда. – С. 306-308.

²⁷⁸ Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. – М: ИВЛ, 1962. – С. 393-398.

²⁷⁹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 230-231.

²⁸⁰ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. ... – С. 318.

²⁸¹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 324-336; 336-341; 371-382; Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – М.: Наука, 1977; Бабаяров Г., Кубатин А. Очерки по истории нумизматики Западно-Тюркского кагантана. Часть I. LAR LAMBERT Academic Publishing, 2014. – С. 89-92; Баратова Л. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-IX века (типология, иконография, историческая интерпретация): автореферат диссертации на соис. ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент: 1995. – С. 18; Мусакаева А.А. Туранские монеты III-VIII вв. – Ташкент: 2013; Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача III-VIII вв. Catalogue of coins of Chach III-VIII A.D. – Ташкент: Фан, 2006; Яна қаранг: <http://www.zeno.ru> – Pre-Islamic Asia & North Africa – Central Asia.

хукмдорлари марказлик мақоми учун даъво қилишган²⁸². Шу билан бир қаторда Панч хукмдорлари ҳам ўз даврида конфедерация марказий ҳокимияти тахти учун кураш олиб боришган²⁸³. Бу ҳақда Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган “Суғд подшоси, Самарқанд хукмдори Деваштичдан” деб бошланувчи мактублар ҳам муҳим манба бўла олади²⁸⁴.

Суғд хукмдорликларининг конфедератив асосда бошқарилганлигини кўрсатувчи асослардан кейингиси (саккизинчиси) уларнинг мустақил ташқи сиёсат олиб борганликлари бўлиб²⁸⁵, бу ҳақда манбаларда маълумотлар сақланиб қолган. Хусусан, 437 йилда Самарқанддан, 642 йилда Кешдан Хитойга элчилар юборилган²⁸⁶. *Да-йе* (ушбу хукмдор исми бошқа манбалар орқали маълум эмас) хукмронлиги даврида, 605 – 616 йилларда Суғд хукмдорликларининг бирлашган (Самарқанд, Кеш, Кушония) элчилиги Хитойга жўнатилган²⁸⁷. Араблар босқини даврида Ғуракнинг Хитойга юборган элчилиги (719 й.)²⁸⁸, айна даврда (719 – 721) Деваштичнинг Фарғона, Чоч, Турк хоқонлиги билан ташқи алоқалар олиб борган²⁸⁹. Умумий ҳисобда Суғддан Хитойга 9 маротаба элчилик жўнатилган²⁹⁰. Хитой йилномалари ва суғдий ҳужжатларда сақланиб қолган Суғд хукмдорликларининг элчиликлари тўғрисидаги маълумотлар конфедерациянинг Хионийлар, Эфталийлар ва Турк хоқонлари даврида мустақил ташқи алоқалар ўрнатганлигини асослайди.

Суғдда конфедератив бошқарув учун асос бўлган омиллар таҳлили билан бирга мазкур конфедерациянинг хронологик чегарасини ҳам аниқлаш муҳим масаладир. Бунда Суғд хукмдорликлари томонидан зарб қилинган танга зарбига таяниш керакли йўналишни топиш учун муҳим. Танга зарби нафақат Суғдда конфедерациясининг вужудга келишига сабаб бўлган муҳим омиллардан ҳисобланади, балки тангалар асосида конфедерациянинг мавжуд бўлган хронологик чегарасини ҳам аниқлаш бир мунча ишончли.

Мил. ав. II асрга келиб Юнон-Бақтрия давлатидаги бошбошдоқликлар ва ташқи кучлар ҳужуми (мил. ав. 175 – 145) натижасида давлатнинг парчаланishi кучайди. Айна мана шу даврда Суғд Юнон-Бақтрия давлатидан ажралиб чиқади. Лекин бу даврда ҳали суғдий хукмдорлар Юнон-Бақтрия хукмдорларига (асосан Евтидем, Гиркод) тақлидан юнон ёзувидаги тангалар зарб қилишган²⁹¹. Фақатгина асримизнинг бошларига келиб Суғдда зарб этилган тангалардаги юнон ёзувининг ўрнини суғдий ёзув эгаллаган²⁹². Ана шу асосда Суғднинг ўз номидан мустақил суғдий тангалар зарб қила бошлаган

²⁸² Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Кеш // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 66-67.

²⁸³ Grenet F., Vaissiere de la E. The last days of Pandjikent. ... – P. 155-196.

²⁸⁴ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 84-120.

²⁸⁵ Goyibov B. From the history of relations between Sogd and India. ... – P. 75-95.

²⁸⁶ Лившиц В.А. История изучение Согда / Рахмат-наме. Сборник статей к 70-летию Рахмата Рахимовича Рахимова. – СПб: Кунсткамера, 2008. – С. 198.

²⁸⁷ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 271-276; 280-287.

²⁸⁸ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. S. 263-264.

²⁸⁹ СДГМ II. – С. 91-94.

²⁹⁰ Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN. ... – С. 59.

²⁹¹ Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. ... – С. 269-273.

²⁹² Эрнazarова Т., Кочнев Б. Тангалар ўтмиш даракчилари. ... – С. 9.

милодий I- асрдан бошлаб, то конфедерация ҳукмдорларининг ўрнини араблар томонидан тайинланган ноиблар эгаллаган давригача, яъни, милодий VIII асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврни Суғд конфедерациясининг хронологик чегараси деб шартли равишда белгилаш мумкин.

Шу ўринда Бухоро Суғди масаласига ҳам ойдинлик киритиш лозим. Ўрта аср муаррихларининг асарларида Бухоро географик жиҳатдан Суғд таркибида деб тилга олинади²⁹³. Лекин Бухоро сиёсий жиҳатдан алоҳида тузилма ҳисобланади. Бухоронинг Марказий Суғддан алоҳидалиги муаммосини ечишда ҳам тангалар муҳимдир. Ёзма манбаларда Бухоронинг сиёсий жиҳатдан Суғддан ажралиб чиққанлиги билан боғлиқ тўғридан-тўғри маълумот келтирилмаган. Б.Гафуров Бухоронинг Марказий Суғддан ажралиб чиқишини 712 йилдаги Суғд ихшиди Ғурак ва Қутайба ибн Муслим (704 – 715) ўртасидаги “Самарқанд шартнома”си билан боғлайди²⁹⁴. Лекин мазкур фикрни унчалик ҳам асосли деб бўлмайди. Чунки Бухоронинг Марказий Суғддан алоҳида сиёсий тузилма сифатидаги фаолияти Бухоро ҳукмдорларининг ўз номларидан танга зарб қилишлари билан боғлиқ.

Милодий IV- асрларга келиб Бухоро ҳукмдорларининг суғдий ёзувдаги “ботик” шакли *'ps'r ywβw* – *Авсар ҳукмдор* тангалари зарб қилинган²⁹⁵. Марказий Суғд тангаларидаги тамгалар ва Бухоро тангаларидаги тамгалари бири-биридан фарқли. Нумизматик материаллар асосида айтиш мумкинки, Бухоронинг Марказий Суғддан алоҳидалиги масаласи милодий IV- асрлардан бошланган²⁹⁶. Бухоро ҳам Марказий Суғд каби конфедератив асосда бошқарилганлиги эҳтимоли юқори. Бухоронинг алоҳида ҳукмдорликлари ўз номларидан мустақил танга зарбига эга бўлишган. Хусусан, суғдий ёзувли тангалар орқали Пойкент (*Ptkndh*)нинг мустақил бошқарувга эга бўлгани маълум бўлади²⁹⁷.

Хуллас, Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин эгаллаган Суғд тарихий-маданий ўлкаси ўзининг географик жойлашув, иқтисодий салоҳиятига таянган ҳолда уни бўйсундиришга ҳаракат қилган салтанатлар таркибида ўз ички мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Мазкур ҳолат Суғднинг маъмурий бирликларини конфедерацияга бирлашишига олиб келган. Бунинг натижасида эса Суғдда конфедерациянинг ички таркибий қисмлари шаклланган. Буни Суғд ҳукмдорликларидаги танга зарби, ҳар бир ҳукмдорликнинг ўз қўшинига эга бўлганлиги, конфедерация ҳукмдорларининг ягона хонадонга мансублиги, давлат бошқарувидаги ҳокимият

²⁹³ Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннахр / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи. Ш.Камалиддин. – Тошкент: ЎМЭ, 2011. – Б. 27-30, 49-51.

²⁹⁴ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. ... – С. 318; Ғойибов Б. Суғднинг Кушония ҳукмдорлиги тарихига доир // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2014. – №1. – Б. 49-52.

²⁹⁵ Лившиц В.А., Луконин В. Среднеперсидская и согдийская надписи на серебряных сосудах. ... – С. 169-171.

²⁹⁶ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: ... – С. 76; Бухоронинг алоҳида сиёсий тузилма сифатидаги фаолияти фанда алоҳида илмий муаммо ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқотда Ғарбий Суғд – Бухоро масаласи очиқ қолдирилган.

²⁹⁷ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 349.

органларининг бўлинмаганлиги, мустақил ташқи сиёсат олиб борганликлари каби мисоллар тасдиқлайди.

Бугунги кундаги “конфедерация” тушунчаси мутлақ мустақилликка асосланган ихтиёрий равишдаги манфаатлар бирлигини билдиради. Суғдда ҳам умумий қонуният юзасидан ушбу ҳолат мавжуд эди. Лекин зарур ҳолларда ҳукмдорликларнинг марказга жипслашиш ёки баъзида холироқ ҳаракат олиб бориш хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган. Чунки тарихий-худудий бирлик нуқтаи-назаридан бу табиий ҳолдир. Шу жиҳатларига кўра, Суғддаги конфедератив бошқарув кўриниши бугунги конфедерациялардан қисман фарқ қилади. Конфедератив давлат тузилмасининг ички хусусиятларини намоёниш этувчи мазкур ҳолатлар, уларни ўзида мужассамлаштирган Суғд тарихига конфедератив тузилма сифатида қараш кераклигини тақозо этади. Марказий Осиё минтақасида мавжуд илк ўрта асрлар давлат уюшмалари (Суғд, Чоч, Фарғона, Бухоро, Уструшона, Тохаристон, Хоразм) орасида конфедерация ўлчамларига Суғд энг яқин ва тўлиқ жавоб беради деб ҳулоса қилиш мумкин.

СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Бошқарувчи сулола.

Бугунги кун суғдшунослигидаги баҳсли муаммолардан бири Суғд конфедерациясини бошқарган ҳукмдорларнинг шажараси, улар мансуб бўлган сулоланинг келиб чиқиши масаласидир. Суғд конфедерациясининг илк ўрта асрларга қадар бошқарган ҳукмдорларнинг исмлари фанга маълум эмас. Суғд конфедерациясини илк ўрта асрларда бошқарган ҳукмдорлари аксариятининг исмлари эса, асосан, хитой йилномалари ва тангалар орқали етиб келган. Ёзма манбалар орқали фақат Деваштич, Ғурак ёки Тархун каби ҳукмдорларнинг исмлари етиб келган холос.

Хитой йилномаларида келтирилган баъзи маълумотлар бу масалани ечишда ёрдам бериши мумкин. Хусусан, “Бэй ши”, “Суй шу” ва “Тан шу” йилномаларида Кан (Самарқанд) ҳукмдорларининг келиб чиқиши Чжаову ўлкасидаги ҳудудга бориб тақалиши қайд этилади ҳамда маркази Чоч ва ўрта Сирдарё бўлган Қанғ давлати ҳукмдорларининг ҳам Самарқанддаги Кан хонадони билан қариндошлиги тилга олинади²⁹⁸.

Хитой йилномаларида келтирилган Кан (Самарқанд) ҳукмдорларининг келиб чиқиши хусусида К.Шониёзов ўз фикрларини билдириб, уларни Қанғ давлати ҳукмдор хонадони тармоғидандир, деган мулоҳазани билдириб, таъкидлайдики: - “Хан сулоласи давридан (мил. ав. 206 – мил. 220 йиллар) бошлаб ҳокимиятнинг авлоддан-авлодга ўтиб келиши одат тусига кирган²⁹⁹. Кейинги асрларда бу одат муайян равишда давом этиб келган ҳамда Кан ҳукмдори Юэчжи³⁰⁰ ҳукмрон хонадонидан чиққан”³⁰¹.

Ушбу маълумот изоҳталабдир. Хан сулоласи Хитойни бошқарган давр 2 босқичга бўлинади: Ғарбий Хан (мил. ав. 206 – мил. 25) ҳамда Шарқий Хан (мил. 25 – 220). Бу эса Кан хонадонида ҳокимиятнинг ушбу даврларнинг қайси биридан бошлаб мерос сифатида ўтганлигини аниқлашда қийинчилик туғдиради. К.Шониёзов ушбу санани мил. ав. 206 – мил. 25 йиллар деб кўрсатиб, бунга асос сифатида милодий 25 – 220 йилларда Суғднинг Кушон

²⁹⁸ Йилномада бу ҳақида қуйидагилар келтирила: “[Юэчжи халқи] дастлаб Цилян тоғидан шимолдаги Чжаову шаҳрида яшаган. Тукюелардан мағлуб бўлгач, жанубга силжиб, Цунлин (Помир)га яқин жойга жойлашишди. Шу ердан ҳозирги жойларига бориб ўрнашишди ҳамда 9 та ҳукмдорлар сулоласига бўлинишди: Кан (Самарқанд), Ань (Бухоро), Цао (Кабудон), Ши (Чоч), Ми (Маймурғ), Хэ (Кушония / Каттақўрғон), Хосюнь (Хоразм?), Маоди (Битик?), Шыши (Кеш). Бошқарувчилари наслдан-наслга ўтадиган “тўққиз хонадон” деб юритилади ва барчаси Чжаову фамилиясига эга” (Қаранг: Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 30; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 310). А. Хўжаев бу тарихий жараёни мил. ав. 177 – 176 йиллар бошланганлигини келтириб муаммога янада аниқлик киритади (Қаранг: Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – С. 53-54).

²⁹⁹ Тадқиқотчи Т.Юй хитой йилномалари маълумотлари асосида «Хан шу» йилномасининг 96 бобида келтирилган *Shu-le* давлатини қадимги Суғд дея талқин этган. Унга кўра мазкур даврда (мил. ав. 206 – мил. 220 йиллар) Суғдда 1510 та оила яшаган. Давлатнинг умумий аҳолиси 18 647 кишини ташкил этиб, улардан 2 000 киши курулдан фойдалана олган (Қаранг: Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN. ... – С. 49.)

³⁰⁰ Абдуҳолик Абдурасул ўғлига кўра, “юэчжи” атамаси “босиб олувчи”, “кўчиб юривчи” маъноларини беради (Қаранг: Абдуҳолик Абдурасул ўғли. “Юэжи” атамаси ҳақида // О’zbekiston tarixi. – 1999. – №4. – Б. 9-16). О.И. Смирнова эса ушбу атаманинг тил нуқтаи-назаридан эроний ёки туркий асосга эга эканлигини илгари сурган (Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 28).

³⁰¹ Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. ... – Б. 53.

давлати таркибида бўлганлигини келтиради³⁰². Б.Гафуров эса Суғднинг Кушон давлати таркибига қўшиб олинганлиги санасини Канишка (78 – 123) хукмронлиги даври билан боғлашга ҳаракат қилади³⁰³. Аммо соҳа мутахассисларининг аксарият ишларида Суғднинг Кушон давлати таркибида бўлганлиги масаласи очик қолдирилган. Бу борада тадқиқотчилар орасида ягона фикр йўқ. Бунга сабаб манбалар етишмаслиги бўлиб, археологик материаллар ҳамма вақт ҳам керакли хулосага келишга асос бўлавермайди.

Энди, хитой йилномаларида Суғд хукмдорлари шажараси билан боғлиқ маълумотлар таҳлилига қайтсак. Йилномаларда келтирилган Кан (Самарқанд)даги хонадон тўққизта сулоладан бири эканлиги таъкидланиши билан биргаликда, улар орасида унинг марказий мавқега эга эканлигига алоҳида урғу берилади. Шунингдек, “Бэй ши” ва “Суй шу”да Хэ (Кушония) ва Ми (Маймурғ) хукмдорларининг келиб чиқиши Чжаову сулоласидан эканлиги ва уларнинг насли Кан (Самарқанд) хонадонига бориб тақалиши ҳақидаги маълумотлар³⁰⁴ юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Бу эса Чжаову шаҳридан келган хонадон вакиллари дастлаб Самарқандга келиб ўз сулоласини ташкил қилгани борасидаги фикрга асос беради³⁰⁵. Бу эса К.Шониёзовнинг Самарқандда ҳокимият мил. авв. 206 йилдан бошлаб авлоддан-авлодга ўтиб келгани борасидаги фикрининг тарихий ҳақиқатга яқинроқ эканлигидан далолат беради.

Баъзи тадқиқотчилар Цинлянь тоғи атрофидан келган Чжаовуларнинг тамгалари асосида масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилишади. Улар Суғд конфедерацияси, Бухоро ва Чоч хукмдорлари ўртасида боғлиқлик борлигини тахмин қиладилар. Хусусан, VI – VIII асрларга тааллуқли *с'сунк* $\gamma\omega\beta\omega$ – “Чоч хукмдори” унвонли, \mathfrak{H} шаклли тамғали тангалар билан қарийб худди шу даврларда муомалада бўлган \mathfrak{Z} шаклли тамғали Бухоро тангалари ва \mathfrak{Y} шаклли тамғали Самарқанд ихшидлари тангалари орасида яқинлик бўлиши мумкин. Балки ушбу тамгалар марказий хонадон бўлмиш Самарқанд Чжаовулар сулоласининг тамғасидан ўсиб чиққандир: $\mathfrak{H} \leftarrow \mathfrak{Y} \rightarrow \mathfrak{Z}$. Тамгалардаги шаклий ўхшашлик Самарқанд, Бухоро ва Чоч марказий бошқарувчиларининг қариндош ва Чжаову хонадонига мансуб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминга келишга имкон беради³⁰⁶. Бунга Хитой йилномаларида келтирилган Самарқанд, Бухоро, Чоч хукмдорларининг насли бир эканлиги борасидаги маълумот янада аниқлик киритади³⁰⁷. Чжаову сулоласининг дастлабки ташкил топишида туркийлар ва кейинчалик суғдийлар етакчилик қилганлиги юқоридаги маълумотлардан маълум бўлади.

Хитойшунослар йилномаларда келтирилган “... юэчжиларнинг тукюе (турк)лардан мағлубиятга учрагач, жанубга қараб силжиганликлари” мазмунидаги маълумотни мил. авв. II- аср ўрталарига, аниқроғи, 177 – 176 йил-

³⁰² Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. ... – Б. 53.

³⁰³ Гафуров Б.Г. Таджики. ... Кн. 1. – С. 189.

³⁰⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 272, 274-275, 282, 286-287.

³⁰⁵ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 30.

³⁰⁶ Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Тошкент: Yangi nashr, 2010. – Б. 27.

³⁰⁷ Захидов П. Государство Кангуй. ... – С. 23-29.

ларга тааллуқли деб ҳисоблашади³⁰⁸. Айни мана шу даврда чжаовулар *Кангкия* (Кан / Самарқанд) давлатларига асос солишган³⁰⁹. Бу эса Чжаовуларнинг жануби-ғарбийга силжиши ҳамда Суғдга келиб жойлашуви айни милоддан аввалги II- асрнинг охирида юз берганлигидан дарак беради.

Хитой йилномаларидаги ушбу маълумотлар археологик материаллар талқини асосида ҳам ўз тасдиғига эга. Хусусан, археологик тадқиқотлар натижасида француз археологи К.Рапен юэчжиларнинг дастлабки хужумлари мил. авв. 145 йил, иккинчи даври мил. авв. 130- йилларга тўғри келади, деган хулосани билдирган эди³¹⁰. Хитой йилномаларидан эса юэчжиларнинг ғарбга силжишлари мил. авв. 177 – 176 йилларга тўғри келиб, айнан Суғд кириб келишлари мил. авв. 145- йиллар атрофига тўғри келади.

О.И.Смирнова тангаларда учрайдиган Чжаову сулоласи вакиллари исмларининг эроний асосга эга эканлиги ва уларнинг кучли эронийлашгани ҳақидаги фикрни илгари суради³¹¹. Олима хитой манбаларидаги *чжаову* иборасининг Тан давридаги хитойча (*t'siä miu*) ва Хан давридаги архаик хитойча (*t'ioḡ miwo*) ўқилиш шаклини изоҳ сифатида келтиради³¹² ҳамда мазкур иборани араб ва маҳаллий манбаларда Марказий Осиёнинг исломдан олдинги аслзода табақаси номи сифатида тилга олинган *جموك* – “жамук” (“қимматбаҳо тош” маъносида³¹³) сўзи билан таққослайди³¹⁴. О.И.Смирнова фикрларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, *чжаову* атамасини нафақат Суғд хукмдорларига, балки бошқа сулолаларга ҳам нисбатан ишлатиш мумкин. Хусусан, кушонлар давридаги давлат бошлиғининг унвони *yabyū* – ябғу бўлиб, у ҳам *жамук* ва ундан кейин *чжаову* билан билан алоқадор³¹⁵.

А.Атаходжаев эса Ҳ.В.Ҳауссигга суянган ҳолда *yabyū* – ябғу унвони туркий *jibu* унвони эканлигини ва мусулмон манбаларида *siljibu* ва юнон манбаларида *siljibul* шаклида келтирилганлигини ҳамда “ғарбий турк хоқонлари”нинг насаби эканлигини илгари суради³¹⁶. Ат-Табарий ҳам ўзининг “Подшолар ва пайғамбарлар тарихи” асарида *жамук* ҳақида келтириб *الترك عظاما منهمو* – “улар турк азимларидан” деб келтиради³¹⁷. Бизнингча, Чжаову сулоласининг келиб чиқишида эроний қабилаларнинг ҳам ўрни бўлган. Суғддаги давлат қурилишида ҳар иккала этноснинг улуши бўлган. Бу эса конфедерация хукмдорларининг келиб чиқишида иккита этник асос бор деб хулоса қилишга имкон беради.

Суғд конфедерацияси бошқарувчи сулоласининг келиб чиқиши хусусида Афросиёб деворий суратларидаги битикларда ҳам маълумотлар келтирилган. Хусусан, 1965 йилда топилган Афросиёб шаҳарчасининг

³⁰⁸ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 53-54.

³⁰⁹ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – Б. 54.

³¹⁰ Rapin Cl., Isamidinov M., Khasanov M. La tombe d'une princesse nomade a Koktepe. ... – P. 75-79, 81.

³¹¹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 25.

³¹² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 28.

³¹³ Frye R.N. Jamuk, sogdian pearl? // JOAS, 1952. – P. 105-106.

³¹⁴ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. – С. 32-35.

³¹⁵ Захидов П. Государство Кангуй. ... – С. 31-33; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 36.

³¹⁶ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 66.

³¹⁷ История ат-Табари. ... – С. 253.

шимолий қисмидаги сарой мажмуасидаги деворий суратларда акс эттирилган 16 сатрли суғдий ёзувда конфедерация ҳукмдори Вархуманнинг уруғи 'wnš'w – Унашу (ёки Уншу) деб келтирилган³¹⁸ бўлиб, деворий суратлардаги ёзув суғдшунос В.А.Лившиц томонидан ўқиб чиқилган³¹⁹. Битикдаги ёзув дастлаб 'brγwm'n 'wnγw MLK' – “Хун ҳукмдори Авархуман” деб, талқин этилган³²⁰. Кейинчалик эса олим мазкур иборани 'brγwm'n 'wnš MLK' – “Унаш (уруғидан) ҳукмдор Авархуман” деб ўқишни палеографик жихатдан тўғри деб ҳисоблади. Ўз фикрларига далил сифатида В.А.Лившиц 'wnš'w (Унашу) иборасининг этноним сифатида ўхшаши хитой йилномаларида Кан (Самарқанд) ҳукмдорлари хонадонининг номи сифатида *Вын шу* тарзида учрашини келтирди³²¹. Шу билан бирга, ушбу масалада кейинги йилларда В.А.Лившиц томонидан яна бошқа фикр таклиф қилинди. Унга кўра, 'wnš сўзини Хитой йилномаларида келтирилган *wen-na-sha* («wen-nasha»³²²) сўзи билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш ва бу сўз хитойчада Суғд (*Su-te*) мамлакатининг номларидан бири бўлиши мумкин, деб ҳисобласа бўлади³²³. Кейинги даврларда олиб борилган тадқиқотларда Авархуман – Вархуман номидан зарб қилинган тангалардаги ёзувлар асосида Вархуман исмли ҳукмдор иккита (Вархуман I ва Вархуман II) бўлган, деган фикрлар (Вархуман номидан зарб қилинган тангалардаги ёзувнинг тузилиши асосида) илгари сурилди³²⁴.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, В.А.Лившиц ва шу асосда илгари сурилган бу борадаги фикрлар ўзини оқламайди. Уларнинг ёзишича, аввало, В.А.Лившиц томонидан келтирилган “Хитой манбаларида Самарқанд ҳукмдорлари мансуб уруғ номи *Вын-шу*” мазмундаги маълумот хитой йилномаларида аслида бошқача шаклда келтирилган. Уларга кўра, йилномада ушбу маълумот - “(Самарқанд) ҳукмдор хонадонининг номи *Вэнь* бўлиб, келиб чиқishi *Юэчжилардан*” тарзида учрайди. “Тан-шу” йилномасини хитой тилидан русчага ўгирган Н.Я.Бичурин ушбу жумлани “*Собственно владетель прозывается Вынъ; происходит из Дома Юечжы*” шаклида таржима қилган бўлса³²⁵, туркшунос Э.Шаванн мазкур жумлани “*Le nom de famille du prince est Wen. C'étaient à l'origine des Yue-tche*” тарзида француз тилига таржима қилган. Самарқанд ҳукмдорлари мансуб бўлган хонадон номи сифатида учрайдиган *Вэнь* сўзи “Суй-шу” (636 й.) йилномасида илк бор тилга олинган.

³¹⁸ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. ... – С. 124

³¹⁹ Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба // Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии. – Л.: 1965. – С. 17.

³²⁰ Лившиц В.А. Правители Согда и “цари хуннов” в китайских династических историй // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. IX годичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР (аннотации и краткие сообщения). – М.: 1973. – С. 26.

³²¹ Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). ... – С. 69; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 315.

³²² Юй Т. Эфталиты и Согдиана / Согдийский сборник. Выпуск 4. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане // Ред. Ш. Камалиддин. – Lambert Academic Publishing: 2017. – С. 31.

³²³ Лившиц В.А. История изучение Согда. ... – С. 198-199; Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. ... – С. 53.

³²⁴ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. ... – С. 117-125.

³²⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 285-290.

Кейинчалик эса ушбу жумла “Бэй-ши” (659 й.) ва “Тан-шу” (945 й.) йилномаларида айна кўринишда такрорланади³²⁶.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, Ғарбий Турк хоқонлигининг номи қадимги туркий битиктошларда *On Oq* – “Ўн Ўқ / қабила”³²⁷, Хитой йилномаларида эса “*Вэнь* фамилияли ўн аймоқ / қабила” тариқасида ҳам учрайди³²⁸. Бу эса Самарқанд ҳукмдори Авархуман (650- йиллар) келиб чиқиши Ғарбий Турк хоқонлигига, Ўн Ўқларга мансуб ҳукмдор бўлган, мазмунидаги фикр билдиришга имкон беради. Яъни, йилномаларда Самарқанд ҳукмдорлари уруғи сифатида тилга олинган “Вын шу” сўзи *'wɳ'w* – “Унашу” тарзида эмас, балки *'wɳw* ёки *'wɳ'w* тарзида ўқилади³²⁹. Суғд ихшиди Мастич тангаларидаги ҳукмдор уруғининг номи палеографик жиҳатдан *'wɳ* – “Ўн Ўқ” деб ўқиш имконини беради³³⁰. Бу эса ушбу сўзни “ун ук” ёки “ўн ўк” деб талқин қилишга асос ҳисобланади.

Ёзувлар талқинини тарихий жараёнларга солиштирганда ҳам ушбу сўзнинг турклар билан боғлиқ “Ўн Ўқ” сулоласига тўғри келиши маълум бўлади³³¹. Афросиёб деворий суратларини талқин қилган Л.И.Альбаумнинг келтиришича, VII асрнинг 40- йилларида Ғарбий турк хоқони Юқук-хон (Иби Дулу-хон) Жанубий Ўрда ҳукмдори Ишбара-хон (Шеху-хон) билан Етти-сувда рўй берган низолар сабабли Суғд орқали Тохаристонга қочишга мажбур бўлади. Мана шу пайтда унинг лашкарбошиларидан бири, Ғарбий туркларнинг “Дулу” уруғи вакили бўлган Вархуман Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритган ва ўзини бу ернинг ҳукмдори деб эълон қилган бўлиши мумкин³³². Вархуманнинг айнан суғдий ёки туркий эканлигини айтиш қийин. Лекин манбалар таҳлили унинг кўпроқ суғдийдан кўра, туркий этнос вакили эканлигига ишора беради. Шунингдек, бой туркий зодагонларнинг суғдий исмга ҳам эга бўлганлиги Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орқали маълум³³³. “Дулу” ва “Нушиби” қабила иттифоқлари ўртасидаги урушда мағлубиятга учраган “Дулу” Суғдда ҳукмронлигини ўрнатган ва бу Вархумандан кейинги ҳукмдорларнинг ана шу уруғдан бўлиши мумкинлигига ишора беради.

Суғд конфедерацияси марказини бошқарган сулоланинг келиб чиқиши манбаларда *чжаовулар* деб келтирилган. Маҳаллий шакли *жамук* ёки *чамук* бўлган деб тахмин қилинадиган ушбу сулоланинг этник келиб чиқишида суғдий ва туркий этнослар иштирок этганлар. “Суй шу” йилномасида *Хэ* (Кушония) ва *Ми* (Маймурғ) ҳукмдорларининг келиб чиқиши *Чжаову* сулоласидан эканлиги ҳамда уларнинг насли Кан (Самарқанд) хонадонига

³²⁶ Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 217.

³²⁷ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М.-Л.: 1951. – С. 30.

³²⁸ Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN. ... – С. 58.

³²⁹ Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда. ... – С. 218-220.

³³⁰ Ўша жойда. – С. 219.

³³¹ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 36-38.

³³² Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 38.

³³³ СДГМ II. – С. 27.

бориб тақалиши келтирилган бўлиб, бу суғдий ҳукмдорларнинг ягона хонадондан тарқалганликлари борасидаги фикрни кучайтиради.

Хуллас, VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Самарқанддаги сулола ғарбий туркларнинг Ўн Ўқ иттифоқи билан боғлиқ бўлса, унгача бўлган Суғд ҳукмдорлари шажараси Хитой йилномаларида келтирилган чжаовулар ёки маҳаллий Кан хонадони вакиллари бўлган суғдийлар билан алоқадор.

Марказий ва маҳаллий унвонлар.

Илк ўрта асрларда тараққий этган Суғд конфедерациясини, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида *xšēd* – *ихшид* шаклида³³⁴, арабий манбаларда *اخشيد* – *ихшид* шаклида келтирилган унвонли³³⁵ ҳукмдорлар бошқарган. Лекин Суғд конфедерациясини 650 – 670- йилларда бошқарган ҳукмдор *βρυwm'n* – Авархуман ва ундан олдин ҳукмронлик қилган *šyšpur* – Шишпир (640- йй.) номидан зарб қилинган тангаларда уларнинг унвонлари *MLK'* – “подшо” деб келтирилади³³⁶. Афросиёб деворий суратларида ҳам Вархуман *MLK'*, яъни, “подшо” деб келтирилади³³⁷. Шунингдек, суғдий тангаларда минтақа ҳукмдорларининг унвони сифатида *MR'Y* ҳам учрайди. Мазкур ибора оромий гетерограмма ҳисобланиб, сўзма-сўз “ҳукмдорим” маъносини англатиб, суғдийча *xwβ(w)*, *xwt'w* – “ҳукмдор”, “ҳоким” иборасини ифодалаш учун ишлатилган³³⁸. Аммо мазкур икки унвоннинг бир-биридан фарқли жиҳатлари, қайси бири устун туриши ва мувофиқлик даражаси ҳалигача тўлиқ очиб берилмаган.

Суғд конфедерациясида VII – VIII асрларда мавжуд унвонлар таҳлили натижалари Суғдни муайян давлатчилик асосларига эга сиёсий уюшма сифатида эътироф этишга имкон беради. Лекин ушбу бошқарувнинг туб моҳиятини англаш, бошқарувдаги марказий ва маҳаллий унвонларнинг вазифаларини аниқлаш ҳамда мазкур бошқарувнинг барча даврларини, хусусан, илк ўрта асрлар давридаги ҳолатини чуқурроқ тадқиқ этиш лозимдир. Чунки айни илк ўрта асрларда ер эгалигининг шакллари ўзгариб, бошқарув манфаатларини кўзлаган хусусият касб этди. Аскинча, яхлит подшолик мулки ҳисобланган ер эндиликда мулкдор аслзода қатлам қўлига ўтиб тақсимланиш рўй берди. Ҳар бир ер эгаси ўз ҳудуди марказида қўрғон, қасрлар қуриш, шахсий ҳарбий гуруҳлар сақлаш каби ижтимоий ва мулкий муносабатларга эга бўлди. Ихшидлик бошқаруви асос эътибори билан ер мулкдорлари билан ҳисоблашадиган бўлди. Бу жараён бир мунча илгари милодий II - аср охири III - аср бошларида бошланган. Айни даврни

³³⁴ СДГМ II. – С. 127.

³³⁵ Kurat A.H. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti (higri 93-94-miladi 712) / Ankara Universitesi Dil va Tarih – Gografiya dergisi. – 1948. Cilt VI. – № 4. – S. 387-430.

³³⁶ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 35-43.

³³⁷ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 38.

³³⁸ Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу об употреблении титула *MR'Y* в Средней Азии (по нумизматическим данным) / Согдийский сборник. Выпуск 2. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане // Ред. Ш. Камалиддин. – Lambert Academic Publishing: LAP, 2015. – С. 89.

Марказий Осиёда, жумладан, Суғдда ҳам илк ўрта асрларнинг бошланиши деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир³³⁹.

Қанғ давлати парчалангач, Суғдда мулкчилик муносабатлари ўзгара бошлаган. Ер эгалигининг “деҳқон”³⁴⁰ мулкчилиги шаклланиши тезлашди. Суғдда мулкчиликнинг турли хил шакллари, жумладан, хусусий, жамоа мулклари ва зардуштий ибодатхоналарига тегишли “вағнзе” (*βγνz 'yh*) хиллари таркиб топди. Бу эса маҳаллий заминдорларнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Давр ўтгани сайин зодагонлар (хвабу – *γwβw*), эркин деҳқонлар (аазат (кор) – *'z't (k'r)*) бойиб, деҳқон жамоалари (кашоварз – *kšw'rz*) уларга мулкий боғланиб кадивар (*k'dw'r*)ларга айланди³⁴¹. Лекин Суғдда деҳқон зодагонларининг ҳам Эрондаги каби табақаларга бўлинганлиги маълум эмас³⁴².

Суғд конфедерацияси тараққий эта борган сайин бошқарувда марказлашиш жадаллашди. VII асрнинг ўрталари конфедерация ҳукмдорликлари Кеш атрофида бирлашган бўлсалар, шу аср иккинчи ярмидан бошлаб барча конфедерация аъзолари Самарқандни конфедерациянинг маркази сифатида тан олишган. Конфедерация тараққий эта боргани сари бошқарув такомиллаштирилди. Хусусан, Турк хоқонларидан бири бўлган, хоқонлик бошқарувида ислохотлар ўтказган Тун ябғу-хоқон даврида (618 – 630) хоқонликнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Суғд конфедерациясида ҳам маъмурий бошқарув такомиллаштирилади³⁴³.

Суғддаги ҳукмдорликлар марказга ва ўз навбатида, мулклар ҳукмдорликларга конфедератив тартибда ўз содиқликларини билдирганлар. Баъзи ҳолларда мулкларнинг ҳукмдорликка ёки марказга тобелик ҳолатини аниқлаш анча қийинчилик туғдиради. Ю.Ёқубовнинг Муғ тоғи суғдий ҳужжатларига суяниб келтиришича, Парғар, Буттам (Юқори Зарафшон) каби қишлоқларни анчайин эркин ҳаракат олиб борганликлари ва тўғридан-тўғри марказ Самарқандга итоат этмай, аввал Панчга, сўнгра унинг ихтиёри билан

³³⁹ Илк ўрта асрлар даврининг V асрдан бошланиши Рим кулдорлик империясининг бўлиниши ва ер мулк муносабатларининг ўрнатилиши билан боғлиқ жараёнлар Европа тарихшунослиги орқали кириб келган рус тарихшунослигидан маълум. Шарқда Эрон ва асосан, Ўрта Осиё ҳудудида жамият тараққиёти ҳамда ривожланиши анча тез бўлиб, феодал муносабатлар олдинроқ милодий II – III- асрлардан бошланган (Қаранг: Мартынов А.И. Вопросы истории и археологии Сибирского средневековья // Этнокультурные процессы в Южной Сибири и Центральной Азии в I-II тысячелетиях н.э. – Кемерово: 1994. – С. 8-9).

³⁴⁰ Илк ўрта асрлар даврига хос “деҳқон” атамаси ер билан боғлиқ бошқарувчи ижтимоий табақанинг бошида турган. Суғдда зодагонлар ёки катта ер эгалари, баъзан қишлоқ оқсоқоллари “деҳқон” дейилган. Улар мустаҳкам қалъаларда яшашган. Бутун бошли қишлоқлар деҳқонлар тасарруфида бўлган. Шунинг учун ҳам илк ўрта асрларда қишлоқ ҳокими “деҳқон” деб аталган (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2002. – Том 3. – Б. 395). Деҳқон ибораси эроний ва туркий асосга эга *dihā* (“қишлоқ”, “овул”) ва *qoṣn* (“хон”, “ҳоким”) сўзларидан ташкил топган. Деҳи-баланд (“Баланддаги қишлоқ”), Деҳи-нав (“Янги қишлоқ”) каби бугунги жой номлари *dihā* компоненти асосида ясалган – Б.Ғ.

³⁴¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 67.

³⁴² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... – С. 239.

³⁴³ Тун ябғу хоқон (618 – 630) ўз хоқонлик таркибидаги конфедерацияларга, хусусан, Суғдга ҳам ўз кишилари жўнатиш орқали уларни бошқаришни ўз ислохотига киритган. Ислохот мазмуни шундан иборатки, дастлаб *элтабар* унвонидаги шахс жўнатиш ва унинг устидан назорат ўрнатиш мақсадида *тудун* жўнатишган (Қаранг: Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата: ... – С. 7). Лекин ушбу икки унвоннинг илк ўрта асрларда Суғдда олиб борган фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар анча мавҳум. Бу ҳақида асосий манба Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари ва нумизматик материаллар ҳисобланади.

марказга бўйсунган деб ҳисоблайди³⁴⁴. Худди шунга ўхшаш ҳолатни Нахшабнинг Кешга тобелиги ҳолатида ҳам кузатиш мумкин.

Суғд ўтроқ ҳаёт тарзи ҳукм сурган минтақалардан бўлиб, унда ҳаётий ресурслардан тўғри фойдаланиш ва ер-сув эгаллиги мулкчилигининг ривожланиши натижасида сиёсий-худудий ва маъмурий тизим шаклланган. Марказ ва худудий бирликлар ўртасидаги бошқарувчи ҳокимият органлари вужудга келган. Бунда ҳукмдорлик маркази ва мулклар ўртасидаги бошқарувчилар бўлганлиги манбаларда келтирилади. Масалан, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида *ky'βš'uws* – катиябшауз, “қишлоқ оқсоқоли” маъносини англатадиган унвон эгаси тилга олинган³⁴⁵. Суғдда қишлоқларнинг қишлоқ оқсоқоли томонидан бошқарилиши аввалдан мавжуд бўлган. Бу эса давлатчилигимиз тарихида қадимий қишлоқ жамоавий бошқарувининг ўз ўрнига эга бўлиб, Суғд конфедерацияси мисолида унинг давомий эканлигини тасдиқлайди.

Марказий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги муносабатлар эса йирик заминдорлар, бой савдогарлар ва шаҳарлик аслзодалар томонидан тузилган “Оқсоқоллар кенгаши” орқали амалга оширилган. “Ихшид” унвонли ҳукмдорлар “Оқсоқоллар кенгаши” фикрига таянган ҳолда чекланган ҳокимиятга эга бўлган. Ҳар бир ҳукмдорликнинг ҳарбий саркардалари ва *чокарлари* бўлган³⁴⁶. Суғдда мавжуд давлат бошқарув тизимининг бўлинмаганлиги, яъни, унинг фақат ягона давлат органи бўлган “Оқсоқоллар кенгаши”дан иборат эканлиги бугунги конфедерацияга қўйилган меъёр-қоидаларига ҳам мос тушади.

Ҳукмдор – *ихшидлар* “Оқсоқоллар кенгаши” томонидан тайинланган. Суғд конфедерацияси устидан ҳукмронлигини ўрнатган давлатларнинг аксариятида кўчманчи маданият ҳукмрон бўлиб, мазкур кўчманчи давлатларда бошқарувда демократик омилларга нисбатан уруғ-қабилавий бошқарув устун бўлган. Масалан, Турк хоқонлиги бошқарувида уруғ-қабилавий ва қариндошлик тамойилларига амал қилинар эди. Кейинчалик Суғд ҳукмдорлари ва Турк хоқонлари ўртасидаги қариндошлик ришталарининг боғланиши натижасида Суғдда ҳам қариндошлик бошқарувига амал қилина бошланди.

Ихшидлардан кейинги бошқарув поғонасида йирик ер эгалари бўлган “озодлар” – “озодкор”, яъни эркин ер-мулк эгалари турган³⁴⁷. Ушбу маълумотлар Суғд конфедерация ва унинг таркибидаги ҳукмдорликлар учун хос бўлиб, буларни суғдий ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. “Озодлар” доимий равишда ихшидлар хизматида бўлиб, улар солиқлардан озод этилган эди³⁴⁸.

Бу масалада Муғ тоғи суғдий ҳужжатларига мурожаат қиладиган бўлсак, Суғдда аслзодалар тоифаси қуйидагича эканлиги маълум бўлади. Ихшид –

³⁴⁴ Якубов Ю. Паргар в VII-VIII веках нашей эры. – Душанбе: Дониш, 1979. – С. 21-56.

³⁴⁵ СДГМ II. – С. 177; Мамарахимова Б. Дворцовое хозяйство и управление хозяйственными отношениями в Согде (по данным документов с горы Муг) / Согдийский сборник. Выпуск 2. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане // Ред. Ш. Камалиддин. – Lambert Academic Publishing: LAP, 2015. – С. 40.

³⁴⁶ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – С. 67; Beckwith C.I. Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam. ... – P. 36-38.

³⁴⁷ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 23-37.

³⁴⁸ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 38.

xšayatiya, оромий идеограммада *MLK'* деб аталувчи амалдор бўлган³⁴⁹. *MLK'* ёзув шакли суғдий *Nov. 3* ва *Nov. 4* хужжатларида Тархунга нисбатан, В-8, В-4, А-14, А-20, *Nov. 2*, В-10, В-17, В-17, А-18, А-2, А-3, А-16 рақамли хужжатларда эса “Суғд ҳукмдори” тарзида Деваштичга нисбатан қўлланилган. Ушбу унвон арабий тилда *ixšīd/d* – *ихшид* тарзида талаффуз этилган. Тадқиқотчи А.Кубатин (*i*)*xšēd* (>*xšēt/xšāt*) *ixšīd/d* – *ихшид* унвони асосида Фарбий Турк хоқонлигининг юқори унвонларидан бири бўлган *šad* – *шад* унвони ўзлашганлигини келтиради³⁵⁰. Лекин *шад* унвонининг қай тарзда ва қачон хоқонлик бошқарувига кирганлиги масаласи қўшимча далилларга муҳтож. *Ихшид* унвони нафақат Суғд конфедерацияси ҳукмдорларига нисбатан, балки Фарғона ҳукмдорларига нисбатан ҳам ишлатилганлиги ўрта аср манбаларида тилга олинади³⁵¹. Суғдий хужжатларнинг В-17 рақамлисида Фарғона ҳукмдорларига нисбатан ҳам *MLK'* – *ʿxšud* унвони келтирилган³⁵². Суғдий хужжатларда кўплаб маротаба учрайдиган *MLK'* – “подшо” ва *MR'Y* (*MR'Y'* ёзилиш варианты) – “ҳукмдор” маъноларидаги идеограммалар бир маънони англатиш учун ишлатилган.

Шу ўринда арабий манбаларда учрайдиган³⁵³, Суғд конфедерацияси бошқарувига дахлдор *افشين* – *афшин* (**ʾβšyn* – *afšīn* – *афшин*) унвони хусусида келтириб ўтиш лозим. Манбаларда ушбу унвон *ʿxšuwnu*, *xšuwnu*, *ʿxšuwṇk*, *ʿxšuwṇk*, *ʿxšuwṇu*, *ʿxšuwṇu*, *ʿxšuwṇu*, *ʿxšuwṇu* шаклида Уструшона ҳукмдорлари унвони сифатида келтирилади. *Афшин* унвонини юқорида келтирилган *MR'Y* / *MR'Y'* унвонларига яқин маънони англатиши ҳақидаги мулоҳазалар унчалик асосли эмас. Чунки араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим (86 – 96 / 705 – 715³⁵⁴) ва Суғд ихшиди Ғурак (710 – 738) ўртасида тузилган “Самарқанд шартномаси”да (712 й.) Ғурак “Суғд афшини, ихшиднинг ўғли” деб келтирилади³⁵⁵. *Афшин* унвони суғдий манбаларда учрамайди³⁵⁶. Шундай экан, уни олий суғдий унвонлар билан солиштириш анча қийинчилик туғдиради. Ушбу унвон арабий тилли манбаларда кўпроқ Уструшона ҳукмдорларининг бош унвони сифатида қайд этилган³⁵⁷. Уструшона тахминан Суғд конфедерациясининг ҳукмдорликлари мақомидаги маъмурий бирлик бўлиб, унинг бош унвони конфедерация бош унвонидан паст бўлган. Эҳтимол, ушбу унвонни “ихшид” ёки “хвабу”га нисбатан паст

³⁴⁹ Суғдийча “ихшид” Авесточа *xšay* сўзининг сифатдош шакли бўлиб, “нурланувчи” деган маънони англатади (Қаранг: Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 351).

³⁵⁰ Кубатин А.В. Система титулов в Тюркском каганате. Генезис и преемственность. – Ташкент: Yangi nashr, 2016. – С. 77.

³⁵¹ Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. ... – Б. 129.

³⁵² СДГМ II. – С. 115-123.

³⁵³ Ўрта асрлар тарихчиси Ал-Яъқубий ўзининг “Тарих” асарида келтиришича, Суғд ихшиди Ғурак (710 – 738) Қутайба ибн Муслим (704 – 715) билан тузган шартномасида ўзини Суғд ихшиди, Самарқанд афшини деб атаган (Қаранг: ал-Йақуби. Книга стран (Китаб ал-булдан) / Вступительная статья, перевод, комментарии и указатели Л.А.Семеновой. – М.: Вост. лит., 2011. – С. 344.

³⁵⁴ Маълумотларга кўра, Қутайба ибн Муслим вафот этган вақтда 36 ёшда бўлган. Маълум бўладики у милодий 679 йилда туғилган.

³⁵⁵ Kafesoglu I. Turk Milli kulturu. – Istanbul: 1993. – S. 387-430.

³⁵⁶ СДГМ II. – С. 50.

³⁵⁷ Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 1997. – С. 20.

даражада эканлигини билган араблар Ғуракка “афшин” деб мурожаат қилиш орқали унинг Деваштич (708 – 722) билан алоқаларига раҳна солишни режалаштириб, ўз мақсадларига эришмоқчи бўлишган. Ёки ҳақиқатдан ҳам, Ғурак Уструшона афшинлари авлодидан бўлиши ҳам мумкин³⁵⁸.

Конфедерация бошқарувида қўлланилган унвонлар суғдийларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб тарқалиши ва бу йўлларда суғдий топонимларнинг шаклланиши македониялик Александр даври (мил. авв. 329 – 327) юришлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Босқин натижасида кўплаб суғдийлар ўз она юртларини ташлаб ўзга юртларда манзилгоҳларини барпо этишган³⁵⁹. Масалан, суғдий “ихшид” унвони Суғддан ташқарида ҳам ишлатилгани Фарғона мисолида ўз аксини топиши юқоридаги асос билан изоҳланиши мумкин. “Ихшид” сўзи суғдий ёзувда Фарғонада ҳам худди ана шу кўринишда ишлатилган. Бу эса суғдий ёзувнинг Бухоро варианты бўлгани³⁶⁰ каби Фарғона варианты бўлганлиги борасидаги фикрни кучайтиради.

Суғд конфедерациясидаги бошқарув тизими тадқиқ этишда Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари бирламчи манба ҳисобланиб, уларда бир қатор марказий ва маҳаллий унвон ҳамда мансаблар қайд этилган. Хусусан, суғдий ҳужжатларда учрайдиган “хукмдор”, “жаноби олийлари” маъноларини берувчи юқори лавозимлардан яна бири *γwt'w* – *хунав* бўлган³⁶¹. Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари мажмуасининг Nov. 6, B-7, B-17 рақамли ҳужжатларида қайд этилган. Мазкур унвоннинг оромийча ёзилиш шакли, суғдий ҳужжатларда *MR'Y* // *MR'Y'* идеограммаси орқали ифодаланади. Монийча суғдий матнларда келтирилган *xwt'w*, *xt'w* сўзлари ҳам “жаноби олийлари” ёки “хукмдор” маъноларини бериб, бу ибора сўзма-сўз *xva-tava* яъни, “ўзига яқинроқ” маъносини ифодалашини В.А.Лившиц эроншунос Х.Хумбах фикрларига таянган ҳолда илгари суради³⁶². *γwt'w* – *хунав* иборасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу унвон маҳаллий ҳукмдорларга берилган ва марказий ҳокимиятни бошқарган ихшиддан паст бўлган. Мазкур унвонни кўпроқ *афшин* унвони билан солиштириш мумкин. Чунки *афшин* суғдий манбаларда учрамасада маҳаллий ҳукмдорларга берилган унвон ҳисобланган.

MR'Y унвони Суғд конфедерация ҳукмдорлари билан алоқали равишда милодий III- асрга оид Култўба битикларида *symrkntč MR'Y* (Самарқанд ҳукмдори), *kšynk MR'Y* (Кеш ҳукмдори), *nxšpyk MR'Y* (Нахшаб ҳукмдори) шаклида учрайди³⁶³. Лекин мазкур унвон Чочда бўлмаган³⁶⁴. Матнда ушбу

³⁵⁸ СДГМ II. – С. 50.

³⁵⁹ Vaissière de la Ё. Sogdian traders: ... – P. 22-24.

³⁶⁰ Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. К открытию бухарского локального варианта согдийской письменности // ВДИ, 1954. – №.1. – С. 152.

³⁶¹ Суғдий ҳужжатлар *xwβ* – *хваб* ёки *xwβw* – *хвабу* атамаси ҳам “хукмдор” маъносида ишлатилган. Nov. 3, Nov. 4, B-19 рақамли ҳужжатларда Тархун ва Деваштичга нисбатан қўлланилган. Аслида “хваб” ва “хвабу” бир бўлиб, ёзилишда бироз фарқ бор (Қаранг: Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 20).

³⁶² Эроннинг қадим ва илк ўрта асрлар тарихига оид “Хвадай намак” (“Подшоҳнома”) асаридаги *хвадай* (хватай) сўзи “хукмдор” маъносини англатган (Қаранг: Лившиц В., Хромов А. Согдийский язык. ... – С. 384).

³⁶³ Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygyys. – 2006. – № 1. – P. 96-100.

³⁶⁴ Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу об употреблении титула *MR'Y* в Средней Азии (по нумизматическим данным) / Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Выпуск 2. Редактор Ш. Камалиддин. LAR LAMBERT Academic Publishing, 2015. – С. 89-92.

хукмдорларнинг даштлик кўчманчиларга қарши курашганликлари ҳақида гап боради³⁶⁵. Конфедерация таркибидаги маҳаллий хукмдорлар (вилоят ҳокимлари) мана шу унвон билан аталган.

Суғд конфедерациясида мавжуд марказий унвонлар билан бирга давлат бошқарувида турли аҳамиятдаги маҳаллий унвонлар ҳам амал қилган³⁶⁶. Афсуски, ушбу унвонларнинг ҳаммаси ҳам фанга маълум эмас. Уларнинг бир қанчасининг номи ва бажарган вазифалари Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орқалигина маълум³⁶⁷. Бундан ташқари, унвонларни суғдийчадан таржима қилиш ва тиклаш суғдшуносликдаги муҳим масалалардан ҳисобланади³⁶⁸. Лекин маҳаллий унвонлар тўғрисида фақат Панч мисолида маълумотлар тизимли равишда сақланиб қолган бўлиб, конфедерациянинг бошқа субъектлар (Кеш, Нахшаб, Маймурғ, Иштихон, Кабудон, Кушония, Фай) тўғрисида маълумот йўқ³⁶⁹. Мазкур ҳолат эса ҳали муаммо доираси манбаларни синчиклаб тадқиқ этишни тақозо этади.

Суғд конфедерациясида маҳаллий давлат бошқарувининг бутун конфедерацияда бир хилда олиб олиб борилганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, конфедерациянинг барча хукмдорликларида худди Панчдаги каби маҳаллий унвонлар тизими мавжуд бўлган. Масалан, Суғд конфедерациясининг Панч хукмдори саройида хизмат қилган *pr'm'nd'r'wtt* – *фрамандар Ават* хукмдорнинг хўжалик ишлари бўйича ёрдамчиси ҳисобланиб, *фрмандар* маҳаллий унвон ҳисобланади. Фармондор Аватнинг Панчдан ташқарида ҳам фаолият кўрсатганлиги баъзи унвонларнинг бутун конфедерация бўйлаб фаолият олиб борганлигидан далолат беради³⁷⁰. Шунингдек, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида учрайдиган *'wuyrpt* – *аахвирпат*, “отхона бошлиғи”³⁷¹ маъносидаги ибора маҳаллий унвон бўлиши баробарида³⁷², Кеш хукмдорининг унвони сифатида тангаларда учрайди³⁷³. Дарҳақиқат, Суғд конфеде-

³⁶⁵ Байпаков К. Города округа Кенджида-Кендже / Цивилизации и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы международной конференции. Самарканд 7-8 сентября 2009 г. – Самарканд-Ташкент: 2010. – С. 5-15.

³⁶⁶ Гойибов Б. Суғд конфедерациясида марказий ва маҳаллий бошқарув тизими хусусида // Илмий хабарнома. Научный вестник. – Андижон, 2015. – №.1. – Б. 60-65.

³⁶⁷ СДГМ II. – С. 181, 191-218.

³⁶⁸ Якубович И. Проблемы согдийской этимологии: Дисс. на соискание ученой степени канд. филол. – М.: 2009. – С. 121-163.

³⁶⁹ Суғд конфедерациясининг Панч хукмдорлиги бошқарув тизими тизими тўғрисида (Батафсил қаранг: Гойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни. ... – Б. 59-67).

³⁷⁰ Ўз даврида *wtt* ибораси суғдшунос В.А.Лившиц томонидан (*wtt*) “ўт”, “олов”, “оташ” маъносидаги уйғурча сўз деб талкин этилган (Қаранг: СДГМ II. – С. 133). Қадимги туркий луғатда эса *öt, öd, ot* сўзлари “фикр” ва “маслаҳат” маъноларини англатиши келтирилади (Қаранг: Древнетюркский словарь / Под ред. В.М.Наделяева, Д.М.Насилова, Э.Р.Тенишева, А.М.Щербака. – Л.: Наука, 1969. – С. 372-373). *wtt* иборасининг “ўт”, “олов”, “оташ” маъноларини ифодалашы бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам қабул қилинган (Қаранг: Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. ... – Б. 82; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 86). Лекин мазкур иборани В.А.Лившиц таъкидлаганидек, туркийча эмас, балки, қадимги эронийча *wat* – “тушунмоқ”, “ишонмоқ” сўзларидан шаклланган *wt* – “умид”, “ишонч” маъносида суғдий исм талкин қилиш тўғрисида (Қаранг: Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 149).

³⁷¹ Суғдшунос В.А.Лившиц *'wuyrpt* – *аахвирпат* атамасини ўрта форсий тилга мансуб *āxwarrbed, āxwarrsālār* сўзлари асосида вужудга келган суғдийча *āxwēr*, форсийча *āxur* негизида шаклланганлигини илгари суради (Қаранг: Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 189).

³⁷² СДГМ II. – С. 162.

³⁷³ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 426.

рациясининг Кеш ҳукмдорлигида VII – VIII асрларда босилган тангаларнинг бир қанчасида *kšy'n'k xwβ 'xwrp't* – “Кеш ҳукмдори Ахурпат” жумласи учраса³⁷⁴, хитой йилномаларида 727 йилда Хитойга элчи юборган *Шы* (Кеш) ҳукмдори Хубидо (суғд. Ахурпат) исми қайд этилади³⁷⁵. Бу эса *ахурпат* маҳаллий унвон бўлиши билан бирга конфедерациянинг Кеш ҳукмдорлигини 720- йилларда бошқарган ҳукмдорининг унвони эканлигидан дарак беради. Хуллас, Суғд конфедерациясидаги *'γwyrpt* – *аахвирпат* унвонидаги шахс кейинчалик отхона бошлиқлигидан “отлиқлар бошлиғи”, яъни, қўмондон даражасига эришган ҳамда Кеш ҳукмдорлигини бошқарган. Бу эса *ахвирпат* маҳаллий унвондан марказий унвон даражасигача чиққанлигини кўрсатади.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида *'w'zypt* – *аавазипат*, (суғориш билан боғлиқ ариқ тозалаш, ҳашар ишларига масъул...) ³⁷⁶, А-5 рақамли суғдий ҳужжатида учрайдиган *prδyзр'(n)* – *пардезбон* (саройга қарашли боғлар, хиёбонлар устидан назоратчи) ³⁷⁷, *γwpt (šwpt ?)* – *зупат* (“даромадлар нозири”, бошқача айтганда, “молия ишлари мутассаддиси”) ³⁷⁸, *β'zkr'm* – *бозқром* (божхона нозири) ³⁷⁹, *n'ztyγyуw* – *назтиγpив* ³⁸⁰ (“ҳукмдор ёрдамчиси”, “ёрдамчи”) ³⁸¹, *δp'yrpt* – *дапирпат* ³⁸² (“бош котиб, девонхона бошлиғи”) ³⁸³, *prw'nk' kr'k* – *парвонак қрак* (“ҳужжат тўпловчи”, “фармон етказувчи”, “мукофотларни топширишга маъсул”) ³⁸⁴, *'rspn* – *арспан* (“кишлоқлар устидан назорат қилувчи” ёки “ҳарам оғаси”) ³⁸⁵, *pš'rspn* (“арспанлар ёрдамчиси”) ³⁸⁶, *ktу'βš'уws* – *катиябшауз* (“кишлоқ оқсоқоли”) ³⁸⁷, *'wrnyk'm* – *урникам* ³⁸⁸ (“қонун ишлари билан шуғуланувчи мансабдор”) ³⁸⁹, *тγwpt* – *мазупат* ³⁹⁰ (“бош коҳин”) ³⁹¹, *βγnpwt* – *вағнпат* ³⁹² (“ибодатхона оловини сақловчи”) ³⁹³ каби маҳаллий унвонлар бошқарувда қўлланилган.

³⁷⁴ Лишиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии. ... – С. 275.

³⁷⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 426.

³⁷⁶ СДГМ II. – С. 71-72.

³⁷⁷ СДГМ II. – С. 208.

³⁷⁸ Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 54.

³⁷⁹ Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 24.

³⁸⁰ *n'ztyγyуw* – *назтиγpив* иборасининг унвон ёки шахс исми эканлиги масаласида ҳанузгача иккиланишлар мавжуд – Ғ.Б.

³⁸¹ СДГМ II. – С. 79-83.

³⁸² СДГМ II. – С. 176.

³⁸³ Конфедерациянинг барча ҳудудида давлат бошқарувида суғдий ёзувнинг етакчи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, *дапирпат* лавозимидаги амалдор барча ҳукмдорликларда давлат хизматчиси сифатида фаолият кўрсатган – Ғ.Б.

³⁸⁴ СДГМ II. – С. 183; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 53.

³⁸⁵ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 179-182.

³⁸⁶ СДГМ II. – С. 176.

³⁸⁷ СДГМ II. – С. 177.

³⁸⁸ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 62-63.

³⁸⁹ СДГМ II. – С. 57.

³⁹⁰ СДГМ II. – С. 182.

³⁹¹ Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 15-32.

³⁹² СДГМ II. – С. 171.

³⁹³ Суғд конфедерацияси бошқарувининг узвийлигида ўзига хос хизматда бўлиб, диний бошқарувни амалга оширганлар. Конфедерация маркази Самарқанд, унинг ҳукмдорликлари Кеш, Кабудон, Иштихон, Панжикентда зардуштийлик ибодатхоналари бўлганлиги, нафақат ёзма манбалар орқали, балки археологик тадқиқотлар натижасида ҳам ўз тасдиғига эга (Қаранг: Смирнова О.И. Места домусульманских культов в Средней Азии (по материалам топонимики) // СНВ. – М.: Наука, 1971. – Вып. X. – С. 90).

Суғд конфедерацияси бошқарувида ишлатилган мазкур унвонлар таҳлили илк маротаба Муғ тоғи суғдий ҳужжатларни таржима қилган В.А.Лившиц томонидан муомалага киритилган³⁹⁴ ва турли даврларда тадқиқотчилар томонидан қайта ўрганилган³⁹⁵.

Хуллас, Суғд конфедерациясида ижтимоий, маъмурий тизимга хос марказий ва бошқарув лавозимлари амалда қўлланилган бўлиб, давлат ҳуқуқ тизимининг меъёрлари шаклланган эди. Сарой хизматчиларига давлат хазинасидан уларнинг лавозимига қараб маош белгилаш тартиби ва унинг марказдан назорат қилиниши масаласи илк ўрта асрлардаёқ шаклланганлиги давлатчилигимиз тарихида молия тизими, ғазначиликнинг ўзига хос ўрин тутганлигидан далолат беради.

Суғд конфедерациясидаги бошқарув тузуми, унинг ўзига хос хусусиятлари, бошқарувда қўлланилган марказий ва маҳаллий унвонлар масаласини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулоса ва тўхтамларга келинди:

– Суғд конфедерацияси бошқарувида қўлланилган барча лавозим ва мансаб номлари асосан маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда вужудга келган, улар минтақанинг табиий-географик жойлашуви, хўжалик ҳаёти ва мафкуравий асослар билан узвий боғлиқ бўлган. Хусусан, Суғддаги унвонлар орасида кўпроқ ўтроқлик муҳитига мос унвонлар етакчилик қилган. Жумладан, *ахурпат* – отхона бошлиғи, *аавазипат* – ҳовузлар бошқарувчиси, *пардезбон* – боғ-роғлар, хиёбонлар устидан назоратчи, *гунат* – молия ишлари бошқарувчиси каби унвонлар бунга далил бўлади;

– Суғд конфедерациясининг сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаган унвонлар ҳам бўлганки, улар *бозкром* (“божхона нозири”), *назтигрив* (“ҳукмдор ёрдамчиси”, “ёрдамчи”), *дапирпат* (“бош котиб”, “девонхона бошлиғи”), *парвонак крак* (“ҳужжат тўпловчи”, “фармон етказувчи”, “мукофотларни топширишга маъсул”), *арспан* (“қишлоқлар устидан назорат қилувчи” ёки “ҳарам оғаси”), *’рš’rspn* (“арспанлар ёрдамчиси”), *катиябшауз* (“қишлоқ оқсоқоли”), *урникам* (“қонун ишлари билан шуғулланувчи мансабдор”), *магунат* (“бош қоҳин”) каби маҳаллий унвонлар фаолияти орқали кўзга яққол ташланади;

– Суғд конфедерацияси таркибидаги ҳукмдорликлар мавқеининг фарқланиши улар бошқарувида қўлланилган унвонларда ҳам ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Жумладан, *ихшид* унвонли ҳукмдор фақат марказий ҳокимиятни (Самарқанд) бошқарган бўлса, маҳаллий ҳукмдорликлар ҳисобланган

³⁹⁴ СДГМ II. – С. 191-215.

³⁹⁵ Исҳоқов М. Суғдийна тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990; Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992; Grenet F., Vaissiere de la E. The last days of Pandjikent // Silk Road Art and Archaeology. 8. Journal of the Institute of Silk Road Studies. – Kamakura, 2002. – P. 155-196; Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2008. – Б. 77; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – Б. 88-98; Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни (илк ўрта асрлар). – Тошкент: Наврўз, 2012. – Б. 59-73; Мамарахимова Б.И. Дворцовое хозяйство и управление хозяйственными отношениями в Согде (по данным документов с горы Муғ) / Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры в Узбекистане. Выпуск 2. Редактор Ш. Камалиддин. LAMBERT Academic Publishig. 2015. – С. 33-46; Gayibov B. About Confederative Administration Ruling of Sogd // International Journal of Central Asian Studies. South Korea. Volume 20. 2016. – P. 167-179.

Панчда *афшин*, Нахшабда *испахбод*, Кешда *ахурнат* каби марказий ҳокимият унвонидан паст даражадаги унвон соҳиблари тахт тепасида турган. Суғдий хужжатларда келтирилган *хунав* унвонининг айнан қайси даражада эканлиги масаласида ноаниқликлар мавжуд.

Хуллас, Суғд конфедерацияси бошқарувида қўлланилган унвонлар тизими ўзининг хусусиятларига кўра марказий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг бир қанчаси Панч бошқаруви орқали суғдий хужжатларда келтирилган. Лекин мазкур унвонлар тўғрисида фақат Панч ҳукмдорлиги мисолида маълумотларнинг тизимли мавжуд эканлиги ва конфедерация таркибидаги қолган ҳукмдорликлар унвонлар тизимига доир маълумотларнинг йўқлиги ушбу муаммонинг ўз ечимини тўла топмаганлигини кўрсатади.

Суғднинг Турк хоқонлигидан нисбий мухторияти.

Суғд конфедерациясининг ўзига хос бўлган хусусиятлардан бири шу эдики, у аксарият ҳолларда бирор йирик салтанат таркибига кирган даврда ҳам турли хил йўллар билан ўз нисбий мустақиллигини (мухториятини) сақлашга интиланган. Конфедерация ҳукмдорлари нисбий автономия кўринишдаги бошқарувнинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида янги хўжайинлари билан турли восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда муроса қилиш йўлини тутиб келишган.

VII асрга келиб Суғд конфедерацияси Турк хоқонлиги сиёсий назорати остида нисбий мустақил бир ҳолатда бўлган³⁹⁶. Дастлабки, Турк хоқонлари Суғд конфедерациясининг ички ишларига ортикча аралашмаган³⁹⁷, ҳатто, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича хоқонликнинг бутун тарихи мобайнида³⁹⁸ Турк хоқонлиги ва Суғд орасидаги муносабатлар асосан хоқонлик улардан ўлпон олиш билан чеклангани, уларнинг ички ишларига аралашмагани ва воҳа ҳукмдорликларининг ҳар бири ярим мустақил бўлгани ҳақида фикрлар мавжуд. Ғ.Бобоёров ва А.Кубатинлар эса нумизматик материаллар асосида 580- йилларда зарб этилган “тегин” унвонидаги тангаларни Турк хоқонлигининг Суғддаги илк бошқарувига дахлдор деб ҳисоблашади³⁹⁹. Лекин бизда мавжуд ёзма манбалар ушбу фикрни инкор этиш ёки тасдиқлаш имконини бермайди.

Суғд конфедерацияси мавжудлиги даврида унинг нисбий мухторият ҳолатида бўлганлигини кўрсатадиган далиллар мавжудлигини эътироф этиш керак.

³⁹⁶ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 11, 42, 67; Гафуров Б.Г. Таджики. ... Кн. 1. – С. 315.

³⁹⁷ Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми: тарих фанлари доктори автореферати. ... – Б. 37-44; Гафуров Б.Г. Таджики. ... Кн. 1. – С. 280.

³⁹⁸ Stark S. Nomaden und Selbstherrschaft in Mittelasiien – und Zentralasiien // Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. – Stuttgart: 2002. – P. 389; Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми: тарих фанлари доктори автореферати. ... – Б. 37-42.

³⁹⁹ Бабаёров Г., Кубатин А. Заметки к происхождению некоторых титулов Караханидского каганата и их параллели в титулатуре Западно-тюркского каганата / История и культура Центральной Азии. History and Culture Central Asia. – Tokyo: 2012. – С. 6-8.

Суғднинг нисбий мухториятини кўрсатувчи биринчи илк далил иқтисодий асос, яъни, конфедерация ҳукмдорларининг ўз номларидан танга-пуллар зарб эттирганлиги ҳисобланади. Суғд конфедерацияси ҳукмдорликларининг миллоднинг бошлариданоқ суғдий ёзувдаги ўз танга-пуллари зарб қилдиришга эришгани⁴⁰⁰ унинг ички бошқарувда мустақил бўлгани ва иқтисодий масалаларни ўзи ҳал қилганидан дарак беради. Суғд конфедерацияси ҳукмдорликларидаги танга зарби хусусида Юнон-Бақтрия, хионийлар ёки эфталлийлар даврига оид материаллар кам сақланиб қолган бўлса-да, нумизматик манбалар таҳлили натижасида муаммонинг баъзи жиҳатлари борасида муайян тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Масалан, Суғд конфедерациясининг Нахшаб⁴⁰¹ ва Панч ҳукмдорликларининг илк тангалари соҳа мутахассислари томонидан эфталлийлар даврига тегишли деб қайд этилган⁴⁰².

Милодий IV- асрдан бошлаб Суғд конфедерацияси ҳукмдорликларининг қарийб барчасида ҳукмдорликнинг ўзига хос белгиси – тамғалар акс этган ҳолда танга зарбининг йўлга қўйилганлиги⁴⁰³ нафақат иқтисодий зарурият билан, балки, сиёсий мустақиллашув билан боғлиқ эди.

Суғд конфедерациясининг марказий ҳокимияти (Самарқанд) ва йирик ҳукмдорликлари (Кеш, Нахшаб, Панч) қаторида баъзи ҳукмдорликлар таркибидаги мулк ҳукмдорлари томонидан ҳам тангалар зарб қилинганлиги кўзга ташланади. Масалан, конфедерациянинг Кушония ҳукмдорлигининг Самитон мулкида ҳам танга зарб этилганлиги буни тасдиқлайди. Самитон тангаларидаги тамғалар марказий Суғд тангаларидаги тамғалардан фарқ қилган⁴⁰⁴. Чунки минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилар бўлган ва улар бир-биридан фарқ қилган. Ҳар бир ҳукмдорликнинг тамғасини бирор-бир мамлакатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида баҳолаш мантиқан тўғри ҳисобланади. Айни мана шу асос конфедерациянинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлади⁴⁰⁵. Шунингдек, Маймурғда ҳам танга зарб қилинганлиги хусусида айрим қарашлар мавжуд.

Суғдда зарб қилинган тангалар *δρχτυ* – *драхм* деб юритилган⁴⁰⁶. Суғдда *драхм* дастлаб оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 4 гр. атрофидаги кумуш миқдорини англатган. Кейинчалик мазкур ибора шу вазндаги кумушдан зарб этилган тангани билдирган⁴⁰⁷. Аммо Суғдда зарб қилинган кумуш драхмлар кам топилган. Суғд ҳукмдорларидан Турғар (738 – 750) номидан зарб этилган

⁴⁰⁰ Эрназарова Т., Кочнев Б. Тангалар ўтмиш даракчилари. ... – Б. 9; Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. ... – С. 269-273; <http://www.zeno.ru> – Pre-Islamic Asia & North Africa – Central Asia.

⁴⁰¹ Allot de la Fuye. Monnaies incertaines de la Sogdiane et des contrees voisines. Revue Numismatique. – Paris: 1910; 1925; 1926. – P. 40.

⁴⁰² Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента. ... – С. 58-59.

⁴⁰³ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и права. – Ташкент: Адолат, 2000. – С. 76.

⁴⁰⁴ <http://www.zeno.ru> – Pre-Islamic Asia & North Africa – Central Asia; Ғойибов Б. Суғднинг Кушония ҳукмдорлиги тарихига доир // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2014. – №1. – Б. 49-52.

⁴⁰⁵ Goyibov B. Soğd merkezi yönetimi ve onun Köktürk kağanlığına bağlılık şartları. ... – S. 81-90.

⁴⁰⁶ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 38-39.

⁴⁰⁷ Ғойибов Б. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясининг айрим хусусиятларига доир // Шарқшунослик, 2014. – №2. – Б. 76.

кумуш драхмлардан бир нечтасининг топилганлиги маълум. “Драхм” сўзи қадимий ўлчов бирлиги сифатида арабча *мисқол* – *ميسقل* бирлиги билан тенг юрган. Шарқда “мисқол” номи билан маълум бўлган оғирлик бирлиги 4 граммдан ортиқроқ вазн деб тушунилади⁴⁰⁸. Олтин танга эса VII – VIII асрларда Суғдда зарб қилинмаган. Фақатгина суғдий матнларнинг таржималарида *динор* – *دينار* сўзи “олтин танга” деб таржима қилинган ва тушуниланган⁴⁰⁹. Конфедерациядаги пул тизимининг юқори даражада бўлганлиги Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орқали ҳам маълум. Ҳаттоки, *пугу* (*пуг’к*) *δρχτυ* – “ярим драхм” миқдоридagi тенг қийматнинг тилга олинганлиги бунга асос бўла олади⁴¹⁰.

Суғд конфедерациясида танга зарби масаласини тадқиқ этиш шундан дарак берадики, ҳукмдорликларда маҳаллий сулолалар сақланиб қолган бўлиб, Юнон-Бақтрия, хионийлар ёки эфталийлар салтанати давридаги Суғддаги бошқарув орасида катта фарқ бўлмаган ва ҳукмрон давлат олдиндан амалда бўлган давлатчилик тамойиллари сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Фақат Суғдда сулола алмашинуви юз берганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Суғд устидан назорат ўрнатган давлатлар бу ердаги давлатчиликни тубдан ўзгартириб юбормаган.

Юқорида таъкидланганидек, Суғд конфедерациясининг марказий ҳокимияти сиёсий жиҳатдан ҳукмрон давлатга қарам бўлса-да, иқтисодий ва бошқа бир қатор масалаларда мустақил бўлган. Конфедерация шаклланишига эътибор қаратилса, воҳа ҳукмдорликларининг ягона иттифоққа бирлашуви жараёни нисбий мустақиллик билан узвий равишда мавжуд бўлган. Чунки Суғд ҳукмрон давлат хазинасига йирик даромад келтирувчи ҳудуд бўлиб, бу ерга мажбурий равишда ўзгача бошқарув киритилса, ҳукмрон давлат хазинасига келиб тушадиган даромад тизимига путур етиши тайин эди. Конфедерациянинг иқтисодий салоҳияти унинг нисбий мустақиллиги учун замин бўлган. Бу эса тарихий асосларга эга⁴¹¹.

Суғднинг географик жойлашуви ва табиий шароити ҳам унинг нисбий мухториятини вужудга келтирган омиллардан бири саналган. Буни яхши тушунган Суғд устидан ҳукмрон бўлган давлатлар асрлар давомида шаклланган унинг маъмурий бошқарув тизимини ўзгартиришга ҳаракат қилмаганлар. Юнон-Бақтрия подшолари даврида ҳам Суғдда ноиблик асосида бошқарув бўлганлиги конфедерацияда суғдий ёзувли тангалар зарб қилинганлиги орқали маълум⁴¹². Фақат баъзи ҳукмрон давлатлар бошқарувига конфедерация бошқаруви яқинлаштирилган ёки мослаштирилган. Жумладан, Суғд конфедерацияси устида Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилган даврда конфедерация бошқарувини хоқонлик бошқарувига яқинлаштиришга ҳаракат қилиниб, бу ердаги бошқарув тизими такомиллаштирилган⁴¹³. Маса-

⁴⁰⁸ Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 52.

⁴⁰⁹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 39.

⁴¹⁰ СДГМ II. – С. 206.

⁴¹¹ Латышев В.В. Известия древних писателей о Скифах и Кавказе // ВДИ. – 1947. – № 1. – С. 253-279.

⁴¹² Ртвеладзе Э., Саидов А., Абдуллаев Е. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана. ... – С. 70.

⁴¹³ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – С. 88.

лан, Суғддаги бошқарув тизимини сақланган ҳолда уни назорат қилиш учун ноиб *элтабар* ва *тудунлар* юборилган. Шундай экан, Суғд марказий ҳокимиятининг нисбий мустақил бўлганлиги ва бу ҳуқуқдан унинг юқори даражада фойдаланганлигини назардан четда қолдирмаслик лозим. Бундан ташқари, Суғд маркази Самарқанд ҳукмдорлари Турк хоқонларининг куёвлари сифатида воҳадаги бошқа ҳукмдорларга нисбатан имтиёзларга эга бўлганликлари ҳам Хитой манбалари орқали маълум⁴¹⁴.

Ғарбий Турк хоқонлигининг Суғд конфедерациясини ўз тасарруфига олган 560 – 580- йиллар оралиғидан то 650- йилларгача (тахминан 80, 90 йил) хоқонлик конфедерацияни билвосита бошқаришга ҳаракат қилган⁴¹⁵. Яъни, Шарқий Туркистон ва ундан ғарбда жойлашган ҳудудларга нисбатан Хитойнинг таъсири тобора кучая борган бир паллада хоқонлик ўз эътиборини кўпроқ тасарруфидаги кўчманчи халқларга эътибор қаратиб, Суғд конфедерацияси каби ўтроқ ҳудудларга ўз ноибларини жўнатиш орқали ёки конфедерация ҳукмдорлари билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиш воситасида мамлакатни бошқарган⁴¹⁶.

Дарҳақиқат, конфедерация маркази бўлган Самарқанд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалар турк хоқонлари тангаларига шаклан жуда ўхшаш⁴¹⁷. VI аср охирлари – VII аср бошларида Турк хоқонлиги тахти тепа-сида турган хоқонлар Кан (Самарқанд) ҳукмдорлари билан қалин алоқа ўрнатишга ҳаракат қилишган. Жумладан, Тарду хоқон (576 – 603) ўз қизини *Шифуби* исмли, Тун ябғу-хоқон (618 – 630) эса *Кюймучжи* исмли Самарқанд ҳукмдорига турмушга берганлиги хитой йилномаларида қайд этилади⁴¹⁸. Яъни, Суғд конфедерацияси ҳукмдорлари ўз қайноталари ёки қудалари номидан танга зарб қилганлар. Афсуски, манбаларда бу борада тўғридан-тўғри маълумотлар келтирилмаган. Мазкур ҳолат нафақат Турк хоқонлиги учун фойдали, балки Суғд конфедерацияси учун хоқонлик таркибида Хитой таъсиридан сақлаганишда муҳим эди. Чунки марказий Суғдда Хитой тангаларига тақлидан тангалар зарб қилина бошланган эди⁴¹⁹. Турк хоқонлиги салтанати таркибида Суғд конфедерациясининг Хитой таъсиридан ҳимояланиши конфедерациянинг ўз фаолиятини давом эттиришда муҳим омил ҳисобланади.

Кўчманчи халқлар ҳисобланган туркийлар Суғд ҳаётида фаол қатнаша бошлашган. Туркийлар ва суғдийлар бир-бирлари етказиб берадиган хунар-мандчилик ва деҳқончилик маҳсулотларига муҳтож эдилар⁴²⁰. Натижада савдо сотиқ ривожланган. Бу савдо алоқалари эса хоқонлик хазинасига

⁴¹⁴ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. ... – С. 42.

⁴¹⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 271; Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – London: 1923. – P. 13.

⁴¹⁶ Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқарувида қўллаган усул ва воситалари масаласига доир // *O'zbekiston tarixi*. – Тошкент, 2011. – №4. – Б. 3-15.

⁴¹⁷ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 21.

⁴¹⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311.

⁴¹⁹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 7-20.

⁴²⁰ Гафуров Б. Таджики. ... Кн 1. – С. 280-081.

даромад келтириши билан бирга⁴²¹, Суғд конфедерациясининг тараққий этишига хизмат қилган. Ташқи кучлар таъсири эса мамлакат иқтисодиётини издан чиқариб, хўжаликни барбод қилар эди. Шу боис ҳам, тинчликни сақлаш иккала томон учун ҳам мавжуд бўлишнинг асосий омили ҳисобланган⁴²². Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёга ва шу аснода Суғдга Хитой таъсири нафақат Турк хоқонлиги даврида, балки Талос жанги (751 й.)га қадар сезиларли бўлган⁴²³.

Суғд конфедерациясининг нисбий мухторияти билан боғлиқ яна бир масала шуки, Хионийлар, Эфталий ва Турк хоқонлиги даврида ҳам уларга тобе кўчманчи қабилалар ўзининг ички бошқарувини сақлаб қолиши ҳукмрон давлат учун доимий жиддий муаммо бўлиб келган. Бу эса ўз навбати ҳукмрон давлатларнинг асосий эътиборини мамлакат таркибидаги кўчманчи халқларни бўйсундиришга қаратишини тақозо этарди⁴²⁴. Суғдийлар кўпроқ савдога эътибор қаратиб, ҳукмрон давлат таркибидаги ўзларининг нисбий автономиясини иқтисодий асослар билан мустақамлашга интилишган⁴²⁵. Айниқса, Турк хоқонлиги даврида бу масалага жиддий эътибор берилган. Шунингдек, хоқонлар Суғд конфедерацияси каби маъмурий тузилмалар бошқарувчиларига ўзларининг қизларини бериб, қариндошлик муносабатларини ўрнатиш воситасида давлатни бошқаришга ҳаракат қилишган⁴²⁶.

Ушбу масалада тадқиқотчилар томонидан турли фикрлар билдирилган. Жумладан, Ғ. Бобоёровнинг фикрича, Турк хоқонлари Суғд конфедерацияси каби нисбатан кучлироқ воҳа давлатлари билан никоҳ муносабатларини йўлга қўйиш, уларнинг ҳукмдорини куёв қилиш, яъни “кўрагонлик тизими” асосида давлатни бошқаришган⁴²⁷. Мазкур фикрга оид маълумотлар нумизматик материаллар ва хитой йилномалари орқали ҳам маълум бўлиб, бу бошқарув фақат хоқонлик учун манфаатли эди. Балки Суғд учун ҳам бир қатор имтиёзлар берган.

Бу ҳақда таққослаш учун яна бир мисол. Олдинги ўринларда таъкидланганидек, Суғд ҳукмдорлари Юнон-Бақтрия подшолари даврида тангапуллар зарб эттирганлар⁴²⁸. Ушбу тангаларда Юнон-Бақтрия подшолари акс

⁴²¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 12.

⁴²² Бу ҳудудларда яшаган этнослар тарихда ўз мустақиллиги ва тинчлигини сақлаш учун биргаликда курашлар олиб боришган. Хусусан, Култўбадан (Жанубий Қозоғистон) топилган суғдий битикларда Самарқанд, Кеш, Нахшаб ва Бухоро ҳукмдорлари Чоч лашкарбошиси билан биргаликда ташқи кучларга кураш олиб борганликлари тўғрисида гап боради (Қаранг: Sims-Williams N. The Sogdian inscriptions of Kultobe: text, translation and linguistic commentary // Труды Центрального Музея. – Алматы: 2009. – Т: 2. – С. 153-171).

⁴²³ Хўжаев А. Талос жанги // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2004. – Том 8. – Б. 240.

⁴²⁴ Grenet F. Regional interaction in Central Asia and Northwest India in the Kidarite and Hephthalite period // Proceedings of the British Academy CXVI. – London: 2002. – P. 209-214.

⁴²⁵ Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги ташқи сиёсатида никоҳ муносабатларининг ўрни. ... – Б. 46-54; Гафуров Б. Таджики. ... Кн. 1. – С. 276-277; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 6-15.

⁴²⁶ Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // Turks, 2. – Ankara: 2002. – S. 100; Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги ташқи сиёсатида никоҳ муносабатларининг ўрни. ... – Б. 47-48; Grenet F. Regional interaction in Central Asia and Northwest India in the Kidarite and Hephthalite period // Proceedings of the British Academy CXVI. – London: 2002. – P. 209-214.

⁴²⁷ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. ... – С. 42

⁴²⁸ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и права. – Ташкент: Адолат, 2000. – С. 70.

этирилган бўлса, кейинчалик маҳаллий ҳукмдорлар тасвири туширилган суғдий тангалар зарб қилинган. Бу далил Суғднинг нисбий мухториятини анча олдинги даврлардан бошланганидан дарак беради.

Ўзма манбалар ва археологик, хусусан, нумизматик материаллар асосида Суғд конфедерациясининг нисбий мухторияти ва унинг омилларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагича фикр ва тўхтамга келинди:

– юқорида кўриб чиқилган маълумотлар Суғднинг ўз мавжудлиги даврида мунтазам равишда мухторият кўринишда бошқарилганлиги борасидаги фикрни кучайтиради. Бунга сабаб бўлган асосий омиллардан бири Суғднинг иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ эканлиги манбалар асосида ўз тасдиғини топган;

– конфедерациянинг мухторият имтиёзини олишидаги яна бир сабаб ҳукмрон давлат билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиш билан боғлиқ бўлган. Хусусан, Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврида Суғд бошқарувида жорий қилган тартиблардан бири – бу никоҳ алоқаларини йўлга қўйиш бўлиб, хоқонлар Самарқанд ҳукмдорлари билан никоҳ муносабатларини ўрнатиб, Суғд ихшидларига ўз қизларини узатиш воситасида уларни назоратда тутишга ҳаракат қилишган. Икки нафар Самарқанд ҳукмдорининг Хитой йилномаларида Ғарбий турк хоқонларининг куёвлари сифатида тилга олиниши ҳамда қўшалок тасвири тангалар бу фикрни тасдиқлайди;

– Суғддаги ҳукмдорликларда мавжуд сулола вакиллари ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндошидан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, аждодлари томонидан зарб қилинган тангалардаги анъанавий тамғаларни ҳокимият рамзи ёки муҳри сифатида ўз бошқарувида қўллаган. Бунга конфедерациядаги Самарқанд, Кеш, Панч каби ҳукмдорликлар томонидан зарб қилинган тангалардаги сулолавий белгилар уларнинг узоқ ўтмишдошларига хос меросий давлат рамзи бўлганлиги, конфедерациянинг нисбий мухторияти борасида яна бир далил бўлиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Суғд конфедерациясининг узоқ вақт давомида Юнон-Бақтрия, Қанғ, Хионийлар, Эфталий, Турк хоқонлиги давлатлари тасарруфида бўлиб, у ўз мавжудлиги даврида ўзининг иқтисодий мухторият кўринишида сиёсий мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Унинг бу ҳаракатлари Юнон-Бақтрия подшолари даврдан бошлаб суғдий ёзувда тангалар зарб қилганлиги, араблар босқини арафасида умумий душманга қарши мустақил ташқи сиёсат олиб борганлиги ва юқорида таъкидланганидек, қариндошлик имтиёзлари асосида намоён бўлади.

Суғд бошқарув тизимида туркий унвонларнинг ўрни.

Суғд конфедерация бошқарувида маҳаллий унвонлар билан бирга туркий унвонлар ҳам амал қилинган. Ушбу туркий унвонларнинг Суғд бошқарувида татбиқ этилишига сабаб, марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги алоқаларни жонлантиришга қаратилган эди.

Суғд конфедерациясининг тараққий этишида унинг асрлар давомида шаклланиб келган бошқарув тизими муҳим аҳамият касб этган. Бу бошқа-

рувнинг янада такомиллаштирилишида Тун ябғу-хоқоннинг маъмурий бошқарувдаги ислохотлари аҳамиятли бўлди.

Е.И.Кычанов хитой манбаларига таянган ҳолда туркий давлатчилик маъмурий-бошқарув тизимида қўлланилган унвонларни таҳлил қилиб, уларнинг сонини 28 та деб қайд этган. Ушбу иерархиянинг дастлабки 5 таси: *еху* (ябғу), *ше* (шад), *дэле* (тегин) ва *тутунфа* (тудун)лар олий мансаблар ҳисобланган, 23 таси эса кичик амалдорларга тегишли бўлган. Мансабларнинг барчаси меросий ҳисобланган⁴²⁹. Мазкур фикр Т.Дж.Барфилд томонидан ҳам тасдиқланган⁴³⁰.

Ғ.Бобоёров эса Турк хоқонлиги бошқарувида 40 қа яқин унвон ва 50 дан ортиқ этитетлар мавжуд бўлганлигини келтиради ҳамда уларни турли гуруҳларга бўлган ҳолда таҳлил қилган⁴³¹. А.Атаходжаев эса хоқонлик бошқарувида ябғу (*jabyw*), тегин (*tegin*), шад (*šad*), элтабар (*eltäbär*), хотун (*xatun/qatun*), тудун (*tudun/tudin*), тутуқ (*tutuq/tutuq*), тархон (*tarxan/tarqan*), чўр (*čor*), эркин (*erkin*) каби унвон ва мансаблари амалда бўлганлигини таъкилайди⁴³². Лекин ушбу унвонларнинг айнан нечтаси Суғд конфедерацияси бошқарувида ишлатилганлиги масаласи бир мунча мавҳум. Суғд конфедерацияси бошқарувидаги мансаблар тизимининг хоқонлик ҳукмронлигидан олдинги даврларда қандай бўлганлиги тўғрисида манбаларда маълумотлар деярли йўқ ҳисоби.

Турк хоқонлари Суғд конфедерацияси бошқарувида азалдан давом этиб келаётган анъаналарни ўзгартирмасликка ҳаракат қилган ҳолда маҳаллий сулола ҳукмдорларига баъзи туркий унвонларни, жумладан, *элтабар* ва *тудун* унвонини бериш орқали Суғдни бошқарган⁴³³. Хусусан, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан Б-13 рақамлисида туркий *элтабар* унвони *dytтыр*, Б-15 ва А-15 ҳужжатларида *rytтыр* шаклларида учраб, улар мазмунидан ушбу унвон эгасининг Суғд конфедерациясининг юқори мартабали амалдорларидан бири бўлганлиги англашилади⁴³⁴. *Элтабар* ибораси дастлаб А.А.Фрейман томонидан “руҳоний” деб талқин қилинган⁴³⁵. В.А.Лившиц эса мазкур иборани дастлаб *литтыр* тарзида ўқиб, уни шахс исми бўлиши мумкинлигини эътироф этади⁴³⁶. Аммо кейинги тадқиқотларида *элтабар* Турк хоқонлиги бошқарувида ишлатилган унвон эканлигини тўғри деб ҳисоблайди⁴³⁷. Ҳатто, баъзи тадқиқотчилар *элтабар* унвонини Тохаристоннинг Шуман ва Ахарун ҳукмдорликларидаги туркий сулолалар билан алоқадор деб келтиришади⁴³⁸.

⁴²⁹ Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – М.: Наука, 1997. – С. 107; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 68.

⁴³⁰ Барфилд Т.Дж. Опасная граница. Кочевые империи и Китай (221 г. до н.э. – 1757 г. н. э.) / перевод с английского Д.В. Рухляева, В.Б. Кузнецова. – СПб.: 2009. – С. 111.

⁴³¹ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата: ... – С. 35-36.

⁴³² Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 68; СДГМ II. – С. 190-210; СДГМ III. – С. 112.

⁴³³ Stark S. Nomaden und Selbsthaffe in Mittelasiien – und Zentralasiien. ... – P. 389; Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата: ... – С. 7.

⁴³⁴ СДГМ II. – С. 139-140, 150-151; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 157-158, 167-168, 173-174.

⁴³⁵ Фрейман А. Три согдийских документа с горы Муг // Проблемы востоковедения. – 1959. №1. С. 126-127.

⁴³⁶ СДГМ II. – С. 217.

⁴³⁷ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 128.

⁴³⁸ Grenet F., Vaissiere de la E. The last days of Pandjikent. ... – P. 177.

Турк хоқонлари ўз тасарруфларида бўлган Тохаристон (Шуман ва Ахарун) ҳукмдорликлари бошқарувига ҳам ушбу унвонни жорий этган бўлишлари мумкин.

Турли тиллардаги (туркий битиклар, бақтрий манбалар) ёзма манбаларда хоқонлик ўз вассаллари бошқарувида *элтабар*, *тудун* каби (бири, асосан, вассал ҳукмдорларга, иккинчиси эса бўйсундирилган ўлкалар бошқаруви ва солиқ йиғинини назорат қилувчи амалдорларга берилган) унвонларнинг учраши юқоридаги фикрларнинг тўғри эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, хитой йилномаларида ҳам Ғарбий турк ҳукмдори Тун ябғу-хоқон (618 – 630) ўз вассалларига *силифа* (элтабар) унвонини бергани ҳамда уларнинг назоратига бир нафардан *тутунь* (тудун) жўнатгани қайд этилган⁴³⁹. *Элтабар* иборасини луғавий жиҳатдан туркий тилдаги *эл* – “халқ” *табар* – “бошқариш, тартибга солиш”, яъни “халқ бошқаруви учун юборилган” деб талқин қилиш мумкин.

Хуллас, Суғд конфедерацияси бошқарувида Турк хоқонлиги томонидан жорий этилган *элтабар* унвонидаги амалдор фаолият кўрсатган бўлиб, унинг вазифаси конфедерацияда хоқонликнинг ноиб сифатида солиқ ва тушумларни назорат этиш бўлган. Бу эса суғдий ҳужжатлар ва Хитой манбаларида келтирилган маълумотлар асосида ўз тасдиғини топади. Суғд бошқарувига *элтабар* унвонининг жорий этилганлиги борасида Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари ҳозирча ягона манба эканлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу унвондаги амалдорлар конфедерациянинг бошқа ҳукмдорликларига ҳам жўнатилган бўлиши мумкинлигини таъкидлаш жоиз⁴⁴⁰.

Конфедерация бошқарувида қўлланилган унвонлардан яна бири *tudun* – *тудун* бўлиб, ушбу унвон соҳиблари хоқонлик ноиблари сифатида маҳаллий бошқарувни такомиллаштиришни таъминлашган⁴⁴¹. Ушбу унвон Муғ тоғи А-14 суғдий ҳужжатида *tdwn* шаклида “фуқаролик маъмурияти бошлиғи” маъносини ифодалаши келтирилади⁴⁴².

Турк хоқонлигининг Суғд устидан дастлабки ҳукмронлиги ўрнатилган (VI асрнинг 60- йиллар) давридан бу ернинг бошқарувига хоқонлик ўз ноибларини жўнатган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Бу борада манбаларда баъзи маълумотлар етиб келган. Хусусан, 577 йилга оид Гаочан (Турфон)га тааллуқли хитойча бир ҳужжатда ушбу ҳукмдорлик бошқарувчиларига алоқадор кўплаб хитойча ва маҳаллий унвонлар билан биргаликда, қадимги туркча *тудун* унвони ҳам учрайди. Шунингдек, Турфон ҳужжатлари орасида 599 йилда ёзилган диний бир матнда Гаочан ҳукмдорининг унвони *силифа* (элтабар) шаклида учраса, VI асрнинг охириги

⁴³⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... I. – С. 283.

⁴⁴⁰ Бобоёров Ғ., Ғойибов Б. Илк ўрта асрлар Суғд бошқарувидаги элтабар, тудун ва тархон унвонлари хусусида // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари. 5. 2-қисм. – Тошкент: ТДШИ, 2013. – Б. 67-78.

⁴⁴¹ Togan Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cilt I. / En eski devirlerden 16. asra kadar. 3 Baskı. – İstanbul: Enderun Kitabevi. Aksiseda matbaasi, 1981. – S. 73.

⁴⁴² СДГМ II. – С. 78-79.

йилларига оид бошқа бир ҳужжатда ҳоқон томонидан Гаочанга юборилган *тудун* ва унинг маъмури ҳақида сўз боради⁴⁴³.

Аммо Суғд конфедерацияси бошқарувида *тудун* унвонининг 560-йиллардан, яъни, ҳоқонликнинг Суғдни эгаллаган дастлабки кунлардан, тадбиқ этилганлигига оид манба бугунга қадар маълум эмас. *Тудун* унвонининг Суғд бошқарувида қўлланилганлигига доир ёзма манбалардаги маълумотлар VII асрдан кейинги даврга тегишли⁴⁴⁴. Бу масалада асосий манба *тудун* унвони билан зарб қилинган тангалар ҳисобланади⁴⁴⁵. Конфедерация бошқарувида “тудун” унвони юборилишининг 620-йилларга боғлиқлик эҳтимоли анча юқори. Чунки айти шу йилларда Тун ябғу-ҳоқон бошқарув соҳасида ислохотлар ўтказганлиги маълум.

Хуллас *тудун* унвонидаги амалдор ўз номидан танга зарб қилиши, солиқ тушумларини назорат қилиши мумкин бўлган давлат бошқарувида аҳамиятли лавозим эгаси бўлган. Буни Муғ тоғи А-14 суғдий ҳужжатида келтирилган *тудун*нинг “фуқаролик маъмурияти бошлиғи” билан боғлиқ ишларни амалга оширишда иштирок этганлигини тасдиқлаб, ушбу маълумот унинг вазифалари доирасининг кўламадан дарак беради.

Конфедерация маркази бўлган Самарқандда 650 – 780-йиллар оралиғида ҳукм сурган *ихшид* унвонли сулола⁴⁴⁶ вакилларининг кўпчилиги, гарчи Тархун, Фурак, Турғар каби туркий исмларга эга бўлиши баробарида суғдий *ихшид* унвонини қўллашда давом этган бўлса⁴⁴⁷, Суғднинг Нахшаб ҳукмдорлари форсий *испахбод* унвонидан фойдаланишган⁴⁴⁸.

Суғд конфедерациясининг Панч ҳукмдорлиги 708 йилдан бошқарган суғдий Деваштич *афшин* унвонидан фойдаланиш билан биргаликда, араб манбаларидан маълум бўлишича, *шур* (чўр) унвонини қўллашда ҳам давом этган⁴⁴⁹. Деваштичга турк ҳоқони томонидан унвон тақдим этилгани Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан маълум бўлади⁴⁵⁰. Лекин манбада айнан қайси унвон эканлиги келтирилмаган. Бу бошқа манбалар орқали ҳам маълум эмас.

Суғд конфедерациясининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу унинг нисбий мухторият ҳолатини сақлашга ҳаракат қилганлиги бўлиб, бу унвонлар тизимининг сақланганлигида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Суғд

⁴⁴³ Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // *Turks*, 2. – Ankara: 2002. – S. 366.

⁴⁴⁴ Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских надчеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // *Культурное наследие Средней Азии*. – Ташкент: 2002. – С. 24.

⁴⁴⁵ Бобоёров Г. Монета с титулами “Тудун” // *Нумизматика Центральной Азии*. – Ташкент: 2004. – Вып. VII. – С. 40-43.

⁴⁴⁶ Тархун ҳукмронлигидан кейин Суғд конфедерацияси бошқарувининг меросий-сулолавий хусусият касб этиши, мазкур сулола вакиллари томонидан зарб қилинган тангалардаги тамгаларнинг шаклий жиҳатдан ўхшашлиги, ёзма манбаларда уларнинг ягона сулолага дахлдор эканлигига доир маълумотлар Суғд ихшидларининг сулолавий бошқарувларидан дарак беради ҳамда “Ихшидийлар сулоласи” жумласини ишлатишга асос беради – Б.Ғ.

⁴⁴⁷ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 49-69.

⁴⁴⁸ История ат-Табари. ... – С. 244.

⁴⁴⁹ Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). ... – С. 66-67.

⁴⁵⁰ В-17 ҳужжат: – “(1) Ҳукмдор Деваштичдан Хахсар ҳукмдори Афшунга кўп (2) эхтиромлар. ... (10) мендаги хабарлар эса қуйидагича: бизнинг хабарчиларимиз бу ерга (11) (келиб) тушдилар ва менга ҳоқондан юксак мартаба ва ҳурмат (12-13) келтирдилар” (Қаранг: СДГМ II. – С. 117).

конфедерациясидаги суғдий сулола вакиллари *чўр*, *тархон* каби туркийларга хос унвонларни қўллаш билан биргаликда, маҳаллий *ихшид*, *афшин*, *испахбод* каби суғдий ва форсий унвонларни сақлаб қолдики, шу сабабли бўлса керак, Самарқанд хонадони ўша давр арабий ва форсий тилли манбаларида “Ихшидийлар сулоласи” сифатида қайд этилади⁴⁵¹.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Панч ҳукмдорлиги бошқарувида *сир* (*сor*) – *чўр* унвони қўлланилиши тарихий асосларга эга. Жумладан, “Тан шу” йилномасида Самарқанд ҳукмдори *Улега* (Ғурак) *Мочжо* (Бек-чўр) исмли иккинчи ўғлини *Ми* (Маймурғ) шаҳрига ҳоким этиб тайинлагани ҳақида маълумот акс этган⁴⁵². Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Ғурак Шарқий Турк хоқони *Мочжо* (691-716) шарафига ўз ўғлини Бек-чўр деб атаган бўлиши мумкин⁴⁵³. Бошқа томондан эса, бу ҳол Суғд бошқарувида туркий *чўр* унвони қўлланилгани билан изоҳланиши ҳам мумкин. Лекин ҳукмдор исмидаги *чўр* унинг ушбу унвонга эга бўлганлигини англамайди. *Чўр* унвони “кучли”, “бақувват”, “ғалабали” каби маъноларни англатади⁴⁵⁴. Шунинг учун ҳам шахс исмига унинг сифати – *чўр* қўшиб ишлатилган.

Шунингдек, *шур* (чўр) унвонини келиб чиқишини сосонийларга тааллуқли эканлиги хусусидаги қарашлар ҳам мавжуд. Хусусан, В.А.Лившиц фикрига кўра, *чўр* ибораси *гўр* атамаси билан боғлиқ бўлиб, сосонийлар ҳукмронлиги давридан ишлатилади⁴⁵⁵. Япон олими Ю.Ёшиданинг фикрича, *чўр* унвони эфталийлар даври бошқаруvidан Турк хоқонлиги бошқарувида ўтган⁴⁵⁶. В.А.Лившицнинг мазкур унвонни сосонийлар давридан бошлаб амалда қўлланилганлиги ва Ю.Ёшиданинг *чўр* унвони эфталийлар даврига оид мазмунидаги фикрлари қўшимча далилларга муҳтож. Улардан фарқли равишда Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида *чўр* унвонининг Суғдда мавжуд бўлганлиги ва мазкур унвон соҳиби ҳарбий ишлар ташкилотчиси бўлганлиги билан боғлиқ ишоралар учрайди⁴⁵⁷. *Чўр* унвонининг кўпроқ ҳарбийликка дахлдор эканлиги соҳа мутахассислари томонидан ҳам эътироф этилади⁴⁵⁸.

Чўр ҳарбий унвони билан қарийб бир вақтда конфедерация бошқарувида кенг тарқалган унвон *try'n* – *тархон* бўлиб, тадқиқотчилар уни ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий унвон бўлган дея ҳисоблайдилар⁴⁵⁹. Буғут ёдгорлигида ҳам *тархун* унвони хоқонлик бошқарувида амал қилганлиги келтирилади⁴⁶⁰.

Тархон унвони билан боғлиқ ҳолда манбаларда баъзи маълумотлар келтирилади. Муғ тоғи архивидаги араб тилли ҳужжат таҳлили ҳам *тархон*

⁴⁵¹ Togan Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cilt I. ... – S. 178-179.

⁴⁵² Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue occidentaux. ... – P. 136.

⁴⁵³ Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI-VIII вв. н.э.). ... – С. 72-73.

⁴⁵⁴ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 36.

⁴⁵⁵ Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки). ... – С. 67.

⁴⁵⁶ Yoshida Y. Some reflections about the origin of *čamūk* // Papers on the pre-islamic documents and other materials unearthed from Central Asia. Ed. T. Moriyasu. – Kyoto: 2004. – P. 131-132.

⁴⁵⁷ СДГМ II. – С. 49; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 36.

⁴⁵⁸ Кубатин А.В. Система титулов в Тюркском каганате. Генезис и преемственность. ... – С. 116.

⁴⁵⁹ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. ... – С. 35.

⁴⁶⁰ Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. – М.: Наука, 1971. – Вып. X. – С. 139-140.

унвони билан боғлиқ масалага ойдинлик киритиши мумкин. Унда Суғд ихшиди Тархун (700 – 710) исми *тархон* унвони билан қориштириб талқин қилинганлиги учун тарихий ҳақиқат бузилган⁴⁶¹.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари асосида маълум бўладки, Суғд конфедерацияси бошқарувидага *тархон* унвонидаги амалдорнинг вазифаларидан бири солиқлар тушумларини назорат қилган. Суғдий А-13 рақамли ҳужжатда келтирилган “Панжикент солиқ йиғувчиси ва халқидан тархонга” мазмунида мактуб буни тасдиқлайди⁴⁶².

Суғд конфедерацияси бошқарувида қўлланилган туркий унвонлардан яна бири *erkin* – *эркин* бўлиб, ушбу унвон чўр каби ҳарбийликка хос бўлган ҳамда Жуан-жуанлардан (қабила номи) қабул қилинган⁴⁶³ ва қудратли қабила бошлиқларига ҳам тақдим этилган⁴⁶⁴.

Ғ.Бобоёровнинг бу борадаги фикрларига асосланадиган бўлсак, Суғд конфедерациясида *эркин* унвонидаги амалдор қабила бошлиғи эмас балки хоқонликнинг ҳарбий маъмурлари сифатида фаолият олиб борган. Лекин Суғдда *эркин* унвонидаги амалдорнинг фаолияти билан боғлиқ маълумотларни етарли деб бўлмайди. Масалан, “Тан шу” йилномасида келтирилишича, Суғд конфедерациясининг Кеш хукмдорлигини 738 – 741 йилларда бошқарган хукмдорнинг исми *Сыгинта* (Ашканд) шаклида келтирилган⁴⁶⁵. Баъзи тадқиқотчилар хитойча *сы-гин* туркча *эркин* иборасининг хитой иероглифидаги шакли деб ҳисоблашади⁴⁶⁶. Айни фикрга асосланадиган бўлсак, конфедерациянинг бошқа ҳудудларига нисбатан Кеш ҳарбий аҳамиятга эга бўлган хукмдорлик саналган ва буни ҳисобга олган Турк хоқонлари ўзларининг ҳарбий амалдорларидан бири *эркинни* тайинлаш орқали бошқарган бўлишлари мумкин. Кеш хукмдорларининг *ахурпат* унвонида фаолият юритгани нумизматик материаллар асосида маълум бўлади. *Эркин* эса Кешдаги хоқонликнинг ноибни бўлгандир. Мазкур унвоннинг конфедерациянинг бошқа хукмдорликларида фаолият олиб борганлиги тўғрисида маълумотлар ҳозирча маълум эмас.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларда *элтабар*, *тудун*, *тархон*, *чўр* каби хоқонликнинг марказий бошқарувига хос унвонларнинг қайд этилиши хоқонлик томонидан Суғд конфедерацияси бошқарувига алоҳида эътибор қаратилганидан дарак беради⁴⁶⁷. Мазкур ҳолат Суғднинг иқтисодий бой

⁴⁶¹ Ушбу масалада олдинги тадқиқотларимизда қуйидаги жумла келтирилган: - “Абу Райхон Беруний Самарқанд хукмдорларининг унвонини *тархун* деб келтирган бўлиб, бир қатор араб тарихчилари томонидан қайд этилган маълумотларда, жумладан, ат-Табарий маълумотларида ҳам Панч хукмдори Деваштич “тархонлар бошлиғи” сифатида келтирилган. Ҳақиқатдан ҳам, мазкур сўзларнинг арабча ёзилиши бир-бирига жуда яқин. Айтилишда улар қарийб бир хил эшитилади. Бу эса суғдий ёзма ёдгорликларда “тархон” унвони мавжудлиги асосида ўз тасдиғини топади (Қаранг: Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни. ... – Б. 28).

⁴⁶² СДГМ II. – С. 69-70.

⁴⁶³ Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. ... – С. 36.

⁴⁶⁴ Барфилд Т.Дж. Опасная граница. Кочевые империи и Китай (221 г. до н.э. – 1757 г. н. э.) / перевод с английского Д.В. Рухляева, В.Б. Кузнецова. – СПб.: 2009. – С. 111.

⁴⁶⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 299.

⁴⁶⁶ Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги даврида Суғд // Шарқшунослик. – 2002. – № 11. – Б. 125.

⁴⁶⁷ Бобоёров Ғ., Ғойибов Б. Илк ўрта асрлар Суғд бошқарувидаги элтебар, тудун ва тархон унвонлари хусусида. ... – Б. 67-78.

салоҳияти билан боғлиқ бўлиб, хоқонлик томонидан тайинланган амалдорлар солиқ тушумларни хоқонлик хазинасига тушушини назорат қилишган. Айниқса, манбаларда Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Тун ябғу-хоқон даврида йўлга қўйилган усул сифатида қайд этилган вассалларга *элтабар* унвонини тақдим этиш ва унинг назоратига *тудун*ларни юбориш усулининг то VIII асрнинг биринчи чорагида ҳам давом этганини кўрсатадиган далилларнинг мавжудлиги мазкур фикрни асослайди⁴⁶⁸. Бу эса *элтабар*, *эркин*, *чўр*, *тархон*, *тудун* каби унвонларнинг нафақат хоқонлик бошқарувида балки Суғд бошқарувида жорий этилганлигини тасдиқлайди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосалар ҳамда мулоҳазаларни илгари суриш мумкин:

– Суғд конфедерацияси марказий хонадонини бошқарган ҳукмдорлар сулоласининг келиб чиқиши масаласи ҳали тўлиқ ўз исботини топган эмас. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, конфедерация ҳукмдорларининг бош сулоласи *Кан* тармоғидан тарқалган бўлиб, уларнинг келиб чиқиши *Чжаову*ларга бориб тақалади. *Чжаову*нинг маҳаллий шакли *Жабғу* ёки *Ябғу* бўлиб, бу унвоннинг тарқалиши эса Кушонлар даври билан чегараланади;

– минг йилга яқин давр мобайнида, гарчи, баъзан нисбатан марказлашган, баъзан эса тарқоқ ҳолда бўлса-да, муайян бир сиёсий уюшма ҳисобланган Суғд, конфедерация ҳолатидаги маъмурий-сиёсий бирлик бўлиб, ўзига хос бошқарув тузумига эга эди. Суғд конфедерациясининг марказий ҳокимиятини – Самарқандда *ихшид* унвонига эга ҳукмдорлар ўз қўлларида тутар эдилар. Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, ушбу унвон воҳадаги маҳаллий сулолаларнинг бошқарувчилари эга бўлган унвонлар орасида энг юқорида турган. Суғд конфедерацияси таркибидаги барча майда ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг бош унвони бир-биридан фарқли бўлиб (*Кешда* – *ихрид*, *Нахшабда* – *испахбод*, *Панчда* – *афшин*), шу жиҳати билан ҳам, улар бошқа минтақалардан бирмунча ажралиб турарди;

– Суғд конфедерацияси таркибидаги ҳукмдорликларнинг ҳар бирида бошқарув муайян сулола вакиллари қўлида бўлиши билан биргаликда, ҳукмдорларнинг ҳокимияти мутлақ бўлмай, бошқарувда олий амалдорлар иштирок этар ва ҳукмдор улар билан келишган ҳолда ҳукм чиқарган. Жумладан, Самарқанд *ихшид*лари бошқарувда зодагонлардан тузилган “Оқсоқоллар кенгаши” билан ҳисоблашганликларига доир хитой йилнома-ларида, суғдий ҳужжатларда маълумотлар учраши бунга далил бўлади. Муғтоғи суғдий ҳужжатларидан эса Панч ҳукмдори Деваштичга нисбатан мурожаатлар ва унинг ўз қўли остидаги ҳокимларга баъзан қатъий оҳангда, баъзан эса маслаҳатомуз мазмунда хатлар ёзганлиги ёки фармойишлар юборганлиги конфедерация бошқарувчиларининг ҳокимияти мутлақ бўлганлигини кўрсатади;

⁴⁶⁸ Кубатин А.В. Древнетюркские термины в согдийских документах горы Муг / Урало-алтайские исследования. Научный журнал. – Москва: – №3 (14), 2014. – С. 12-23.

– Суғд конфедерацияси таркибига кирган ҳукмдорликлар Самарқанддаги марказий ҳокимиятга бирлашиб, ўз навбатида, йирик империяларга (*мас.* Қанғ, Эфталийлар, Фарбий Турк хоқонлиги каби) тобе бўлиши баробарида, ўз ички бошқарувига эга эдилар. Бу, асосан, улардан бир қанчасининг ўз танга-пулларини зарб қилдирганликлари (Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Панч), мустақил ташқи сиёсат юритганликлари (*мас.* Византия, Хитой), муайян давлатчилик анъаналарига (ҳокимият рамзлари, қўшин, маҳкама фаолияти, бошқарув маркази) эга эканлиги ва арабларга қарши ташқи сиёсий фаолият олиб борганликлари мисолида ўз тасдиғини топади;

– конфедерациянинг бутун худудида бошқарув суғдий тилда олиб борилган бўлиб, бу уларнинг иш юритиши билан боғлиқ материаллар (хужжатлар, тангалар, муҳрлар ва ҳ.к.)нинг тили ва ёзуви суғдий эканлигида ўз ифодасини топган. Хусусан, Суғд конфедерацияси таркибидаги барча ҳукмдорликларда стандарт суғдий ёзув (Самарқанд ёзуви) амал қилганлиги, Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшабга тааллуқли эпиграфик ёдгорликлар (сарой деворларидаги битиклар, танга ва муҳрлар сиртидаги ёзувлар, хужжат ва ҳ.к.)нинг палеографиясида тафовут кўзга ташланмаслиги бу фикрни қўллаб-қувватлайди. Маълумки, бу пайтда Бухорода суғдий ёзувнинг бошқа бир варианты муомалада эди ва у Суғд конфедерациясида қўлланилган ёзувдан баъзи хусусиятлари билан фарқ қилган. Бу эса Бухоро воҳасида сиёсий жараёнлар бирмунча фарқли кечгани ва унинг Суғд конфедерациясидан алоҳида бўлганлиги билан боғлиқдир;

– Суғд конфедерациясининг бошқаруви қонунлар асосида олиб борилган бўлиб, бу Хитой йилномаларида келтирилган “*Кан (Самарқанд) халқи маълум жазони тайинлаш вақтида ибодатхонада сақланадиган Ху низомини олиб, ўша низом асосида ишни ҳал қилишади*” мазмунидаги маълумотларнинг учраши, Муғ тоғи суғдий хужжатларининг бирида “Қонунлар уйи” ҳақида гап бориши асосида ўз тасдиғига эга. Суғд конфедерациясининг қонунлари зардуштийлик анъаналари асосида тузилган ва унга амал қилиш марказий ҳокимият назорати ҳамда аъзо ҳукмдорликлар келишуви асосида олиб борилган;

– Суғд конфедерацияси бошқарувида туркий *тудун*, *элтабар*, *тархон*, *чўр*, *эркин* унвонидаги амалдорлар давлат бошқарувининг муҳим вазифаларини бажарганлар. Улар хоқонликнинг хос вакиллари сифатида Суғддаги солиқлар тушумини назорат қилган ҳарбий маъмурлар ҳисобланган. *Тархон* унвонининг бажарган вазифаси эса ушбу унвоннинг *чўр* ва *эркин* унвонлари билан мавқеи тенг ёки қисман фарқ қилганлиги кўрсатади. *Чўр* ва *эркин* ҳарбий унвонлари конфедерацияда асосий бошқарувчининг эмас, унга тобе ҳукмдорликни бошқарган амалдорнинг унвони бўлган;

– конфедерацияда *тархон* унвонининг кенг қўлланилишига сабаб, Суғднинг географик муҳим жойда жойлашганлиги ва асосий қарвон йўллари туташган нуқтада эканлигида бўлиб, ҳукмрон давлатлар ҳар доим давлат хазинасига келадиган даромадни ўйлаб, бу ердаги бошқарувни мустаҳкамлашган бўлишса ажаб эмас. *Тудун* ва *элтабар* унвонлари хоқонларнинг Суғд

конфедерацияси бошқарувига татбиқ этган дастлабки унвонларидан бўлиб, уларнинг бири иккинчисининг устида назорат ўрнатган. Турк хоқонлиги томонидан Суғд ҳукмдорликлари бошқарувчиларига *элтабар* унвони берилиши билан биргаликда, маҳаллий сулолаларнинг ўз бошқарув тизимиغا хос анъанавий унвонларнинг ишлатилишига хоқонлар томонидан бирон эътироз билдирилмаган. Чунки, Фарғона ва Самарқандда *ихшид*, Кешда *ихрид*, Уструшонада *афшин* каби унвонларни қўлланишда давом этганлиги кўзга ташланади.

Бир сўз билан айтганда, Суғд конфедерациясидаги ўзига хос давлат бошқаруви натижасида минтақада турли этнослар орасида интеграцион жараёнлар янада кучаяди ва бу даврда “турк-суғд симбиози” тобора фаоллашди. Натижада Марказий Осиё цивилизацияси ўзининг навбатдаги тараққиёт палласига қадам қўяди. Жумладан, Буюк ипак йўли манзилгоҳларидаги халқаро алоқалар янада жонланиб, суғдий савдогарлар Шарқ ва Ғарб орасида фаол воситачиларга айланиши, давлат бошқарувининг янги тизимлари ишлаб чиқиши, бошқарувда ҳужжатчилик, маҳкама ва девон ишларининг йўлга қўйилиши, шаҳарсозлик анъаналарининг такомиллашуви ҳамда ўтроқлашувнинг кучайиши, савдо-сотикда танга-пул муносабатларининг кенг миқёсда ўрнатилиши бунга яққол мисол бўлади.

САМАРҚАНД – СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ БОШҚАРУВ МАРКАЗИ

Суғд ҳукмдорликларининг марказий ҳокимият билан ўз навбатида, ҳукмдорликлар ва рустоклар (ҳокимликлар) ўртасидаги муносабатларини танқидий таҳлил қилиш ҳамда бу орқали минтақадаги умумий сиёсий вазиятни аниқлаш муаммони ўрганишда муҳимдир. Суғд конфедерациясида марказий ва минтақавий-маҳаллий бошқарув, маъмурий бирликлар ўртасидаги муносабатлар, ҳукмдорликларнинг чегара ва ҳудудларини аниқлаш, уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонлари каби омиллар бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий масалалардан ҳисобланади.

Марказий Суғд ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг Самарқанд, Қашқадарё, Тожикистоннинг Панжикент атрофидаги ерларни бирлаштирган. Хусусан, Зарафшоннинг юқори оқимидан бошланувчи Самарқанд воҳаси Самарқанд ботиғида жойлашган бўлиб, шимолдан Ғубдинтоғ-Оқтоғ-Қоратоғ, жанубдан Қоратеп-Зирабулоқ-Зиёвуддин каби тоғлар билан ўралган. Воҳа шимолдан Қизилкум билан, шарқдан Қўштепа, Азкамар, Қуйимозор, Қайнағач, Қумсултон каби тепаликлар, жануб ва жануби-ғарбдан эса Қоракўл платоси билан ўралган. Зарафшон дарёси Шарқий Суғд чегарасидан бошланиб, Ғарбий Суғд – Бухорода тугаган⁴⁶⁹.

Суғд конфедерациянинг сиёсий чегараланишида табиий омиллар муҳим ўрин эгаллаган. Зарафшон дарёси бўйлаб чўзилган конфедерациянинг барча ҳукмдорликлари ўзларининг чегараларига эга бўлганлар. Дарё ирмоқлари конфедерациянинг маъмурий жихатдан бўлиниши асосларидан бири бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас. Шундай экан, географик омиллар натижасида Суғд конфедерацияси ҳукмдорликлари чегараларга ажралган бўлиб, улар марказга нисбатан турли хил масофада жойлашган. Бу эса бошқарувда ўзига хос аҳамият касб этган. Натижада эса, конфедерация таркибидаги ҳукмдорликларнинг ҳар бири жойлашувига қараб ўз мавқеига эга бўлишнинг асосларидан бири яратилган. Масалан, марказ Самарқандга яқин бўлган Маймурғ ҳукмдорнинг қариндошлари ёки валиаҳд шахзодалар томонидан бошқарилган. Ёки марказий ҳокимиятга географик жихатдан яқин туриб у билан чегарадош бўлган Кеш ва Панчининг бошқарувига алоҳида эътибор берилган ҳамда ушбу ҳукмдорликлар назорати кучайтирилган. Бу жараёнлар хитой, суғдий, арабий ва форсий тилли манбаларда ўз аксини топган. Айни мана шу омиллар асосида конфедерация тарихини тадқиқ этиш тарихий ҳақиқатни очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Суғд конфедерацияси ҳукмдорликларининг умумий сони хусусида иккиланишлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар Марказий Суғдда 11 та ихшидлик бўлганлиги ва уларнинг Самарқанд ихшидлигига бўйсунганлигини келтиришади⁴⁷⁰. Аслида эса ихшидлик битта бўлиб, унинг таркибидаги

⁴⁶⁹ Отахўжаев А. Ғарбий Суғднинг суғориш тармоқлари билан боғлиқ атамалар хусусида // *O'zbekiston tarixi*. – 2005. – №3. – Б. 3-7.

⁴⁷⁰ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 387.

маъмурий бирликлар “ихшидлик” ҳисобланмайди. “Ихшид” ўзига тенг мавкедаги “ихшид” унвонли ҳукмдор устидан ҳукмронлик қилиши мантиқан нотўғри. Бундан ташқари, конфедерация бирлашган ҳукмдорлик сони ҳам 11 та эмас. Суғд конфедерациясининг 9 та ҳукмдорлиги бўлиб (ихшидлик маркази Самарқанд билан бирга), Афросиёб деворий суратларида келтирилган 11 та туғ Ғарбий турк хоқонлигининг хоқон, яъни “Ўн Ўқ” ва “ябғу-хоқон”га тегишлидир⁴⁷¹. Афросиёб деворий суратларининг Ғарбий деворидан жой олган 9 туғ эса Суғд ҳукмдорликларига оид бўлиб, улар хитой йилномалари, суғдий ҳужжатлар ва арабий манбаларда учрайдиган Самарқанд (конфедерация маркази), Кеш, Нахшаб, Маймурғ, Панч, Иштихон, Кабудон, Кушония, Фай ҳукмдорликлари ҳисобланади.

Қадимдан Суғднинг маркази Самарқанд бўлганлиги манбалар асосида ўз исботини топган. Суғд конфедерацияси ҳудудида давлатчиликнинг шаҳар-давлатчилигидан воҳа-давлатчилиги босқичига ўтилган даврда ҳам Зарафшон воҳаси ҳаётида Самарқанд шаҳри муҳим аҳамият касб этган. Самарқанднинг савдо йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги турли даврларда уни эгаллашга қилинган ҳаракатларга сабаб бўлган эди⁴⁷². Суғд конфедерацияси шакланган даврда Суғднинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маркази бўлган Самарқанд географик жиҳатдан марказда жойлашган бўлиб, бу иқтисодий ва сиёсий масалаларни ечишда муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти шимолдан ва ғарбдан Навоий вилояти, жанубдан Қашқадарё, шимолий-шарқдан Жиззах вилояти билан чегарадош бўлиб, географик жиҳатдан Помир-Олой тоғларининг ғарбий чеккасида, Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида жойлашган. Бу шаҳар тарихан “Самарқанд Суғди” деб номланган Суғднинг марказий қисмига тўғри келади.

Зарафшон тоғ тизмаси жанубда Самарқанд ва Қашқадарё воҳасини ажратиб турган табиий чегара ҳисобланган. Бу табиий чегара Суғд конфедерациясининг маъмурий тизимининг вужудга келишига ҳам таъсир этган омил эканлиги шубҳасиз. Конфедерация маркази Самарқанд ҳукмдорлиги Дарғом ва Сиёб каналлари орасида жойлашган бўлиб, ундан шарқда Панч, жанубда Кеш ва Нахшаб, унинг шимоли-ғарбий ҳудудида Иштихон, шимолда Кабудон ҳукмдорликлари жойлашган. Самарқанднинг жанубий-шарқида эса Маймурғ ҳукмдорлиги жойлашган бўлиб, конфедерация маркази бўлишига сабаблардан бири ҳам Самарқанднинг Суғд марказида жойлашганлигида эди.

Хитой йилномаларида *Kang* иероглифи Самарқанд топонимининг қисқартирилган хитойча транскрипцияси эканлиги ва шу асосда “Кан” атамаси ҳам жой номи, ҳам Самарқанд сулоласи номи сифатида Хитой манбаларидан жой олган ҳолатлар кўзга ташланади.

⁴⁷¹ Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба. ... – С. 216-220; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – С. 73.

⁴⁷² Мавланов У. Самарқанд в системе древних путей Среднеазиатского междуречья // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиётида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 102-103.

Ушбу ўринда Самарқанд тўғрисида Хитой йилномаларида келтирилган маълумотлар келтириш айти муддао бўлади. “Тан шу” йилномасида бу ҳақда қуйидагилар келтирилади: “Самарқанд (бошқа номи “Самогянь” ёки “Лимогянь”) Юань-вэй сулоласи даврида “Сиваньгинь” деб номланган. Ундан жанубга *Шы* (Кеш) ҳукмдорлигига 150 ли, шимолий-ғарбда Ғарбий *Цао* (Кабудон)гача 100 ли атрофида, жануби-шарқда *Ми* (Маймурғ)гача 100 ли, шимолда Марказий *Цао* (Иштихон)гача 50 ли. *Нами* (Зарафшон) дарёси унинг марказидан оқиб ўтади. Ҳукмдорнинг (хонадон) исми *Вынъ*. У *Юэчжи* хонадонидан келиб чиққан. Дастлаб бу хонадон *Цилянъ* тоғларининг (ҳозирги Цинзянь (Хитой)) шимолий қисмида *Чжаову* шаҳрида истиқомат қилишган. Турклардан мағлубиятга учрагандан сўнг, улар жанубга Пиёзсимон (Помир) тоғларни айланиб ўтишиб, ҳозирги ерлари (Сугд)ни эгаллашган. У (Сугд) Ғарбий ҳудудларнинг катта қисмини итоатда тутган⁴⁷³. Улар қуйидагилар: *Ми* (Маймурғ), *Шы* (Кеш), *Цао* (Иштихон), *Хэ* (Кушония / Каттакўрғон), *Кичик Анъ*, *Нашебо* (Нахшаб), *Унахэ*, *Му*⁴⁷⁴. Ибодатхонада *Ху*⁴⁷⁵ (сугдий) низоми сақланади”.

Юқорида келтирилган “турклардан мағлубиятга учрагандан сўнг ...” маълумоти хитойшуносларнинг фикрича, “Бэй-ши” ва “Суй-шу” йилномаларида “хунлардан мағлубиятга учрагандан сўнг” шаклида келтирилади. Бу ерда хитойлик муаллифлар чалкашликка йўл қўйишган, яъни, Хунлар даврида (тах. милодий III-IV асрларда) бўлиб ўтган воқеликларни Турк хоқонлиги тарихи билан чалкаштириб қўйган бўлишлари мумкин. Эҳтимол, бу ҳолат улар хунлар ва туркларни битта халқ деб билганликлари ёки туркларни хунлардан келиб чиққан, деб талқин қилганликлари билан изоҳланиши ҳам мумкин⁴⁷⁶.

Хитой йилномаларида келтирилишича, VI асрнинг сўнгги чорагидан VII асрнинг ўрталаригача Самарқандни *Шифуби* (*Тайшеби*) (VI асрнинг сўнгги чораги), *Кюемучжи* (600 – 620)⁴⁷⁷, *Тўнга* (642) сингари ҳукмдорлар бошқарган. Самарқанд ҳукмдорларидан *Шифуби* ва *Кюемучжи* исмлари бизга йилномалар орқали, *Тўнга* исми тангалар орқали маълум. 645 йилларда Хитойга элчи жўнатган Самарқанд ҳукмдорининг исми М.Исҳоқов томонидан *wzwrk* – *Вазург* шаклида талқин қилган бўлса⁴⁷⁸, Ғ.Бобоёров ва А.Кубатинлар *tnwk'* – *Тнуга* ёки *Тонуга* (Тўнга) шаклида ўқишни тўғри деб

⁴⁷³ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 31; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 310-311.

⁴⁷⁴ *Унахэ* ва *Му* ҳукмдорликларининг аниқ қайси ҳудудларга нисбатан локализациялаш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Агарда йилномаларда келтирилгани каби бу ҳудудлар ҳозирги Туркманистон ҳудудига тўғри келса, у ҳолда конфедерация ҳукмдорларининг таъсири ҳам айти ҳудудларга қадар ёйилган – Ғ.Б.

⁴⁷⁵ А.Атаходжаевнинг хитой йилномаларига суяниб келтирилишича, *Ху* – “Турк йўрик (қонун)лари” бўлиб, Сугдда мазкур қонун асосида иш қўрилган (Қаранг: Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сугд муносабатлари. ... – Б. 89). Хитой йилномалари таржималарида *Ху* атамасини “турк”, “туркий” деб таржима қилиш чалкашлик сабабли тадқиқотларда такрорланаверган. Аслида *Ху* атамаси Хитойдан ғарбдаги ҳудуд – Сугдга нисбатан ишлатилган ва *Ху* қонунлари сугдий қонунларни англатади (Қаранг: Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 31). Балки *Ху* қонунлари тўплами Сугдда Турк хоқонлигига қадар мавжуд бўлгандир.

⁴⁷⁶ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 34.

⁴⁷⁷ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311.

⁴⁷⁸ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. ... – С. 177.

хисоблайди. Бундан ташқари, айна тадқиқотчилар Самарқанддаги Ўн Ўқ сулоласига Вархуман эмас, балки ундан олдин Тўнга асос солган деб тахмин қилишади⁴⁷⁹. Лекин ушбу 𐰉 – “сиртмоқ” ва 𐰊 – “трискелес” шакллар туширилган тангалар суғдий тангалар каталогига анча кўп бўлиб⁴⁸⁰, улардаги суғдий ибораларни ўқишда бугунги кунга қадар яқдиллик йўқ. Ёзма манбаларда эса Тўнга ҳақида маълумот келтирилмаган.

Кюймучжи исмли ҳукмдор тўғрисида хитой йилномаларида маълумот учрайди. Хитой йилномаларида у тўғрисида қуйидагича маълумот келтирилади: - “*Чжень гуань* ҳукмронлигининг бешинчи йилининг (631 й.) баҳорида *Кан* ҳукмдори *Гуюмучжа* (Кюймучжи) Хитойдан ўз химоясига олишини сўрайди. Шунда Хитой ҳукмдори “қуруқ обрў учун халқни хароб қилиш нима керак”, 10 минг ли узоқликка аскарларни юбормайман”, дея жавоб берган”⁴⁸¹. Афтидан, мана шу воқеадан кейин Суғд ҳукмдорлари Турк хоқонлиги билан алоқаларни мустаҳкамлашга янада қаттиқроқ киришганлар ва бунинг натижаси ўлароқ хоқонлар ва Самарқанд ҳукмдорлари ўртасида қариндошлик алоқалари ўрнатилган.

Суғдий ёзувли бронза тангалар ҳам Суғднинг илк ўрта асрлар тарихини тадқиқ этишда бирламчи манбалар ҳисобланиб, уларда қуйидаги Суғд (Самарқанд) ҳукмдорларининг номлари келтирилган⁴⁸².

Тангаларда исми келтирилган Суғднинг биринчи ҳукмдори *šyšpur* (ёки *šēšpēr*) – Шишпир бўлиб, ушбу исм сўзма-сўз “Дин (зардуштийлик ?) тарғиботчиси” деб таржима қилинган⁴⁸³. В.А.Лившиц ушбу исмни икки қисмга *šyš* – “сочилмоқ, эриб кетмоқ”, *pur* – “дин, динга ишонмоқ” деб изоҳлашга ҳаракат қилган⁴⁸⁴. Мазкур ҳукмдор исми Хитой йилномаларида (“Тан шу”) 642 йилда Хитой императорига жўнатилган элчилик муносабати билан тилга олинади. Шишпир 650 ёки 655 йиларгача тахтни бошқарган ва Хитой йилномаларида кўра, унинг ҳукмронлиги даврида Суғд конфедерациясининг маркази Кеш бўлган деб келтирилади. Шишпир томонидан зарб қилинган тангалар (тангаларда ушбу ҳукмдор исми *šyšpur MLK'* деб келтирилади) ушбу ҳукмдорнинг Вархуман тахтга ўтирганидан кейин ҳам Кешни идора этганлиги борасидаги фикрга келишга туртки бўлади⁴⁸⁵. Шишпир ва ундан кейинги Кеш ҳукмдорлари зарб этган тангаларда конфедерация маркази Самарқанд тангаларидаги 𐰊 шаклларнинг мавжудлиги бу фикрга келишга имкон беради. Мазкур ҳукмдор даврида Суғдда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар хусусида манбаларда маълумотлар қарийб йўқ ҳисоби.

Шишпирдан сўнг Суғд конфедерацияси тахтига Афросиёб деворий суратларида исми *'brxwt'n* – *Авархуман* (ёки Вархуман) (655 – 675) деб талқин қилинган ҳукмдор чиққан. Вархуман (*brxwt'n* ёки *'brxwt'n*)

⁴⁷⁹ Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба. ... – С. 219.

⁴⁸⁰ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 453-454.

⁴⁸¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 311.

⁴⁸² Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 36-45, 103-227, 423-424.

⁴⁸³ Лившиц В.А. История изучения Согда. ... – С. 198.

⁴⁸⁴ СДГМ II. – С. 40.


⁴⁸⁵ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. ... – С. 177.

исмининг маъноси суғдшунослар томонидан **Bara(t)-humānah*, яъни, “эзгу фикр элтувчи”, деб талқин қилинган⁴⁸⁶. Ушбу ҳукмдорнинг тахтга чиқиши ва унинг келиб чиқиши бўйича турли фикрлар билдирилганини айтиб ўтиш лозим. Вархуман исмининг тангаларда *βrxwm'n* – *Вархуман* ҳамда Афросиёб деворий суратларидаги шакли эса *'βrxwm'n* – *Авархуман* кўринишида келтирилади. Унинг даврида Суғдда сулола алмашинуви юз бериб, мамлакат бошқарувида туркий сулола вакиллари ҳокимият тепасига келади⁴⁸⁷. Афросиёб деворий суратларидаги туркий этносга мансуб кишилар Суғд ихшид *βrywm'n* – *Вархуман* саройининг хос мулозимлари бўлиб, улар маросим эгалари (меzbон) сифатида тасвирланган⁴⁸⁸. Вархуман ҳукмронлик қилган йиллар Суғдда конфедерация тараққий этган давр ҳисобланиб, бу Афросиёб деворий суратларида келтирилган Суғднинг мустақил ташқи алоқалар ўрнатганлиги билан боғлиқ маълумотлар асосида ўз исботига эга.

Шишпир ва Вархуман ҳукмронлиги йиллари орасида ҳеч қандай узилган бўш йил бўлмаса-да, улар оралиғида Вазург (“буюк”, “катта” маъноларини англатади) исмли ҳукмдор ўтганлиги нумизматик манбаларда ўз ифодасини топган. Археологик тадқиқотлар натижасида 30 дан ортиқ Вазург номидан зарб қилинган танга пуллар топилган. Аммо Вазург исмининг ўқилиши ҳанузгача тахминий бўлиб келмоқда⁴⁸⁹. Юқорида таъкидланганидек, *Вазург* исми *Тўнга* деб ҳам талқин этилмоқда. Буни ҳокимият учун кураш кетаётган бир паллада Тўнга (Вазург) ўзининг ҳокимиятга даъвосини кўрсатиш мақсадида танга-пуллар зарб қилган деб изоҳлаш мантиқли бўлади.

Суғд конфедерацияси ҳукмдорлари тўғрисида нумизматик манбалар билан бирга Хитой йилномаларида келтирилган маълумотлар қимматли аҳамиятга эга. Йилномаларига кўра, Вархумандан кейин тахтга *Дусоботи* келган. Суғдийча *twk'sp'd'k* (“Кучли кўшин соҳиби”) – *Тукаспадак* исмининг хитойча талаффузи *Дусоботи* шаклида келтирилади⁴⁹⁰. Дусоботи 695 – 696 йилларда Суғд конфедерациясини бошқарган.

Вархуман ҳукмронлиги тугагандан (675 й.) кейин Тукаспадаккача (695 й.) 20 йилга яқин давр бўлиб, бу орада Суғдни бошқарган ҳукмдор исми ёзма манбаларда келтирилмаган.

Нумизмат олима О.И. Смирнованинг Хитой манбаларига суяниб келтиришича, Тукаспадак ўзидан олдинги ҳукмдор – Вархуман мансуб бўлган сулоладан бўлмаслиги мумкин. Бунга сабаб эса мазкур ҳукмдор томонидан зарб қилинган тангаларда Вархуман тангаларидаги  трискелес шаклли тамғанинг йўқлиги ҳисобланади. Балки, Тукаспадак ҳукмдор авлодидан бўлмаганлиги учун ҳам тангаларда сулолавий белги ўзгаргандир. Ёки туркий сулола вакиллари ҳокимиятдан четлаштирилиб, яна “Оқсоқоллар кенгаши” суғдийлардан ҳукмдор тайинлаган.

⁴⁸⁶ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 44; Ўша муаллиф. История изучения Согда. ... – С. 198.

⁴⁸⁷ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 34-36.

⁴⁸⁸ Аржанцева И.А. Новые хозяева Азии / Материалы международной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения С.П. Толстова. – Нукус: 2007. – С. 104-105.

⁴⁸⁹ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. ... – С. 179.

⁴⁹⁰ Лившиц В.А. История изучения Согда. ... – С. 198.

Вархуман ва Тукаспадак ўртасида 675 йилдан 695 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган Суғд ҳукмдорининг исми унинг номидан зарб этилган тангаларда *'wrk wrtmwk MLK'* – ҳукмдор Урк Вартрамук⁴⁹¹ деб келтирилган бўлиб⁴⁹², ушбу ҳукмдорнинг исми ёзма манбалар орқали маълум эмас. Лекин унинг номидан зарб этилган тангалардаги тамғалар суғдий ҳукмдорлар тангаларидаги тамғаларга ўхшаш. Афсуски Урк Вартрамукнинг ҳукмронлик йиллари хусусида бошқа манбалар орқали маълум эмас.

О.И.Смирнованинг Хитой манбалари асосида берган маълумотида Суғд тахтига 698 йилда ўтирган ҳукмдор исми, у зарб этган тангаларда *mnšyš* – *Нинешиш* (йилномаларда *ninje-shi-shi* кўринишда) деб келтирилган бўлиб, у Вархуманнинг ўғли бўлган⁴⁹³. Агарда Нинешиш Вархуманнинг ўғли бўлса, у ҳолда нима учун отасидан кейин тахтга чиқмаган, деган савол туғулиши табиий. Бизнингча, бунинг сабаби Нинешиш вояга етмаган бўлиб, ҳали тахтни бошқаришга эрта эди. Шунинг учун ҳам лашкарбошилардан бири бўлган *twk'sp'd'k* – Тукаспадак (“Кучли кўшин соҳиби”) ҳомийлигида Суғд тахти бошқарилган.

Нинешишдан кейин Суғд тахтига Мастич (ёки Мастан) (*m'stč*) (тах. 698 – 700) ўтирган бўлиб, унинг номидан зарб қилинган тангаларда мазкур ҳукмдорнинг *'wnš / unaš* – “Унаш” уруғидан эканлиги келтирилади⁴⁹⁴. Лекин ушбу ҳукмдор уруғининг номи *unaš* – “унаш” тарзида эмас, балки “Ўн Ўқ” тарзида талқин қилинган ҳамда *m'stč/n 'wny MLK'* – “Ўн Ўқ (уруғидан) ҳукмдор Мастич” деб қайта тикланган. Вархуман тангаларида келтирилган 𐰽 – “сиртмоқ” ва 𐰽 – “трискелес” шакллар Мастич тангаларидаги ушбу тамғаларга жуда ўхшаш⁴⁹⁵. О.И.Смирнова мазкур ҳукмдор исмини *m'stn n'wu'n MLK'* – ҳукмдор Мастан Навйан деб талқин этган⁴⁹⁶. Бу эса Вархуман ва Мастичнинг бир уруғдан эканлиги борасидаги фикрни янада кучайтиради.

Хитой йилномаларида таъкидланишича, Самарқанд халқига *Тухун* (700 – 710) исмли бир киши ҳукмдор этиб тайинланади. Унинг исми суғдий манбаларда *trywn* (Тархун), мусулмон манбаларида эса *ترحون* шаклида учрайди⁴⁹⁷. Баъзи тадқиқотчилар Тархун исмининг “тархон” унвони билан алоқадор эканлигини таъкидлашади⁴⁹⁸. Лекин Тархун исмининг араб манбаларида *тархон* унвони билан чалкаштирилганлиги ўз исботини топган⁴⁹⁹.

Тархун арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари давридаги воқеаларда муҳим роль ўйнаган. Араб халифалиги кучларига қарши ўн йил давомида

⁴⁹¹ Нумизмат Ғ.Бобоёровнинг лутфан берган маълумотларига кўра, “Урк Вартрамук” исмини палеографик жиҳатдан “Уркт Жамук” деб ҳам талқин қилиш мумкин. Тангадаги ёзувнинг палеографик жиҳатдан талқини бунга имкон беради.

⁴⁹² <http://www.zeno.ru> – Pre-Islamic Asia & North Africa – Central Asia

⁴⁹³ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 170-171.

⁴⁹⁴ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 171.

⁴⁹⁵ Бабаяров Ғ., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба. ... – С. 219.

⁴⁹⁶ Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент. – М.: Наука, 1963. – С. 8-15.

⁴⁹⁷ История ат-Табари. ... – С. 100.

⁴⁹⁸ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 383.

⁴⁹⁹ СДГМ II. – С. 66-67; Ғойилов Б. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни. ... – Б. 28; Бобоёров Ғ., Ғойилов Б. Илк ўрта асрлар Суғд бошқарувидаги элтебар, тудун ва тархон унвонлари хусусида. ... – Б. 67-78.

(700 – 710) уруш олиб борган. Табарий асаридаги 85/704 йил воқеалари баёнида Тархуннинг Мусо ибн Абдуллоҳга қарши курашганлиги ҳақида маълумот келтирилади⁵⁰⁰. У тўғрисида алоҳида маълумот эса 88/707 йилда Қутайба ибн Муслимнинг Бухорони эгаллаши баёни орқали келтирилади⁵⁰¹. В.А.Лившиц Табарий асарининг бирламчи нашрига (Tabari, II. 1230) суянган ҳолда, Бухоронинг Қутайба томонидан эгалланиши ва келишув ҳамда шартномаси 90/710 йилга тўғри келади деб келтиради⁵⁰². Бизнингча, Бухоронинг араблар томонидан эгалланишининг тарихий санаси борасида манбаларда баъзи қарама-қаршиликлар мавжуд. Ушбу қарама-қаршиликлар ҳижрий йил санасини милодий йилга ўгириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳар бир суғдий ҳукмдор тахтга келган йилида бошлаб ўзининг эрасини (Тархун эраси, Деваштич эраси) бошлаган. Бу эса илк ўрта асрлар давридаги вақт ҳисоби масаласини ўрганишни мураккаблаштиради.

Масалан, Қутайба ибн Муслимнинг ўз укаси Абдурахмонни Самарқандга Тархундан ўлпон олиш учун жўнатиши, орадан кўп вақт ўтмасдан, Тархун яқин кишилари томонидан тахтдан ағдарилиши ҳамда ўз жонига қасд қилган (ёки ўлдирилган) бўлиши мумкинлиги масаласида ҳам ноаниқликлар кўп. Бу ҳақда Муғ тоғи суғдий Nov. 3 ва Nov. 4 ҳужжатларида келтирилган подшо Тархуннинг ҳукмронлик йиллари билан боғлиқ воқеалар ҳам гувоҳлик беради⁵⁰³.

Манбалар ва муаммога доир илмий адабиётлар таҳлили натижасида маълум бўладики, Тархуннинг арабларга қарши сусткашлик сиёсати натижасида маҳаллий зодагонлардан иборат “Оқсоқоллар кенгаши” уни тахтдан маҳрум этган ва у ўз жонига қасд қилган. Бу эса Қутайба учун қўл келди ва у ўзини Тархуннинг қасоскори дея эълон қилиб Бухоро ҳукмдори билан иттифоқчиликда Самарқандни қамал қилади. Суғд конфедерациясининг янги ихшид *Ghūrak* – Ғурак (710 – 738) шаҳарни мудофаа қилолмай араблар билан шармандали сулҳ имзолаган⁵⁰⁴.

Самарқанд ҳукмдорлари бўлмиш ака-ука Тархун ва Ғурак муносабатлари турли даражаларда ўзгариб турган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, Ғурак 93/711 – 712 йилда Самарқанд араблар томонидан эгалланганидаёқ уларнинг ҳокимиятини тан олган. Лекин у араблар таъсирини расман тан олган бўлса-да, амалда Хитойдан ёрдам сўраганлиги тўғрисида мактуб сақланиб қолган⁵⁰⁵. Бу ҳолат Ғуракнинг хатоси сифатида тилга олинади⁵⁰⁶.

⁵⁰⁰ История ат-Табари. ... – С. 100.

⁵⁰¹ Мухаммад Наршахи. История Бухары / перевод с персидского Н. Лыкошинь. – Ташкент: 1897. – С. 15-17.

⁵⁰² Бундан ташқари, олим Тархун вафот этган санани ҳижрий 91 йил деб келтиради. Ҳижрий 91 йил 710 йилнинг октябрига тўғри келади. У ҳолда Ғуракнинг тахт тепасига келган санаси милодий 711 йилга тўғри келади. Ушбу ўринда чалкашликлар мавжуд – (Батафсил қаранг: СДГМ II. – С. 66)

⁵⁰³ СДГМ II. – С. 65-67.

⁵⁰⁴ О.И.Смирнова Табарий асарининг илк нашрига (Tabari, II. 1230) суяниб келтиришича, суғдийлар Самарқандни тарк этишган ва 2 000 000 дирхам товон тўлаб, ҳар йили 200 000 дирхам тўлашга мажбур бўлишган. Сулҳга кўра, араблар Ғурак ҳокимияти тан олишган ва унинг авлодларини қўллаб-қувватлашган. Ғурак ва Қутайба ўртасидаги сулҳ шартномасининг тўлиқ матнига батафсил (Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 221-240).

⁵⁰⁵ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 262-264.

⁵⁰⁶ Kurat A.H. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti (higri 93-94-miladi 712). ... – S. 407.

Тархунга қадар Суғд тахтида сулолавий (отадан ўғилга ёки акадан укага тахтнинг мерос бўлиб ўтиши) бошқарув мавжуд бўлмаган⁵⁰⁷. Тархундан сўнг тахтга *'wyrk* – Ғуракнинг (غرک) (луғавий маъноси “Кучли”, “Бақувват” маъноларини англатади) чиқиши бу ерда сулолавий бошқарувни таъминлади⁵⁰⁸. Бу шахс исми Хитой йилномаларида *Улэга*, Суғд тангаларида *'wyrk* (Уғрак) ёки *'wr'kk* (Урак) шаклида келтирилади⁵⁰⁹. Тархундан сўнг тахтга чиққан Ғурак 710 – 738 йилларда ҳукмронлик қилган⁵¹⁰.

712 йилда Самарқанд Араб халифалиги кўшини томонидан эгаллангач, Ғурак “Самарқанд шартномаси”да келтирилган бандларни қабул қилиб, сўнгра Самарқанд тахтида қолишни Қутайба ибн Муслимдан илтимос қилади. Лекин унга Самарқандда қолишга рухсат берилмайди. Натижада, Ғурак ҳозирги Иштихон ҳудудидаги қароргоҳига бориб, ўша ердан давлат ишларини бошқаради⁵¹¹. 712 йил “Самарқанд шартномаси”да Ғурак *ихшид* эмас, *афшин*⁵¹² деб келтирилган. Суғдий манбаларда, жумладан, Муғ тоғи архивида *афшин* унвони қайд этилмаган⁵¹³. Ғуракни *ихшид* эмас, *афшин* деб келтириш орқали араблар уни подшо деб тан олмай, Деваштич билан рақобатига қасддан йўл очган бўлишлари ҳам мумкин⁵¹⁴.

Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафийнинг “ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд” (“Самарқанд уламолари хотирасига доир қанддек ширин китоб”) номли асарида Ғурак туркий сулола вакили бўлганлиги келтирилади⁵¹⁵. Манбада Ғуракнинг авлодларидан бири ҳадис ровийси бўлганлиги ҳақида хабар бериб, унинг шажараси қуйидаги тартибда келтирилган: *Абуҳусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Марзбон ибн Туркиш Тақий ибн Касийр ибн Тархун ибн Банойжур ибн Ғурак*⁵¹⁶.

Ғурак ҳукмронлиги даврида Суғд конфедерацияси Хитой билан иттифоқчи бўлишга ҳаракат қилган. Арабларга (*даши*⁵¹⁷) қарши кураш олиб борган Ғурак 719 йилда Хитойга элчи жўнатиб, араблар босқинини бартараф этиш учун ёрдам сўраган⁵¹⁸. Аммо Хитойдан Суғдга ёрдам келганлиги манбаларда келтирилмайди. Ғуракнинг арабларга қарши фаолият олиб борган-

⁵⁰⁷ Ушбу масалада Суғд конфедерациясининг Қанғ, Хионийлар, Эфталлийлар даврига оид бирон маълумот сақланиб қолмаган – Ғ.Б.

⁵⁰⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 91.

⁵⁰⁹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 166-182.

⁵¹⁰ Камалидинов Ш.С. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // ОНУ. – 2003. – №3. – С. 15.

⁵¹¹ Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии. ... – С. 380-388.

⁵¹² Абаев В.И. Среднеазиатский политический термин афшин // ВДИ, 1959. – №2. – С. 112.

⁵¹³ Kurat A.N. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti. ... – S. 407.

⁵¹⁴ Бу ўринда бир қанча тахминий фикрларни илгари сурилган. Биз А.Атаходжаевнинг бу борадаги фикрларига кўшиламан (Қаранг: Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – С. 117).

⁵¹⁵ Ғуракнинг туркий этносдан бўлганлиги борасидаги фикрлар кўшимча далилларга муҳтож – Ғ.Б.

⁵¹⁶ Нажмиддин ан-Насафий. Самарқандия / Арабчадан Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси. – Тошкент: ЎМЭ, 2001. – Б. 127.

⁵¹⁷ Йилномаларда арабларга нисбатан “Даши” атамаси ишлатилган. Бу атама суғдий ҳужжатларда *tazik* “араб” маъносида келган (Қаранг: Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 95). Кейинчалик ислом динини қабул қилган эронийзабон маҳаллий аҳолининг этник номи сифатида “тожик” шаклида амал қила бошлаган (Гафуров Б.Г. Таджики. ... Кн. 1. – С. 92).

⁵¹⁸ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 263-264.

лигига қарамай, унинг 738 йилгача ўз ҳокимиятини сақлаб қола олганлиги борасида манбаларда аниқ маълумот йўқ.

Суғд ҳукмдори Ғуракнинг 719 йилда Хитой императоридан ҳарбий мадад сўраши баробарида, у Турк хоқонлигининг ёрдамидан умидвор бўлган⁵¹⁹. Аини шу йилда Панч ҳукмдори Деваштичнинг Турк хоқони ҳузурига элчиси Фатуфарни юбориши арабларнинг Суғддаги ҳокимиятининг заифлашиб қилганлигидан ва маҳаллий ҳукмдорлар бундан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаётганлигидан далолат берарди⁵²⁰.

“Тан шу” йилномасида *Улэ-га* (Ғурак) *До-гэ* (Турғар) (738 – 750) исмли ўғлини *Цао* (Иштихон)га, *Мочжо* (Бек-чўр) исмли иккинчи ўғлини *Ми* (Маймурғ) шахрига ҳоким этиб тайинлаган⁵²¹. Ғуракдан сўнг тахтга чиққан шахс исми унинг номидан зарб этилган тангаларда *twry'r MLK'* ёки *twry'r xšēd* шаклида учрайди⁵²². Бу Хитой йилномаларида келтирилган *Догэ* бўлиши мумкин. Турғар тангалари хитойча квадрат шаклидаги тешикли бўлиб⁵²³, бу Суғдда Хитой тангаларига тақлидан танга зарб қилинганлигидан дарак беради.

Суғд ҳукмдори сифатида тангаларда номи учрайдиган яна бир ҳукмдор исми тадқиқотчилар томонидан *Турак* (*MLK' twrk*) дея талқин қилинган. Унинг ҳукмронлик йиллари бошқа манбалар орқали маълум эмас⁵²⁴. Лекин *Турак* исмининг айнан ушбу шаклда ўқилиши янглиш бўлиши ҳам мумкин⁵²⁵. Ушбу тангалардаги ёзувлар талқини натижасида Самарқанд ҳукмдорлари VI аср охири – VII аср бошларига тааллуқли *xwβ twrnyn* – “Турон ҳукмдори” (I тип) ёки *xwβ twrnyn x'y'n* – “Турон ҳукмдори Хоқон” (II тип) иборалари билан танга зарб қилганликлари аниқланган. Ушбу суғдий ёзувли Самарқанд тангаларининг унвон ва иконографик жиҳатларини уларнинг хоқонликка бевосита алоқадорлиги билан изоҳланади⁵²⁶.

⁵¹⁹ Бу даврда воқеаларини аниқлаш анчайин мушкул. Қутайба ибн Муслим вафот эган. Суғд шаҳарлари ва қишлоқларида арабларга қарши норозилик ҳаракатлари кучайган бўлиб, араблар Деваштичнинг ёрдамидан умидвор бўлишган. Ҳеч бўлмаганда унинг Ғуракни бир ёкли қилгунча, бетараф туришини таъминлаш керак эди. Муғ тоғи суғдий I.I. рақамли ҳужжати келтирилган “агарда Деваштич амирнинг буйруғига бўйсунмаса, амирнинг муносабатлари ўзгариши” мазмунидаги жумла, арабларнинг ҳаракатларидан далолат беради (Қаранг: СДГМ II. – С. 108-110). Воқеалар жараёни ўзгариб, кўп ўтмай 721 йилнинг баҳорида амирнинг фикри ўзгарган кўринади. Араблар Панжикент яқинидаги Қум қишлоғида суғдийларга қарши жанг қилишган. Лекин бу жангда айнан Деваштичнинг иштироки маълум эмас – Ғ.Б.

⁵²⁰ Бу даврда турклар Суғдга ёрдамга келишади. Заифлашиб қолган араблар вақтинчалик Самарқанддан ташқари барча ҳукмдорликларни қўлдан бой беришган. Бу ҳол Саид ал-Хароший (721-723)нинг ноиб этиб тайинлангунига қадар давом этганлиги эҳтимоли анча юқори (Қаранг: Grenet F. “Les ‘huns’ dans les documents sogdiens du mont Mugh” / *Études irano-ariennes offertes à Gilbert Lazard*. Ed. C.H. de Fouchecour and P.Gignoux. – Paris: 1989. – Volum 7. – P. 176).

⁵²¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... I. – С. 311; Ғойибов Б. Маймурғ тўғрисида тарихий маълумотлар // *Ўзбекистон археологияси*. – Самарқанд, 2013. – №1 (6). – Б. 105-110.

⁵²² Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 191.

⁵²³ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 172.


⁵²⁴ Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. ... – С. 61-91; Лившиц В.А. История изучения Согда. ... – С. 200.

⁵²⁵ (Бу ҳақда батафсил қаранг: Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин А. Илк ўрта аср Самарқанд тангаларида “Турон” топоними / *Ўзбекистон археологияси*. 2015. – №2 (11). – Б. 17-23).

⁵²⁶ Бабаяров Ғ., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандского Согда // *Тарих тафаккури*. “Баркамол авлод” йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами / Масъул муҳар. ва тузувчи: Ш.Ҳ. Воҳидов. – Бухоро: 2010. – Б. 26-29.

Тадқиқ этилаётган даврда Самарқанд марказ сифатида конфедерация ҳаётида муҳим мавқега эга бўлиб, бу ерда мамлакат қонунчилигини акс эттирувчи “қонунлар мажмуаси” сақланадиган махсус ибодатхона мавжуд бўлган⁵²⁷. Ибодатхонада конфедерация ҳукмдорлари йилнинг белгиланган кунда биргаликда марказга садоқатларини ифодалаш мақсадида диний амалларни, аниқроғи қурбонлик маросини бирга бажаришган⁵²⁸. “Бэй ши” ва “Суй шу” йилномаларининг нашрларида ёзилишича, “*Кан* (Самарқанд)да ибодатхонада турадиган тузуклар (мажмуаси) бор. (Бирон бир) жазони белгилашда ушбу тузуклар (мажмуаси)ни олиб, унга асосланган ҳолда ҳукм чиқарадилар”⁵²⁹. В.А.Лившиц тахминига кўра, мазкур ибодатхона билан Nov. 3 ва Nov. 4 рақамли суғдий никоҳ ҳужжатларида Ўттегин ва Дуғдғунча орасида никоҳ шартномаси тузилган жой сифатида қайд қилинган “Қонунлар уйи” битта жойдир⁵³⁰. Ушбу қонунлар уйи маҳкама ҳисобланадиган бўлса, унинг Самарқанд яқинидаги Кофирқалъада бўлганлиги борасида фикрлари мавжуд⁵³¹. Кофирқалъада олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу ердаги муҳрларнинг таҳлили ушбу тахминга келишга имкон беради⁵³². Шунингдек, Самарқандни Суғднинг маркази бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қонунлар тўпламининг Самарқандда бўлганлиги эҳтимоли юқори⁵³³.

Хуллас, Самарқанд ихшидлари томонидан VII аср иккинчи ярмидан то VIII асрнинг ўрталаригача зарб қилдирилган хитой тақлиди тангаларидаги суғдий битикда Шишпир (640- йй.), Вархуман (650- йй.), Тукаспадак (690- йй.), Мастич (698 – 700), Тархун (700 – 710), Ғурак (710 – 738), Турғар (738 – 750) каби ҳукмдор исмлари ўрин олган бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар асосан хитой ва арабий манбаларда, қисман эса суғдий ҳужжатларда учрайди. Аммо ушбу ҳукмдорлардан олдин (VI асрлар ўрталаридан VII асрнинг 40- йилларигача) ёки кейин ҳукм сурган суғдий ҳукмдорларнинг исми тангаларда жой олганлиги бугунги кунга қадар маълум эмас.

Конфедерация марказий ҳокимиятига боғлиқ бўлган яна бир масала шуки, VII аср охири – VIII аср бошларига тааллуқли, деб тахмин қилинувчи  шаклли тамға ва туркий қиёфали икки шахс “ҳукмдор” ҳамда “малика” тасвирли тангаларда *x'ttwn* – “хотун, малика” унвонли тангалар хоқонлик ва конфедерация ўртасидаги никоҳ ришталари туфайли Самарқанд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган⁵³⁴. Бу эса Самарқанд ҳукмдорларининг Турк хоқон-

⁵²⁷ СДГМ II. – С. 38.

⁵²⁸ Бу маросим конфедерация ҳукмдорларининг ягона хонадонга мансубликларини билдириш учун амалга оширилган (Қаранг: Гафуров Б. Таджики. ... Кн. 1. – С. 315).

⁵²⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 271, 281.

⁵³⁰ СДГМ II. – С. 38.

⁵³¹ Бердимуратов А., Мантеллини С., Матбабаев Б. Кафиркала - загородная резиденция Самаркандских правителей / Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 73-77.

⁵³² Gayibov B. About Confederative Administration Ruling of Sogd // International Journal of Central Asian Studies. South Korea. Volume 20. 2016. – P. 167-179.

⁵³³ Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчининг ўрни (илк ўрта асрлар). ... – Б. 45; Ғойибов Б. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназули. ... – Б. 30-42.

⁵³⁴ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 359-370; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом “хатун” // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. V тўплам. 2-қисм. – Тошкент: ТДШИ, 2013. – Б. 95-108.

и шарафига унинг унвонини қўйиб танга зарб қилганлигидан ва айна шу йўл орқали Суғднинг конфедератив бошқарувини сақлаб қолганликларидан далолат беради.

Кейинчалик эса Самарқанд тангаларида ҳукмдор тасвирлари ўрнини хитойча ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар эгаллайди⁵³⁵. Бу эса ҳоконликнинг ўз вассаллари устидан назорати бирмунча заифлашган пайтда Самарқанд ҳукмдорлари мустақил тангаларини Хитой таъсирида зарб қила бошлаганлигини билдиради.

Хитой йилномалари ва нумизматик материалларни таҳлил қилинганда шу маълум бўладики, VII аср иккинчи ярмидан то шу асрнинг охиригача бўлган вақт мобайнида Самарқанд ҳокимиятида сулола алмашинувлари бўлиб турган. Бу воқеалар қисман ёзма манбаларда ва нумизматик материалларда акс этган бўлиб, Самарқанднинг анъанавий “сиртмоқ” шаклидаги тамғаси (𐰽) билан биргаликда бошқача тамғалар ўрин олганида ҳам кўзга ташланади⁵³⁶.

Хуллас стратегик аҳамиятга эга ҳудудда жойлашган Самарқанд Суғд конфедерациясининг бошқарув маркази бўлиб, ихшидлар Самарқанддан барча ҳудудлар устидан назорат қилганлар. Конфедерация аъзолари бўлган ҳукмдорликлар Самарқандга келиб диний амалларни бирга бажариш орқали конфедерацияга бирлашиш шартини адо этишган. Бу ердаги ибодатхонада “Ху низоми” сақланиб, ана шу низом асосида давлат ишлари юритилган. VII асрнинг ўрталарида Самарқандда сулола алмашинуви юз берган. Бу нумизматик маълумотларда ҳам ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда Самарқанд конфедерация маркази сифатида воҳа ҳаётида етакчи ўринга эга бўлган. 650-655 йилларда Кеш ҳукмдорлигининг Суғд конфедерациясининг марказлик мақоми учун ҳаракатларини ҳисобга олмаганда Самарқанд мазкур мавқеда доимий равишда турган дейиш асослидир.

⁵³⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 316.

⁵³⁶ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 92-93.

СУҒДА ҚЎШҲОКИМИЯТЧИЛИК (ДЕВАШТИЧ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР)⁵³⁷

Ўтмиш тарихимизнинг араблар босқинига қадар бўлган даврини тадқиқ этишда Суғд конфедератив (V-VIII асрлар) давлат бирлашмасининг ўзига хос ўрни бор. Тадқиқотчилар ўз илмий ишларида ушбу даврни етарли ўрганмаганликлари кўзга ташланади. Ваҳоланки, ушбу даврда давлатчилигимиз тарихининг муҳим воқеликлари рўй берган бўлиб, уларни ўрганиш ва жамоатчиликка етказиш ҳозирги фан олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Ана шундай тарихий жараёнлар илк ўрта асрлардаги Суғднинг Панч хукмдори бўлган Деваштич номи билан боғлиқдир. Араблар зулмига қарши мардонавор курашган ва ушбу йўлда ўз жонини фидо қилган давлат арбоби Деваштич 708-722 йилларда хукмронлик қилган ва Суғд подшоси Ғурак (710-738) арабларга таслим бўлгач, қисқа муддат Самарқанд тахтига даъво қилган.

Араблар билан дипломатик муносабатлар ўрнатган Деваштич аёвсиз курашлар гирдобидида ўз халқи ва Ватанини ҳимоя қилиш мақсадида мардонавор курашди. У хукмронлик қилган Панч хукмдорлиги араблар томонидан Самарқанд босиб олингандан кейин ҳам ўн йил давомида дахлсиз бўлиб қолди.

Бир сўз билан айтганда Деваштич исмини арабларга қарши моҳир дипломатик ҳаракатлар олиб бориб, керакли вақтда уларга зарба бериб, 720-722 йилда Суғдда бўлган кўзғолонга бошчилик қилган раҳбар сифатида тарихдаги ўрнини муносиб равишда белгилаш учун бугун етарли маълумотлар мавжуд. Айниқса, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида Деваштич ҳаётига доир қимматли маълумотлар сақланиб қолган.

1932 йилда Туркистон тоғ тизмаларидан бири Муғ тоғидан топилган суғдий ҳужжатлар нафақат суғдшунослар учун балки арабшунослар учун ҳам қимматли маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу фикрни Муғ тоғидан топилган иккитагина арабий ҳужжатга асосланиб айтиб бўлмайди албатта. Муғ тоғи архивидаги кўплаб ҳужжатларнинг палеографик ўқилиши ва улардаги воқеаларнинг араблар босқини билан чамбарчас боғлиқлиги бунинг исботидир.

Хўш суғдийлар ўзларидан қандай маданият қолдириб кетганлар? Сиз ғаройиб топилмалар топилган Муғ тоғи ҳақида биласизми? Манбаси Қайнарсув булоғи бўлган қадимги Панжикентдаги археологик қазилмалари ҳақида эшитганмисиз?

Қайнарсув – қайнаётган сув. Ер қаъридан отилиб чиқаётган булоқ туркийчасига *Қайнарсув* дейилган. Баъзилар уни “иссиқ” ёки “қайноқ” деб ўйлайдилар. Булоқ жуда қадимий бўлиб, қарийб ўн уч аср бурун ҳам Панжикент аҳолисини сув билан таъминлаган асосий манба ҳисобланган. Бу даврда Зарафшон дарёси “Суғд дарёси” деб номланиб, унинг ҳавзасида жойлашган Самарқанддан то Бухорогача бўлган водий Турк хоқонлиги

⁵³⁷ Мазур қисм ҳаммуаллиф Х.А.Қўшбаков билан ҳамкорликда ёзилди.

таркибидаги сиёсий автономиясини сақлаган Суғд подшолиги тасарруфидаги ерлар ҳисобланган.

Орадан бир неча юз йилликлар ўтган бўлишига қарамай, Зарафшон воҳасининг юқори қисмидаги тоғлар ён бағридан муздай булоқ отилиб турибди. Лекин олдинги Панжикент энди йўқ! Унинг ўрнида фақат қадимги шаҳарнинг харобаларигина қолган холос. Бу шаҳар харобалари афсонага ўхшайди ва бу афсона қадимги халқлардан бири тўғрисида маълумот беради. Бу ўлкада қадимги ота-боболаримиз – суғдийлар ва туркийлар ёнма-ён яшаганлар.

Нима учун ҳозирги Панжикент шаҳри ёнида қадимий шаҳар харобалари мавжуд деган фикрга келинган?

Зарафшон дарёсининг юқори қисмига қўшилувчи ирмоғи Қум дарёси ёқасидаги баланд қоя чўққисида “Қалъаи Муғ” номи билан маълум бўлган қадимий қаср харобаси бор. Тожик тилида бу сўз “муғлар қалъаси” ёки “қоҳинлар қалъаси” маъносини англатади. Муғ қалъаси Зарафшон дарёсига осилиб тургандай кўринади. Қадимдан аҳоли орасида бу қалъа атрофида ёввойи ҳайвонлар қиёфасидаги ёвуз рухлар айланиб туради, деган афсоналар ва ривоятлар юрган. Ҳар ким ҳам бу ерга юрак ботиниб чиқа олмаган. Бу афсона ва ривоятлардан хабари бўлса ҳам, Ҳайробод қишлоғидан бўлган чўпон Жўрали Маҳмудали кўйларни тоғ атрофида ўтлатгани ҳайдади. Кўйлар тезда тепаликка чиқиб олади. Уларни қайтариш мақсадида чўпон ҳам қалъа харобасига чиқади. Унинг кўзи ердан чиқиб турган тол новдасига тушади. Учи чиқиб турган толнинг новдасини суғурмоқчи бўлади. “Бу ерда тол ўсмайдику, новда қаердан пайдо бўлди?” – ўйланиб қолади чўпон. Новдани суғуриш учун пичоқдан фойдаланишга тўғри келди ва бу тол новдадан тўқилган бутун бошли сават бўлиб чиқади. Саватнинг тубида тупроқ аралаш ипак толалари қўшиб ишланган юқа, аммо пишиқ қоғозга ёзилган мактуб кўриниб турарди. Чўпон номаълум алифбода ёзилган хатни диққат билан кўздан кечира бошлади. Умри бино бўлиб чўпон бундай номаълум ёзувни кўрган эмасди. Сирли мактуб чўпонни қизиқтириб қўйди. Мактуб бир муддат қишлоқ аҳолиси орасида қўлдан-қўлга ўтиб юрди. Ниҳоят мактуб Заҳматобод туманининг собиқ партия котиби бўлган Абулҳамид Пўлодий кўлига етиб келади.

– Бу, ахир, жуда қадимий мактуб-ку! – қувониб кетди Пўлодий. – Ахир, ушбу мактуб қадимги аждодларимиз ҳақида маълумот берувчи ёдгорликдир! Биз мактубни мутахассис олимларга жўнатамиз.

Пўлодий сирли мактуб топилганлиги тўғрисида дастлаб Душанбега хабар беради ва у ердан Москва ҳамда Ленинградга қадимги Суғдиёна тарихининг тадқиқотчиларига, шарқшуносларга хатнинг фото нусхаси жўнатилади. Мактубнинг нусхаси суғдшунос профессор А.А.Фрейманга юборилади⁵³⁸. Мактубнинг суғд тилида ёзилганлиги душанбелик олимлар томонидан тахмин қилинган эди.

⁵³⁸ Моисеева К. Тайна горы Муг. – М.: Детская литература, 1964. – С. 204.

Москвада Тожикистонга экспедиция уюштириш тўғрисида муҳокама кетаётган бир пайтда Пўлодий 1933 йилнинг май ойида⁵³⁹ Муғ тоғида қазилма ишларини бошлаб юборади. Кўп ўтмасдан, Москвага дарахт новдаларига, терига, қадимги хитой қоғозига битилган ёзув намуналари топилганлиги тўғрисида яна хабар етказилгач, экспедиция уюштириш тўғрисида қарорга келинади. Бу қўлёзмалар ҳам аввалги мактуб жойидан топилади⁵⁴⁰.

1933 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, СССР ФА нинг мухбир аъзоси профессор А.А.Фрейман бошчилигидаги археографик экспедиция Муғ тоғига келди ва қазилма ишлари бошлаб юборилди.

Экспедиция иши давомида тоғ шароитидаги кузнинг ёгин-сочинли совуқ кунлари бошланди. Лекин дастлабки топилмалар экспедиция аъзоларида шунчалик катта қизиқиш уйғотган эдики, ҳеч ким қазилма ишларини кейинги йилга қолдиришни хоҳламас эди. Олимлар қазилма якунларини интиқлик билан кутарди. Уларни турли ашёлар қатори суғдий ёзма ёдгорликлар топиш кўпроқ қизиқтирарди. Гап шундаки, шу кунгача олимларнинг қўлида мавжуд бўлган суғдий ёзма ёдгорликлар намуналари Синьцзян (Шарқий Туркистон/Ғарбий Хитой)дан топилган бўлиб, Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар Суғднинг ўзидан топилган дастлабки суғдий ёзув матнлари эди. Бу эса нафақат суғдшуносликка балки умуман ўлка тарихига доир тадқиқотлардаги чалкашликларни ойдинлаштиришда ёрдам беришига умид катта эди. Бундан ташқари, Муғ тоғида Суғдиёна тарихи билан боғлиқ бошқа қимматли топилмалар ҳам бўлиши мумкинлиги янада қизиқарли эди.

Нихоят, экспедиция қалъаи Муғдан Суғднинг Панч ҳукмдорлигининг маъмурий архиви ҳамда унинг таркибига кириб қолган бир қатор шахсий архивларга тегишли 74 та ҳужжатдан иборат бутун бир архивни топишга эришди. Улар орасида арабий, хитой, қадимги турк алифбосидаги ҳужжатлар ҳам бор экан⁵⁴¹.

Илгари олимлар фақатгина биттагина суғдча ҳужжатни қадим Суғдиёна худудидан топишни орзу қилишган бўлса, энди уларнинг ихтиёрида бутун бошли архив бор. Бу ҳужжатлар гўё асрлар қаъридан кимдир юборгандай, қадимги тарихимиз тўғрисида кўплаб маълумотларни берарди. Улар ушбу манбалар орқали аввал номаълум бўлган суғдийча сўзлар билан, мактуб ёзилган даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-иқтисодий ҳаёт билан танишишди. Мана шу манба Хитой билан маданий ва савдо алоқаларининг кенг ривожланганлигини кўрсатди. Суғдий ёзув намунаси билан бирга арабча ва хитойча мактуб намуналарининг топилганлиги тўғрисида юқорида айтиб ўтилган эди. Араблар томонидан ўн икки аср муқаддам вайрон этилган Муғ тоғи қалъаси харобаларидан олимлар учун бебаҳо хазинанинг топилганлиги

⁵³⁹ Бу даврда СССР ҳукуматининг қатағонлик сиёсати юқори чўқкига чиққан бўлиб, ҳар қандай тарихий ҳужжатнинг топилиши тўғрисида давлат раҳбарлари эшитишни ҳам истамас эдилар. Буни яхши тушунган Пўлодий ҳеч қандай расмий рухсатсиз қазилма ишларини бошлаган – Ғ.Б.

⁵⁴⁰ СДГМ II – С. 7.

⁵⁴¹ Лившиц В.А. Правители Панча (тюрки и согдийци). ... – С. 27-39.

Шарқий Туркистондаги Турфон ёки Қумрон ёзувлари каби дунё фанидаги янгиликлардан эди.

Қадимги қўлёзмалар билан бирга бу ердан кўплаб ашёвий ёдгорликлар, шу жумладан, ҳарбий анжомлар, рўзғор буюмлари ва зебу-зийнатлар топилган. Жумладан, Суғд отлиқ аскарининг тасвири туширилган қалқон олимларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Қалта қилич таққан, башанг кийинган, камон осиб олган киши от чоптириб кетаяпти. Отнинг қалин ёли худди жонли тебранаётгандай. Эгар ўқдон-садоқ ва камон билан тўсилганлиги учун кўринмайди. Отлиқ чап қўлида чўқмор тутган ва ўнг қўли билан отнинг тизгинини ушлаб турибди. Қалқоннинг сақланиб қолган қисмида чавандознинг боши кўринмайди. Бу қалқон бўлаги тарихчиларга қизиқарли хулосаларга келишга туртки бўла олди. Қалқон уларга узоқ Шарқий Туркистон (Синьцзян)даги будда ибодатхонасининг тасвирий суратларини эслатди. У ерда ҳам худди ана шундай тасвирилар акс эттирилган. Суратда ҳам, отлиқнинг ҳарбий кўринишида ҳам ўхшашлик бор⁵⁴². Лекин бой зодагонларнинг буюртмасини бажарган суғдий рассомлар билан Хитой рассомлари таъсири анча-мунча кучли бўлган Шарқий Туркистонлик рассомлар ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?

Қадимдан Хитой ва Суғд мамлакати ўртасида теран тарихий ва маданий алоқалар айнан Шарқий Туркистондаги Турфон, Кошғар, Хўтан каби воҳа хукмдорликлари воситасида амалга ошган. V асрдаёқ кўплаб суғдийлар Суғд ва Хитой ўртасидаги мазкур воҳаларда аҳоли масканлари – колониялар барпо эта бошлаганликларини эслайлик. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли тармоғи бўйлаб суғдийлар йирик савдогарлар ва маданий бойликларнинг ташувчилари бўлганликлари фикримизга асос бўла олади. Чунки бу йўл бўйлаб суғдийларнинг манзилгоҳларини кўплаб учратиш мумкин эди. Моҳир ҳунарманд ва савдогарлар ўзлари билан қадимги маданиятни ҳам олиб келганлар ва натижада маданиятларнинг ўзаро қоришиш жараёни юз берган. Буни биз иккала маданиятда ҳам кузатишимиз мумкин. Баъзи бир суғдийлар ўз маданияти ва динини унутиб, будда динини қабул қилган бўлса, баъзилари ўз маданияти ва эътиқодини йўқотмади ва уни сақлаб қолдилар. Синган қалқон парчаси бутун бошли тарихий ва маданий алоқалар тарихи тўғрисида хулосалар чиқаришга асос бўлганлиги жуда қизиқарлидир.

Аслида, қалқон топилган Муғ тоғи қалъаси кимга қарашли эди? Кимлар бу қадимги қалқондан фойдаланган? Суғдий алифбодаги мактублар архиви кимники?

Машҳур арабшунос олим, академик И.Ю.Крачковский Муғ тоғи архивининг келишини сабрсизлик билан кутар эди. Чунки у архивда терига ёзилган араб тилидаги мактубнинг борлигини эшитган эди. Бу қандай

⁵⁴² Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. – М.: Искусство, 1973. – 63 с.

кўлёмза? У нима ҳақда сўзлайди? Дунё бўйлаб терига ёзилган фақатгина олтигагина мактуб бор эди⁵⁴³.

Ниҳоят, экспедиция Ленинградга қайтиб келди. Суғд ёзувлари архиви минг йилдан кўп вақт давомида тупроқ остида қолиб кетган ва ўз ҳолатини йўқотган. Мактубда нима ҳақда сўз бориши билан ҳамма қизиқар ва олимлар унинг сирини ечишга астойидил бел боғлаган эдилар.

Академик И.Ю.Крачковскийнинг архив сирини очишдаги улуши араб алифбосида ёзилган мактубни ўқиш эди. У таъкидлаганидек, мактубнинг сирини ундаги кишилар исмларида бўлган. Мактубни ўқишдан кўра, ундаги исмларни аниқлаш жуда катта машаққат талаб этарди. Академик жуда қаттиқ бетоб бўлиб, шифокорлар унга тўшакдан туришни тақиқлаб қўйишган эди. Лекин сени шундай қизиқарли иш кутаётган бир пайтда тўшакда михланиб ётиш мумкинми? Ахир, бу ҳужжат Муғ тоғи архивининг сирини бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳар қандай тўсиқ ва қаршиликка қарамай, академик институтга қараб шошилди.

Ленинградда Тожикистондаги қазишмаларда қатнашган таниш олимлардан асл нусхани олгунига қадар академик бу арабий ҳужжатда Ибн Тархун (Тархуннинг ўғли) ҳақида эшитган эди. Шунинг ўзиёқ ишни бошлашдаги тўғри йўналишни белгилаш учун муҳим бўлди.

Тарихий манбаларда арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари даври билан боғлиқ 700-710 йилларда ҳукмронлик қилган ҳукмдор *Тархун* номи тилга олинади. Лекин бу номнинг ҳали шу ҳукмдор эканлигига шубҳа бор эди. Баъзида эса бу исмнинг *тархон* унвони билан қоришиб ишлатилиш ҳоллари ишни янада чигаллаштирар эди.

Ҳужжатдаги сўзлар ва ҳатто, айрим сатрларнинг ўчиб кетганига қарамай, олим уни катта қийинчилик билан ўқий бошлади. И.Ю.Крачковский биринчи қаторни ўқиди: - “.....Оллоҳ номи билан...” кейин эса қандайдир нотаниш исм “*Дивасти*” (кейинги ўринларда Деваштич (708-722) деб келтирилади). Бу исм эмасми? Минглаб арабий матнларни ўқиган бўлса ҳам, олим бу сўзни илгари учратган эмасди. Агарда бу исм бўладиган бўлса, у қандайдир аслзоданинг исми бўлиши керак. Йўқса, нега *Дивасти* араб ноибига мурожаат қиляпти? Суғдиёна тарихи билан боғлиқ тарихий маълумотларда академик И.Ю.Крачковский бу исмни учратган эмасди.

“Ким ўзи бу *Дивасти*”? – ушбу савол билан академик манбашуносларга мурожаат этди. Лекин бу исм тўғрисида унга ҳеч ким маълумот бера олмади.

Узоқ кунлар, соатлаб И.Ю.Крачковский араб кўлёмзаларининг варақларини ўқиш билан овора бўлди. Биринчи қатордан шундай сирли бўлса, қолгани нима бўлади? Бу орада академикнинг миясига келган биринчи фикр ат-Табарийнинг асари бўлди. Ахир, Табарий ҳам ўз асарида Ўрта Осиё тарихига, унинг араблар томонидан босиб олиншига бир неча боб ажратган эди-да.

⁵⁴³ Крачковский И.Ю. Избранное сочинения. Над арабскими рукописями. – М.-Л.: Наука, 1955. – Т.1. – С. 185.

Шарқшунослик институти кўлёмалар бўлимида И.Ю.Крачковскийнинг саъй-ҳаракатлари билан ат-Табарийнинг ўн икки томлик “Тарих” асари сақланади. Юқорида келтирилганидек, бу ерда Суғдиёна тарихига бағишланган боб мавжуд. Бу бобларда арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари, шаҳарларни босиб олиб, ислом динини тарғиб қилганликлари, ибодатхоналарни масжидга айлантирганликлари, араб халифалигининг ривожини учун маҳаллий олим ва моҳир ҳунармандларни олиб кетганликлари тўғрисида гап борарди. Аммо унда *Диваштич* хусусида ҳеч қандай гап йўқ эди.

Лекин ҳали сабр билан кўлёмани варақлаш керак эди. Табарийнинг асари И.Ю.Крачковскийга *Дивастич* номини ва араблар босқини билан боғлиқ бўлган кўплаб маълумотларни берди. Лекин ҳамон *Диваштич* номи учрамаётган эди. Нима учун айнан суғдийнинг исми? Чунки бундай исм арабда бўлмайди. Бундан ташқари, мактуб Суғдиёна ҳудудидаги қалъадан топилган. Исмнинг мактубдаги маълумотларни англашда калит эканлиги кундай равшан эди. Ҳали изланиш керак.

Кўп ўтмай, И.Ю.Крачковский сирнинг замирига етди. Кутубхонада унинг хурсанд овози эшитилди. – “Дивасти бор”! – хурсандчилигини яширолмаган олим кутубхоначига уни кўрсата бошлади⁵⁴⁴.

Ат-Табарий *Диваштич* тўғрисида гапириб, ал-Мадоиний маълумотларига (афсуски, ал-Мадонийнинг асари бизгача етиб келмаган) таянади. Мадоиний маълумотлари асосида у шундай ёзади: - “... ва Бунжикат одамлари билан Дивасти Абаргар қалъасига кетди, Корзанж ва Суғд кишилари эса Хўжандга...”. Кейинги варақларда Панч ҳукмдори Диваштич ҳақида қатор маълумотлар келтирилади⁵⁴⁵.

Диваштич Суғднинг *вилоятга* тенг маъмурий бирлиги бўлган Панч ҳукмдори бўлиб, Муғ тоғи қалъаси унинг қароргоҳи бўлиши мумкин. Ҳали бу маълумот асосли эмасди. Бунинг учун мактубнинг қолган қисмини ўқиб чиқиш керак эди. Биринчи қатор кутулгандан ҳам ортиқ қимматли маълумотларни берди.

Панжикент (Панч ҳукмдорлигининг маркази) ҳукмдори Диваштич Араб халифалигининг 717-719 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган ноиб Амир ал-Жарроҳга мактуб йўллаган: - “Муқаддас ва раҳмдил Аллоҳ номи билан. Абдуллоҳ ўғли амир ал-Жарроҳга, унинг мавлоси⁵⁴⁶ Диваштичдан. Сенга тинчлик ва Аллоҳнинг раҳми бўлсин. Аллоҳ сени ёрлақасин, ундан бошқа илоҳ йўқ...”.

Диваштичнинг амир ал-Жарроҳга мактубининг таржимаси:

1. Мехрибон ва раҳмдил оллоҳ номи билан.

⁵⁴⁴ Гойибов Б. Из истории арабских завоеваний в Согде: к биографии Диваштича сына Йодахшитака // III Международная научная конференция «Вопросы исторической науки». г. Москва январь. 2015 г., – Москва: Буки-Веди, 2015. – С. 51-54.

⁵⁴⁵ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // Согдийский сборник. – Л., 1934. – С. 53-54

⁵⁴⁶ *Мавло* - тарихий нуктаи-назардан “бир кишининг бошқа бир кишига яқин боғликлигини” билдирган (Қаранг: Мамадалиев Х. М. Этническое положение в Средней Азии в IX – XII вв. (на основе материалов арабоязычных источников): Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – Ташкент, 2010)

2. Абдуллоҳ ўғли, Амир ал-Жарроҳга, унинг мавлоси Дива-
3. стидан. Сенга тинчлик, эй амир
4. ва Аллоҳ раҳми бўлсин. Мен сенга Аллоҳни улуғлайман,
5. ундан бошқа илоҳ йўқ.
6. Сўнгра -, Аллоҳ амирга йўлласин ва сақласин
7. уни, мен....⁵⁴⁷
8. амир менинг заруратим ва иккала Тархун фарзандларининг заруриятини, ахир а -
9. мир, Оллоҳ уни сақласин, Тархуннинг ўғилларини яхшилик учун эслади.
10. агарда амир қарор қабул қилишни лозим кўрса [ва ёзса]⁵⁴⁸
11. Абу-с-Сорийнинг ўғли Сулаймонга, чунки у иккаловини ҳам жўнатсин [амирга],
12. у ҳолда майли бажарсин. Ёки амир менга хабарчилардан бир от буюрсин,
13. ва мен у билан иккаловини олиб келиш учун ўз қулимни жўнатай
14. амирга. Ахир, Аллоҳ амирни оиланинг⁵⁴⁹ элчиси этди-ку
15. ёрдам ва раҳм-шафқат.
16. Ва мен Аллоҳдан сўрайман шунинг учунки, ва сенга тинчлик тилайман, эй амир, ва Оллоҳнинг раҳму-шафқатини⁵⁵⁰.

Матндаги исмлари келтирилган шахслар мактубнинг тарихий аҳамиятини очиб беришда катта аҳамиятга эга эди. Матнда тўртта шахс исми тилга олинган бўлиб, *бешинчи* кишининг мактубда келтирилган воқеаларда иштирок этганлиги тахминдир. Мактубдаги икки киши араблар томондан ва икки киши суғдийлардан келтирилган.

Манбаларда бошқаларига нисбатан кўпроқ маълумот келтирилган шахс амир ал-Жарроҳ ибн Абдуллоҳдир. Йирик лашкарбоши бўлган бу шахс халифаликнинг чегара вилоятларида турли маъмурий лавозимларда ишлаган. У халифаликнинг Ироқдаги ноиби машҳур ал-Ҳажжож (660-714) мактабининг вакили бўлиб, унга “ал-Ҳажжож қиличларидан бири” дея таъриф берилгани бежиз эмас. Ал-Ҳажжож даврида амир ал-Жарроҳ Месопотамияда бир қатор вазифаларни адо этган. Қисқа муддат Хуросонни (Ўша пайтларда *Хуросон* тушунчаси кенг маънода қўлланилган. Халифалик ноиблари Марвда турганлар ва Мовароуннаҳр устидан назоратни амалга оширганлар) бошқарган. Араб халифаларининг унга қарши ҳаракатлари унинг ҳарбий обрўйига таъсир кўрсата олмаган. Амир ал-Жарроҳ Арманистон ва Озарбайжонда муҳим давлат лавозимларида ҳамда давлат бошқарувида иштирок этган⁵⁵¹. Қутайба ибн Муслимнинг ўлимидан сўнг, Ўрта Осиёда издан чиққан бошқарувни қайта тиклаш мақсадида араблар

⁵⁴⁷ Сақланмаган сўз ўрнида “хабар бердим” ёки “у ҳақда хабар юбордим” сўзлари бўлиши мумкин.

⁵⁴⁸ Квадрат шаклидаги қавсга олинган сўзлар қўлёзмадан қўчиб кетган ва тахминан тикланган сўзлар.

⁵⁴⁹ аҳл сўзи “яшовчилар” маъносини ҳам англатиши мумкин. *Аҳоли* сўзига яқин туради.

⁵⁵⁰ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Над арабскими рукописями. ... – Т. I. – С. 185.

⁵⁵¹ 730 йилда Мардж Ардабил (Ардабил - Эроннинг шимолий-шарқидagi шахар) жангида амир ал-Жарроҳ ҳалок бўлган (Қаранг: Крачковская В.А. Эволюция куфического письма в Средней Азии / Эпиграфика Востока. –М: Изд. АН СССР, 1949. – Вып. 3. – С. 3. (Кейинги ўринларда ЭВ деб келтирилади)).

томонидан 99/717 йилда амир ал-Жарроҳ Хуросон ноибни этиб тайинланган. Ал-Жарроҳ арабларнинг аввалги ҳукмронлигини сақлай олди. Хаттоки, араблар ҳокимиятини Сирдарё томонларга ёйишга ҳам ҳаракат қилди. Лекин унинг бу ҳаракатлари муваффақиятсизлик билан тугади. Манбалар асосида айтиш мумкинки, амир ал-Жарроҳнинг халифа билан муносабатлари бузилишига ички сиёсатнинг беқарорлиги сабаб бўлган. Бу даврда Хуросонда ҳам мусулмон динини қабул қилганлардан маълум солиқ ва мажбуриятлар олинмаган. Бу эса хазинага келиб тушадиган даромадга салбий таъсир кўрсатган. Шунинг учун унга ҳамма халифа ва ҳукмдорлар ҳам риоя этмаган. Умар II даврида бир қатор шикоятлардан сўнг, бу тўловлар тўхтатилган. Сўнгра Амир ал-Жарроҳ исломга ўтишни янада қийинлаштирадиган талабларни жорий қилди. Жумладан, исломни қабул қилганларнинг суннат - хатна қилиниши кўпчилиكنинг норозилигига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, халифанинг норозилигига ҳам сабаб бўлди ва 100/719 йилнинг апрелида Хуросон ҳукмдори ўз лавозимидан четлаштирилди⁵⁵². Халифа Хуросондаги мусулмон бўлмаган маҳаллий аҳолига нисбатан келишув асосида иш кўришни маъқул кўрган бир шароитда амир ал-Жарроҳ бу ҳудудни фақат қилич ва тиг билан бошқариш мумкин дер эди. Уларнинг бу борадаги фикрлари бир жойдан чиқмади.

Мактубдаги иккинчи шахс *Сулаймон ибн Абу-с-Сорий* бўлиб, у *Уваф* қабиласининг мавлоси эди. Мадоиний келтирган маълумотлар асосида унинг қариндоши бўлган Абу-с-Сорийни Хуросон ёки Марвдан эканлигини ҳисобга олган ҳолда Сулаймоннинг келиб чиқиши араблардан бўлмаган деган хулосага келиш мумкин. У асли мусулмон динини қабул қилган суғдий ҳам бўлиши мумкин.

101/719/720 йилларда Сулаймон ибн Абу-с-Сорий Самарқандга келган. Лекин қайси лавозимда эканлиги маълум эмас. Халифа Умар томонидан унга карвонсаройларни ташкил этиш ва почта хизматини йўлга қўйиш мазмунидаги мактуб йўлланган⁵⁵³. Бу эса унинг юқори лавозимда эканлигидан далолатдир. 104/722-723 йилда халифаликнинг бу ердаги бошқаруви Саид ал-Хароший кўлига ўтгач, унинг буйруғи асосида Сулаймон бир қатор Суғд қалъаларини талайди ва босиб олади. Жумладан, мактубда келтирилган Деваштич қароргоҳи ҳам босиб олинади. Кўп ўтмай, у Кеш ва Насаф ҳукмдорликларининг бошқарувига масъул этиб тайинланади. 110/728-729 йиллар унинг солиқ ва тўловларга масъул бўлганлиги тўғрисида маълумот келтирилади. Лекин Табарий маълумотларида у ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. У араблар вакили сифатида Мовароуннаҳр ва Хуросонда фаолият олиб борган⁵⁵⁴.

⁵⁵² Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // СС. – Л., 1934. – С. 53-56.

⁵⁵³ Крачковская В.А. Эволюция куфического письма в Средней Азии. ... – С. 4-5.

⁵⁵⁴ Камалиддинов Ш.С. Из истории Арабских завоеваний в Средней Азии: к биографии Сулеймана ибн Абу-с-Сари / Цивилизация скотоводов и земледельцев Центральной Азии. – Самарканд-Бишкек: МИЦАИ, 2005. – С. 203-209.

Мактубда тилга олинган иккала суғдий шахс ҳам араб манбаларида кам тилга олинган. Тархуннинг фарзандлари (ёки ўғиллари) тўғрисида манбаларда маълумот келтирилмайди. Бу икки шахснинг воқеалардаги роли тўғрисида мактубдаги жараёнларни кузатиш асносида тахминий тўхтамга келиш мумкин. Тархун номи *тархон* унвони билан қориштириб талқин қилинганлиги учун тарихий ҳақиқат бузилган ва бу номлар киши номи ёки унвон эканлиги яқин кунларгача ноаниқ қолган эди.

Суғдий А-13 ҳужжатидаги хат тегиши лозим бўлган кишининг исми эмас, фақат унинг лавозими айtilган бўлиб, “*тархон*” деб ўқилади. Қадимги туркча “*тархон*” сўзи ижтимоий-ҳуқуқий мақом, амал, лавозим номи сифатида кенг маълум. Хусусан, Турк хоқонлиги даврида ушбу унвон хоқонлик марказий бошқарувида кенг қўлланилиши баробарида вассал ҳукмдорликларда ҳам тарқалган эди. Жумладан, Чочда *Инал тархон* (650-йй.), Фарғонада *Арслон тархон* (740-йй.) ва ҳоказо. Ўрта асрларда солиқ ва бошқа мажбуриятлардан озод қилинган ижтимоий табақа ҳам шу унвон билан аталган. Тадқиқотларда бу унвон Суғд подшосининг номи Тархун билан чалкаштириб келинган. В.А.Лившицнинг кўрсатишича, чалкашлик араб графикасида бу икки сўзнинг ёзилиши ва талаффузи яқинлиги туфайли рўй берган⁵⁵⁵. Шу муносабат билан “Осор ул-боқия» асарида *طرخون* - Самарқанд подшоларининг унвони, деб кўрсатилиши, Берунийнинг бу масалада араб манбаларидан хабардор бўлганлигидан далолат беради.

Шу ўринда *дархон* унвонига ҳам изоҳ бериш ўринлидир. *Дархон* (мўғулча – темирчи, косиб, озод киши) – Чингизхон ва унинг ворислари даврида ҳукмрон синф вакилларига, оддий халқ орасидан чиқиб, ҳокимларга алоҳида хизмат учун берилган унвон. *Дархонлик* имтиёзига эга бўлган киши ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган, улуғ хон ҳузурида бўлиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланган. Ундан ташқари, *дархонлар* жиноят қилиб кўйганда ҳам, бундай жиноят 9 марта содир бўлгунча жавобгарликка тортилмаган. *Дархонлик* мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқда кенг тарқалган эди⁵⁵⁶. Бир сўз билан айтганда *дархон* ва *тархон* унвонлари қайси даврда бўлмасин жамиятда маълум хизматлари эвазига ҳукмдорлар томонидан берилган имтиёзли унвон саналган. Фақатгина тадқиқ этилаётган давр манбаларида бу унвон *тархон* шаклида бўлганлиги учун уни шу шаклда ишлатиш ўринли ҳисобланди.

Балазурий маълумотларида эроний ҳукмдор Яздигирднинг Марв яқинидаги ҳалокати баёнида *тархон* унвонига эга бўлган *Низак-тархоннинг* номи тилга олинган. Албатта у суғдий эмас, туркий бўлган. *Тархун* ҳукмдор сифатида гоҳида араблар билан келишиб, гоҳида уларга қарши чиққан ва оқибатда фитна натижасида ўлдирилган ёки жонига қасд қилган. *Тархон* унвони эса ўрта асрларда маълум имтиёзларга эга бўлган, солиқлардан озод қилинган кишиларга берилган. Баъзида эса алоҳида шахс сифатида ҳам

⁵⁵⁵ СДГМ II. – С. 67.

⁵⁵⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 210.

ишлатилган. Масалан, Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Фаробий. Бу ерда Фаробийнинг бобоси Тархон исмли шахс эканлиги келтирилаяпти. *Тархун* исмининг унвон билан алмаштириб айтилишига асос бўлмаса-да бу ҳол такрорланаверган.

Тархун арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари даврида ва воқеа жараёнларида катта роль ўйнаган. Араб халифалиги кучларига қарши ўн йил давомида уруш олиб борган. Табарий асаридаги 85/704 йиллар баёнида Тархуннинг Мусо ибн Абдуллоҳга қарши курашганлиги ҳақида маълумот келтирилади. Хитой манбалари асосида айтиш мумкинки, Тархуннинг тарих саҳнасига келиши анча олдинги даврга яъни 696 йилга бориб тақалади. У тўғрисида алоҳида маълумот эса 88/707 йилда Қутайбанинг Бухорони эгаллаши баёни орқали келтирилади⁵⁵⁷. Табарийнинг маълумотларига кўра эса келишув ва шартномалар 90/709 йилга тўғри келади. Бухоронинг араблар томонидан эгалланишининг тарихий санаси борасида манбаларда баъзи қарама-қаршиликлар мавжуд. Кейинчалик бу шартнома Тархуннинг ўлимига сабаб бўлган. Кейинги йилда Қутайба укаси Абдурахмонни Самарқандга Тархундан бож олиш учун жўнатади ва Тархун унга бож тўлайди. Орадан кўп вақт ўтмасдан, Тархун яқин кишилари томонидан тахтдан ағдарилган ва ўз жонига қасд қилган ёки ўлдирилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин Ёқубий берган маълумотларда Тархунни Ғурак ўлдирган деб келтирилади⁵⁵⁸.

Воқеалар жараёнини боғлаб турган *Деваштич* исми тарихга биринчи маротаба ушбу арабча ҳужжат талқини натижасида кириб келди. Мазкур исм араб манбаларида бўлган бўлса-да, ундан хабардор бўлмаганмиз. Бу исм шунчалик бузиб ишлатилган эдики, шу давр тарихи билан шуғулланган тадқиқотчилар⁵⁵⁹ ҳам уни ўзларининг тадқиқотларида келтирмаганлар. Л.Каэтани берган маълумотларда унинг исми биринчи маротаба келтирилиб, у *Дивашни* тарзида талқин қилинган. Араб шоири Собит Кутнийнинг шеърида исм қисқартирилган шаклда берилган. Афтидан бу исм тарихи масаласида асосий манба Табарий маълумотларидир⁵⁶⁰. Бошқа бу давр тўғрисида маълумот берганлар (Ибн ал-Асир, Ибн Хавқал, Ибн Хурдодбех, Балазурий) бу жараённи қисқартириб, одатда *Деваштич* исмини ташлаб кетганлар⁵⁶¹.

Деваштич шахси унинг тарихда тутган ўрни борасида манбалар бизга етарлича маълумот бера олмайди. Ҳужжатда у ўзини ҳеч қандай маънони англамайдиган *мавло* деб келтиради. Бу жараёнда у фақат арабларнинг саркардасини тан олган ҳолда келтирилган. Табарийнинг китобида у “Самарқанд деҳқони” деб тилга олинади. Унинг сўнгги тақдири *Абаргар* қалъаси билан боғлиқ экан унда бу маълумотлар ўқувчида чалкашлик

⁵⁵⁷ Мухаммад Наршахи. История Бухары / перевод с персидского Н.Лыкошинь. – Ташкент: 1897. – С. 15-17.

⁵⁵⁸ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum.... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1877. – P. 269.

⁵⁵⁹ Бартольд В.В. Арабское завоевание и Туркестан при Саманидах / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. II (1); Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – London, 1923.

⁵⁶⁰ История ат-Табарий / Перевод с арабского В.И. Беляева. – Ташкент: Фан, 1987. – 439 с.

⁵⁶¹ Bibliotheka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum.... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1877. – P. 271.

туғдиради. Деваштич йирик феодал бўлган. Муғ тоғи суғдий хужжатларида унинг унвонини аниқлаш қийин. Чунки Суғд подшоси Ғурак билан унинг унвони бир хил (бу ҳақда қуйида тўхталамиз). Дастлабки тадқиқотларда бу ҳол тадқиқотчиларни иккиланишларга, чалкашишларга олиб келди. Лекин кейинги давр изланишлари натижасида маълум бўлдики, Ғурак ва Деваштич Самарқанд тахти учун кураш олиб борганлар. Бу даврда қўшҳокимиятчилик мавжуд бўлган.

Арабий манбада келтирилган Деваштич билан боғлиқ воқеалар унинг барвақт ўлим топишига сабаб бўлган омиллардан ҳисобланади. Ушбу хужжат ёзилгач, орадан уч йил ўтиб Деваштич хуфя тарзда ўлдирилади. Амир ал-Жарроҳ арабларнинг Ўрта Осиёдаги мавқеини ушлаб туриши мумкин бўлган. Лекин Қутайбанинг ўлимидан сўнг арабларнинг Ўрта Осиёдаги мавқеи хавф остида эди. Эндиликда маҳаллий халқни бўйсундира оладиган қаттиққўл саркарда керак эди. Натижада 103/721 йилда ўзининг шафқатсизлиги билан ном қозонган Саид ал-Хароший ноиб этиб тайинланди. Суғдийналиклар учун унинг қисқа муддатли ҳукмронлиги йирик “жазо экспедиция”си бўлди. Бу даврда Суғднинг бир қисм аҳолиси ўзларини арабларнинг таъсири кам бўлган ёки араблар таъсири остида бўлмаган ҳудудларга ола бошладилар. Аҳолининг асосий қисми Ғуракнинг маслаҳати билан Турк хоқонлигининг кучи сезилиб турган Фарғонага кўчиб ўтишди⁵⁶². Яна бир қисм аҳоли эса Саид ал-Харошийга бўйсунганини хоҳламай, Самарқандни тарк этиб Хўжанд сари юзландилар. Улар Хўжанд ҳукмдоридан ўзларига паноҳ сўраб борадилар⁵⁶³. Бу даврда Суғд ҳукмдори бўлган Ғурак ноиложликдан араблар томонида бўлган бўлса-да, қулай фурсатни пойлаётганлиги аниқ эди. Чунки у бир неча маротаба арабларга қарши Хитойдан ёрдам сўраб элчи юборган.

Мактубдаги ҳаракатланувчи шахслар маълум бўлгач, ундаги воқеаларга алоҳида изоҳ бериш мактубни тўлиқ англаш учун асос бўлади.

Мактуб бошланишидан маълумки, Деваштич ўзини араб маъмуриятига мусулмон қилиб кўрсатган. Умар II даврида араб маъмуриятининг исломлаштириш сиёсати халифаликнинг чегара ҳудудларига қаратилган эди. Бу сиёсат олдин қўлланилган бўлиб, у яхши самара берган эди. Шунинг учун ҳам араблар Деваштичдан ислом динини қабул қилишни талаб қилган бўлишлари табиий ҳолдир. Бас шундай экан Деваштичнинг ўзини мусулмон қилиб кўрсатиши ҳам тасодифий эмас. Буни билган Ғурак ҳам Умар II га элчи юбориб ўзини унинг динида эканлигини кўрсатиш орқали ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Воқеалар жараёнининг қизиқ жиҳати шундаки, Ғурак халифага элчи орқали мактуб жўнатиш билан бирга Хитой императорига ҳам арабларга қарши ёрдам сўраб мактуб жўнатган. Бу эса исломни қабул қилиш фақат мақсад ёки манфаат йўлидаги бир дипломатик қадам эканлигини кўрсатарди. Суғд ҳукмдори Ғуракнинг

⁵⁶² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М: Наука, 1970. – С. 242.

⁵⁶³ Исҳоқов М.М. Суғдшуносликнинг айрим масалалари // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. – Тошкент, – 2009. – Б. 4-13.

исломни қабул қилганидан кейин орадан юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, яна халифа ал-Мутаъсим даврида Самарқандда ислом динини ёйишга ҳаракат қилиш маҳаллий халқнинг ҳали ҳам ўз динларидан чиқмаганликларидан далолат беради. Сўзсиз бу Деваштичнинг ҳам ислом динини ўз мақсади йўлида номигагина қабул қилганлигини кўрсатади.

Деваштичнинг саройида мусулмон дини ва унинг мактуботидан хабардор хаттот бўлган ҳамда у керакли вақтда бу хаттотни ишга солган. Унинг мактубдаги кичкинагина санъати араблар билан Деваштич муносабатлари ўртасига илиқлик солган. Мактубнинг 4-чи қаторидаги “Мен сенга Аллоҳни улуғлайман” сўзи ўша даврга тегишли араб мактубларида ҳеч учрамайди⁵⁶⁴. Хаттотнинг ёзишида ва тилида ҳам ўзига ишончлилик сезилади. Шунингдек, қайта-қайта *амир* деб мурожаат қилишлар хаттотнинг ўз соҳасидан мактубот услубидан яхшигина хабардор эканлигини кўрсатади. Ҳужжатдаги мактуботда бошлов *дебоча* маълум анъанавий тартиб асосида ёзилган деб бўлмайди. Ҳужжат ўқилганда таъсир кўрсата оладиган тарзда ёзилган.

Юқорида келтирилганидек, ҳужжатда Деваштич ўзини оддий *маvlo* деб келтиради. Бу сўзни ноанъанавий тарзда “мижоз” деб таржима қилиш мумкин. Ушбу ўринда “*маvlo*” ва “*маволий*” атамаларига тўхталиб ўтиш жоиз кўринади. Араблар Ўрта Осиё ҳудудига илк юришларини Эрон орқали амалга оширган бўлиб, ушбу мамлакатнинг шимоли-шарқдаги Хуросон ўлкасидаги ислом динини қабул қилган ғайриараб маҳаллий аҳолиси “арабларга тобе бўлди” ёки “арабларга эргашди” маъносида “*маволий*” деб юритила бошлаганди⁵⁶⁵. Аслида, ушбу сўз тарихий нуқтаи-назардан “бир кишининг бошқа бир кишига яқин боғлиқлигини” билдирган.

Бу сўзнинг қандай таъсирга эга эканлигини Деваштич албатта билган⁵⁶⁶. Халифалик томонидан жойлардаги бошқарувни назорат қилганларга кўпинча ана шундай ҳимоя кўрсатганлар.

Айниқса, араблар босқини даврида уларнинг ўз жойларини ўзгартиришлари халқ ва янги бошқарувчи ўртасида салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Шундай экан *маvloлик* мақомидаги кишилар араблар учун ҳам керак бўлган. Шунинг учун ҳам кейинчалик араблар Самарқандни бошқаришда маҳаллий ҳукмдорлар ва халқ билан яхши муносабатда бўла оладиган киши сифатида Деваштични Суғд ҳукмдори сифатида тан олганликлари табиийдир. Бу сўз ҳеч қандай таҳқирлайдиган сўз ҳам эмасди. Самарқандга юриш мақсадида Қутайба ҳам Тархунни ўзининг ҳимояси остидаги мижози деб эълон қилиб ҳужум уюштирганини эслаш кифоя. “*Мавло*” сўзининг чалғитувчи хусусиятга эга эканлиги юқорида фикрлар орқали маълум бўлади.

Мактубда “почта” (*ал-барид*) атамасининг келтирилиши ҳеч қандай одатдагидан бошқача эмас. Почта хизматининг мавжудлиги уммавийларнинг

⁵⁶⁴ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Над арабскими рукописями. ... – С. 185.

⁵⁶⁵ Мамадалиев Х. М. Этническое положение в Средней Азии в IX – XII вв. ... – 28 с.

⁵⁶⁶ Гойибов Б. Из истории арабских завоеваний в Согде: к биографии Деваштича. ... – С. 52.

дастлабки даврлариданоқ маълум. Арабларнинг силжий боришлари билан бирга чегара худудларга ҳам *почта* хизматини кенг ўрнатиш шакллана борган. Халифа Умар II нинг Самарқанд бошқарувчиси Сулаймонга у ерда *почта* хизматини яхшилаш ва мустаҳкамлаш борасидаги мактубини эслаш кифоя. Бу эса Суғдда ана шу даврдан бошлаб бу хизматнинг ўрнатила бошланганлигидан далолат беради. Мактубда почта билан бир вақтда Тархуннинг ўғиллари ҳам тилга олинади⁵⁶⁷. Бу эса Тархун фарзандларининг бу жараёнда қандай рол ўйнаганликлари ҳақида саволни кўндаланг қўяди. Уларга нисбатан ишлатилган оҳангдан ғамхўрлик ва қайғуришлик сезилиб турибди. Уларнинг душман эмасликлари сўзсиз аниқ. Мактубда сўз бораётган Тархуннинг ўғиллари афтидан жуда ёш бўлиб, уларни махсус кул орқали жўнатишга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Тархуннинг ўлими ҳижрий 91 йилга тўғри келадиган бўлса, ҳижрий 100 йилда унинг ўғиллари 10-11 ёшда бўлган. Тархун ўғилларининг араблар томонидан тахтга муносиб даъвогар сифатида кўрсатилиши, энг аввало Ғуракка қаратилган эди. Бундан ташқари, араблар Ғуракнинг Хитой билан муносабатларидан хабардор бўлган бўлишлари мумкин. Бу ўзига хос гипотезалар дастлабки ҳужжатлар топилган даврда бўлган. Кейинги тадқиқотлар натижасида эса Деваштичнинг фаолияти бу тахминий фикрларга ойдинлик киритганлиги маълум бўлади.

Ҳозирги кунга қадар мактубнинг кимнингдир буйруғи асосида жўнатилганлиги масаласи очиклигича қолмоқда. Агарда жўнатилган бўлса, нима учун мактуб ёзилган жойидан топилаяпти. Мактубнинг ташқи кўриниши ўрганилганда унинг жўнатишга тайёрланганлиги маълум бўлади. Ал-Жарроҳ қисқа муддат ҳукмронлик қилган ва Деваштич унинг ҳокимият тепасидан кетганлигини эшитгач, мактубни архивга ташлаб қўйган бўлиши мумкин. Бу борада бошқа фикр ҳам бор. Суғд ҳужжатчилигида маҳкамада ёзилган ҳар қандай ҳужжатдан нусха олинганлиги маълум. Деваштичнинг ал-Жарроҳга жўнатган мактубидан ҳам нусха олинган бўлиши табиий.

Ҳужжатнинг ички қисмидаги тушунарсизликларни ҳисобга олмаганда, воқеалар жараёнининг қайси даврга тегишли эканлиги маълум.

Арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари аста-секинлик билан ва бир вақтнинг ўзида кучли стратегия асосида олиб борилди. Араблар босиб олган мамлакатлар орасида Ўрта Осиё маданий жиҳатдан энг илғор ва уларга жиддий қаршилик кўрсатган худуд бўлиб, бу ерни босиб олишга жуда катта куч сарфланган. Араблар Шимолий Африкани босиб олганларида *берберлар* уларга ана шундай жиддий қаршилик кўрсата олганлар. Арабларнинг Ўрта Осиёга юришлари арафасида бу ерда Турк хоқонлигининг таъсири нисбатан пасайган эди. Мамлакат майда ҳукмдорликлардан иборат конфедератив тузилма шаклидаги бошқарувга асосланган эди. Маҳаллий ҳукмдорлар ўз номларидан танга пуллар зарб қилганлар. Мамлакатнинг асосий даромади Хитой билан олиб бориладиган савдодан келган. Шунингдек, воситачилик савдоси орқали ҳам Суғд катта даромад кўрган. Шу сабабли Суғд ҳақидаги

⁵⁶⁷ СДГМ II. – С. 63-68.

катор маълумотларнинг хитой манбаларида кўп учраши тасодифий эмас⁵⁶⁸. Арабларнинг босқини эса мувозанатни бузиб, бир муддат савдо тараққиёти ва хунармандчиликни издан чиқарди. Ҳарбий жиҳатдан эса Суғд Самарқанд босиб олингач (93/711-712), эгалланди (Панч ҳукмдорлигини инобатга олмаганда). Буни ҳарбий ҳаракатларнинг якуни дейиш хато албатта. Самарқанд эгаллангач, орадан уч йил ўтиб (715 й.) Қутайба Фарғонада исёнчи сифатида ўлдирилгандан сўнг ҳарбий ҳаракатлар қисман тўхтади. Кейинги жангларда арабларнинг натижалари камроқ бўлиб, ҳаттоки ҳарбий ҳаракатлар маҳаллий кўзғолончилар фойдасига ҳал бўлаётган эди.

Эндиликда Ўрта Осиё устидан арабларнинг ёки Хитойнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатиши масаласи яна муаммоли бўлиб қолаверди. Бундан ташқари, Хитой ва Араб халифалигига қарши маҳаллий сулолалар ҳам Суғдни ўз мулклари қилиб олишга ҳаракат қилаётган эдилар. Араблар мустамлакачилик бошқарувига хос бўлган сиёсат юритиб, қўлга киритилган худудларда ўзларининг ноибларини қўйиб мамлакатни бошқарганлар. Маҳаллий зодагонларнинг катта қисми Хитойга нисбатан арабларга кўпроқ мойиллик билдиришга ҳаракат қилдилар. Чунки араблар уларни кўпроқ қўллаб-қувватлар эди. Хитойнинг эса ҳақиқий моддий ёрдамига ишонч йўқ эди. Шунинг учун ҳам арабларга муҳолифатда бўлиш фойдали эмасди. Бу асос эса зодагонларни араблар билан келишувга ундарди. Бунга Тархун ва Ғуракнинг араблар билан келишувини мисол қилиш мумкин. Тархун араблар билан келишишга унчалик ҳам кўнмагани учун тахт тепасида кўп вақт тура олмади ва аксинча Ғурак эса улар билан келишиб 738 йилгача умрининг охирига қадар тахт тепасида турган.

Ўрта Осиё тарихи тўғрисида араб манбалари етарлича, дейишга асос бор. Бу манбалар етарлича ўрганилган ҳам. Ушбу манбалар юзасидан турли даврларда В.В.Бартольд Ю.Вельхаузенлар тадқиқот олиб борганлар. Х.А.Гиббнинг арабларнинг Ўрта Осиёга босқини тўғрисида махсус монографияси ҳам мавжуд⁵⁶⁹. Бу олимлар араб манбаларидаги маълумотлар асосида тадқиқот олиб борганлар. Араб манбаларидаги маълумотлар йиллар билан берилган бўлса-да, қайта кўриб чиқишга ва илмий талқинга муҳтож.

Бироқ манбалардаги баъзи маълумотлар ҳозирги кунда ҳам қимматли ҳисобланади. Жумладан, қўлимиздаги ҳужжатда келтирилган *Деваштич* номи ва унинг араблар билан сўнгги жанги бўлган Қум қишлоғи тўғрисидаги маълумотлар баъзи тахминларни йўқ қилиб, аниқ илмий хулосани беради. Чунки ҳозирда ҳам Қум қишлоғи бор ва унинг юқори қисмидан Деваштичнинг архиви топилган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё тарихи хусусида ушбу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти бекиёсдир ҳамда Деваштич исми – тадқиқ қилинаётган жараёнлар учун ўзига хос калит вазифасини бажаради.

Араб халифалиги кучларига қарши курашган ватанпарвар шахслардан бири Деваштич бўлганлиги юқорида таъкидланди. Деваштич томонидан

⁵⁶⁸ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений. ... II. 1950. – С. 271.

⁵⁶⁹ Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – London, 1923.

йўлланган кўпгина мактубларда у ўзини *сүмдук MLK' sm'rkndč MRY' дуw'šтыс* – «Суғд подшоси Самарқанд хукмдори Деваштич» деб атайди⁵⁷⁰.

Муғ тоғидан топилган В-4 хужжатида ҳам «Суғд подшоси Самарқанд хукмдорига» деб мактуб юборилганлиги маълум. Бу ўз навбатида Деваштичнинг маълум вақт Самарқанд хукмдори бўлганлигини билдиради. Деваштичнинг ўз-ўзини эмас, балки унинг номига йўлланган мактубларда унга нисбатан ана шундай мурожаат қилинган. I.1 рақамли Абдурахмон ибн Субхнинг (Абдурахмон ибн Субх 720-721 йилларда Суғдда фаолият олиб бориб, Саид Хорошийнинг Деваштич фаолиятини назорат қилиб турувчи вакили бўлган) мактубида Деваштичга ана шундай мурожаат шакли ўрин олган.

Деваштичдан олдин тахтни бошқарган Гамаукийон, Чакин чур Билга қариндош бўлишмаган. Бу эса Панчда тахт наслдан-наслга ўтмаган деб тахмин қилишга имкон беради. Шундай экан сулолавий бошқарув ҳам мавжуд бўлмаган. Лекин Панч хукмдорларининг сулолавий жиҳатдан бири-бирига боғлиқликлари тўғрисида маълумотлар ҳам йўқ эмас.

Тадқиқотчилар Деваштичнинг келиб чиқишини суғдий ҳисоблаш билан биргаликда, унинг бир тармоғи туркийларга бориб тақалишини ҳам илгари сурадилар. Баъзи маълумотларга кўра, Деваштичнинг аждодлари Баҳром Гўр⁵⁷¹ (421-438) асос солган “*Микола хонадони*”га бориб тақалади. В.А.Лившиц Деваштичнинг отаси *Υωδ'γšыtk=Υōδxšētak – Йодхшетақ* исмини сўзма-сўз таржима қилиб “жангда ярқираган, порлаган” шаклида ўгириб, ушбу исми эроний тил гуруҳига мансуб деб таъкидлайди. Айни тадқиқотчи манбаларда келтирилган Деваштич шажарасида *Шур* исми учраши, бу эса туркий “*чур*” унвонига алоқадор эканлигини ёзади⁵⁷². Шу тариқа, Деваштичнинг эронийлашган “*чур*”лар сулоласига мансуб десак, у ҳолда В-14 хужжатида кўра, Деваштич Йодхшетақ ўғлининг туркий Чакин чур Билгадан сўнг, 708 йилда Панч хукмдорлиги тахтига келиши тасодиф эмаслиги аён бўлади.

Нумизмат олима О.И.Смирнова Панч хукмдорлари орасидаги сулолавий боғлиқликни улар томонидан зарб қилинган тангалардаги сулолавий тамға-белгиларга асосланган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилади⁵⁷³. Тангалардаги сулолавий белги - тамғалар хукмдорлар ўртасидаги наслий боғлиқликни ифодалаган бўлиб, бу белгиларда айрим қўшимчалар билан шаклий жиҳатдан ўхшашлик кўзга ташланади. Бу эса давлат рамзларидан бири бўлган тангалардаги белги-тамғаларнинг сақлаб қолишга ҳаракат қилинганлигидан далолат беради. Шунга ўхшаш фикр Дж.Я.Ильясов томонидан илгари сурилиб, тадқиқотчи тангалардаги белгиларни эфталийлар даврига тегишли бўлиши мумкин деб ҳисоблайди⁵⁷⁴.

⁵⁷⁰ СДГМ II. – С. 64.

⁵⁷¹ Унинг севган машғулоти *гўр* - қулон ови бўлганлиги учун ҳам у “Гўр” лақабини олган (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б. 669). Манбаларда Гўр лақоби *Жур*, *Шур*, *Чур* каби шаклларда учрайди.

⁵⁷² Лившиц В.А. Правители Панча. ... – С. 27-39.

⁵⁷³ Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. ... – С. 393-398.

⁵⁷⁴ Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента. ... – С. 58-59.

Панч ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангалардаги тамгаларда туркий тамға элементлари учрайди. Бу эса Чакин чур Билга ва Гамаукийон (Амогйан) ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштириб, Чакин чур Билга Гамаукийоннинг вориси бўлган, деб ҳисоблашга имкон беради.

О.И.Смирнова Деваштични *подшо* бўлган деб кўрсатиб, “*рпсу MR’Y*” унвонини этимологик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Олима ҳужжатлардаги *βytyk* сўзини туркийча “*qutluy*” сўзи билан солиштириб, уни мазмунан «*бахтли*» маъносини англатади деб изоҳлаган⁵⁷⁵. Шу ўринда Деваштич исмининг мазмуни тўғрисида тўхталиб ўтиш лозимдир. Аз-Забидийнинг «Таж ал-арус» («Келинлик тожи») асарида *Деваштич* исмига тўхталиб, уни “Жин билан” деган маънога эга эканлиги тўғрисидаги фикр келтирилади. Бошқа бир манбада эса Деваштич – “харакатчан” дегани эканлиги таъкидланади⁵⁷⁶.

Суғдий манбаларга асосланган В.А.Лившиц Суғднинг VII аср охири – VIII аср бошларидаги ҳокимлари масаласига тўхталиб, Деваштич “Суғд подшоси Самарқанд ҳукмдори” унвони билан иш кўрган икки йилни 717-719 йиллар билан белгилайди⁵⁷⁷. Зеро, А-14 ҳужжатининг ёзилган санаси ҳам шу икки йилдан бирига тўғри келади, деб кўрсатади. М.М.Исҳоқов ҳам бу фикрни маъқуллайди. А.Атаходжаев эса Деваштичнинг Суғд тахтига даъвосини 712-714 йилларга тўғри келади деб ҳисоблайди⁵⁷⁸. Юқорида келтирилган фикрларни асосли деб қабул қилган ҳолда айтиш жоизки, Тархун вафотидан (710 й.) кейин доимий равишда Деваштич Суғд тахтига ўз даъвосини намойиш этиб турган. Тархуннинг ўғиллари унинг тахтга даъвосига баҳона бўлган.

Турли йилларда ёзилган ҳужжатлар мазмунидан Деваштичга турлича унвонлар билан мурожаат қилинганлиги аён бўлади. Уларнинг бирида Деваштичга “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори”, яна бирида эса “Панч ҳукмдори” сифатидаги мурожаат шакли учрайди. Бу эса Деваштич ўз ҳукмронлигининг маълум босқичида Суғднинг марказий ҳокимиятига даъво қилганлиги билан изоҳланади. Деваштич “Панчи хвабу” деб аталган ҳужжатлар сонининг нисбатан кўплиги эса, бу ҳукмдорликда маҳаллий ҳокимият араб истилоси пайтларида ҳам бир қадар барқарор бўлганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, Деваштич араблар кўшинига қарши мустақил сиёсат олиб борган.

Деваштич даврида Панч ҳукмдорлиги Суғд марказий ҳокимиятига ва Турк хоқонлигига нисбатан нисбий автономиясини баъзи бир ҳолларда намойиш эта олганлигини айтиш жоиз, Турк хоқонлигининг сиёсий бошқаруви мавжудлигини ва асосий ҳукмрон куч эканлигини инкор этмаган ҳолда. Хусусан, бу Панч ҳукмдорларидан бирининг исми (шу ўринда Чакин чур Билгани эслаш кифоя), унвонлар тизими (*чўр, тархон*), танга зарби ва хоказоларда ўз тасдиғига эга.

⁵⁷⁵ Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. ... – С. 393-398.

⁵⁷⁶ Лившиц В.А. Правители Панча. ... – С. 27-39

⁵⁷⁷ СДГМ II. – С. 58.

⁵⁷⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 129.

Панжикент шаҳри харобаларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида мингдан ортиқ тангалар топилган. Тангаларда Панжикент ҳукмдорларининг номлари ўрин олган. Бу тангаларни тадқиқ этиш натижасида аёл ҳукмдорлар ҳам Панжикент тахтида ўтирганлиги маълум бўлди. Шу ўринда ушбу аёл ҳукмдор ким бўлган мазмунда савол туғилади. Тадқиқотлар натижасида бу аёл ҳукмдор Деваштичнинг хотини малика *ndβ'prnh* - *Нандибанпан* эканлиги аниқланган. Деваштич ихшид яъни, ҳукмдорлар хонадонидан бўлмаганлиги учун ўз номидан танга пуллар зарб қилмай хотини малика Нандиманпан номидан танга-пул чиқарган. Хотини номидан танга пуллар зарб этиш тўғри қарор бўлиши мумкин. Лекин қуйидаги фикрни ҳам инкор этиб бўлмайди. Деваштич мустақил мулк ҳукмдори бўлиб, ўз номидан танга пуллар зарб қилолмаслиги мумкин эмас. Агарда у бу ишни қилмаган экан, маълум мақсадни кўзлаган бўлиши ҳам мумкин. Яъни бевосита Самарқанд тахтига даъвогарлик қилаётган Деваштич уни эгаллаб, Панчга ўз вакили сифатида хотинини қўйиб, унинг номидан тахтни бошқаришни кўзлаган бўлиши ҳам мумкин. Деваштич Панчнинг автономиясини танга пуллар зарб қилиш орқали кўрсатган. Қолаверса, Панжикентнинг ўзида зарбхонанинг бўлганлиги бу нисбий автономиянинг тасдиғидир. Суғд ихшидидан сўнг хитойча квадрат шаклдаги танга-пул зарб қилиш ҳуқуқининг фақатгина Панч ҳукмдорлигида бўлганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди⁵⁷⁹.

Хотини томонидан ихшидийлар хонадони вакили бўлганлиги учун Деваштич Оқсоқоллар кенгаши томонидан Панч ҳукмдорлигига сайланган. Унинг рафиқаси подшолик хонадонидан бўлганлиги сабабли Деваштич тангаларида хотинининг номи қайд этилган. Бу масалада В.А.Лившицнинг фикри маъқул. Муаллиф *Нандибанпан* тангалари Деваштич томонидан рафиқаси номидан зарб қилинганлигини келтиради.

Деваштичнинг Самарқанд тахтига даъвоси масаласига келсак, унинг қўлида подшо Тархуннинг икки ўғли бўлиб, улар баҳонасида тахтга даъвогарлик қилиши мумкин эди.

Суғд подшоси Тархуннинг фарзандларини айнан Деваштич ҳомийликка олганлиги қуйидагича изоҳланади: биринчидан, Суғднинг шарқий қисми хали араблар томонидан истило қилинмаганлиги учун бежавотирроқ эди; иккинчидан, Деваштичнинг Тархунга қариндошлиги бўлиши ҳам мумкин эди. М.Исҳоқов Деваштични оддий зодагон бўлган ва у Тархунга куёв бўлган деб тахмин қилади. Шу сабабли у Тархуннинг ўғилларига ҳомийлик қилган⁵⁸⁰. Деваштич болалари аммаси ёки опаси хузурида паноҳ топишган. Балки Тархуннинг беваси – Суғд маликаси паноҳ излаб ўз қариндоши Панч ҳукмдорининг олдида борган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Самарқанд 712 йилда босиб олингач, бу ерда араблар ҳукмронлиги ўрнатилади. Орадан кўп ўтмай, 715 йилда Қутайба ибн-Муслимнинг Фарғонада ўлдирилиши Суғдда араблар ҳокимиятини заифлаштира бошлади. Натижада арабларга уларнинг йўриғи билан иш кўрадиган киши зарур бўлди.

⁵⁷⁹ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М: Наука, 1981. – 548 с.

⁵⁸⁰ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 36.

Сўзсиз бундай талабга Деваштич қармоғида бўлган Тархуннинг ўғиллари мос келарди.

710 йилда Тархун вафот этган бўлса, орадан 9 йил ўтиб, арабларга нима учун унинг ўғиллари керак бўлиб қолди? Афтидан, араблар Суғд тахтига ўзларининг измида бўладиган қўғирчоқ ҳукмдорни қўйишмоқчи ва шу йўл билан тахтни бошқармоқчи бўлган кўринади⁵⁸¹.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг нашрлари ҳақида ҳали гап ҳам бўлмаган бир вақтда бундай фикрнинг илгари сурилиши жуда аҳамиятлидир. Деваштич қўлидаги Тархуннинг ўғиллари жуда ёш бўлиб, уларнинг давлатни бошқаришларига ҳали эрта эди. Буни тушунган Деваштич эса арабларга ўзини мусулмон динида деб кўрсатиб, тахтга даъвосини намойиш этади.

Ушбу масалага қўйидаги асос ҳам ойдинлик киритиши мумкин. Саид ал-Харошийнинг Деваштич фаолиятини назорат қилувчиси Абдурахмон ибн Субҳ ҳисобланса-да, Деваштич Саид ал-Хароший билан шахсан ўзи боғланишга ҳаракат қилган. Бу борада Деваштич Нижитак ва Коҳин Кўрчини Саид ал-Хароший ҳузурига юборган. Бундан кўзланган мақсад араблар билан яхши муносабатда бўлиш ёки уларга ён босиш эмас, балки Тархун болаларининг оталиғи сифатида тахтга бўлган даъвосини мустаҳкамлаш эди.

Турк хоқонлигига таянган ҳолда Деваштичнинг Суғд тахтига келишини тезлаштирадиган яна бир тахминни келтириш мумкин. Курсул бошчилигидаги турклар 720 йилдаги Суғд кўзғолонини қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқандга келдилар, Араб халифалиги қўшинлари эса улар билан тўқнашмасданок сулҳ истаб 40 минг дирҳам товон тўлайдилар. Айти пайтда Амир Абдурахмон Мусайиб ибн-Башир ар-Риёҳ бошчилигидаги қўшинни кўзғолончи суғдийлар устига жўнатади⁵⁸². Лекин бу ҳаракат ҳам муваффақиятсизлик билан тугаб, араблар Самарқанд теварагини тарк этишга мажбур бўладилар.

Ушбу ҳаракат турк-суғд қўшинларининг Араб халифалиги қўшинлари устидан қозонган йирик ғалабаси эди. Лекин бу иттифоқ доимий тарзда бирлашган ҳолда умумий душманга қарши кураш олиб бормади. Бундан фойдаланган Араб халифалиги қўшинлари “нафас ростлаб оладилар” ва кейинги ҳаракатлар учун замин тайёрлайдилар.

Қутайба ибн-Муслим Самарқандни босиб олганидан сўнг, шаҳарни Саид ибн-Абдулазиз босиб олгунига қадар суғдликлар масжидларни ёндириб ўз динларига қайтганлар. Шаҳар Саид ибн-Абдулазиз томонидан қайтиб олингандан кейин кўзғолончилардан шафқатсизлик билан ўч олинган.

Ана шу воқеадан сўнг, Деваштич “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” бўлган. Бу фикр Абдурахмон ибн Субҳнинг “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштичга” деб бошланувчи мактуби орқали ўз тасдиғига эга. Мактуб мазмунидан Деваштичнинг араблар томонидан Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” сифатида тан олинганлиги аён бўлади. Деваштич бу унвон билан 721 йилдан бошлаб тахтга ўтирганлигини ва умумий ҳисобда

⁵⁸¹ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Над арабскими рукописями. ... – С. 185.

⁵⁸² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 217.

тўрт ой ҳукмронлик қилгани ҳақида ҳам маълумотлар манбаларда акс этган⁵⁸³.

Бошқа воҳа ҳукмдорликларидан фарқли ҳолда Панч Араб халифалиги кўшинлари томонидан босиб олинмаганлиги Деваштичнинг арабларга қарши очик ҳаракат қилмай ёзишмалар асосида ҳаракатланганлигидан далолат беради. Ваҳоланки, араблар Суғд кўзғолончилари изидан Панжикент яқинидаги Варагсаргача келган эдилар.

Кейинги тадқиқотлар натижасида Деваштичнинг “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” унвони билан иш кўрган даври анча олдинги йилларга тўғри келиши аниқланди. “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” Деваштичга унинг энг эътиборсиз кули Фатуфарндан деб бошланувчи А-14 рақамли ҳужжатдаги мурожаатдан Деваштичнинг Суғд подшоси эканлигини англаш мумкин. Маълумки, мактуб араб истилоси натижасида юзага келган мураккаб вазиятда 717-718 йилларда Чочда турган панчлик элчи Фатуфарн томонидан Деваштичга йўлланган эди⁵⁸⁴. Фатуфарннинг мурожаати юқорида келтирилган Деваштичнинг суғдийлар кўзғолонидан кейин, 720 йилда “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” унвонини олганлиги ҳақидаги тахминни рад этади⁵⁸⁵. Бу ҳужжат Панчнинг нисбий автономиясининг хронологик чегарасини олдинроққа, яъни 717 йилга суради. Чунки турк хоқонидан унинг кўл остидаги вассал сифатида эмас, балки, ўз иттифоқчисига мурожаат қилгандай мадад сўраш Деваштичнинг анча-мунча мустақил сиёсат юритганлигининг аломатидир.

Қутайба ибн Муслимнинг ўлиmidан сўнг вужудга келган озодлик учун ҳаракатлар кайфияти кўпгина худудларда, шу жумладан, Панч ҳукмдорлигида ҳам нисбий мустақилликка асос солиш учун учқун бўлган. Бинобарин, Турк хоқонлигининг умумий ҳукмронлиги амалдаги сиёсий ҳокимият сифатида Суғдда тан олинган. Шунга қарамай, Суғднинг конфедератив ички сиёсий тизими, Чочда хоқонликнинг ноиб Баҳодур (Мохэду) тудун назорати остидаги маҳаллий Чоч бошқаруви, Фарғонада ихшид каби маҳаллий бошқарув амал қилмоқда эди.

Б.Х.Матбобоев ўз тадқиқотларида майда ер эгаликлари *ихшидлар* ва уларнинг конфедерацияси “*малик*” бўлган деган хулосага келган. “*Малики Фарғона ат-Тар*”ни эсланг⁵⁸⁶.

Шундай бир вазиятда Деваштич ўз элчисини Чочга, ундан сўнг Фарғонага йўллагани, унинг арабларга қарши иттифоқ ташаббускорларидан бири бўлганлигидан далолат беради. А-14 ҳужжатидан маълум бўладики, Деваштич турк хоқонининг вазиятга фаол мунособатда бўлишидан умидвор бўлган. Бу пайтда араблар Ғуракни Суғднинг подшоси сифатида тан олган эдилар. Бу эса Деваштични янада фаол ҳаракатлар олиб боришга ундарди.

⁵⁸³ Grenet F., Vaissière de la É. The last days of Panjikent. ... – P. 157.

⁵⁸⁴ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 5.

⁵⁸⁵ Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (Документ А–14 с горы Муг) // СЭ. – М., 1960. – №2. – С. 34-51.

⁵⁸⁶ Матбобоев Б.Х. Раннесредневековая культура Ферганы (на основе анализа археологических источников V-VIII вв.): Автореф. дисс. доктора ист. наук. – Самарқанд, 2009. – С. 49.

Шу ўринда айтиш жоизки, суғдийларнинг яна бир тармоғи Корзанч бошчилигида арабларга қарши кураш олиб борганлар. Фарғона подшоси Алутар билан шартлашган Корзанч суғдларнинг катта гуруҳига бош бўлиб, Хўжанд орқали Фарғонага ўтиши керак эди. Аммо Алутар Корзанчга хиёнат қилади. Уни ва одамларини арабларга тутиб беради ва тинимсиз жангларда курулсизлантирилган суғдийлар очик қўл билан арабларга қарши охири нафасларигача курашдилар. Суғдийлар ва Корзанчнинг ҳарбий ҳаракатлари фожеавий якун топади. Фақатгина 400 бадавлат хонадон араблардан ўзининг хунини сотиб олади.

721 йилнинг баҳорида Саид ибн Абдулазиз (Ҳузайна) ўрнига Саид ал-Хароший ноиб этиб тайинланади. Бу даврга келиб Суғдда нотинч вазият ўзининг юқори чўққисига чиққан бўлиб, тинимсиз ҳарбий ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги суғориш тизими ишдан чиққан, мамлакатда очарчилик ҳукм суради. Бу ҳақда ўша даврда битилган Муғтоғи суғдий ҳужжатларида ҳам маълумотлар келтирилган⁵⁸⁷. Суғдийлар арабларга *жизя* солиғини тўламай қўйган эдилар. Ал-Хароший кўзғолончиларга қарши ҳарбий ҳаракат олиб боришдан олдин улар билан келишувга келишга, шартлашишга ҳаракат қилади. Балазурийнинг берган маълумотларига кўра, Ал-Хароший кўзғолончи суғдийларга қарши ўзининг элчиларини жўнатиб, уларни ислом динига ўтказишга ва бўйсиндиришга ҳаракат қилган⁵⁸⁸.

Балазурий келтирган сиёсий жараёнларни тўлдирадиган моҳиятдаги маълумотлар Табарий асарида учраб, унга кўра, бу даврни тўлиқроқ тасвирлаш учун воқеалар жараёнида етакчилик қилган шахсларнинг исм маъноларини очиб бориш муҳим аҳамиятга эга эди.

Табарий ўз маълумотларини ал-Харошийнинг ноиб этиб тайинлагач, буни эшитган суғдийларнинг ўз ватанларини ташлаб кетишга қилган ҳаракатларидан бошлайди. Табарийнинг ал-Мадоинийга таянган ҳолда келтирган яна бир маълумоти шуки, суғдийларнинг ўз ватанларини тарк этишларини эшитган Араб халифалигининг Ироқдаги ноиб Умар ибн Хубайр уларни бу йўлдан қайтаришга ҳамда кимнинг ноиб бўлишини хоҳласалар ўшани тайинлашини етказди⁵⁸⁹. Амир Абдурахмон ибн Субҳнинг Деваштичга йўллаган мактубида суғдийларнинг кимни ноиб этиб тайинлашни хоҳлашлари борасида гап борган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бу мактубнинг ёзилган даврини 721 йил деб айтиш мумкин.

Воқеалар ривожини қандай бўлишидан қатъий назар суғдийлар ўз она юртларини ташлаб Хўжандга боришга қарор қилганликлари маълум. Уларни бу йўлдан қайтармоқчи бўлган ҳукмдорларининг (бу даврда Суғдда Ғурак ҳукмрон бўлган) гапларига кирмайдилар⁵⁹⁰. Таъкидлаш лозимки, 10 мингдан

⁵⁸⁷ СДГМ II. – С. 103.

⁵⁸⁸ Белазури. Извлечения из книги “Китоб футух ал-Булдон” / Перевод извлечений С.Волина в кн. Туркмены. – Ашгабад: 1950. – Т.I. – С. 177.

⁵⁸⁹ История ат-Табарий. ... – С. 184-185

⁵⁹⁰ Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахри и Хорасане в VIII-IX в. – Ташкент: Наука, 1965. – С. 72-79.

ортиқ араблар билан келишолмаган суғдийлар ўз ватанларини тарк этганлар. Қолганлари ўзлари учун хавфсиз деб ҳисоблаган Фарғонага боришга ва ўша ердан араблар билан музокаралар олиб бормоқчи бўлдилар.

Ғурак араблар билан келишувга келганидан сўнг, Деваштич вазиятни ўз кўлига олишга ва арабларга қарши мустақил ҳаракат олиб боришга киришади. Деваштичнинг *Хахсар*⁵⁹¹ ҳукмдори Афшунга⁵⁹² йўллаган мактубида унинг Ғурак томонига ўтиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида буйруқ берганлиги Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан маълум⁵⁹³.

В-17 ҳужжатида Афшунга Панч ҳукмдори Деваштич буйруқ маъносида эмас, балки, уни тинчлантириш маъносида мурожаат этган. Бундан ташқари, бу ҳужжатда Деваштич ўзини “Суғд подшоси” эмас, балки оддий ҳукмдор *хиву* (хуву) деб тилга олади. Афтидан мактуб Деваштичнинг мушкул ҳолатида ёзилган⁵⁹⁴.

В-18 ҳужжатида эса Деваштич ўзини “Суғд ҳукмдори” деб кўрсатиб, Афшунга нисбатан буйруқ маъносидаги мурожаатини кўриш мумкин⁵⁹⁵. Демак В-17 ва В-18 мактублари ёзилган сана орасида шароит ўзгарган. Афшун эса ўз навбатида Деваштични Ғуракка қарши ўз ҳукмдори деб билган ва ўша қабул қилган қарорини эндиликда ҳар қандай вазиятда ўзгартиришнинг иложи бўлмаган⁵⁹⁶.

Муғ тоғи архивида учрамаса-да тарихий манбаларда Афшун Суғд подшоси Ғуракнинг укаси сифатида тилга олинганлиги қайд қилинади (Ан-Насафий. Қандия)⁵⁹⁷.

Деваштич В-17 ҳужжатида Афшундан ўзига содиқ қолиш маъносидаги талабни қўйган бўлса, В-18 ҳужжатда ўз мақсадига эришган, хотиржам, ҳар қандай вазиятда усиз (яъни, Афшунсиз) мақсадига эриша оладиган маънода ўзини кўрсатиб, Афшунни сўроққа тутди⁵⁹⁸. Панч ҳукмдори Деваштич нима учун айнан Хахсарга мактуб юборган ва Афшунни ўз измида тутишга ҳаракат қилган деган савол туғилиши табиий. Хахсар – Самарқанддан икки

⁵⁹¹ СДГМ II. – С. 90-91.

⁵⁹² *'prwn* – *Афарун* исмини бугунги кунда инглиз суғдшуноси Н.Симс-Вильямс тадқиқотчи Ф.Гренэ фикрларига кўшимча сифатида *'pšwn* – *Афшун* деб ўқишнинг палеографик жиҳатдан тўғри деб ҳисоблайди (Қаранг: Grenet F., Vaissiere de la E. The last days of Pandjikent. ... – P. 160). Соҳага оид қатор тадқиқотларда мазкур сўз *Афарун* тарзида келтирилиб (Қаранг: Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. ... – Б. 31; Отаҳўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 96), уни Иштихондаги Афаринкет шаҳрига асос солган шахс сифатида келтириш кўзга ташланиб келди. Аммо суғдшунослар ушбу сўзни *'prwn* – *Афарун* кўринишда эмас, балки *'pšwn* – *Афшун* деб ўқиш мумкинлиги эътироф этишди (Қаранг: Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 128). Шундай экан Иштихондаги конфедерация ҳукмдорлари қароргоҳи жойлашган *Афаринкет* ва суғдий ҳужжатларда исми *Афшун* деб талқин этилган ҳукмдор ўртасидаги боғлиқлик масаласи бугунги кунда тўлиқ ўз ечимини топган эмас. *Афаринкет* шаҳрининг шахс номи билан боғлиқ бўлмаганлиги масаласи анчайин ишончлироқ. Чунки манбаларда *Афаринкет* жой номи сифатида *Фаранкет*, *Фринкент*, *Принкент* ҳолда ҳам учрайди (Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... – С. 147). Шунинг учун ҳам тадқиқотимизда мазкур ҳукмдор исми *Афшун* деб келтирган.

⁵⁹³ СДГМ II. – С. 115, 123, 126, 129.

⁵⁹⁴ СДГМ II. – С. 116.

⁵⁹⁵ СДГМ II. – С. 124.

⁵⁹⁶ Grenet F., Vaissière de la É. The last days of Panjikent... – P. 162.

⁵⁹⁷ Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов / Соч. – М.: Наука, 1968. – С. 305.

⁵⁹⁸ СДГМ II. – С. 116.

фарсах узоқликда бўлиб, ғарбдаги мулклар билан алоқа ўрнатишда муҳим аҳамиятли стратегик нуқта ҳисобланган⁵⁹⁹.

Деваштич ва Афшун ўртасидаги муносабатлар қандай ҳолатда бўлмасин, 722 йилда арабларга қарши Қум қишлоғи яқинидаги жангда Афшун Деваштич билан елкама-елка туриб жанг қилади⁶⁰⁰. Деваштичнинг Афшун билан муносабатлар олиб боришда эҳтиёткорлигига асосий сабаблардан бири унинг аксинча иш тутиб, Ғурак томонига ўтиб кетишининг олдини олиш бўлган⁶⁰¹.

Араблардан муҳофозаланиш мақсадида иккига бўлинган суғдийларнинг бир гуруҳига Корзанч ва унинг жияни Чаланж ҳамда иккинчи гуруҳига Панч ҳукмдори Деваштич бошчилик қилади. Суғдийларнинг биринчи гуруҳи Суғдни тарк этиб Фарғона сари ҳаракатланадилар⁶⁰².

Табарий асарида ҳам *Корзанч* Иштихон ҳукмдори деб келтирилиб, унинг Файй ва Иштихонлик бир гуруҳ суғдийлар билан биргаликда Уструшона орқали Фарғона томонга қараб йўналганлиги келтирилади⁶⁰³.

Шундай экан *Карзан* (Арбинжон) ҳунармандлари ҳам кўзғолонда муҳим ўринга эга бўлганлар. Бу эса Деваштичнинг айнан Арбинжонда қатл қилинганлиги тасодиф эмас деган хулосага келишга сабаб бўлади. Деваштич кўлга тушгач, Саид ал-Хароший Корзанч ва унинг тарафдорлари билан музокаралар олиб бориш учун Арбинжонга келган ва унинг бир гуруҳ кўзғолончилар билан бирга Фарғонага кетиб қолганлигини билгач, унинг шериги бўлган Деваштични айнан Арбинжонга келтириб қатл этиш орқали кўзғолончилардан қасд олмоқчи бўлган.

Табарий келтирган маълумотлар қандай бўлишидан қатъий назар, Саид ал-Хароший ноиб этиб тайинлангунига қадар норозилик ҳаракатлари бутун Суғдга ёйилиб улгурган бўлиб, унинг ўчоқлари Миёнқол ва Панч бўлган. Миёнқол худудидаги кўзғолонлар араблар томонидан бостирилгач, кўзғолон маркази Суғднинг энг чекка ҳукмдорлиги бўлган Панчга кўчган эди.

Манбаларда Панчдаги кўзғолончиларга Самарқанд, Хахсар, Руст ва бошқа худудлардан норозилик ҳаракати вакиллариининг келиб қўшилганлиги тўғрисида маълумот келтирилмайди. Фақатгина буни Муғ тоғи суғдий хужжатлари орқали тахмин қилиш мумкин.

Воқеалар жараёнидан шу нарса маълум бўладики, кўзғолоннинг дастлабки даврида Деваштич Панжикент шахрига бориб, ўша ердан араблар билан музокаралар олиб боришга мажбур бўлган. Унинг Панжикентда эканлигини билгач, араблар шахарни қамал қилганлар ва кейинчалик унга ўт қўйганлар. Натижада шахарни тарк этган Деваштич учун тоғ йўли орқали Кштут, Мадм, Қум, Хшикат ва Шахристон довони орқали Хўжандга йўл очик эди. Лекин Деваштич Қумга етиб борганида Араб халифалиги кучлари унинг орқасидан етиб келган бўлиб, у Абаргар қалъасида ҳимояланишга мажбур

⁵⁹⁹ СДГМ II. – С. 116-117.

⁶⁰⁰ Grenet F., Vaissière de la É. The last days of Panjikent... – P. 163.

⁶⁰¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари... – Б. 127.

⁶⁰² Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент: 2009. – С. 55.

⁶⁰³ История ат-Табарий. ... – С. 185.

бўлади⁶⁰⁴. Деваштич Абаргардан ташқари Мадрушкатдаги мустаҳкам қалъада ҳимояланиши мумкин эди. Лекин бу ердаги чўққида жойлашган қалъадан араблар билан музокаралардан кейин чиқиб кетиш амри маҳол эканлигини Деваштич тахмин қилган кўринади. Деваштич тахмин қилган тоғ қалъаларидан фақатгина Абаргарда арабларга қарши кўпроқ вақт қаршилик кўрсатиб туриш мумкин эди. Деваштич эса вақтни чўзиш ҳамда иложи топилганда Хўжанд сари йўналишни тадбир қилган.

Деваштич ҳеч кимдан мадад кучларининг етиб келмаслигига кўзи етгач, ўзининг яқинлари билан Абаргар қалъасига яшириниб, ҳимояланишга мажбур бўлган. Чунки у Корзанч бошчилигидаги кўзғолончиларга ўз кучини қўша олмайди ва Абаргарда қамалиб қолади. Агарда доволан орқали Корзанч ва Деваштич кучлари бирлашганда эди балким воқеалар ривожини бошқача тус оларди.

Деваштич билан бирга қалъада юздан ортиқ хонадоннинг (асосан зодагонлар) ҳам бўлганлиги маълум. Кўзғолончилар қалъадан чиқиб кетишга улгурмай уни Сулаймон Абу-с-Сорий қамал қилади. Унинг қўл остида мажбуран араб қўшинига қўшиб олинган ва жангларда илғор (авангард) қисм сифатида фойдаланилган. Бухоро, Хоразм ва бошқа Ўрта Осиёлик аскарлардан ташкил топган кучли бўлинма ҳаракатланарди⁶⁰⁵. Арабларга ал-Хароший томонидан ёрдамчи кучлар ҳам жўнатилган⁶⁰⁶. Қамалнинг қанча вақт давом этганлиги маълум эмас. Афтидан кўп вақт давом этмаган. Биринчидан, Деваштич қўл остида араблар кучларига қарши турадиган кучлар нисбати тенг эмасди. Иккинчидан, қалъа жойлашган ҳудуд узоқ вақт жиддий ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун ноқулай эди. Натижада буни ўз вақтида тушунган Деваштич ўзини фақатгина ал-Хароший ҳукмига олиб борсалар таслим бўлишини айтади⁶⁰⁷. Деваштич ал-Харошийнинг шафқатидан умидвор бўлган.

Ал-Хароший ҳузурига юборилган Деваштични у ўзи билан бирга Кешга олиб кетади⁶⁰⁸. Ундан сўнг Арбинжон сари ҳаракатланди. Ал-Хароший қаерга бормасин Деваштични ўзи билан бирга олиб юрган.

722 йилда Деваштич ал-Хароший шартларини (манбаларда бу шартлар тўғрисида маълумот келтирилмайди) қабул қилгач, хуфя тарзда ўлдирилади. Ўша давр ғолибларининг анъанасига мувофиқ унинг боши Ироққа халифа Умар ибн Хубайрга, чап қўли эса Тоҳаристонда жанг қилаётган саркарда Сулаймон Абу-с-Сорийга жўнатилади. Танаси эса зардуштийлар остадонлари қўйиладиган қурилма – наус тепасига қўйилади.

⁶⁰⁴ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... – С. 66.

⁶⁰⁵ Шу ўринда таъкидлаш жоизки арабларнинг қатор ҳарбий ҳаракатларида Ўрта Осиёлик маҳаллий аскарлар араблар томонидан қатнашганлар. Масалан, Самарқанднинг араблар томонидан эгалланиши даврида (712 й.) Ғуракнинг Қутайбага қилган мурожаатида қуйидаги сўзлар келтирилади: - “Сен менинг ватандошларим кучидан фойдаланиб, мени енгмоқдасан менга қарши арабларни юбор” (Қаранг: История ат-Табарий. ... – С. 138).

⁶⁰⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 253.

⁶⁰⁷ История ат-Табарий. ... – С. 189.

⁶⁰⁸ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... – С. 65.

Унинг жасадини ким олса, маҳаллий аҳолидан юз кишининг боши танасидан жудо қилиниши маълум қилинади.

Нима учун ал-Хароший Деваштични Кешда эканлигида ёки йўлда ўлдирмаган? Айнан Арбинжонга келтириб қатл этган. Бунинг ўзига хос сабаби бўлиши мумкин.

Кўп ўтмай Корзанч ҳам таслим бўлади ва араблар томонидан Марвга олиб кетилади ҳамда ўлдирилади. Худди мана шундай тарзда Фарғона хукмдори Алутар ҳам ўлдирилади.

Шу ўринда, нима учун Деваштич қийнаб ўлдирилган деган савол туғилиши мумкин. Унинг ҳам боши танасидан жудо қилиниши мумкин эдику? Деваштичнинг айнан ана шундай ўлимга ҳукм қилинишининг ўзига хос сабаби бўлган. Биринчидан, Деваштич ўзини арабларга ислом динида деб кўрсатиб, уларни чалғитишга ва бу йўл билан ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилган. Бундан ташқари уни араблар мусулмон деб тан олмасликларини билдириш; иккинчидан, норозилик ҳаракатининг ўчоқларидан бири бўлган Арбинжондаги Деваштич ва Корзанч тарафдорларига араблар измига бўйсунмаганларга қўрқув солиш эди.

Хуллас, Деваштич бошчилигида 719 йилда бошланган кўзғолон унинг ҳалокати билан якун топди. Лекин ушбу норозилик ҳаракатлари иссиқ йўқ бўлиб кетмади ва ўзидан кейинги Араб халифалигига қарши кейинги кўзғолонлар учун замин яратди.

ИШТИХОН – СУҒД ҲУКМДОРЛАРИ ҚАРОРГОҲИ⁶⁰⁹

Жаҳон давлатлари тарихини тадқиқ этиш асносида маълум бўладики, кўпчилик давлатларни марказий шаҳар (пойтахти) бўлиши билан бирга давлатдаги яна бир бошқа шаҳар ҳукмдор қароргоҳи жойлашган шаҳар сифатида фаолият кўрсатган. Буни нафақат янги давр шаҳарлари мисолида балки ўрта асрлар даври мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Марказий Осиё минтақасида ҳам марказлик мақоми учун даъво қилган ва ўз даврида мамлакат бошқарувида муҳим ўрин тутган қадимги Хоразм воҳасидаги Кат, Шайбонийлар давридаги Бухоро каби шаҳарлар мисолида кузатиш мумкин. Буни илк ўрта асрларда Марказий Суғднинг йирик воҳаси ҳисобланган Миёнқолдаги Иштихон шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Илк ўрта асрларга келиб Марказий Осиёнинг барча минтақаларида бўлгани каби Суғдда ҳам шаҳарсозлик тараққий этиб, мазкур шаҳарлар маъмурий бошқарув марказлари сифатида ўзини намоён этди. Уларнинг асосий қисми Суғд конфедерацияси таркибидаги шаклланди. Худди шундай шаҳарлардан бири Марказий Суғдга ғарбдан туташ бўлган Миёнқол воҳасида жойлашган хитой манбаларида *Сидихен* ва *Цао* номи остида келтирилган⁶¹⁰ Иштихон (бугунги Самарқанд вилояти Иштихон, Оқдарё ва Каттақўрғон туманлари) шаҳри ва айни номдаги ҳукмдорлик ҳисобланади⁶¹¹.

Суғд конфедерациясининг илк ўрта асрлар даврида тараққий этган бошқарув марказлари ҳисобланган “Бухоро тарихи”, “Самарқанд тарихи”, “Нахшаб тарихи”, “Кармана тарихи” каби тадқиқотлар яратилгани ҳолда бевосита Суғд ҳукмдорларининг бир муддат қароргоҳи (712-750) бўлган Иштихон ва мазкур ҳукмдорликнинг илк ўрта асрлар даврида Миёнқол воҳаси ва Суғд конфедерацияси таркибидаги сиёсий мақоми ҳамда ўрнига бағишланган тадқиқотларнинг жуда кам эканлиги кўзга ташланади. Суғднинг илк ўрта асрлардаги марказлик мақоми учун кураш олиб борган шаҳарлардан Кеш (650-656), Панч (720-722) каби шаҳарлар бўлганлиги маълум. Иштихон эса конфедерациянинг маркази бўлмаса-да, ҳукмдорларнинг ёзлик қароргоҳи бўлганлиги ва Суғд тарихи билан боғлиқ муҳим тарихий жараёнларнинг айнан Иштихонда содир бўлганлиги нафақат илмий адабиётлар балки илк ўрта аср ёзма манбалари⁶¹² ҳамда археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган.

Миёнқол ёки *Миёнқол* деб аталувчи тарихий-маданий воҳа бугунги Ўзбекистон Республикасининг Оқдарё ва Қорадарё дарёлари оралиғидаги жойлашган бўлиб, ушбу воҳада бугунги кунда Оқдарё, Иштихон ва Каттақўрғон туманлари (қисман Пайариқ тумани ҳудуди ҳам) жойлашган.

⁶⁰⁹ Монографиянинг мазкур қисми СамДУ тадқиқотчиси Ҳ.А.Қўшбақов билан ҳаммуаллифликда ёзилди.

⁶¹⁰ Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. ... – Б. 38-39.

⁶¹¹ Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Иштихоннинг ўрни хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2014. – №3. – Б. 35-39.

⁶¹² Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений. II. – 380 с.; История ат-Табари. ... – 439 с.; Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннахр. / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи. Ш. Камалиддин. – Тошкент: ЎМЭ, 2011. – Б. 27-30, 49-51; Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... – С. 185-186; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – 389 с.; СДГМ II. – 222 с.

Илк ўрта асрларда Миёнқол воҳасининг айнан қандай номда аталганлиги маълум эмас. “Миёнқол” гидроними форсийчадан сўзма-сўз таржима қилинганда “дарё ораси” маъносини англатиб, қадимдан Самарқанд Суғдига ёндош ҳудуд сифатида, *Ними Суғд* (Ярим Суғд), *Суғди Хурд* (Кичик Суғд) номлари билан машҳур бўлган. Ушбу воҳа илк ўрта асрлар Суғддаги сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Тарихий Иштихон ҳозирги Иштихон тумани ҳудудига тўғри келади. Иштихон қадимий Миёнқол воҳасида, Зарафшон дарёсининг икки тармоғи - Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган бўлиб, илк ўрта асрларда Кушония, Файй каби ҳукмдорликлар билан чегарадош бўлган. Ҳукмдорликнинг шимолий қисми адир ва қирлардан иборат бўлиб, улар ҳукмдорлик учун табиий чегара вазифасини ўтаган. Ушбу тепаликлар ва қирларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладики, бу ҳудудда кўплаб қалъалар ва истехкомлар бўлган⁶¹³.

Илк ўрта асрлар Иштихон ва унинг атрофида, мулкка туташ бўлган *Бинкат* – بزكت, *Зар* – زار ёки *Зовар* – زاور, *Мабон* – مابان (*Гураж* қишлоғидаги тоғлар орасидаги маскан), *Навказак* (Ёқут Ҳамавийда *Нуказак*, Ал-Муқаддасийда *Нувайдак* шаклида келтирилган) – نوکزک, *Фай* – فى, *Шукистан* – شڪستان, *Хайдаштар* – خيدشتار каби қишлоқ маконлари бўлганлиги қайд этилади⁶¹⁴. Мазкур даврга оид бир қатор манбаларда Иштихоннинг атрофидаги Соғарж, Фаранкад, Размоз, Бинкат, Хайдаштар, Растағфир, Зор, Шова, Ғовражк ва Зовар каби ўндан ортиқ аҳоли масканлари номи тилга олинган. Ҳар бир қишлоқ ёки аҳоли марказининг ўзига хос ўрни хусусияти бўлгани табиий.

Манбаларда келтирилишича, *Соғарж* қадимий Суғд ҳудудидаги Иштихон шаҳрига қарашли шаҳар ёки катта қишлоқ бўлган. Қадимий *Соғарж* шаҳрининг бугунги кунгача етиб келган харобалари деб ҳисобланаётган Соғиштепа Иштихон туманининг шарқий ва Пайариқ туманининг ғарбий чегарасидаги Янгикент ариғининг ўнг соҳилида жойлашган. Бу фикрни археологик кузатув ва тадқиқотлар натижаси ҳамда Соғиштепада ўрта асрлардаги йирик шаҳарларига хос куҳандиз (арк), шаҳристон ва работларнинг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди.

Манбаларга кўра, Иштихоннинг яна бир аҳоли манзили *Фаранкад* бўлиб, бу қишлоқни – *Ифранкад* деб ҳам аташган. Абу Саъд Идрисий айтишича – *Фаранкад* Иштихонга қарашли қишлоқ макони бўлиб, Самарқанддан беш фарсах узокликда жойлашган.

Размоз – бу қишлоқ ҳам Самарқанд Суғдига қарашли қишлоқлардан бири бўлиб, Иштихон ва Кушония оралиғида жойлашган. Самарқанд билан унинг оралиғи етти фарсах масофани ташкил этган.

⁶¹³ Адълов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К. Новые материалы к изучению рустака Файй. ... – С. 128-149.

⁶¹⁴ Камалидинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб” Абу Саъда Абд ал-Карима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 98-100.

Навкадак қишлоғи ҳам Иштихонга қарашли қадимий қишлоқлардан бири бўлиб, манбаларда у ердан ҳам кўплаб олимлар етишиб чиққанлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Шунингдек, Иштихонга қарам *Шикистон* қишлоғи ҳам манбаларда тилга олинган бўлиб, бу қишлоқ ҳам Самарқанд Суғдидаги Иштихон ва Кушония оралиғидаги қишлоқлардан бири бўлган. Айна аҳоли манзилига туташ қишлоқ *Бинкат* ҳисобланади. Бундан ташқари, *Хайдаштар*, *Растағфир*, *Зор*, *Шаво*, *Ғувражак*, *Зовар* каби Иштихон ҳукмдорлигига қарашли мулклар бўлганлиги ҳам маълум.

Милодий 885 йилда ёзилган дея тахмин қилинадиган араб тарихчи-сайёҳи Ибн Хурдодбех маълумотларида Иштихон Суғднинг йирик савдо маркази ва бош шаҳри деб келтиради⁶¹⁵. Иштихон муҳим савдо йўлидаги шаҳар сифатида мазкур даврда ҳам Суғд шаҳарлари орасида ажралиб турган.

Манбаларда Иштихонда Самарқанд ҳукмдорларининг иккинчи қароргоҳи жойлашганлиги қайд этилади. Самарқанд ҳукмдорлари конфедерация марказига яқин ва стратегик қулай бўлган жойларда ўз қароргоҳларини бунёд этганлар. 712 йилда Самарқанд Араб халифалиги кўшини томонидан эгаллангач, Ғурак “Самарқанд шартномаси”да келтирилган бандларни бажариб, сўнгра Самарқанд тахтида қолишни Қутайба ибн Муслимдан илтимос қилади. Лекин унга Самарқандда қолишга рухсат берилмайди. Натижада, Ғурак ҳозирги Иштихон худудидаги қароргоҳига бориб ўша ердан туриб фаолият юритади⁶¹⁶. Самарқанд ҳукмдорлари Иштихон худудида ўз қароргоҳларини қуриб бу ерда ҳокимият ўрнатганликлари учун ҳам эҳтимол унинг ҳукмдорлари ўз номларидан танга зарб қилдириш ҳуқуқига эга бўлмагандирлар⁶¹⁷.

Шуни ҳисобга олган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, илк ўрта асрларда балким “Иштихон” топоними “ихшид+кан” деб ҳам талқин этилган бўлиши мумкин.

Иштихон хусусида илк ёзма манбалардан ҳисобланган хитой йилномаларида бу худуд *Цао* деб келтирилади. Йилномада келтирилган *Цао* сўзи “сув” белгиси қўйилмасдан ёзилган бўлса, унда бу сўз “сувсизлик”, “чўл” маъносини ифодалайди. Худди шундай Ғарбий *Цао* ҳам сув белгиси қўйилмасдан ёзилган⁶¹⁸. Бу эса *Цао* ҳукмдорлигининг катта қисми чўл бўлганлигидан дарак беради. Бу жойлар ҳозирги Қарнаб чўли шарқий қисмидаги худудлар бўлиши мумкин.

“Тан шу” йилномасига кўра, Суғдда мавжуд бўлган *Цао* (сувсиз чўл) уч қисмдан иборат: Ғарбий *Цао* – Самарқанд яқинидаги *Цао* (Иштихон), Марказий *Цао* – Ғарбий *Цао*дан шарқда (Кабудан / тахминан ҳозирги Оқдарё тумани?), Шарқий *Цао* – Мирзачўлнинг шарқий қисми (Уструшона)⁶¹⁹.

⁶¹⁵ Хордадбех Ибн. *Китаб ал-масалик ва-л-мамалик* (Книга путей и стран). ... – С. 176-177.

⁶¹⁶ Бартольд В.В. *К истории арабских завоеваний в Средней Азии*. ... – С. 380-388.

⁶¹⁷ Gayibov B. *Sogdian Confederation: The Kingdoms Position and Peculiarity // The international journal of Humanities & Social Studies*. Vol. 4. Issue 6. June. – India: 2016. – P. 88-94

⁶¹⁸ Бичурин Н.Я. *Собрание сведений*. II. – С. 275.

⁶¹⁹ Бичурин Н.Я. *Собрание сведений*. II. – С. 312-313.

Хитой йилномаларида келтирилган топонимларнинг тарихий талқини чуқур илмий изланишларни талаб этади. Чунки улар у ёки бу объектга нисбатан турли даврларда берилган ва бу борадаги маълумотларни ёзиб қолдирганлар ушбу тарихий жараёнларни яқиндан билмаган бўлишлари мумкин. Баъзан шундай ҳам бўладики, маълум бир макондан аҳоли миграсияси, уруш, касаллик тарқалиш каби омиллар ёки босқин натижасида бир топонимнинг бир неча жойда ишлатилишига сабаб бўлади. Цао ҳукмдорлигининг Самарқанд атрофидаги бир неча жойга нисбатан ишлатилишида замирида ана шунга ўхшаш асос ётгандир.

Масалан, “Тан-шу” йилномасига кўра, Шарқий Цао деб келтирилган жойнинг тахминан Уструшона худудига тўғри келишини тахмин қилиш мумкин⁶²⁰. Афтидан, Цао сўзи гидронимга нисбатан ишлатилиб, Зарафшон дарёси оқими бўйлаб жайлашганлигига қараб Ғарбий ва Шарқий Цао деб келтирилган.

Шу ўринда Цао тарихига оид бир қизиқ маълумот хитой йилномаларида келтирилади: - “Шарқий Цао ҳукмдорлиги, бошқа номланиши *Шуайдушана*, *Суйдуйшана*, *Кипутана*⁶²¹ ва *Судучжини*, ҳаммаси бўлиб тўртта номга эгадир. ... *Сидихин* (Иштихон) шаҳридан бошқарилади. ... *Ву-де* ҳукмронлиги даврида [618-626] тобелик изҳор қилиш учун у ердан элчилик келишган. *Тян-бао* ҳукмронлигининг биринчи баҳорида, ҳукмдор *Гело-пуло* (Қора-бўғра) ишлаб чиқилган маҳаллий буюмлардан ҳадя қилиш учун элчи юборди”⁶²².

Хитой йилномаларида келтирилган Қора-бўғра – *Гело-пуло* бўлиб, аслида бу шахс Уструшона ҳукмдори бўлган. Эҳтимол, бу даврда Иштихон ва Кабудон бир муддат Уструшонага тобе бўлиб, шу тариқа у Иштихон ҳукмдори сифатида тилга олингандир. Таъкидлаш лозимки, Хитой манбаларидаги ушбу маълумотлар унчалик ҳам ишончли бўлмай, Иштихон Суғднинг марказидан жойлашган ва Суғд ҳукмдорлари қароргоҳи жойлашган шаҳар бўлиб, Уструшона ҳукмдорининг Марказий Суғдда ҳукмронлик қилиши ҳақиқатдан йироқдир⁶²³. Бу чалкашлик таржимада Цао атамаси остидаги худудларни локализасиялашнинг нотўғри амалга оширилгани сабаб бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Тарихчи Табарий ўз асарида, 737 йилда Уструшонани Хара Бўғра исмли ҳукмдор бошқарганини келтиради⁶²⁴.

Ўз даврида О.И. Смирнова ҳам бунга ўз эътиборини қаратиб, Хара Бўғранинг хитой йилномаларида *Гелопуло* тарзида учрашини, айни шахснинг 720-740 йиллари Уструшонада, 740-745 йиллари Кабудонда ҳукмдорлик қилганини таъкидлайди⁶²⁵. Хара Бўғранинг ҳукмронлик йиллари арабларнинг Самарқандни босиб олганларидан (712 й.) кейинги даврга тўғри келиб, бу

⁶²⁰ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. II. – С. 311-318.

⁶²¹ *Кипутана* – Кабудон ҳукмдорлиги. Кабудон Уструшонага жануби-ғарбдан яқин қўшни бўлгани учун хитойлик муаллифлар баъзан уни гўё Уструшона билан битта ҳукмдорликдек таърифлаганлар – Ғ.Б., Қ.Х.

⁶²² Бичурин Н.Я. Собрание сведений. II. – С. 311-318.

⁶²³ Gayibov B. About to the Question of the Main Origin of Sogdian Rulers // International journal of Humanities & Social Science Studies. Volume-III, Issue-I. July. – Karimganj-Assam, India: 2016. – P. 235-242.

⁶²⁴ История ат-Табари. ... – С. 251.

⁶²⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 425.

даврдa конфедерация бошқарувида Иштихоннинг ўрни муҳим бўлган. Шундай экан Хара Буғранинг Иштихонда ҳукмдорлик қилганлиги масаласи ўз тасдиғини топмайди.

Юқорида келтирилган фикрлар, Цаонинг конфедерация таркибидаги мақомини аниқлаш илк ўрта аср Суғд конфедерацияси тарихини ўрганишда муҳим эканлиги кўрсатиб турибди.

Иштихон ва Кабудон бир-бирига қўшни ҳукмдорликлар бўлиб, Хитой тарихчи сайёҳлари Сюан Сзан ва Хой Чаоларнинг хотираларида *Цао* ва *Сзенбудана* деб, билан қайд этилган. Шунингдек, ушбу ҳукмдорликларнинг ўз ҳарбий гвардияси - чокарлари бўлганлиги қайд этилган⁶²⁶. Иштихон ва Кабудон ҳукмдорлари Самарқандда ўтказиладиган барча тадбирларда, жумладан, аждодлар руҳига бағишланган қурбонлик маросимларида иштирок этганлар⁶²⁷. Бу ҳукмдорликлар Панч ёки Кешдан фарқли ўларок асосан марказ Самарқандга тобе ҳисобланган.

Хитойларнинг “Суй шу” йилномасида келтирилишича, 600-620 йиллардаги *Кан* (Самарқанд) ҳукмдори Тайшебининг ўғли Угяни Иштихон ва Кабудон ҳокими этиб тайинланган⁶²⁸. Самарқанд эгаллангач, Ғурак 738 йилгача Иштихондан туриб бошқарувни олиб борган, сўнгра бу ерни ўғли Турғарга мерос сифатида қолдирган. Иштихон Самарқандга келишдаги муҳим стратегик шаҳар ва ихшидлар қароргоҳи ҳам эди. Ғуракнинг ўз ўғли Турғарни Иштихонга ҳоким қилиб тайинлаганлиги бежиз эмас⁶²⁹.

Араб тарихчиси Табарий берган маълумотларга кўра, Иштихон деҳқони Собит Иштихони(ч) ҳақида маълумот келтириб таъкидлайдики, у 720 йилда араб истилосидан чекиниб, суғд аслзодаси Корзанч билан Хўжанд воқеаларида қатнашган ҳамда тўқнашувда ҳалок бўлгач, Иштихон ҳукмдорлиги араблар тасарруфига ўтказилган⁶³⁰.

Шу ўринда Иштихон ва Кабудоннинг конфедерация таркибидаги мақомига доир тарихий баъзи маълумотлар бу борадаги тасаввурларни бойитади.

Маълумки араблар босқини арафасида улардан муҳофозаланиш мақсадида иккига бўлинган суғдийларнинг бир гуруҳига Иштихон ҳукмдори Корзанч ва унинг жияни Чаланж ҳамда иккинчи гуруҳига Панч ҳукмдори Деваштич бошчилик қилган⁶³¹.

Манбалар асосида бу давр воқеаларини аниқлаш анча мушкул. Шу ўринда Корзанч исмининг талқини билан боғлиқ воқеалар жараёнга ойдинлик киритадиган тахминни келтириш жоиз. О.И. Смирнова келтирган маълумотларга кўра, Табарий асарида *Корзанч* исми كرزنج очик урғусиз унли билан келтирилган. Шунини ҳисобга олган ҳолда бу сўзни كز رنج - *Казуранч* шаклида ҳам ўқиш мумкин бўлиб, бу сўз суғдча *казуранч* сўзининг араб

⁶²⁶ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 314.

⁶²⁷ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. II. – С. 281.

⁶²⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. II. – С. 280-287.

⁶²⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. II. – С. 311.

⁶³⁰ История ат-Табари. ... – С. 187-188.

⁶³¹ Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. ... – С. 246.

алифбосида ифодаланган шакли бўлиши ҳам мумкин. Бунга араб ёзувида *ҷ* товушини ифодаловчи харф бўлмаганлиги сабаб бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу атама форсчада *казур* – “*матога оҳор берувчи*” ёки “*тери ёгини тозаловчи*” (*тери ошлайдиган*) маъноларини беради⁶³². Шундай экан Корзанч *териға ишлов берувчи* ёки *матога оҳор берувчи* усталарнинг бошлиғи бўлганлиги учун ҳам шу ном билан аталган. Корзанч исми унинг ҳақиқий исми бўлмай, эҳтимол тахаллуси ёки лақаби бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, Самъоний келтирган маълумотларда Самарқанд Суғдида *Карзан* деган жойнинг ҳам бўлганлигини ва бу қишлоқнинг тахминан ҳозирги Арбинжон ҳудудига тўғри келиши таъкидланган⁶³³. Карзан қишлоғининг ўрни аниқланмаган бўлса-да, унинг ҳозирги Иштихон ва Каттакўрғон ўртасида деб тахмин қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳам Арбинжон ҳудудига яқин жойда йўл ёқасида *Хўжакарсон* деган жой номининг борлиги бу фикрга янада аниқлик киритишда асос бўлади.

Табарий асарида ҳам *Корзанч* Иштихон ҳукмдори деб келтирилиб, унинг Файй ва иштихонлик бир гуруҳ суғдийлар билан биргаликда Уструшона орқали Фарғона томонга қараб йўналганлиги таъкидланади⁶³⁴.

Шундай экан *Карзан* (Арбинжон) ҳунармандлари ҳам кўзғолонда муҳим ўринга эга бўлганлар. Бу эса Деваштичнинг айнан Арбинжонда қатл қилинганлиги тасодиф эмас деган хулосага келишга сабаб бўлади. Деваштич кўлга тушгач, Саид ал-Хароший Корзанч ва унинг тарафдорлари билан музокаралар олиб бориш учун Арбинжонга келган ва унинг бир гуруҳ кўзғолончилар билан бирга Фарғонага кетиб қолганлигини билгач, у билан шерик бўлган Деваштични айнан Арбинжонга келтириб қатл этиш орқали кўзғолончилардан қасд олмоқчи бўлган.

Илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясида зарб қилинган кўплаб тангалар ўзининг иконографияси, палеографияси ва ўлчов (оғирлиги, ўлчами, ясаиш услуби ва ҳ. о.) билан бошқаларидан ажралиб туради. Мазкур даврда Суғдда зарб қилинган тангалар ўз даврида О.И.Смирнова, Э.В.Ртвеладзе, Ғ.Бобоёров, Л.Баратова, Дж.Ильясов, А.Кубатин каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Ушбу тадқиқотчилар асосан Суғд конфедерациясининг Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб каби ҳукмдорликларида зарб этилган тангалар, уларнинг хусусиятлари тадқиқ этишган. Аммо суғдшунос, нумизматлар орасида Самитон тангаси сифатида маълум бўлган Суғдда зарб этилган тангалар мазкур тадқиқотчилар назаридан бирмунча четда қолган. Бундан ташқари аксарият тадқиқотчилар орасида Суғд конфедерациясининг фақатгина Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб ҳукмдорликларида танга зарби бўлганлиги хусусида фикрлар мавжуд. Самитон тангалари жуда кам топилган бўлиб, бу мазкур тангаларнинг ўқилиши ва талқини масаласида баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаради.

⁶³² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 246.

⁶³³ Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб” Абу Сабада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани. ... – С. 89.

⁶³⁴ История ат-Табари. ... – С. 185.



Муаммога аниқлик киритиш мақсадида аввало Самитон топонимининг жойлашган ўрнига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Суғд конфедерациянинг ўрта қисмида жойлашган Самитон мулки конфедерациянинг муҳим иқтисодий минтақаларидан бири бўлган Кушония таркибида бўлган. Кушония марказ Самарқандга қарам бўлган ҳукмдорлик сифатида маълум бўлиб, унинг ҳукмдорлари ўз номларидан танга зарб қилмаганлар деб таъкидланади. О.И.Смирнова ўз тадқиқотларида IV-V асрларда Кушония ўз атрофидаги майда мулкларни бирлаштириб, унинг ҳукмдори ўз номидан бронза тангалар зарб эттирганлигини келтиради⁶³⁵. Кушония ва унинг таркибида бўлган бўлган мулклар ўз тангаларини зарб қилган бўлишлари мумкин. Лекин IV-V асрларда Самитонда (яъни, Кушония ёки Иштихонда) хитой квадрат тангаларига тақлидан танга зарб қилиниши анчайин изоҳ талаб.

Суғднинг Панжикент ва Челак ҳудудида топилган баъзи тангаларда уларнинг зарб қилинган жойи деб *Самитон* ва тангани зарб қилган шахсни *самитонлик* деб келтирилган⁶³⁶. Бухоро воҳасида ўрта асрларнинг кейинги даврларида Самтин – سمتين деган жой борлиги манбаларда қайд этилади (ҳозирги Чорбакр) бўлиб, мазкур жой ушбу даврга оид манбаларда “Самитон йўли” деб келтирилган⁶³⁷. Лекин шу нарса аёнки, Бухоро воҳасида Челак тангалари типи топилмаган⁶³⁸.

Самарқанднинг Кушония ҳукмдорлигидаги Самитон топоними Исмитон – اسميتن шаклида ҳам талқин қилиниши мумкин. Ўрта аср тарихчиси Самъоний келтирган маълумотларга кўра, Исмитон – الاسميثى Суғднинг Кушония ҳукмдорлиги яқинида жойлашган⁶³⁹ (ҳозирги Митан, Иштихон атрофида).

Суғд конфедерациясининг ўзига хос хусусиятларидан бири шу эдики, марказ ва ҳукмдорликлар қатори йирик заминдор деҳқонлар ҳам ўз мулклари ҳукмдори сифатида муайян унвонга эга бўлишган. Масалан, “Панч ҳукмдори”, “Кштут ҳукмдори”, “Хахсар ҳукмдори” ва ҳ. к. Худди шундай Самитон ҳукмдори ҳам ўз номини кўйиб танга пуллар зарб қилган бўлиши табиий.

О.И.Смирнованинг С.П.Толстовга суяниб келтиришича, Самитон тангаларидаги белгилар суғдий тангалардаги белгилардан фарқ қилиб, улар кўпроқ Хоразм тангаларидаги белгиларга ,  ўхшаш⁶⁴⁰. Танганинг орқа томонида MLK’ “ҳукмдор”, “подшо” унвони акс эттирилган. Ушбу тип тангалари ҳозирги Метан, Пайариқ, Челак ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида топилган бўлиб, бу эса ушбу тангаларнинг Бухоро воҳасида эмас, балки Суғднинг Кушония ёки Иштихон ҳукмдорлиги ҳудудида зарб қилинганлигидан далолат беради. Танга атрофидаги суғдий

⁶³⁵ Смирнова О.И. Нумизматические заметки // ЭВ. – 1967. – Вып. XVIII. – С. 36-39.

⁶³⁶ Смирнова О.И. Нумизматические заметки. ... – С. 37.

⁶³⁷ Бартольд В.В. Сочинения. – Том. I. – М: 1963. – С. 160, 171.

⁶³⁸ Смирнова О.И. Нумизматические заметки. ... – С. 37.

⁶³⁹ Бартольд В.В. Сочинения. ... Том. I. – С. 177.

⁶⁴⁰ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М: Наука, 1948. табл. 85.

ибора талқин қилинганда, $\gamma\omega\beta\ pns'r\ pry'r\ s'mtn$ [хвабу Фансара, Паргара, Самитан] – *Фансара, Паргар ва Самитон ҳокими* маъносини беради⁶⁴¹.

Лекин Самитон тангаларида Хоразм тангаларидан фарқли тамғалар ♀ жойлашган бўлиб, қолаверса уларнинг ўртасида хитойча квадрат шаклида тешик ҳам мавжуд. Мазкур тангалардаги тамғалар Суғд ихшид Ғурак тамғаларига ♁ ўхшаш. Бу эса конфедерация таркибидаги нафақат хукмдорликлар балки алоҳида мулклар ҳам марказий хонадонга боғлиқ ҳолда танга зарб эттирганликларини англатади.

Иштихон Суғд конфедерациясининг марказида муҳим географик ҳудудда жойлашган, муҳим сиёсий ўринга эга хукмдорлик бўлган. Бу ҳақда хитой йилномалари ва араб манбаларида келтирилган маълумотлар асос бўлади. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, илк ўрта асрларда, айниқса араблар босқини арафасида Суғд конфедерацияси тақдири учун кураш олиб борган ҳудудлардан бири Суғднинг Миёнқол ҳудудидаги Иштихон бўлган. Иштихон мазкур даврда Суғда хукмдорлари қароргоҳи жойлашган марказ сифатида ҳам фаолият кўрсатганлиги диққатга сазовордир. Бу нафақат тахминлар орқали, балки ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар орқали ўз тасдиғини топган.

⁶⁴¹ www.zeno.ru # 64751

СУҒДА ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ⁶⁴²

Илк ўрт асрлар Суғда элчилик муносабатлари, уларнинг асослари минтақадаги дипломатик муносабатлар тарихини, Суғднинг халқаро алоқалар тизимидаги ўрнини тадқиқ этишда муҳим саналиб, тадқиқотчилар назаридан бирмунча четда қолиб келмоқда. Муаммо доирасида манбалар жуда кам бўлишига қарамай ёзма ёдгорликлар ва деворий суратларда баъзи маълумотлар сақланиб қолган.

Илк ўрта асрлар, айниқса, араблар босқини арафасида Суғд сиёсий ҳаётида дипломатик муносабатлар ички ва ташқи сиёсий ҳаётнинг ҳал этувчи омили ҳисобланиб, бу ўз навбатида мавжуд бўлишнинг бош мезони саналганлигини назардан четда қолдирмаслик лозим.

Суғда илк ўрта асрларда элчилик муносабатлари билан боғлиқ маълумотларни Афросиёб деворий суратларидаги “Қабул маросими” ва Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган расмий мурожаатлар ҳамда бошқа қайдлар орқали билиш мумкин.

1965 йилнинг баҳорида Афросиёб харобаларида деворларига расмлар солинган яна олти иморат очилган. Улардан бирининг Жанубий деворида тик турган икки эркакнинг тасвири чизилган. Улардан бири қизил чакмон, орқасига ўгирилган. Иккинчиси эса оқ чакмон кийган бўлиб, чакмоннинг очиқ жойида суғдий ёзув бор⁶⁴³. Ёзув деярли тўлиқ сақланган. Махсус котиб томонидан ёзилган ўзига хос бу ишонч ёрлиғи 16 сатр келадиган вертикал мантидан иборат. Матн В.А. Лившиц томонидан ўқилган.

Деворий суратлардаги лавҳаларда Суғда элчилик муносабатлари тарихи ва элчилик меъёрларининг бир қатор жиҳатлари кўзга ташланади.

Деворий суратларда келтирилган элчилик лавҳаси Суғднинг ташқи муносабатлари борасида муҳим тарихий манба ҳисобланади. Мазкур лавҳа орқали бошқа ҳужжатларда исмлари қайд этилмаган шахслар фаолияти кўзга ташланади.

Масалан, милодий VII аср ўрталарида Самарқандга элчи юборган Чағониён (Тохаристон конфедерациясининг ҳукмдорликларидан бири) ҳукмдорининг исми *twr'ntš* (Туронтош) шаклида Афросиёб (Самарқанд) деворий расмларидаги битиклар орқали маълум бўлади⁶⁴⁴. В.А. Лившиц *Турон-тош* исмини эроний асосда *Battle-ax of Tūrānians* – “Туронликларнинг жанговор болтаси” тарзида изоҳлайди⁶⁴⁵. Дарҳақиқат, бу даврда Чағониённи туркий сулола бошқарган бўлиб, бу хитой ва араб манбалари ҳамда

⁶⁴² Мазкур қисм материаллари муаллиф томонидан 2016 йилда чоп этилган (Қаранг: Ғойибов Б.С. Суғда элчилик муносабатларининг баъзи хусусиятларига доир /“Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил” мавзусидаги профессор Розия Мукминова номидаги Республика тарихчилар илмий-амалий конференцияси материалларида чоп этилган – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б. 30-42).

⁶⁴³ Livsic V. The Sogdian Wall Inscriptions on the Site of Afrasiab // Royal Nauruz in Samarkand Proceedings of the Conference Held in Venice on the Pre-Islamic Paintings at Afrasiab. Rivista Degli Studi Orientali, Nuova Serie Vol. LXXVIII, Supple mento N. 1 (2004). Ed. M. Comparetti, E. de la Vaissiere. – Pisa-Roma: 2006. – P. 62.

⁶⁴⁴ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 55.

⁶⁴⁵ Livsic V. The Sogdian Wall Inscriptions on the Site of Afrasiab. ... – P. 63-64.

нумизматик материаллар орқали ўз тасдиғига эга. Сюан-цзан маълумотида кўра, 644 йилда Чағониён хукмдори *туркий* эди⁶⁴⁶. Ат-Табарий асарида қайд этилишича, 710- йилларда Чағониённи *шад* унвонли туркий хукмдор бошқарган. Ат-Табарий асарининг русча нашрида бу унвон *аш-Шазз* тарзида берилган бўлиб, изоҳда Тохаристоннинг туркий хукмдорларидан бирининг исми ёки унвони эканлиги айтилган⁶⁴⁷. Бундан ташқари Х. Гибб ҳам унинг *шад* унвонли туркий хукмдор бўлганлигини таъкидлайди⁶⁴⁸.

Ёки деворий суратлардаги суғдий ёзувда исми *Pūkar* (ёки *Pūgar*)-*zādag* (Пукарзода / Пугарзода) шаклида келтирилган Чағониён элчилари бошлиғи – канцелярия бошлиғи – *dīpīrpat* (вазир) сифатида қайд этилган элчи исмларининг айна манба орқали маълум бўлиши муҳимдир⁶⁴⁹. Суғдий ҳужжатларда ҳам девонхона бошлиғи айна шу номда келтирилган бўлиб, унинг сарой девонхонасида муҳим вазифани бажарганлиги ҳужжат матнидан билинади.

Шу ўринда мазкур сўзга изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Муғ тоғи Б-17 суғдий ҳужжатида учрайдиган *dp'urpt* – “дапирпат” ибораси таржима қилинганда “бош котиб, девонхона бошлиғи” деган маънони англатади⁶⁵⁰. Бу сўз икки қисмдан иборат: *dapur* – “ёзмоқ, ёзиш”, *pat* – “бошлиқ”, яъни “котибларнинг бошлиғи” деган маънони англатади. А-5 рақамли ҳужжатда бу лавозим эгасига тўланган иш ҳақи тўғрисида маълумот берилган⁶⁵¹. *Дапирпат* – “бош котиб” бўлиш баробарида саройда ҳужжат тузиш, уларни тартибга солиш билан шуғулланган. Суғднинг барча ҳудудида суғдий ёзувнинг давлат ишида етакчи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, *дапирпат* лавозимидаги амалдор барча хукмдорликларда давлат хизматчиси ёки элчи (чопар) сифатида фаолият кўрсатган.

Дапирпатлар нафақат ҳужжат тузиш, балки элчи вазифасини бажариб ҳужжатларни сақлаганликлари Афросиёб деворий суратларидан ҳам маълум бўлиб, бу уларнинг тузилган ҳужжатлар асл нусхасини сақловчи – *депозитария* вазифасини бажарганликларидан далолат беради.

Дарвоқе Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг А-9, В-18, Б-11, В-7, А-19, Б-13 рақамлисида *'z-ynt* – “азғант” шаклида сўзлар учраб, улар “элчи”, “чопар” шаклида талқин этилган⁶⁵². В-17 рақамли ҳужжатда “чопарлар” сўзини ифодалаш учун *'zy'nt* сўзига *t* кўплик кўшимчаси кўшиб ишлатилган⁶⁵³. Чекка ҳудудлардаги аҳвол ҳақида марказга керакли маълумотларни етказишда чопарлар маъсулиятли вазифаларни бажарган, давлат аҳамиятига молик кишилар бўлишган. Улар баъзида чопар бўлиш билан бирга элчилик вазифасини ҳам бажарганлар.

⁶⁴⁶ Shaban M.A. Khurasan at the Time of Arab Conquest // Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. – Edinburg: 1971. – P. 485.

⁶⁴⁷ История ат-Табари. ... – С. 124, 400.

⁶⁴⁸ Gibb H. A. Orta Asya'da Arap Fütuhati. Çev. M. Hakki. – İstanbul: 1930. – S. 10.

⁶⁴⁹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 312.

⁶⁵⁰ СДГМ II. – С. 176.

⁶⁵¹ Исхоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 25-55.

⁶⁵² СДГМ II. – С. 196.

⁶⁵³ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 128.

Давлатлар ўртасидаги расмий муносабатларда элчилар гуруҳи уларга хизмат кўрсатувчилар кузатувида борганликлари элчилик муносабатларидаги умумқабул қилинган меъёрлардан бири бўлган. Элчи ва унга ҳамроҳлик қилган элчилик вакилларининг кийиниши, уларнинг келтирган совғалари меҳмон ва мезбон давлат ўртасидаги муносабатларнинг аҳамиятлилик даражасини белгиловчи омиллардан ҳисобланган. Элчиларга хизмат кўрсатувчилар орасида дипломатик корпус вакиллари билан бирга хатто рассомлар ҳам бўлганлиги маълум диққатга сазовор⁶⁵⁴.

Деворий суратларда нафақат Чағониён элчиси, балки Хитой (ёки 7, 8, 9, 10, 11 фигуралардаги Шарқий Туркистон элчилиги), Чоч, Корея каби давлатлардан келган элчилар ҳам тасвирланган. Бундан ташқари, Ғарбий деворда яна иккита элчилик гуруҳи (21, 22, 23 фигуралар) тасвирланган бўлиб, уларни Вархуман хизматкорлари ва таржимонлар кутиб олиш билан банд. Аммо суратлар тўлиқ сақланиб қолмаганлиги боис, уларнинг қайси давлат вакили эканлигини аниқлаб бўлмайди⁶⁵⁵. Аммо шу нарса аёнки, ғарбий деворда акс эттирилган лавҳада Вархуманнинг ташқи муносабатлардаги ўзига хос дипломатияси ва шимолий деворда иттифоқчилик муносабатлари яққол кўринади. Деворий суратларнинг катта қисмига араблар босқини жараёнида жиддий зарар етказилган.

Энди марказий элчилик лавҳаларига тўлталсак. Оқ от минган шоҳ тантанали юриш маросимининг марказида турибди, олдинда, фил устида эса малика ўтирибди. Сарой аёнлари орасида рассомлар, котиблар (уларнинг камарига ичида қаламдони бўлган ғилофлар осиглиқ турибди), олимлар, ёзувчилар бор. Улар гилам устида ўтириб, қизгин суҳбатлашмоқдалар, ўтирганлардан бирининг кўлида китоб⁶⁵⁶. Суратдаги элчини кутиб олиш жараёнида кўзга ташланидиган муҳим лавҳалардан бири гиламлар ва уларнинг атрофига тўшалган кўрпачалар бўлиб, уларни шарқона меҳмондорчилик анъаналарнинг ноёб кўриниши деб баҳолаш мумкин.

Деворий суратлардаги туркий юз тузулишдаги ҳарбий чокарлар Турк хоқонлигининг Суғддаги назоратчилари сифатида элчилик муносабатлари жараёни хавфсизлигига жавобгар бўлишган⁶⁵⁷. Улар Вархуман саройининг мулозимлари бўлиб, элчиларни қабул қилиш маросимининг эгалари сифатида тасвирланган⁶⁵⁸.

Деворий суратларда эътибор молик жиҳатлардан яна бири бу элчиларнинг соч турмаклари бўлиб, уларнинг соч турмакларига қараб қайси этнос ёки қайси мамлакат вакили эканликларини билиш мумкин.

Бу ҳолат ёзма манбаларда ҳам қисман ўз аксини топган. VI аср охирида турклар Турфонни эгаллаганларидан сўнг, маҳаллий халқ туркий урф-одатларни қабул қилган. 612 йилга келиб Турфон ҳукмдори туркларнинг одатларини ўзгартириш тўғрисида фармон беради (афтида мазкур ҳолат

⁶⁵⁴ Хидоятлов Г.А. Основы дипломатии. – Ташкент: УМЭД, 2002. – С. 89.

⁶⁵⁵ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 73.

⁶⁵⁶ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 19.

⁶⁵⁷ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 30.

⁶⁵⁸ Аржанцева И.А. Новые хозяева Азии. ... – С. 64; Vaissière de la É. Samarcande et Samarra. ... – P. 104-105.

хоқонлик таъсирининг пасайганидан бўлса керак). Ҳукмдорнинг бу борадаги фармонида куйидагилар келтирилади: - “...Илгари биз сочларимизни ёйиб юрар эдик. ... Энди менинг фуқароларим аввалги каби кокилларни ёйиб юришлари лозим”⁶⁵⁹. Деворий суратларда ҳам Хитойлик элчиларнинг сочларида буни кузатиш мумкин.

Афросиёб деворий суратлардаги соч турмаклари хусусида манбаларда археологик материаллар ва эпиграфик манбаларда ҳам маълумотлар мавжуд. Соч ўриш ёки елкагача соч қўйиш қадимги туркий этнос вакилларига хос одат бўлиб, бу Марказий Осиёнинг турли худудларидан топилган исломдан олдинги тош ҳайкал (балбал)лар ҳамда Суғ, Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангаларда, Панжикент, Тавка-қалъа (Сурхондарё) сарой деворий суратларида, Шимоли-шарқий Хитойдан топилган хоқонлик амалдорларига оид қабртош (бўртма тасвир)ларда ўз ифодасини топган. Турк хоқонлари ўзига бўйсунувчи вассал ҳукмдорларидан ҳам ушбу одатга амал қилишларини талаб қилишган. Бу уларнинг хоқонликка тобелигининг бир ифодаси бўлиши мумкин. Йилномаларда Самарқанд ҳукмдорининг сочини ўриши, оддий халқнинг эса сочларини киртишлаб олдириб юришлари таъкидланиши бу фикрга асос беради⁶⁶⁰. Мазкур ҳолат Афросиёб деворий суратларида келтирилган Самарқанд ҳукмдори ва бошқа мулозимлар тасвирий лавҳаларида ўз аксини топганлиги орқали янада ойдинлашади.

Ҳар бир элчининг мезбон ҳукмдорга совғалар олиб келиши элчилик муносабатларидаги муҳим анъаналаридан саналиб, Афросиёб деворий суратларида ҳам мазкур ҳолатни кузатиш мумкин. Деворий суратларда тасвирланган элчилар Самарқанд шоҳига совғалар, жумладан, чиройли кушлар, қимматбаҳо буюмлар олиб бормоқда. Ғарбий деворнинг бир қисмида Самарқанд шоҳи ёки Суғднинг асосий худосига совғалар топшириш лавҳаси тасвирланган. Саройга келган Чағониён элчилари совғаларни тақдим этиб, “ишонч ёрлиғи”ни топшираяпти. Самарқанд шоҳининг аёнлари элчихона аъзоларига ҳамроҳ бўлмоқда⁶⁶¹. Таъкидлаш лозимки, мазкур тасвирий лавҳалар деворнинг пастки қисмига чизилган бўлиб, деворнинг тепа қисмидаги лавҳалар сақланиб қолмаган. Деворнинг тепа қисмида рассом Самарқанд ҳукмдорлари сиғинган илоҳлар тасвирланган бўлиши мумкин. Рассомнинг мазкур лавҳаларни деворнинг бир қисмига тасвирлаши элчиларнинг Самарқанд илоҳларига совғалар олиб келганликлари тўғрисидаги тахминни илгари суришга имкон беради.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, Суғддаги мазкур элчилик муносабатларидаги анъаналари орадан бир неча юз йил ўтиб араб халифалари саройида ҳам қўлланилган. Масалан, асли Аббосий халифалар хизматида бўлиб, кейинчалик 323/935 йилда Миср ноибни этиб тайинланган

⁶⁵⁹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений. II. – С. 254.

⁶⁶⁰ Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд. 1-китоб. ... – Б. 30.

⁶⁶¹ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 73.

суғдлик Муҳаммад ибн Туғж ўз саройида Марказий Осиёда мавжуд бўлган элчилик анъаналарини давом эттирган⁶⁶².

Таъкидлаш лозимки, рассом Чағониён элчилигини бошқа элчилик миссияларига нисбатан алоҳида эътибор берган ҳолда тасвирлаган ҳамда уларнинг барча хусусиятларини акс эттиришга ҳаракат қилган.

Деворий суратларда оёқлари туяқушниги каби узун ғозларнинг тасвирини кўриш мумкин. 2- чи ғоз тасвирида “Унаш уруғидан ҳукмдор Вархуманга тўртта ғоз” маъносидаги жумла жой олган⁶⁶³. Яъни, Чағониён ҳукмдори Суғд ихшида Вархуманга атаб *тулпор*, *ғозлар* совға қилган. Элчилик муносабатларидан маълумки, соғалар рўйхати, ҳукмдор номига жўнатилган хат билан бирга жўнатилган. Афросиёб деворий суратларида ҳам мазкур соғалар рўйхати деворга чизилган ҳолда кўрсатилган. Суғдшунос В.А. Лившиц уларни *such* – *ғоз*, *nākr̥tē* – *кумуш*, *tūh* – *қуш* деб талқин этади⁶⁶⁴.

Совға сифатида нафақат ҳайвон ёки буюмлар жўнатилган, балки одамлар ҳам тортиқ этилган. Масалан, Чағониёндан юборилган совғалардан бири ҳукмдорнинг кизи бўлганлиги ва унинг Вархуманга қаллиқ сифатида жўнатилганлиги тахмин қилинади⁶⁶⁵. Гап шундаки, Афросиёб деворий суратларнинг илк тадқиқотчиси В.А. Шишкин мазкур лавҳани тўй маросими ва ҳукмдорга совға қилинаётган қизни келин деб, ғозларни оққуш деб талқин этишга ҳаракат қилган⁶⁶⁶.

Элчиларнинг қимматбаҳо совға-саломлар элтишлари ўша давр учун хос бўлган анъана ҳисобланган. Ўз навбатида Суғд ҳукмдорлари ҳам элчи жўнатганларида қимматбаҳо совғалар тортиқ қилишган. Масалан, 719 йилда Хитойга элчи жўнатган Гуракнинг турли хил совғалар қаторида *индиго* деб номланган бўёқни жўнатганлиги алоҳида қайд этилади⁶⁶⁷. Мазкур элчилик мактубида ҳам совғаларга алоҳида урғу берилган. Манбада бу ҳақда куйидагича келтирилади: - “...Ҳозир сизга совға сифатида мукаммал бир от, битта Эрон туяси ва иккита хачирни юбормоқдаман. Агар зоти олийлари мени ҳадяларга мушарраф қилишни истасалар, уларни менга келтириб берадиган элчимга берсинлар. [Йўлда] талон-тарож қилинмаслигини умид қиламан”⁶⁶⁸. Совғалар масаласи айти шу йили Бухоро ҳукмдорининг Хитой императорига юборган мактубида ҳам алоҳида эслатилади. Манбадаги жумла куйидагича: - “...Императорликнинг илтимосига мос бир қиммат кўрсатишларини талаб қиламан. Ҳозир совға сифатида иккита Эрон хачири, битта жилвакор *Фулин* (Византия) гилами, ўн беш кило *Ю-кин* мушки ва юз *кин* (60 кг) табиий шаъмни юбормоқдаман. Ушбу ҳадяларнинг изидан зоти

⁶⁶² Хилал ас-Саби. Установления и обычаи двора халифов (Русум дар ал-халифа) / перевод с арабского, предисловие и примечания И.Б. Михайловой // Памятники письменности Востока. LXVII. – М.: Наука, 1983. – С. 90.

⁶⁶³ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 323.

⁶⁶⁴ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 323.

⁶⁶⁵ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 55.

⁶⁶⁶ Шишкин В.А. Афрасиаб – сокровищница древней культуры. – Ташкент: 1966. – С. 16, 18.

⁶⁶⁷ Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. – М.: Наука, 1981. – С. 280.

⁶⁶⁸ Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд. 1-китоб. ... – Б. 47.

олийларидан менинг шахсимга учинчи даражадан бир унвон бағишлашингизни илтимос қиламан. Шунингдек, рафиқам қиролича хонимга иккита *чоби* (?) гилами билан бирга бир дона безакдор гилам юбормоқда. ...”⁶⁶⁹.

Суғддан Хитойга элчилар жўнатилганлиги тўғрисида хитой йилнома-ларида бир неча қайдлар учрайди. Масалан, *Да-йе* хукмронлиги даврида Кабудонда (Суғднинг шимоли-шарқий хукмдорлиги) ишлаб чиқилган маҳаллий совғаларнинг Хитойга жўнатилганлиги⁶⁷⁰, *Тьянь-бао* хукмронлигининг биринчи баҳорида, Иштихон хукмдори (?) *Гэло-пуло* (Қора бўғра) маҳаллий буюмлардан ҳадя қилиш учун элчи юборганлигини⁶⁷¹ бунга мисол қилиш мумкин. Қимматбаҳо совғалар уни жўнатган хукмдорларнинг халқаро нуфузуну кўз-кўз қилган.

Ўрта Осиёдан элчилар Хитойга энг кўп олиб борган совғалар мусиқачилар ва раққослар бўлган. Масалан, “Тан шу” йилномасида Суғднинг маркази бўлган Самарқанд аҳолисининг ўйин-кулгуни хуш кўришлари келтирилади. Худди шу манбада Хитойнинг бой хонадонларида Суғддан борган машшоқлар ва раққосалар доимий равишда хизматда бўлганликлари айтиб ўтилган⁶⁷². Бундан ташқари Ўрта Осиё халқларининг мусиқаси арабларни ҳам хайратда қолдирган. Халифа Волид II Хуросон ноибидан (бу даврда ноиб Наср ибн-Саййор бўлган) Хуросондан зиёфат учун машшоқларни юборишни сўраган⁶⁷³.

Кўриниб турибдики, элчилик муносабатларида совғалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар давлатлар ўртасидаги сиёсий масалаларни ҳал этишда ҳам муҳим бўлган. Масалан, суратларда келтирилган Суғд хукмдори Вархуманга Чағониён хукмдорининг ўз қизини тортиқ этиши бу қудандачилик муносабатларини йўлга қўйишга ва шу йўл билан иттифоқчиликка киришишга ишорат беради. Бу эса ўз навбатида мазкур давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар тўғрисида тасаввурларни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Элчилик муносабатларида диний анъаналар ўзига хос ўринга эга бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, Самарқанддаги подшо Вархуманнинг қароргоҳида ибодатхона бўлиб, бу ерга йилнинг олтинчи ойида қурбонлик келтирилган. Бошқа жойларнинг ҳокимлари қурбонликда қатнашиш мақсадида бу ерга келишган. Ана шу маълумотга асосланиб, Чағониён элчилари ўз тухфалари билан худди шундай тантанага келишган деб тахмин қилиш мумкин. Бу ерга келган элчилар “Самарқанд худоларидан яхши хабардор эканликлари”, бинобарин, расм-русмлари ва Самарқанд хукмдорига эҳтиром билдириш одатини ҳам билганликлари ёрликда кўрсатилади. Чағониён аҳолисининг будда динига эътиқод қилганлигига қарамай⁶⁷⁴

⁶⁶⁹ Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд. 1-китоб. ... – Б. 48.

⁶⁷⁰ Бичурин Н.Я. Собрание. ... II. – С. 271-276.

⁶⁷¹ Бичурин Н.Я. Собрание. ... II. – С. 311-318.

⁶⁷² Бичурин Н.Я. Собрания. ... II. – С. 311.

⁶⁷³ История ат-Табари. ... – С. 278.

⁶⁷⁴ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 18.

элчиларнинг “Самарқанд илоҳларига” алоҳида ҳурмат билдириши⁶⁷⁵ Суғд ташқи алоқалари тарихини тадқиқ этишда бирламчи аҳамиятга эга.

Элчилик муносабатларида диний масалаларнинг муҳим эканлиги Суғдни бир муддат бошқарган Панч ҳукмдори Деваштичнинг Амир ал-Жарроҳга йўллаган мактубида ҳам кўзга ташланади. Унда Деваштичнинг ноибга мурожаати қуйидагича: - “Муқаддас ва раҳмдил Аллоҳ номи билан Абдуллоҳ ўғли амир ал-Жарроҳга, унинг мавлоси Деваштичдан. Сенга тинчлик ва Аллоҳнинг раҳми бўлсин. Аллоҳ сени ёрлақасин, ундан бошқа илоҳ йўқ. ...”⁶⁷⁶. Деваштичнинг ислом динида эканлигига ишора бериши орқали ноибнинг мавлоси эканлигини кўрсатиш асносида мурожаат этиши ўз мақсадига эришиш учун амалга оширган дипломатияси бўлган.

Диннинг элчилик муносабатларидаги ўрнининг муҳимлиги тўғрисида яна бир мисол. 568 йилда Византия ҳукмдори Юстин II элчиси Земарх ва турк хоқони элчиси суғдий Маниахнинг хоқон Истеми ҳузурига киришларидан олдин шарққа қараб чўккалаб ўтиришлари, сўнгра бўри калласи тасвири туширилган байроққа таъзим қилиб, ёниб турган гулханни айланган ҳолда покланиб хоқон ҳузурига кирганликлари манбаларда алоҳида қайд этилади⁶⁷⁷. Ушбу ўринда элчилар бўри калласи туширилган байроққа таъзим қилиш орқали ҳукмдорнинг динига нисбатан ҳурмат кўрсатганлиги диққатга сазовор. Элчилик муносабатларидаги ўзаро ҳурмат Византия империяси ва Турк хоқонлиги ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига сабаб бўлган эди. Зеро элчилик муносабатларидаги меъёрларни бузганлиги ва шартларни бажармаганлиги учун ҳам Сосонийлар давлати Турк хоқони давлатлари ўртасида душманлик келиб чиққанлигини таъкидлаш жоиз.

Хуллас, Суғд ўзининг географик жойлашувига кўра стратегик муҳим минтақада жойлашган бўлиб, суғдийлар савдо йўллари орқали қитъалараро савдо ва сиёсий муносабатларда воситачилик қилишган. Ушбу минтақада бир қанча мохир савдогарлар, элчилар етишиб чиққан бўлиб, улар халқлараро, давлатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланишида хизмат қилишган. Буни суғдий Маниах бошчилигидаги элчилик мисолида кузатиш мумкин.

Суғд ҳукмдорлари саройида элчи унвони таъсис этилган бўлиб, мазкур амалдор нафақат элчи ёки чопар балки девонхона бошлиғи вазифасини бажариб, ҳукмдорнинг ёрдамчиси ҳисобланган. Уларнинг фаолияти ҳукмдор томонидан назорат қилиниб, буни суғдий манбаларда дапирпатга тўланган маош ҳақидаги маълумот тасдиқлайди.

Суғддаги элчилик муносабатларида диний анъаналарнинг муҳим ўринга эга эканлиги деворий суратлардан маълум бўлади. Суғдийлар тарихий жараёнларга нисбатан диний мазмундаги лавҳаларни кўпроқ акс эттиришган. Яқин келажакдаги воқеаларни кам тасвирлашган. Афросиёб деворий

⁶⁷⁵ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 314.

⁶⁷⁶ Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший Арабский документ из Средней Азии. ... – С. 53-54.

⁶⁷⁷ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 48

суратларидаги элчилик маросими буюртмачи ва рассом ҳаёти билан боғлиқ воқеалар бўлганлиги учун мазкур тарихий жараён деворга чизилган.

Афросиёб деворий суратларидаги элчилик маросими манзараси Суғдда ушбу даврда дипломатик муносабатларда ўзига хос меъёрлар шаклланганлигидан далолат бериб, ушбу анъаналар кейинги даврдаги элчилик муносабатларидаги “дипломатик протокол”ларнинг шаклланишида замин яратган.

Бир сўз билан айтганда, илк ўрта асрларда Суғдда мавжуд бўлган элчилик муносабатлари қадим анъаналарга эга бўлиб, элчилар фаолияти мамлакат равнақи учун хизмат қилган. Афросиёб деворий суратларида келтирилган Самарқанд ҳукмдори саройига Чоч (Тошкент), Чағониён (Тохаристон), Тан (Хитой), Когурё (Корея), Шарқий Туркистондан келган элчиликлар илк ўрта асрлардаёқ Суғднинг халқаро дипломатик муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлганлигини кўрсатади. Буни деворий суратлардаги Суғд ҳукмдори Вархуманнинг дипломатияси ва иттифоқчилиги акс эттирилган деворий лавҳа кўриниши тасдиқлайди.

СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТАНАЗЗУЛИНИНГ САБАБЛАРИ

Суғд конфедерациясининг инқирози Араб халифалигининг Ўрта Осиёга бостириб келиши билан боғлиқ бўлиб, арабларнинг Мовароуннаҳрга биринчи юришлари VII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу даврда Суғдда ихшид Вархуман (655) ҳукмронлик қилган⁶⁷⁸.

Сосонийлар давлатини босиб олган Араб халифалиги кўшинлари 651 йилда Марвни қўлга киритиб, Амударёдан нариги томондаги ерларни босиб олишга ҳаракат бошлайдилар. Улар икки йўналишда, Пойкент ва Бухоро ҳамда жанубда Кеш орқали мамлакатнинг ичкарасига кириб боришга ҳаракат қилишган⁶⁷⁹. Бу ҳақда Хитой йилномалари ва мусулмон тарихчиларининг асарларида қарийб бир хил маълумот келтирилганлигини кузатиш мумкин⁶⁸⁰.

Арабларнинг Ўрта Осиё ҳудудига уюштирган дастлабки ҳарбий ҳаракатлари даврида Суғд конфедерациясининг маркази Кешдан Самарқандга кўчган давр ҳисобланиб, конфедерацияси маркази Самарқанд атрофида Панч, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Фай, Кабудон, Кеш ва Нахшаб каби ҳукмдорликлар бирлашган эди.

Турк хоқонлари ички низолар натижасида конфедерациянинг ишларига аралаша олмасди. Хоқонликдаги ички вазиятнинг беқарорлигига қарамай Суғд конфедерацияси айна шу йиллар (660 – 680 йиллар) давомида хоқонликка содиқ қолган⁶⁸¹. Қолаверса, сиёсий жараёнлар кучайган бу паллада Суғд конфедерацияси учун бошқа паноҳ излаш манфаатли эмасди. Ғарбий Турк хоқонларининг тез-тез алмашинуви натижасида VII асрнинг 50-70 йилларида хоқонлик тахтида Ашина Алп (651 – 658), Ашина Мише (658 – 662), Ашина Бўрқин (662 – 666) ва Ашина Тўрчи (671 – 679) каби хоқонлар турганлар⁶⁸². Айниқса, Ашина Мише ҳукмронлиги даврида бундай норозилик ҳаракатлари тобора кучайиб хоқонлик ички низолар гирдобиди қолди ва ўз васаллари ички ишига аралаша олмай қолди. Мана шу даврда конфедерация тахти учун курашлар авж олган бир паллада турк хоқонларининг бу жараёнга аралашган ёки аксинча эканлиги маълум эмас. Ғарбий турклар давлатининг салоҳияти пасайиб, сиёсий вазиятни назорат қилиш сустрлашди. Бу эса арабларнинг Ўрта Осиёга юришларини тезлаштирувчи омил эди. Натижада Суғд конфедерацияси инқирозини келтириб чиқарган турли сабаб ва омиллар вужудга келди.

Суғд конфедерацияси тараққиётининг орқага кетиши, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий соҳаларидаги инқирозлар, бири-бирига боғлиқ ҳолатда рўй берди ва Суғд конфедерацияси таназзулга юз тутди. Суғднинг араблар томонидан босиб олиниши ва босқин жараёнлари В.Б.Хеннинг, В.А.Лившиц, О.И.Смирнова, Б.Гафуров, М.Исҳоқов, Ф.Гренэ,

⁶⁷⁸ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 28-31.

⁶⁷⁹ Пардаев М. IX-X асрларда Жиззах – ғозийлар шаҳри // Тарих ва қадриятлар. – Тошкент: 2015. – Б. 33-38.

⁶⁸⁰ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux. ... – P. 172.

⁶⁸¹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 275.

⁶⁸² Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 109.

Н.Симс-Виллиямс, А.Атаходжаев, Ғ.Бобоёров, Ш.Шоёқубов ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари етарлича ўрганилган. Шунинг ҳисобига олган ҳолда мазкур ўринда Суғд конфедерациясининг таназзулига сабаб бўлган омиллар ва уларни тезлаштирган жараёнлар юзасидан ўз мулоҳазаларимизни келтириб ўтишни лозим топдик.

Бу борада Суғд конфедерациясининг тўла инқирозга юз тутган даврини аниқлаш ва шу асосда муаммони тадқиқ этиш лозим бўлади. Хусусан, А.Асқаров Суғднинг турклар таъсиридан араблар қўлига ўтганлигини 737 йил воқеалари билан боғлаб, далил сифатида туркашларнинг араблар томонидан мағлуб этилганлигини келтиради⁶⁸³. Лекин Ғурак ва ундан сўнг унинг ўғли Турғар 750- йилларга қадар Иштихондан туриб араблар қўл остида танга зарб эттириб⁶⁸⁴, мамлакатни идора қилган бўлса, Кешда ҳам 760- йилларга қадар ал-Ихрид Таран тахт тепасида турган⁶⁸⁵. Панч Араб халифалиги қўшини томонидан 720 йилдаги қўзғолон бостирилаётганда ёндириб юборилган⁶⁸⁶. Шаҳарда ёнғин юз бериб, уйлар ёниб кетади. Шаҳар аҳолиси атрофга тарқоқ ҳолда қочиб яшай бошлаган. 740 йилга келиб панжикентлик суғдийларнинг Ўрта Осиёдаги араб халифасининг ноиб бўлган Наср ибн Сайёр (739 – 748) билан келишувлари натижасида одамлар шаҳарга қайта кўчиб ўта бошлаган ва илгариги шаҳар қайта тикланади⁶⁸⁷. Фақатгина Муқанна қўзғолони (769 – 783) давридаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида Панжикент вайрон қилинган ва қайта тикланмаган⁶⁸⁸. Айни шу даврдан (VIII асрнинг 70- йиллари охири) бошлаб Суғд конфедерациясидаги ҳукмдорлар манбаларда эслатилмайди. Муқанна қўзғолони жараёнлари Суғд конфедерациясининг сиёсий жихатдан ўз мавжудлигини йўқотишига олиб келган омиллардан бири бўлди.

Бу ҳолат конфедерациянинг таназзулини тезлаштирди. Аммо шу билан бирга Суғд конфедерациясининг инқирозига сабаб бўлган бошқа бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлганлигини эътиборга олиш лозим. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, араблар босқини арафаси ва босқин жараёнларида Суғд конфедерацияси ҳукмдорлари бир-бирларига душманлик кайфиятида бўлиб, уларнинг марказ тахти учун курашлари конфедерация таназзулига олиб келган асосий омиллардан биридир. Масалан, арабларга қарши кураш Ғурак ва тахтга даъвогарлик қилган Деваштич даврида янада кескин тус олди⁶⁸⁹. 719 йилнинг бошларида Марказий Суғд ва Бухоро ҳукмдорлари Хитойга хат ёзиб, ҳарбий кўмак сўрайдилар. Бу даврда суғдийлар арабларга қарши бош кўтариб, ислом динидан қайтиб, яна қўзғолон бошлайдилар⁶⁹⁰. И.Якубовичнинг француз олими Ф.Гренэ фирқаларига асосланган ҳолда

⁶⁸³ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 382.

⁶⁸⁴ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. ... – С. 191.

⁶⁸⁵ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 180, 182.

⁶⁸⁶ Распопова В. Жилища Пенджикента. – Л.: Наука, 1990. – С. 53, 173.

⁶⁸⁷ Большаков О. Отчет о раскопках северо-восточной части объекта III // МИА. – М., 1964. – №124. – С. 119.

⁶⁸⁸ Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни. ... – Б. 78.

⁶⁸⁹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 142.

⁶⁹⁰ История ат-Табари. ... – С. 175-176.

келтиришича, араб халифалигининг Иштихондаги армияси Ғуракни қаттиқ назорат қилган. Уни уй қамоғида сақлаган ва у воқеаларга фаол қатнаша олмаган. Бу эса Деваштичнинг тахт учун курашларида қўл келган⁶⁹¹. Мазкур бошбошдоқликларда Суғд ҳукмдорларининг тахт учун курашларини авж олишига сабаб бўлди. Айниқса, Панч ва марказ Самарқанд ўртасидаги муносабатлар жуда кескин тус олган. Араблар бундан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Чунки 715 йилда Қутайба ибн-Муслимнинг Фарғонада ўлдирилиши Суғдда араблар ҳокимиятини заифлаштира бошлаган эди. Натижада арабларга уларнинг йўриғи билан иш кўрадиган киши зарур бўлди. Мазкур бошбошдоқликлар арабларга қўл келди ва улар Деваштич қарамоғида бўлган Тархуннинг ўғиллари ҳомийлари баҳонасида ҳаракат қилишган⁶⁹².

Мамлакат ичида тартибсизликнинг вужудга келиши бошқарувга салбий таъсир кўрсатган ва натижада арабларнинг ўз бошқарувларини ёйишларига йўл очилган. 721 йилнинг баҳорида Саид ибн Абдулазиз (Хузайна) (719 – 720) ўрнига Саид ал-Хароший (721 – 723) ноиб этиб тайинланади. Бу даврга келиб Суғдда нотинч вазият ўзининг юқори чўққисига чиққан бўлиб, тинимсиз ҳарбий ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги суғориш тизими ишдан чиққан, мамлакатда очарчилик ҳукм суларди. Бу ҳақда ўша даврда битилган Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида ҳам маълумотлар келтирилган⁶⁹³. Давлат мусулмон бўлмаган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиши, уларни ташқи ва ички тажовузлардан сақлаши лозим бўлган. Шунинг эвазига улардан махсус солиқ ундирилган. Бу солиқ асосан пул ва натура тарзида ундирилган *жизя* (жон солиғи) бўлиб, суғдийлар арабларга жон солиғини тўламай қўйган эдилар. Ал-Хароший қўзғолончиларга қарши ҳарбий ҳаракат олиб боришдан олдин улар билан келишувга боришга, шартлашишга ҳаракат қилади. Балазурийнинг берган маълумотларига кўра, ал-Хароший қўзғолончи суғдийларга қарши ўзининг элчиларини жўнатиб, уларни ислом динига ўтказишга ва бўйсундиришга ҳаракат қилган⁶⁹⁴. Шу йўл орқали араблар босиб олган ҳукмдорликларда маҳаллий бошқарувни йўқ қилиб, ёки маҳаллий кишилардан ноиб қўйиб⁶⁹⁵, ўзлари жорий этган бошқарувни амалда қўллайдилар. Бу эса араблаштириш ниқоби остида амалга оширилди ва маҳаллий конфедератив бошқарув тизимининг ўрнини қаттиққўл бошқарув эгаллади. Араб халифалиги маъмурияти маҳаллий сулолаларни йўқ қилиб, бошқарувни ўз қўлларига олишган⁶⁹⁶;

⁶⁹¹ Якубович И. Проблемы согдийской этимологии: ... – С. 141.

⁶⁹² Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии. ... – С. 53-56.

⁶⁹³ СДГМ II. – С. 103.

⁶⁹⁴ Ал-Балазури, Ахмад ибн Йахйя ибн Джабир. Завоевание Хорасана. Извлечения из книги “Китоб футух ал-Булдон” / Перевод извлечений С. Волина в кн. Туркмены. – Ашгабад: 1950. – Т.I. – С. 177.

⁶⁹⁵ Саид ал-Хароший ноиб этиб тайинлагач, суғдийлар ўз ватанларини ташлаб кета бошлаган. Буни эшитган халифаликнинг Ироқдаги ноиб Умар ибн Хубайр уларни бу йўлдан қайтаришга ҳамда кимнинг ноиб бўлишини хоҳласалар ўшани тайинлашини етказди (Қаранг: История ат-Табари. ... – С. 184-185).

⁶⁹⁶ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 122-123; 140-142.

Иккинчидан, араб халифалиги кучларининг ҳарбий юришлари Суғд конфедерациясидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жиддий салбий таъсир этди. Бу даврда Суғдда маҳаллий аҳоли ва аслзодалар солиқ тўламаслик учун оммавий равишда ислом динини қабул қила бошладилар. Лекин аҳолининг исломни қабул қилиши номига бўлиб, улар яна ўз динларига қайтганлар⁶⁹⁷. Натижада, халифалик хазинасига келадиган тушум камайиб кетади. Бу эса халифалик маъмуриятининг Суғдда исломга ўтувчилар учун янги шартларни белгилаш ёки ишлаб чиқишни тақозо этарди⁶⁹⁸. Янги жорий қилинган шартлар аҳолининг норозилигига сабаб бўларди ва мамлакатда яна уруш ҳаракатлари бошланарди. Дастлаб ислом динини қабул қилмаган аҳолидан *жизья* солиғи, деҳқон, савдогар ва хунармандлардан эса *хирож* солиғи олинган⁶⁹⁹. Кейинчалик Умар II (717 – 720) давридан бошлаб ислом динини қабул қилган аҳоли қатлампидан *жизья* солиғи олинмаган. Одамлар ислом дини номига қабул қилиб, аслида ўз динларида қолвердилар. Эндиликда ислом динига ўтиш учун *хатна* қилдириш ва қуръон сураларини ёд олиш шарт қилиб қўйилди⁷⁰⁰. Алоҳида минтақаларда ислом динига ўтиш учун маҳаллий ноибларнинг ўз мақсадлари йўлида баъзи қўшимча шартларни ҳам жорий қилганликлари эҳтимолдан холи эмас. Мазкур ҳолатлар мавжуд вазиятни янада чигаллаштириб маҳаллий аҳолининг асоратга солинишига олиб келарди;

Учинчидан, араблар босқинидан кейин суғдий тил ўрнини арабий ва форсий тил эгаллаб, бу ижтимоий ҳаётда яққол сезила бошланди⁷⁰¹. Марказий Осиё минтақасида ўтган минг йил давомида суғдийлар, эфталийлар, чочликлар, фарғоналиклар, турклар ёнма-ён яшашига қарамай суғдий тил ва ёзув асосий мулоқот воситаси бўлиб келган. Ҳатто дастлабки турк хоқонлари даврида ҳам давлат бошқарувида суғдий тилдан фойдаланишган⁷⁰². Аммо араблар истилосидан кейин суғдий тил аста-секин истеъмолдан чиқиб кета бошлади. Лекин суғдий тил тўла йўқолмаган эди. Муқаддасий суғдий тил борасида қуйидаги маълумотни қолдирган: “Суғдда (Зарафшон воҳаси) ўзига хос бир тил мавжуд бўлиб, у Бухоро шахри аҳолисининг тилига ўхшаб кетади”. Бу эса шундан далолат берадики, ўша даврда форсий тили фақатгина шахарларда ишлатилган⁷⁰³. Аҳоли орасида суғдий тилга нисбатан арабий ва форсий тилни биладиган кишилар қатлами кўпая борди. Бу жараён Суғд конфедерациясининг нафақат сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий ва маданий томондан ўз мавжудлигини йўқота бораётганлигини кўрсатарди;

Тўртинчидан, конфедерация таназзулини тезлаштирган яна бир омил бу дин билан боғлиқ бўлган. Маълумки, араблар босқини арафасида Суғдда

⁶⁹⁷ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 7.

⁶⁹⁸ Гафуров Б.Г. Таджики. ... Кн. 2. – С. 22-23.

⁶⁹⁹ Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане. ... – С. 65-67.

⁷⁰⁰ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 123-124.

⁷⁰¹ Исхаков М.М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности. ... – С. 46-57.

⁷⁰² Kljaštornyj S.G., Livšic V.A. The Sogdian inscription of Bugut revised. ... – P. 69-102.

⁷⁰³ Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / СИНО илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий журнал. 2010. 37-38-39-40 сонлари. – Б. 7.

зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, монийлик каби диний қарашлар мавжуд бўлган⁷⁰⁴. Турли динларда бўлган кишиларнинг мавжуд вазиятга ба-ҳо беришлари турлича бўлиб, бу эса Ислом динининг барқарор дин сифатида ўзини намоеън этиши ва кишиларни ягона ғоя атрофида бирлашишларига асос бўлиб хизмат қилган⁷⁰⁵;

Бешинчидан, Суғд устида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилган араб халифалиги маъмурияти бу ердаги юқори табақа вакиллари билан тил бириктириш йўлини тутган. Маҳаллий бойлар араблар билан келишиш учун дастлаб пул тўлаб, ўз эркинликларини сотиб олган бўлсалар, кейинчалик арабларнинг ўзларига жамиятда ўз мавқеига эга кишилар керак бўлган. Масалан, суғдийларнинг Корзанч бошчилигида арабларга қарши кураш олиб бораётган қисми Фарғона подшоси Алутар (700 – 720) билан шартлашиб, Хўжанд орқали Фарғонага ўтиши керак эди. Аммо Алутар Корзанчга хиёнат қилади, уни ҳамда одамларини арабларга тутиб беради ва тинимсиз жангларда ҳориган суғдийлар арабларга қарши охириги нафасларигача курашадилар. Мана шу тарзда суғдийлар ва Корзанчнинг ҳарбий ҳаракатлари фожевий якун топган. Фақатгина 400 бадавлат хонадон араблардан ўзининг хунини сотиб ола олган⁷⁰⁶. Бундай кишилар, ҳаттоки, тахт талашувларда ҳам араб ҳукмдорларини қўллаб-қувватлашган. Кейинчалик ташкил топган Тоҳирийлар давлати (821 – 873) ҳам дастлаб Араб халифалиги маъмуриятининг ҳомийлигида ташкил топган эди⁷⁰⁷.

Хуллас, Суғд конфедерациясининг таназзулига араб халифалиги кучларининг юришлари восита бўлди. Суғд конфедерацияси таназзули Ўзбекистон тарихидаги динамик ўтиш даври бўлиб, бу даврга келиб конфедерация шаҳарлари аҳолиси суғдийликдан ўзбек ва тожик этник ҳолатига ўтиши билан боғлиқ турли ижтимоий жараёнларни ўз бошидан кечирди. Бу пайтда Ислом дини ва маданияти бутун дунёга турли йўллар ҳамда усуллар орқали, шиддат билан кириб келаётган бир пайтда, эскича таъбир билан айтганда кучли сиёсий тарқоқлик юз берган, майда давлатларга бўлиниб кетаётган, Турк хоқонлиги қудрати хитойликлар томонидан синдирилган Мовароуннаҳрда бундан бошқача тарихий тақдир бўлиши қийин эди.

⁷⁰⁴ Ставиский Б.Я., Большаков О.Г., Мончадская Е.А. Пянджикентский некрополь // МИА. – М., 1953. – № 37. – С. 67-89; Беленицкий А.М. Раскопки согдийских храмов в 1948-1950 гг. // МИА. – М., 1953. – №37. – С. 23; Беленицкий А.М. Вопросы идеологий и культов Согда (по материалам пянджикентских храмов) // Живопись древнего Пенджикента. – М.: 1954. – С. 39-52, 62-81.

⁷⁰⁵ Бартольд В.В. Арабское завоевание и Туркестан при Саманидах / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. II (1). – С. 142; Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии. ... – С. 384.

⁷⁰⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 256-258.

⁷⁰⁷ Бу ҳақда батафсил қаранг: Ибн ал-Асир. Ал Камил фи-т-тарих (“Польный свод истории”). Избранные отрывки / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камалидина. – Ташкент-Цюрих: 2005. – С. 20-31; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... – С. 265-267.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ БАЪЗИ СУҒДИЙ ИБОРАЛАР

Араб халифалиги босқини натижасида Суғдда бошқарув араблаштирилди ва суғдий тил аста-секин муомаладан чиқиб кета бошлади. Суғдий тил Араб халифалиги даврида расмий тил сифатида муомаладан чиққан бўлса-да, суғдий ва туркий этнос ворислари бўлган бугунги ўзбек ва тожик тилли аҳоли лексикасида ушбу тил қолдиқлари яхшигина сақланиб қолган.

Эроний тиллар таракқиётидаги қадимги даврдан⁷⁰⁸ суғдий тилда битилган бирор бир ёзма асар қолмаган. Бизгача сақланиб қолган суғдий ёзма ёдгорликлар эроний тиллар ривожигаги ўрта даврга тегишли бўлиб, ушбу даврда мавжуд бўлган эроний тиллардан хоразм тили ҳамда балх (бохтар, бактрия) тили суғдий тил тарқалган жойга қўшни бўлган минтақаларда тарқалган тиллар ҳисобланади.

Таҳлиллар натижасида маълум бўладики, суғдий тил асосида шаклланган тилларда турли шева ва лаҳжаларнинг ҳосиласи бўлган айрим тафовутлар кўзга ташланади. Шунинг билан биргаликда, буддавий, моний ва христиан (несториан масҳаби) динларига оид матнлардан иборат бўлган ушбу ёзма ёдгорликлардаги мазкур тафовутларни турли ижтимоий ва маҳаллий гуруҳларининг ўзига хос лаҳжаларининг акси дейиш мумкин.

Нисбий ва сўроқ олмошлари.

Суғдий тилда ишлатилган, унутилган ҳамда ўзбек ва тожик тилларида ишлатилаётган иборалар қаторида нисбий ва сўроқ олмошларини ҳам мисол қилишимиз мумкин. Бу турдаги олмошлар қуйидаги негизларнинг икки хил тўлдирувчи тизими асосида ясаллади: *-ки* негизи (жонли мавжудотлар учун). Масалан: *-ки, -ким (боғловчилар), “ўшалким”, “ким”* (сўроқ олмоши) маъноларини берувчи (*'*) *ку* сўзи (суғдий ёзувда). *-ки, -ким* сўроқ олмоши сифатида бугунги кунда кенг тарқалган. Марказий Осиё минтақасида *-ĉi* негизи (жонсиз мавжудотлар учун) асосида сўроқ олмоши ҳам мавжуд⁷⁰⁹. Масалан, “нима”, “қайси”, “қай нарса” маъноларини берувчи (*'*) *сw* сўзи (суғдий ёзувда). *-ĉi* сўроқ олмоши эса жонсиз мавжудотлар учун асосан

⁷⁰⁸ Бир неча минг йиллик ўтмишга эга бўлган форсий тил ёхуд эроний тилларнинг ривожланиши тарихи қуйидаги уч даврга бўлинади: 1) қадимги давр (қадимги форсий тил) – эрамиздан аввалги VI-III асрлар; 2) ўрта давр (ўрта форсий тил) – эрамиздан аввалги IV-III асрлардан эрамизнинг VII асригача; 3) янги давр (янги форсий тил) – эрамизнинг VIII асридан то ҳозирги кунгача. Эслатиб ўтиш лозимки, қадимги форсий тил деб номланувчи қадимги давр эроний тиллар гуруҳига кирган қадимги форс, қадимги сак, мидия ва авесто тиллари, шунингдек, ўрта форсий тил деб номланувчи ўрта давр эроний тиллар гуруҳига кирган ўрта форс, ўрта сак, пахлавий, балх (бохтар, бактрия), суғдий ва хоразм тиллари бугунги кунда мавжуд бўлмаган ўлик тиллардан ҳисобланади. Янги давр форсий тили ёхуд ҳозирги замон эроний тилларга эса форсий, тожик, дарий, пушту, курд, балуж (ҳозирги Покистоннинг жанубий-ғарбий қисмидаги тарихий вилоятда тарқалган) ҳамда Эрон, Афғонистон, Кавказ ва Ўрта Осиёда яшайдиган бир неча кичикроқ форсийзабон халқлар ва элатларнинг тиллари киради (*Қаранг:* Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 347-541).

⁷⁰⁹ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 461.

форсий тилда ишлатилади. Ушбу олмошларнинг барчаси турли предлоглар ва юкламаларга қўшилиб келадилар ёки уларга қўшимчалар қўшилиши орқали кенгроқ шаклларга эга бўладилар. Шундай қилиб *ку* (-*ки*) ва *чи* (-*чи*) сўроқ олмошлари суғдий тилда ишлатилиб кейин форсий ундан сўнг тожик тилига ҳамда *ку* (-*ки*) ўзбек тилида ишлатилиб келинмоқда.

Сон (рақам).

Суғдий тил асосида шаклланиб бугунги кунда қисман ёки тўлиқ сақланиб қолган сонлар ҳам мавжуд. Масалан, *рпс* – “беш” сони. Аввало, шуни такидлаб ўтиш керакки, суғдийча *рпс* – “беш” маъносидаги сўз суғдий ҳужжатларда шаҳар номи сифатида келтирилган. Бу Панжикент шаҳри бўлиб, аслида *рпсукпδh* – “Панжикент” (“Беш шаҳар”) шаклидаги ҳам шаҳар, ҳам ҳукмдорликнинг қисқарган шакли бўлиб, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида кўпроқ *рпсу* (Панч) шаклида қайд этилгани кўзга ташланади⁷¹⁰. Бугунги кунда эса *рпс* – “беш” ибораси асосида бир қатор топонимлар ва ижтимоий ҳаётга оид сўзлар шаклланган. Масалан, *Панжоб*, *панч*, *панжа*, *панжара* ва ҳ.о.

Яна бир кўп ишлатиладиган сон “саккиз” бўлиб, унинг суғдий шакли *’št* ҳисобланади. *’št* суғдий ҳужжатларда “саккиз” сонини ифодалаш учун ишлатилган⁷¹¹. *’št* ибораси асосида баъзи топонимлар ҳам шаклланган. Масалан, “Иштихон” топоними. “Иштихон” топонимининг биринчи қисми *’št* иборасидан келиб чиққан “ишт” (аслида “ашт” ёки “ҳашт”) деб талқин этилади⁷¹².

Диний тушунчалар.

Суғдий тилда ишлатилган диний мазмундаги баъзи иборалар ҳозирда ҳам ишлатилиб келинмоқда.

пт’суw – *намачийу*. Ҳужжат матнида бу сўз *почтения* яъни *ҳурмат*, *таъзим* маъноларини англатиб келган⁷¹³. М. Исҳоқовнинг фикрига кўра, бу ўзбек ва тожик тилида *намоз* шаклида сақланиб қолган. Ислом дини шароитида *намоз* сўзининг асосан *сажда* маъноси сақланиб қолган⁷¹⁴. Ҳинд тилида мавжуд бўлган *намасте* сўзи ҳам ушбу сўзга яқин маънони англатади. Суғдий ёзувни шакллантирган суғдий тил ҳинд-европа тиллар оиласидаги эроний тиллар гуруҳининг шарқий тармоғига тегишли бўлиб, суғдий-буддавий диний матнларида учрайдиган кўплаб сўзлар ҳар иккала тилда ҳам шаклан ўзгарган, аммо мазмунан яқин маъноларни англатиб келади. Намоз ниятларининг ҳозиргача форсийда айтилиши бундан далолатдир.

Суғдий тилдаги баъзи исмлар таркибида ҳам диний ибораларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, фанга маълум бўлган Суғднинг Панч

⁷¹⁰ СДГМ II. – С. 49.

⁷¹¹ СДГМ II. – С. 181-182.

⁷¹² Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: ... – С. 145.

⁷¹³ СДГМ II. – С. 157.

⁷¹⁴ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 30.

хукмдорлигини бошқарган Гамаукйон исми. М. Исҳоқовнинг берган маълумотларига кўра, ушбу исмнинг Гамаукйон шаклини қуйидагича талқин қилиш мумкин. Бу исмнинг ўзагини *Gām* ёки *Xām* ташкил этади. Сўз ўзаги агарда *Xām* бўлса бу сўзни “Хаума”га боғлаш мумкин. Чунки Авестода “Хаума” шунчаки ичимлик эмас, балки илоҳлар қаторида Язад (Яздон) деб ҳам ҳисобланган. “Хамаукйон” исмининг маъносини Язад (илоҳ) “Хаума ҳимоятидаги одам” деб изоҳлаш мумкин. *Хамаук* < *хаумак* шакли эса -ак суффикси қўшилганидир. Борди-ю сўз *Gām* асосида изоҳланса, унда *gām* “қадам”, “юрмоқ, келмоқ” маъносини беради. *Gamaikyuan* эса “Ёрдамга, ҳимояга келувчи” ёки “омад фариштаси” маъноларини беради. Гамаукйон исм бўлмасдан балки эпитет бўлиши ҳам мумкин. Ушбу хукмдор даврида Панчининг ўз номидан тангалар зарб этгани ҳамда мустақил сиёсат олиб борганлигининг ифодаси сифатида уни “омад фариштаси” деб аташгандир.

Абстракт тушунчалар.

Сугдий В-4 ҳужжатида келтирилган *'drymh* – *дрэма* ибораси ҳам бу борадаги фикрларни давом эттириши мумкин. Ушбу ибора сугдий буддавий матнларда *drymh*, *zymh* – *дрэма*, *жигма* шаклида “ёлғон” маъносида, сугдий христиан матнларида *žyt* – *жэма* шаклида “ноқонуний” маъносида, сугдий моний матнларида эса *jyt* – *жигма* шаклида “қонунсизлик”, “қонунни бузиш” маъноларини ифодалаб келган⁷¹⁵. Сугдий ҳужжатдаги “ёлғон” сўзини ишлатиш орқали битимни бузиш ҳамда бу билан “қонунни бузишга” йўл қўймасликка ишора қилинган.

Сугдшунос М. Исҳоқовнинг фикрларига кўра, мазкур сўзнинг маъносига берилган изоҳ қисман тўлдириш ва тузатишни талаб этади. Унга кўра, “ёлғон” маъносини ифодалаш учун қадимги форсий, авесто тилларида *дурудж* – *дуруг* шакллари мавжуд. Бу эътироф этилса, сўзнинг охиридаги *маҳ* ёки -*ма* қисмини изоҳлаш қийин бўлади. *Дрэма*, *жрэма*, *жигма*, *жэмо* қаторини эса мумтоз ўзбек тилида учрайдиган *яэмо* сўзига қиёслаш мумкинлигини таъкидлаб, олим асос сифатида қуйидагиларни келтиради: - “Алишер Навоий шеърлятида “талон-тарож, бузғунчилик” маъноларида *яэмо* сўзи ишлатилиши аён бўлади:

Зихи лаълинг майидин жонга яэмо,
Кўзунгнунг куфридин имонга яэмо.
Бузуг кўнглумга торожингни бас қил,
*Киши солмайдурур вайронга яэмо.”*⁷¹⁶

Ушбу сўзга берилган мазкур изоҳ анчайин ўринли ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, *яэмо* қабиласининг номи ҳам “бузғунчилик”, “талончилик” билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ушбу сўзнинг лексикага кириб келиши анча илгариги даврларга тўғри келиб, “Авесто” “Видевдат” китобининг 18 фрагардида ёлғондан ўзини диндор деб кўрсатадиган кишилар ёвузликнинг бош манбаи, оламга

⁷¹⁵ Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. ... – P. 285.

⁷¹⁶ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 24.

ёлғончилик ва бўхтон тарқатувчи *Драуга* (*дуруз*)нинг бандасидир деб келтирилади⁷¹⁷. Бир сўз билан айтганда, ўзбек тилидаги “ёлғон” ва тожик тилидаги “дуруз” сўзлари асоси бир манбага эга бўлиб, бу эса ушбу тилдаги халқларнинг ягона маданиятга дахлдор эканликларидан дарак беради.

Осмон жисмлари.

Суғдий аҳоли ишлатган қадимий сўзлардан бири *хиур* (вариантлари: *хиувар*, *хоур*) – “куёш” маъносини англатиб, арабий тилда *خورشيد* – *хуршид* шаклида учрайди. “Хуршид” сўзи туркий ва эронийзабон халқларда исм сифатида маълум. Аслида эса “куёш” маъносини ифодалаб ҳам сифат ва ҳам от шаклида келади. Б. Ғариб ушбу сўзни *суп* – “кўтарилмоқ”, “баландламоқ” феъли билан изоҳлашган ҳаракат қилган⁷¹⁸. Муғ тоғи суғдий А-14 хужжатидан ҳам *суп* айна маънони ифодалаб келган⁷¹⁹.

Суғдий *т’у* (*т’х*) – “маҳ” сўзи В-17 рақамли хужжатда *т’у-у-һ* – “ярим ой” маъносини ифодалаб келган⁷²⁰. *т’х* – “маҳ” суғдий тилда ҳам йил “ой”ига (тақвимий атама) ва ҳам “ой”га (осмон жисми) нисбатан ишлатилган. Моний суғдий матнларида эса *т’х* *пиуу* – “янги ой” шаклида учрайди⁷²¹. Суғдий “маҳ” сўзи асосида Моҳинур, Моҳичеҳра, Моҳипар, Моҳира, Моҳларойим ва бошқа бир қатор исмлар шаклланган. “Маҳ” сўзи асосида шаклланган топонимларни ҳам кўриш мумкин. Масалан, Юқори Зарафшон воҳасида Маҳён деган жой номининг ҳозирда ҳам мавжуд эканлиги манбаларда тилга олинади⁷²². Кишилар “ой”ни муқаддаслаштириб унинг шарафига ушбу жойни атаганликлари маълум бўлади. Бу эса ушбу сўзнинг қадим илдизларга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Металл, минирел, тош ва бўёқ.

Таъкидлаш лозимки, қадимги форсий тилдаги ундошларнинг суғдий тилда бундай ўзгаришларга учраши деярли барча ҳолатларда юз берган бўлиб, фақатгина портловчи жарангли ундош товушлар *т* ва *п* бурун товушлари, яъни, суғдий тилдаги *т* унли товушидан сўнг келгандагина ўзларининг асл ҳолатини сақлаб қолганлар.

Бунга қадимги форс тилидаги *asanga* – сўзининг ўзгарган шакли бўлган, “тош” маъносини англатувчи суғдий *snk* [*samg*] сўзини ёхуд қадимги форс тилидаги *zanaka* сўзининг ўзгаришидан ясалган, “тур”, “хил” маъносини англатувчи суғдча *snk* [*samg*] сўзини мисол қилиб кўрсатиш мумкин⁷²³. *snk* – ибораси буддавий матнларда *snk*, моний хужжатларида *sng* ва христиан матнларида *snq* кўринишда, авестода *asənga*, форсча *sang*, хўтанча *samgga*, яғнобийча *sank* шаклларида “тош” маъносини ифодалаб келган.

⁷¹⁷ Авеста: “Видевдог” китоби. Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: ТДШИ, 2007. – Б. 6, 83-84.

⁷¹⁸ Gharib B. Sogdian dictionary. ... – P. 441.

⁷¹⁹ СДГМ II. – С. 78.

⁷²⁰ СДГМ II. – С. 122.

⁷²¹ Фрейман А.А. Новая работа по согдийскому календарю / ВДИ. 1940. – №4 (9). – С. 124-125.

⁷²² Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент. ... – С. 18-20.

⁷²³ Зухра Заршинос. Сўғд тилига умумий бир нигоҳ. ... – Б. 11-12.

Қадимги форс тилидаги *asanga* ва унинг замирида шаклланган *snk* [*sang*] сўзи ҳозирги тожик тилидаги *санг* (“тош”) маъносини ифодалаган. Бугунги ижтимоий ҳаётда ишлатилиб келинаётган ушбу сўз топонимларда (Сангзор – Жиззах яқинидаги сой номи) ва исмларда (Сангимо) сақланиб қолган.

Муғ архивининг В-9 рақамли ҳужжатида (*verso*) келтирилган *yūwth* – *яғутаҳ* сўзи суғдий тилга ўзлашган (кириб келган) ибораларидан ҳисобланади. Юнончада *ιάκινθος* – *якивдас* шаклида, оромийчада *yqwnt'*, *yqwnd* – *яқунта*, *яқунд* кўринишда ўрта форсий тилда *yākand* – *яканд* шаклида кириб келган ушбу ибора арабчада *yāqūt* (“қимматбаҳо тошларнинг умумий номланиши”) тарзида манбаларда келтирилган. Сўзнинг суғдий формаси арабчага яқин ҳолатда биринчи маротаба ушбу ҳужжат матнида *yūwt* – *yāqūt* шаклида келтирилади⁷²⁴. Мазкур сўз ўзбек ва тожик тили луғатида *ёқут* кўринишида сақланиб қолган. Ҳар иккала тилдаги *ёқут* сўзининг манбаи суғдий тилдаги *яғутаҳ* эканлиги шубҳасиздир⁷²⁵.

Бугунги кунда ўзбек ва тожик тилларида сақланиб қолган яна бир ибора Муғ тоғи суғдий Nov. 3. Ҳужжатининг (R) 10 қаторида *zuwr* шаклида бир маротаба келтирилади. Суғдий ҳужжат тадқиқотчиси ушбу сўзни “зеб, безак, зеб-зийнат” деб таржима қилган⁷²⁶. Ушбу ибора буддавий *zyrt(')k*, моний *zyrty*, авесточа *zairita-*, форсча *zard / zerd*, яғоний *zérta* шаклида “сарик” маъносини ифодалайди. Суғдий сўзлар луғатида *zup*, *zurn* шаклида “олтин”, “зар” маъносини ифодалаш учун ишлатилган⁷²⁷. Суғдий моний матнларида эса *zyrty / zirte/* шаклида келиб, “сарик” сўзи маъносидаги сифат кўрсаткичини англатиб келган⁷²⁸. Давр ўтгани сайин фонетек ўзгаришлар натижасида *zyrty* шаклидаги ибора *zyrt* ва *zur* шакллари олан. Юқорида келтирилган барча ҳолларда у “олтин” маъносини ифодалаш учун ишлатилганлигини англаш қийин эмас. Шундай экан, бугунги кунда ўзбек ва тожик тиллари луғатида ишлатиладиган “зар” сўзининг асоси суғдий эканлигини таъкидлаш лозим. “Зар” сўзи асосида бир қанча исмлар ва ижтимоий ҳаётга оид сўзлар ишлатилмоқда. Масалан, *зар*, *зарбанд*, *Зарина*, *Зарнигор*, *зарварақ*, *Зарафшон* (*зар сочувчи*), *заранг*, *заргар*, *зардўз*, *зардоли*, *зардоб*, *заркокил*, *зарпечак*, *заррабин*, *зарчўп*, *зарҳал* ва ҳ.к.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида учрайдиган яна бир қимматбаҳо тош номи *n'krtyunch* – *накртинч* шаклида “кумуш” маъносини ифодалаш учун келтирилади⁷²⁹. Афросиёб саройидаги деворий суратларда Чағониён элчиларидан бирининг (3 чи фигура⁷³⁰) енгига *n'krty* – *накрте* шаклида “кумуш” маъносида келтирилади⁷³¹. Ҳар иккала ҳолда ҳам *накрте* сўзини ёзишдан мақсад қийматнинг асллигини кўрсатиш бўлганлиги кундай равшан.

⁷²⁴ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 187.

⁷²⁵ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 30.

⁷²⁶ СДГМ II. – С. 23.

⁷²⁷ Gharib V. Sogdian Dictionary. ... – P. 470.

⁷²⁸ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 379.

⁷²⁹ СДГМ II. – С. 22.

⁷³⁰ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. ... – С. 21.

⁷³¹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 56.

Маълумки, *драхм* дастлаб оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 4, 0250 гр. атрофидаги кумуш миқдорини англатган. Кейинчалик шу вазндаги кумушдан зарб этилган тангани билдирган⁷³².

Илк ўрта асрларда қиймат эквиваленти сифатида кумуш (*накрте* – *нуқра*) қабул қилинган бўлиб, бу сўз ҳозирда ҳам металл номи ва шахс исми сифатида ўзбек ва тожик луғатларидан жой олган.

Оила ва жамият.

Оила ва жамиятда суғдий тилдан мерос айрим сўзлар ҳозирда ҳам ишлатилмоқда. *Zanaka* сўзи эса форс ва ҳозирги тожик тилида *зан*, *занак*, *занака*, яъни, “аёл” маъносини ифодалаш учун ишлатилган. Давр ва тарихий жараёнлар ўзгариши натижасида ушбу сўзлар товуш алмашинуви ёки ўзгаришлари натижасида асл ўзакдан анча четлашган ҳолда ишлатилиб келинган.

Муғ тоғи архивининг В-4 рақамли (тегирмон шартномаси ҳақида) ҳужжатда *z'tk* (буддавий матнларда *z'tk*, *z't'k*, *z'tu*, *z't*, моний матнларида *z'tu*, яғнобийда *zūta* шаклида) ибораси учраб, бу сўз “ўғил” маъносини ифодалаган. Бундан ташқари ушбу туркум ҳужжатларида “ўғил” сўзи “Кўхна хатлар”дан маълум бўлган *BRY* идеграммаси орқали ифодаланган⁷³³. *z'tk* – “ўғил” тожик ва ўзбек тилидаги “зот”, “зотдор” каби сўзларнинг асосини ташкил етиб келиб, адабиётда кенг қўлланилган. Барча ҳолларда “зот” маъносини ифодалашда суғдий ўтмишдошига яқин ҳолатда талқин этилганлик кўзга ташланади.

Шарқий Туркистондан топилган 763 ва 880 йилларга тааллуқли бўлган, моний диний раҳнамоларига тегишли эпистоляр жанрдаги *n'βn'm'k* /Nāfnāme/ – “Халқлар рўйхати”даги суғдий-моний ҳужжати номининг ўзагини ташкил этган *nāf*, *nāfe* ибораси “халқ”, “оила”, “одамлар” “жамият”, “жамоа” каби маъноларни англатганлиги кўриниб турибди⁷³⁴. Бу ибора форсий тилдаги *ноф* (киндик) маъносига яқин туради. Авесточа шакли *nāfa*, яғнобийча *nōfa*⁷³⁵. Яъни суғдийлар *nāf*, *nāfe* сўзлари орқали “бир жамоадан”, “бир уруғдан”, “жамоадан”, “киндиги бир” каби маъноларни ифодалашга ҳаракат қилган бўлишса ажаб эмас.

Нарса – буюм.

Суғдий тилда жонсиз предметлар баъзан алоҳида сўз таркибида, баъзан эса якка ҳолда учрайди. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолларда суғдий сўзлар турлича талқин этилган. Суғдий ҳужжатда учрайдиган бунга мисол бўладиган ибора *тудр* – *муҳр* сўзи бўлиб, дастлаб *тудру* шаклида шахс исми сифатида талқин этилган⁷³⁶. Қадимги эроний тилда *тудра* сўзи “муҳр” маъносини англатган. А-13 рақамли ҳужжатда эса *тудр* – “муҳр” сўзи “тил”,

⁷³² Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 52.

⁷³³ СДГМ II. – С. 59.

⁷³⁴ Henning W.B. Sogdica. ... – P. 8-11.

⁷³⁵ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 415.

⁷³⁶ СДГМ II. – С. 63.

“лой”, “тупроқ” маъносидаги *yr’u* суғдий сўзи билан бирга ифодаланган. Нисо (Туркменистон)дан топилган ўрта парфиёний тилдаги ҳужжатда *mwdrwrt* шаклида “қуйма муҳр” маъносида келган⁷³⁷. Суғдий буддавий ва христиан матнларида *yr’uk* (“кир”, “гард”) *yruk* (“чанг”, “гард”) маъноларини ифодалаб келган⁷³⁸. Суғдий *yr’u* – *guroy* сўзи ўзбек ва тожик тили лексикасида “лой” шаклида сақланиб келмоқда. Бу сўзнинг асосида эса “гил” сўзи шаклланди. “Гилмоя” сўзининг ўзаги ҳам шу сўз билан тарихан боғлиқ⁷³⁹. Юқорида келтирилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, форсий *gilmuxre* сўзига мос келадиган суғдий ҳужжатларда “гилдан қуйилган муҳр” маъносидаги иборадаги “муҳр” сўзи ўзининг ёзилиши ва айтилиши жиҳатдан ҳам бугунги кундаги ҳолатига яқин. “Муҳр” сўзи бугунги бошқарув тизимида кўп ишлатиладиган сўзлар қаторида, десак муболаға бўлмайди.

Суғдий тилга алоқадор бўлган баъзи баҳсли сўзлар ҳам ушбу масалага оид Масалан “паранжи” сўзи. “Паранжи” кийимининг ҳам айнан қайси маъно англатиши ва унинг тарихи борасида аниқ бир тўхтамга келинмаган. “Паранжи” атамасининг қайси тилдан олинганлиги ва унинг Марказий Осиё халқлари ҳаётига кириб келган даврини аниқлаш муҳим масаладир⁷⁴⁰.

“Паранжи” тўғрисида махсус тадқиқот йўқ. Соҳага оид луғат ва энциклопедияларда мазкур сўзни арабча *فراجه* – *фаражийя*, яъни, “кенг кўйлак” деб келтириб, уни араблар даврида Марказий Осиёда тарқалганлиги таъкидланади ва унга қуйидагича таъриф берилади: – “. ... исломда одатга кирган аёллар ёпинғичининг ўзбеклар ва тожиклар орасида тарқалган тури. Аёлларнинг гавдасини, юз-кўзини яшириб туришга хизмат қилган. “Паранжи” уйдан ташқарида ёпинилган. Паранжининг олд томони тўрсимон чачвон (*чиммат*, тожикча *чаимбанд* – *кўзтўсар*) билан беркитилган”⁷⁴¹.

М. Асомиддинова “паранжи” сўзи арабча, *фаражия*, *фарожат* сўзидан олинган бўлиб, атама арабларда дин аҳллари, уламолар, султонларнинг қимматбаҳо матодан кенг қилиб тикилган устки кийими эканлигини таъкидлаб, Ватанимизда яшовчи уйғурларнинг айрим этник гуруҳлари орасида яқин ўтмишгача *перезе* номи билан юритилган мазкур кийим – эркакларнинг енги узун кийими бўлганлигини келтиради. Олима *паранжи* атамасини туркманлардаги *пўренчек // бўрунчак* – *бурканмоқ* феълига боғлашга ҳаракат қилади ва далил сифатида “Девони луғотит турк” асарида учрайдиган *бўрунди* – *кийди*, *бурканиб олди*, *ёпинди* феълени келтирган. Айни тадқиқотчи этнограф Н.П.Лобачеванинг фикрлари асосида қуйидагиларни келтиради: - “қадимда уст кийим вазифасини ўтаган туркманча *пўренчек* кейинчалик кийимлик вазифасидан чиқа бориб, оддий бир ёпинчоққа

⁷³⁷ Боголюбов М.Н. Ягнобский (новосогдийский) язык. Исследования и материалы. Афтореф. док. дис. – Л.: 1956. – С. 14.

⁷³⁸ Benveniste E. Notes sogdiens dans un texte rehlevi de Turfan // JA. – 1930. – t. 217. – P. 49.

⁷³⁹ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 24.

⁷⁴⁰ “Паранжи” сўзи тўғрисидаги хулосалар проф. М.Исҳоқов ҳаммуаллифлигида нашр этилган мақола (Исҳоқов М., Ғойибов Б. Паранжи нима? (бир кийим тарихидан) / Водийнома. 2019. – №2. – Б. 7-12) асосида шакллантирилди. Шу муносабат билан муаллиф проф. М.Исҳоқовга миннатдорчилик билдиради.

⁷⁴¹ Исмоилов М., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 322; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2003. – Том. 6. – Б. 681.

айланиб, унинг енглари ингичкалашиб, оддий бир безак ҳолатига кирган. Унинг ўмизи (енг ўрни, енг ўтказиладиган ўйма) танага тикилиб, қўлтик қисмидаги қулпаги сақланган ва шу шаклдан паранчи келиб чиққан”⁷⁴².

Бизнингча, “паранжи” сўзининг морфологик таркиби уни арабча ёки уйғурча талқин қилишга имкон бермайди. Зеро, бу сўз икки қисмдан иборат: биринчи қисми *par-* [пар-]. Этимологик жиҳатдан *par-* > *ipari*. Яъни, қадимги эроний, хусусан, қадимги форсий тилда *ipari* – “устидаги”, “бирор нарсанинг устига ишорат” қилувчи олд кўмакчи маъносига эга. Бу кўмакчи биз таҳлил қилаётган “паранжи” сўзида шакллантирувчи компонент вазифасини ўтаган. Сўзнинг иккинчи қисмидаги *-anc* [анж-] ўрта эроний тиллардан бири суғдий тилли ёзма ёдгорликларда икки хил орфографик шаклда: бири, *'unc*, иккинчиси, *unch* шаклида “аёл” маъносида Nov 3, Nov 5, A-5 рақамли хужжатларда учрайди⁷⁴³.

-unc сўзи ёшга нисбатан аёл кишининг вояга етган босқичини кўзда тутади. Турмуш қурган босқичдаги аёл суғдий манбаларда *vathu(h)* [вадух] деб кўрсатилган⁷⁴⁴. Бу сўздаги *-th-* олд қатор тиш оралиғи сирғалувчи товушдир. Бу товуш ҳозирги эроний тилларда *-d-* товушига мос келади. Сўз охиридаги *-h* грамматик аёллик жинсига ишорат қилади⁷⁴⁵.

-unc сўзининг ишлатилиш доираси, фикримизча, кенгрок бўлган. Масалан, чорванинг ёшига нисбатан ҳам ишлатилади. Урғочи қорамолнинг биринчи ёши *бузоқ*, иккинчи ёши *гўнажсин* дейилади⁷⁴⁶. Бу сўздаги ўзак қисми *гўнан-*, яъни, икки ёшли ҳайвон демакдир. Бунга тарихий *-unc* [инж-], аёлликка (ёки урғочиликка) ишорат қилувчи сўз қўшилганда *гўнан-* сўзининг охиридаги *-n-* товуши тушиб қолган. Натижада *гўнажсин* шакли барқарор луғат бирлигига айланган.

Мазкур мулоҳазалардан кейин *паранжи* сўзига қайтиб, бу сўзнинг икки қисмдан иборатлигини кўриш мумкин. Бу эса сўзнинг арабчадан эмас, балки суғдий асосга эга эканлигини кўрсатади. Яъни, “паранжи” аёлларнинг устки кўчалик кийими демакдир. Тарихий, хусусан, археологик манбаларда аёлларнинг паранжи кўринишидаги кийимда тасвирланган намуналари мавжуд. Масалан, Эфталийлар даврига (V-VI асрлар) оид Болаликтепа (Сурхондарё воҳаси) ёдгорлиги деворий суратларида зиёфат манзарасида иштирок этаётган аёлларнинг елкасига ёпилган енгсиз парчабоф матодан тикилган кийим айна биз кўзда тутган паранжининг ўзидир.

Дарвоқе “паранжи” шаклидаги устки кийим билан Европа Македониялик Искандар давридан бошлаб таниш. Бунга қадар Европада ёпинғич кийим учрамайди. Римни вайрон этган варварларга бу каби кийим бегона. Қадим қарвон йўллари кейинчалик Буюк ипак йўли амал қилган даврлардан бошлаб Европада ипак матодан тикилган елкага ёпиб кийиладиган от минган

⁷⁴² Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 49.

⁷⁴³ СДГМ II. – С. 21, 23, 181; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. ... – С. 257; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 44-45; Gharib B. Sogdian Distionary. ... – P. 87.

⁷⁴⁴ СДГМ II. – С. 29; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 45.

⁷⁴⁵ Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. ... – P. 73-79.

⁷⁴⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: ЎМЭ, 2007. Бешинчи жилд. – Б. 460.

холда отнинг сарисини ёпиб турадиган ёпинғич кийим пайдо бўлди. Фикримизча, шу даврдан бошлаб *паранжи* сўзи ҳам Европага таниш бўлган. Бу сўз кейинчалик *fringues* (кийим-кечак, уст-бош)⁷⁴⁷ шаклига кирди. Бироқ, сўзнинг луғавий изоҳи “французларга тегишли” *fringues* сўзига тасодифий ўхшашлиги сабабли асл маъно Европада унутилган.

Демак, тожик ва ўзбек тилларида ҳозиргача мавжуд⁷⁴⁸ бўлган “паранжи” сўзига ўзбек тили изоҳли луғати ва турли бошқа луғатларда берилган изоҳлар этимологик жиҳатдан ўзини окламайди. Чунки бу сўзнинг негизида суғдий асос бор.

Паранжининг аёллар кўчалик устки кийими маъносидаги вазифаси Ўрта Осиёда ислом маданияти доирасида ўзгаришга учраган. Бунга аёлларнинг эркаклар жамиятидан ажратилиши сабаб бўлган. Паранжи аёл кишининг очик юзини кўрсатмаслик шартига биноан елкадан бошга кўтарилиб, аёл юзининг “номахрам” назаридан беркитилишига хизмат қила бошлаган. Шу сабабли “паранжи” деганда бошга ёпиладиган енгсиз кийим тушуниб келинади. Ҳозирда ҳам Ўзбекистондаги баъзи вилоятларда аза маросимларида паранжи кийишади. Лекин бугунги жамиятда аёлларнинг эркинлиги таъминлангани сабабли паранжи асосан тарихий-этнографик реликт (лот. *relictum* – қолдиқ) сифатида музейлардагина қолди.

Феъл.

Суғдий тилда феълларнинг ўзак ясовчи қўшимчалар асосида ясалганлик ҳолатини кўплаб кузатиш мумкин. Бундан ташқари, суғдий тилда олд қўшимчасисиз негизлардан ясалган сўзларда ўтган замон шаклини ясовчи орттирма кўзга ташланмайди. Бунга мисол тариқасида қадимги форсий тилдаги **a-barat* шакли асосида ясалган “у олиб кетди” маъносини билдирувчи *βr'* сўзи қаршисида қадимги форсий **barati* шакли асосида ясалган “у олиб кетади” маъносини билдирувчи *βrtu* сўзини келтириш мумкин. Таъкидлаш лозимки, *barati* сўзининг ўзагидан ташкил топган суғдий *β'r* форсий тилда *бор* – *юк* маъносини ифодалаб келади⁷⁴⁹.

Муғ тоғи NOV. 6 рақамли хужжат матнида *'pškr'k* – “суғорувчи” маъносини ифодалаб келган⁷⁵⁰. Форсча *ābrān* сўзи ушбу иборага маъно жиҳатдан айни мос тушади.

Ижтимоий ҳаётда кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига *xwr*-у – “емок” маъносини билдирувчи (ҳозирги-келаси) иборани мисол қилиш мумкин. Суғдий А-5 хужжатида *γwr'* – “едик”, “истеъмол қилдик” маъноларини ифодалаб келган⁷⁵¹. Бунга мисол сифатида қуйидаги иборани келтириш мумкин: *c'n'w xwrt 'sptk xwrt wn'nt....* “Овқат еб бўлганларидан сўнг....”. Бу ерда “еб бўладилар” маъносини билдирувчи *xwrt wn'nt* сўзи “емок”

⁷⁴⁷ Fransuzcha-O'zbekcha lug'at. Dictionnaire francais-ouzbek. – Тошкент: IFEAC, 2008. – Б. 238.

⁷⁴⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: ЎМЭ, 2007. Учинчи жилд. – Б. 218; Фарҳанги тафсири забони тоҷикӣ (иборат 2 чилд). ЦИЛДИ 2 (О-Я). – Душанбе: Пажӯҳишгоҳи забон ва адабиёти Рӯдакӣ, 2008. – С. 42.

⁷⁴⁹ СДГМ II. – С. 196.

⁷⁵⁰ СДГМ II. – С. 187.

⁷⁵¹ СДГМ II. – С. 182.

маъносини билдирувчи *xwrt*- ўтган замон негизига *wn*- кўмакчи феълнинг учинчи шахс кўплик ҳозирги-келаси замонда тусланган шаклини кўшиш орқали ясалган. Бир сўз билан айтганда тожик тилида *хўр*, *хўрдан* ўзбек тилида *хўранда* каби сўзлар асли суғдий асосга эга эканлиги ноёб фонетик ходисадир.

Шу ўринда таъкидлаш лозим бўлган яна бир масала шуки, қадимги форсий тилдаги кўплаб сўзлар фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда суғдий ҳужжатларда сақланиб қолган. Бу ҳолат Аҳамоний ҳукмронлик давридан мавжуд бўлиб келган хаттотлик анъаналари орқали суғдий ҳужжатларга кириб келган.

Қадимги форсий тилида мавжуд бўлган нафақат от ёки сифат кўрсаткичи маъноларини билдирувчи сўзлар, балки феъллар ҳам фонетик ўзгаришларга учраганлигини кўриш мумкин. Масалан, ҳозирги-келаси замон негизларининг кўпчилиги ўрта давр эроний тилларининг шарқий гуруҳига кирувчи тилларга хос бўлган фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда суғдий тилда сақланиб қолган бўлиб, “қилмоқ”, “амалга оширмақ” маъноларини билдирувчи *kwn* – “кун”, тожик тилида “кардан” ҳозирги-келаси замон негизи бунга мисол бўла олади⁷⁵².

Қуйида ҳозирги-келаси замон феълнинг аниқлик майли негизидан ясалган *kwn* сўзининг тусланишини келтирамиз:

	Бирлик	Кўплик
Биринчи шахс	<i>kwnu</i> (қиламан)	<i>kwnum</i> (қиламиз)
Иккинчи шахс	<i>kwnty</i> (қиласан)	<i>kwnδ'</i> (қиласиз)
Учинчи шахс	<i>kwn 'm</i> (қил)	<i>kwn 'nt</i> (қиласизлар)

Масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, форсий тилдаги сўзлар фонетик жиҳатдан ўзгарган бўлса-да, маъно ва талаффуз жиҳатидан суғдийча ҳолатини сақлаб қолган.

Инсон тана аъзолари.

Суғдий ҳужжатлардаги *sr* (вариантлари: *swr*) – “сар” сўзи ушбу тилда “бош” маъносини ифодалайди. *ZY-βγ ZKwh βγγ prm 'nh prw srw pсγrβ 'n ...* “ва жаноб, мен сенинг (“жанобнинг”) буйруқларингни албатта бажараман (“бўйнимга (бошимга)” оламан)”⁷⁵³. Ҳозир ҳам “бўйинга олмоқ” маъноси “бош”га нисбатан ишлатилади. Шунингдек, “бошга тушганни кўз кўради” иборасида ҳам “бош” деб суғдий *sr* – “сар” кўзда тутилган. “Сар” сўзи ҳам ўзбек ва ҳам тожик тилида бугунги кунда бирдай ишлатиладиган бир қатор сўзларнинг таркибий қисми сифатида учрайди. Масалан, *сарбаланд*, *сарбадор*, *сарба-сар*, *сарҳад*, *сарҳанг*, *сарҳуш*, *сармаст*, *саргардон* ва ҳ.о. Бир неча асрлар ўтган бўлишига қарамай ушбу сўзнинг асл маънога яқин ҳолатда тамомила бошқа тилларда ишлатилиши суғдий тилнинг туркий ва форсий халқлар маданиятига чуқур таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

⁷⁵² Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ. ... – Б. 20.

⁷⁵³ СДГМ II. – С. 182.

Инсон сифатлари.

Муғ тоғи суғдий Nov. 4. R. 3-қаторида *yuşu* = *Qišiq* ибораси учрайди. Ушбу сўз мактуб эгаси Уттегиннинг отаси бўлган “Кишик”нинг исми сифатида келтирилган⁷⁵⁴. Аслида эса ушбу ибора суғдий тилда ҳам сўзма-сўз “қийшиқ”, “эгри”, “букланган” маъноларини ифодалаш учун ишлатилганлиги соҳа мутахассислари томонидан қайд этилган⁷⁵⁵. “Қийшиқ” Уттегин отасининг исми эмас, лақаби бўлган. Мазкур ибора ўзбек ва тожик тилларида кенг ишлатилади. Қизиғи ҳозирда ҳам “қийшиқ” лақаб сифатида кўп учрайди. Бугунги кунда ҳам тилимизда кишиларнинг исmlарига лақаб қўшиш ёки лақаби билан чақириш ҳолатлари учрайди.

Ўз даврида *'wt* ибораси суғдшунос В.А.Лившиц томонидан (*'wt*) “ўт”, “олов”, “оташ” маъносидаги уйғурча сўз деб талқин этилган⁷⁵⁶. Қадимги туркий луғатда эса *öt, öd, ot* сўзлари “фикр” ва “маслаҳат” маъноларини англатиши келтирилади⁷⁵⁷. *'wt* иборасининг “ўт”, “олов”, “оташ” маъноларини ифодалаш бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам қабул қилинган⁷⁵⁸. Лекин мазкур иборани В.А.Лившиц таъкидлаганидек, туркийча эмас, балки, қадимги эронийча *wat* – “тушунмоқ”, “ишонмоқ” сўзларидан шаклланган *'wt* – “умид”, “ишонч” маъносида суғдий исм талқин қилиш тўғридир⁷⁵⁹.

Кундалик эҳтиёж.

Суғдий тилдаги қисқарган негизли сўзлар орасида *-ākā-* билан тугайдиган негизли сўзлар аёл жинсида бўлиб, уларнинг турланиш тизими оғир негизли сўзларнинг турланиш тизимига яқин⁷⁶⁰. Масалан “уй” маъносини билдирувчи *x'n'(k)* [*xānā/ xānāk*] сўзи. Ушбу сўз ҳам ўзбек ва тожик тилидаги кўплаб сўзларнинг негизида сақланиб қолган. Масалан, *ош+хона, сартарош+хона, девон+хона, омбор+хона* ва ҳ. к. Кўриниб турибдики, ушбу сўзларнинг бир қисми суғдий ва форсий асосида ҳамда бир қисми туркий тил асосида шаклланган.

pwstk – *пўстак*, суғдийчада “китоб, хат (мактуб), ҳужжат” маъноларида ишлатилган⁷⁶¹. Бу даврда эса ҳали қоғоз бўлмаганлиги учун ҳужжатлар *териға*, яъни, *пўстға* битилган. Бу сўз ўзбек ва тожик тилларидаги *остға тўшаладиган тери* ёки *ошлаб қуритилган тери* маъноларини англатади.

Бугунги кун ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи аҳоли томонидан энг кўп ишлатиладиган сўзлардан бири суғдий ёзувда *'p* – “об” кўринишда учрайдиган “сув” сўзидир. Ушбу сўз асосида *обгар, оброн, обаки, обдаста, оби-ҳаёт* ва бошқа бир қатор сўзлар шаклланган.

⁷⁵⁴ СДГМ II. – С. 22-25.

⁷⁵⁵ СДГМ II. – С. 26.

⁷⁵⁶ СДГМ II. – С. 133.

⁷⁵⁷ Древнетюркский словарь / Под ред. В.М.Наделяева, Д.М.Насилова, Э.Р.Тенишева, А.М.Щербака. – Л.: Наука, 1969. – С. 372-373.

⁷⁵⁸ Шоёқубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. ... – Б. 82; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. ... – Б. 86.

⁷⁵⁹ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 149.

⁷⁶⁰ Зухра Заршинос. Сўғд тилига умумий бир нигоҳ. ... – Б. 16.

⁷⁶¹ СДГМ II. – С. 57.

Суғдий /γ/ сирғалувчи *g га айланган ундош бўлиб, талаффузда ўзбекча “г” товушига тўғри келади. Баъзида “ғ” ҳарфи жарангдор ҳолатда “к” кўринишда талаффуз этилади. Дарвоқе ушбу γ нутқ товуши ўзбек ва тожик тилида учрайдиган суғдий *maγz* – “мағз” / “мағиз” сўзида ҳам жарангдор товуш сифатида келади. *maγz* – “мағз” / “мағиз” ибораси авесточа *magza* – “мия” маъносини ифодалайди⁷⁶². Ҳар икки ҳолатда маъно “мағз” / “мағиз” сўзини ифодалаш учун ишлатилиши мумкин.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган яна бир суғдий ибора *r'dw* – *rod* бўлиб, “йўл” маъносида келади⁷⁶³. М. Исҳоқовнинг фикрига кўра, суғдий тил олди сирғалувчи товушнинг *h* га айланиши натижасида “роҳ”га айланган⁷⁶⁴. Тожикча “роҳ” сўзи асли суғдийчадир. Ўзбек тилида ишлатиладиган *раҳнамо*, *раҳбар*, *раҳбарият* каби бир қатор сўзларнинг бир қисмини ташкил этган “роҳ” (“рах”) сўзи юқорида тилга олинган суғдий “роҳ” сўзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган бўлиши мумкин.

Суғдий *r'd* – “роҳ” сўзи ҳам суғдий ҳужжатларда “йўл” маъносини ифодалаб келган⁷⁶⁵. Тожик тилида ушбу сўз айна маънода ишлатилса, ўзбек тилида ҳам шу маънода ҳозирда ҳам ишлатилади. Масалан, “раҳнамо” (“йўл бошловчи”), “раҳна” ва ҳ.о. Гап шундаки, маҳаллий халқ олдиндан мавжуд бўлган сўзларни эски номларини сақлаб, уларнинг талаффузини ўзгартирадилар ёки ўз тилларига ўгириб олиб мослаштирганлар. Масалан, Сиёб канали Самарқанд ҳудудидан оқиб чиққан жой “Қорасув” деб келтирилади. Бу эса топонимикада, лексикологияда, тарихда жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммо ҳисобланади.

Атроф муҳит.

Таъкидлаш лозимки, баъзи ҳолларда γ товуши оғир негизли сўзларда учраб келади. Масалан, *ə'* товушидан кейин келиб, “майсазор” маъносини берувчи *mr̥* [*maə'γ*] сўзида шундай ҳолат кузатилади. Суғдий тилдаги оғир негизлар урғу олиши сабабли, бундай негизлар қадимги форсий тилида мавжуд бўлган урғу оладиган турланув (тусланувчи) кўшимчаларнинг кўпчилигини қўлдан берган ва ўта содда бўлган морфологик тизимни вужудга келтирган⁷⁶⁶. “Майсазор” маъносидаги сўз бир қатор топонимларни шакллантирган. Масалан, Марғилон, Маймурғ, Марғиёна ва ҳ.к. Муҳим тарихий жараёнлар тарихи ушбу топонимлар билан боғлиқ бўлиб, бунинг замирида суғдий давлатчилик анъаналарининг мавжудлиги ниҳоятда қизиқ.

Зарафшон гидронимига яқин маънода ишлатилган суғдий топонимлардан бири *Маймурғ* бўлиб, ушбу топоним ўзагини ташкил этган “марғ” – مارغ ёки “мурғ” – مارغ сўзлари айнан “серўт яйлов” маъносини ифодалаш учун ишлатилганини англаш қийин эмас. Араб алифбосида ушбу сўзларни ёзилиши бир хил бўлиб, бу ҳол уларнинг маъносини ўзгариб келишига

⁷⁶² Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык. ... – С. 395.

⁷⁶³ СДГМ II. – С. 47.

⁷⁶⁴ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... – Б. 16.

⁷⁶⁵ СДГМ II. – С. 144.

⁷⁶⁶ Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ. ... – Б. 15.

таъсир этмаган. Бундан ташқари *марғ* сўзи асосида ясалган сўзлар ҳозирда ҳам ишлатилмоқда. Масалан, *Марғ, Марғилон, Марғиёна*. Ҳозирги ўзбек ва тожик тилларида *марғ* ибораси *варғ* кўринишда сақланиб қолган ва “арик боши”, “қулоқ боши” каби маъноларни ифодалайди. Муғ тоғи А-5 хужжатида бу сўз *mrw - марғ, ўтлоқ* маъносини ифодалаб келган.

Саломлашиш.

Ушбу ўринда фонетик ўзгаришга учраган суғдий унвонлар мавжудлигини ҳам кўздан қочирмаслик керак. Масалан, *δrwtp* – друтпат, А–б хужжатида келтирилган бу сўз суғдийчадан таржима қилинганда “бош даволовчи”, “бош табиб” маъносини англатиб, “друтпат” сўзининг бир қисми ўзбек тилидаги “дори, даво” сўзига тўғри келади. Христиан матнларидаги *dwr*’ сўзи ҳам “соғ”, “соғлиқ” маъноларини англатади⁷⁶⁷. Дарвоқе, туркий ва форсий тиллардаги “дурустми” сўзи ана шу суғдий ибора асосида шаклланган ва ҳозирда бу “салом” кўринишда ишлатилади. Суғдий *друта* сўзи соғлиққа боғлиқ ҳолда “салом” шаклини олган. Суғдийлар “салом” бериш учун *друта* сўзини ишлатишган.

Вақт.

Суғдий ер олди-сотди шартномасининг 5 чи қаторида келтирилган *mt, rwc – mūd* ва *roch* сўзларини мисол қилиш мумкин. Бу икки сўз “кун” маъносини англатади. *mt – mūd* сўзи соф суғдий, *rwc – roch* эса умумэроний “рўз” (“кун”) сўзининг суғдийча шаклидир. Бу сўзнинг тақвим атамалари таркибида суғдийча *mt – mūd* сўзи билан бирга бақамти келиши Суғдда вақт ҳисоби тизимининг ғарбий эроний халқлар таъсирида юзага келганлигини кўрсатади⁷⁶⁸. Бугунги кунда ўзбек ва тожик тилларида ишлатиб келинаётган *рўз (кун), рўза, рўзнома (кун хабарлари), рўзгор* ва бошқа бир қатор сўзларнинг суғдий асосга эга эканлиги туркий ҳамда форсий халқларнинг ўз даврида суғдий тилдан кенг фойдаланганликларидан далолат беради.

Исмлар.

Ўзбек ва тожик тилларидаги суғдий сўзларни топиш ва талқин қилишда суғдий манбаларда келтирилган исмларни таҳил этиш ҳам муҳим самара беради. Таъкидлаш ўринлики, дастлаб киши исми сифатида талқин қилинган ва кейинчалик жой номи ёки ижтимоий тармоқнинг бирон жабҳасини ишлатиш учун ишлатиб келинган сўзлардан бири бу *дев* сўзидир. *Дев* сўзи ҳозирги ўзбек ва тожик тилларида *руҳ, жин* каби образларга қиёсан ишлатилади.

Қадимги эроний тилда *daiwa* Суғд ономастикасида “эзгулик илоҳи?” маъносини англатиб, бу сўз суғдий-моний матнларида *δuw’štuuc* шаклида – “дев билан” маъносини англатиб келади. Ҳозирги ўзбек тилида “дев билан”, “деви бор”, “девқомат” (сифатнинг ортирма даражалари) тожик тилида эса бу

⁷⁶⁷ СДГМ II. – С. 185.

⁷⁶⁸ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 24.

сўз “дев асти” тарзида талқин қилинади. Мазкур сўз кейинчалик *Деваитич* (Суғд хукмдори) исми сифатида талқин этилган.

“*Деваитич*” исми маъносини таҳлил қилишда В.Б.Хеннинг келтирган маълумотлар муҳим ҳисобланади⁷⁶⁹. Аз-Забидийнинг “Таж ал-арус” (“Келинлик тожи”) асарида *Деваитич* исмига тўхталиб, уни “Жин билан” деган маънога эга эканлиги тўғрисидаги фикр келтирилади. Бошқа бир манбада эса *Деваитич* – “ҳаракатчан” дегани эканлиги таъкидланади⁷⁷⁰. Бу исм кейинги давр манбаларида ҳам қайд этилган бўлиб, В.А.Лившицнинг келтиришича, IX аср Уструшона амалдорларидан бирининг номи Абу ал-Садж Девдад ибн Девдаст ва унинг набираси ҳам Девдад ибн Мухаммад Афшин деб келтирилган⁷⁷¹. Бундан ташқари, бугунги кунда Девкесган (жой номи), девкор (девдай иш қилувчи, девдай қудратли), Девдаст (тарихий шахс номи, маъноси кўли девникидай), Девдод (тарихий шахс номи, маъноси Девберган) каби иборалар учрайди.

Жўра, Жўрабой, Жўракул каби исмлар ўзбек ва тожик тилида кенг учрайди. Муғ тоғидан топилган Б-8 рақамли суғдий ҳужжатдан аён бўлишича, Панжикентни 693-708 йилларда 11 йил давомида *sk'un cwr βylk'* – Чакин чўр Билга исмли хукмдор бошқарган. Тадқиқотчилар унинг туркий “чўр” унвонига эга хукмдор бўлганини таъкидлайдилар⁷⁷². Чакин чўр Билга исмидаги “чўр” унвони маъносини В.А.Лившиц суғдшунос Н.Симс-Вилиамс фикрларига таянган ҳолда сўзма-сўз изоҳлашга ҳаракат қилиб, *cyr = čēr* – “кучли”, “қўркмас”, “ғалабали” деб талқин этган⁷⁷³. Кейинчалик бу сўзнинг унвон сифатида Турк хоқонлиги бошқарувида қўлланилиши ҳам ушбу фикрнинг асосли эканлигини кўрсатади. Ушбу сўзнинг “кучли”, “қўркмас”, “ғалабали” эканлиги учун ҳам унвон сифатида вужудга келган Чур, Шур сўзларидан кейинчалик Жур, Жўра каби исмларнинг келиб чиққани бежиз эмас. Ушбу сўз ҳам туркий-суғдий билингвизм жараёнининг маҳсулидир.

Таъкидлаш лозимки, суғдий тилдаги исмларнинг асосий қисмини асосан барча эроний тиллардаги мавжуд бўлган умумфорсий сўзлар, шунингдек, эроний тилларнинг шарқий гуруҳига мансуб тилларга хос бўлган сўзлар ташкил этади. Лекин юқоридаги исм таҳлили унинг туркий тиллар билан боғлиқлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбек ва тожик тилларида бирдай тушунарли бўлган яна бир ибора бу суғдий ҳужжатлардаги *'sm'nc = Asmān(i)č* шаклидаги сўз бўлиб, у “осмоний”, “осмонга оид”, “кўкка оид” каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилган⁷⁷⁴. Бу эса “Осмонўпар” сўзининг айни ўзидир. Ҳужжат матнида исм сифатида талқин этилган ушбу суғдий ибора “келбатли”, “узун бўйли” каби маъноларини ифодалаш учун ишлатилганлигини англаш қийин эмас. Суғдий тақвимдаги *asmān* кунда туғилганга ҳам ушбу ном берилган бўлиши

⁷⁶⁹ Henning W.B. *Sogdica*. ... – P. 253-254.

⁷⁷⁰ Лившиц В.А. *Правители Панча (согдийцы и тюрки)*. ... – С. 27-39.

⁷⁷¹ Лившиц В.А. *История изучения Согда*. ... – С. 202.

⁷⁷² Исҳоқов М. *Унутилган подшоликдан хатлар*. ... – Б. 16-17.

⁷⁷³ Лившиц В.А. *Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья*. ... – С. 36.

⁷⁷⁴ Лившиц В.А. *Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья*. ... – С. 56.

мумкин. Ҳозирда ҳам осмон жисмларининг номлари кишиларнинг исмлари сифатида учраши мисолида буни яққол кузатиш мумкин.

Терига ёзилган А-11 рақамли харажатлар рўйхатида келтирилган Шабтак ва Хазанч исмларини бунга мисол қилиш мумкин. М. Исҳоқов хужжат матнидаги *(m?)'ktk* – мактак (?) иборасини *Шабтак*, яъни, шахс исми сифатида талқин этади. *Шабдак* – *Шавде* исми ўзагида “тун” маъноси мавжуд бўлиб, буни лақаб деб ҳисоблайди⁷⁷⁵. *Шабдак* – *Шавде* иборасининг асосини ташкил этган *шаб* тожик тилида “тун”, “кечкурун” маъноларини ифодалайди. Ушбу асосда ўзбек тилидаги “тун” билан боғлиқ. Ҳозирда ҳам *шаб* сўзи билан боғлиқ бир қатор иборалар ўзбек ва тожик тили луғатида ишлатилиб келинмоқда. Масалан, *шаб*, *шабкўр*, *шабнам*, *шабистон*, *Шаббона* (исм) ва ҳ.к.

Шунга ўхшаш яна бир исм *ʋz'n* = *Hazān(i)č* – *Hazānch* / *Hazānich* исмидир. *ʋz'n* – *hazān* ибораси суғдий тилда “куз” фаслини билдирган⁷⁷⁶. -č кўшимчасини кўшиш орқали киши номига айланган. Ҳозирда ҳам йил фасллари билан боғлиқ исмларнинг (*Баҳор* – *Баҳора*) мавжудлиги бунга асос бўлади. Суғдда кузда туғилган кишига нисбатан *Hazānch* исми қўйилган бўлиши табиий. Қолаверса бугунги кунда ушбу сўз асосида бир қатор иборалар ўзбек ва тожик тили луғатини бойитган. Масалан, *хазон*, *хазонмарг* (*жувонмарг*), *хазонрезги*, *хазонрез* ва ҳ.к. Ушбу сўзлар фонетик жиҳатдан фарқ қилса-да, уларнинг манбаси бир бўлиб, табиийки улар суғдий асосга эга.

Ўлчов бирликлари.

Суғдий тил бугунги ижтимоий ҳаётдаги бир қатор сўзларнинг таркибий қисмини ташкил этиб келган. Масалан, Муғ тоғи суғдий В-4 хужжатида (Recto 15) келтирилган *krsw* – *кафч* ибораси ўлчов бирлиги сифатида қайд этилган⁷⁷⁷. Тадқиқотчилар *кафч* 8-10 кг миқдоридаги ўлчов бирлигига тенглигини таъкидлашади. *Кaufch* сўзининг суғдий тилдаги яна бир варианты *капчак*. М. Исҳоқов ушбу сўзни ўзбек ва тожик тилларидаги *кепчик* сўзи билан солиштириштириб, қуйидагиларни келтиради: - “Хусусан, *кепчик* сўзи ўзбек тилида ошланмаган хом теридан ёғоч гардишга тортиб ясалган идишни англатади. ...⁷⁷⁸”. Демак Суғдда ҳам *кафч* ўлчов бирлиги орқали 8-10 киллограмга тенг ҳажмдаги ўлчов идиши тушунилган. *Кaufch* идишга нисбатан ишлатилган.

Суғдий тилдан мерос бир қанча сўзлар бугунги ўзбек ва тожик тиллари лексикасида сақланиб қолган бўлиб, ушбу муаммо алоҳида тадқиқотталаб масала ҳисобланади. Ушбу ўринда фақатгина муаллифнинг баъзи хулосалари баён этилган.

⁷⁷⁵ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Б. 30.

⁷⁷⁶ СДГМ II. – С. 185.

⁷⁷⁷ СДГМ II. – С. 56-57.

⁷⁷⁸ Исҳоқов М. Суғдийна – тарих чорраҳсида. ... – Б. 19.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒДШУНОСЛИК ВА “ЎЗБЕК СУҒДШУНОСЛИК МАКТАБИ”

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам Суғд тарихини тадқиқ этишда муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистонда Э.В.Ртвеладзе, С.К.Кабанов, Р.Х.Сулейманов, Х.Ахунбабев, А.Хўжаев, Ш.Адылов, Ў.Мавлонов, Дж.Ильясов, Л.Баратова, А.Маликов каби олимларнинг Суғд тарихи ва маданиятини тадқиқ этишдаги ишларини алоҳида эътироф этган ҳолда, мазкур фаслда асосан суғдий манбалар асосида тадқиқот олиб борган суғдшунос олимлар ҳамда уларнинг илм соҳасида амалга оширган ишлари тавсифини келтириш мақсад қилиб олинган.

Республикада суғдшунослик илмига тамал тошини қўйган олим М.М.Исҳоқов ҳисобланади. Жаҳон миқёсида тан олинган манбашунос-тарихчи, Марказий Осиё минтақасида биринчи суғдшунос, араб истило-сигача амал қилган қадимий ёзувлар ёдгорликлари палеографияси бўйича ноёб мутахассис, Ўзбекистонда илмий авесташуносликнинг ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келаётган олим, филология фанлари номзоди, тарих фанлари доктори Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович академик Яҳё Гуломов тавсияси ва маслаҳати билан 1966 йилда Ленинградга (Санкт-Петербург) аспирантурага юборилган. Машҳур шарқшунос Владимир Аронович Лившиц раҳбарлигида суғдшунослик бўйича аспирантурани тугатиб, 1972 йилда Москвада “Глагольная система в согдийском языке” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1970-1978 йилларда ЎзР ФА археология институтида илмий ходим, катта илмий ходим вазифаларида ишлаб, фаол дала археологияси тажрибасини орттирган. 1978-1981 йилларда Тошкент давлат маданият институтида доцент, 1981-1988 йилларда ЎзР ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида катта илмий ходим, сўнг бўлим мудири бўлган.

1986-1992 йилларда Марказий Осиёнинг араб истилосига қадар қадимий ёзувлари ва ёзув маданияти тарихи йўналишида изланишлар олиб бориб, тарихий манбашуносликнинг янги саҳифасини очди. 1992 йилда шу йўналиш бўйича “Палеографическое исследование согдийских письменных памятников Центральной Азии до исламского периода” мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган.

1998 йил 26 июнь куни Республикада Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашувда тарих фани олдига қўйган вазифалар асосида ўша йили 27 июль куни қабул қилинган Вазирлар маҳкамасининг “ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” Қарори муносабати билан М.Исҳоқов ЎзР ФА Тарих институти директори лавозимига тайинланган. Шу лавозимда 2000 йил июлига қадар ишлаб, институт фаолиятининг тубдан янгиланиши, таркибий тузилмаларнинг қайта ташкил этилиши, тарих тадқиқотлари концептуал

асосларининг объективлик ва ҳаққонийлик томон бурилиши даврини бошлаб берган.

1998-2012 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси мудири лавозимида ишлади. Ҳозирда шу кафедранинг етакчи устозларидан бири, кафедра профессори лавозимида ишлаб келмоқда. М.Исҳоқов кафедранинг ўқув режасидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистрлик 5А 120304 – “Тарихий манбашунослик, тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси” магистратура мутахассислиги ўқув фанларининг оптимал тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда бошчилик қилиб келмоқда.

Мирсодиқ Исҳоқовнинг илмий фаолияти серқирра ва Марказий Осиё қадимий даврлар тарихи манбашунослигида алоҳида ўринга эга. 1977 йилда нашр этилган “Суғд тилида феъл тизими” номли монографияси қадимий суғд халқининг бугунги кунда унутилган тилида ёзилган ёзма ёдгорликлар асосида яратилган биринчи аналитик грамматик тадқиқот деб тан олинган. Бу асар Ўзбекистонда Суғд тарихи манбашунослиги учун реал имкониятлар очиб берди.

1989 йилда нашр этилган “Ўлмас обидалар” номли жамоавий монографиянинг “Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари” номли монографик қисми суғдий ёзувнинг палеографик хусусиятларини, унинг хат усулларини, ёдгорликларда амал қилган дастхат турларини чуқур таҳлил қилган ҳолда тарихимиз манбашунослиги учун янги тадқиқотлар майдони яратилишига хизмат қилди.

2000 йилда чоп этилган “Қадимги ёзма ёдгорликлар” номли монографияда М.Исҳоқов бир қатор суғдий ёзма ёдгорликларнинг ўзбек тилига таржималарини илмий изоҳлар билан нашр этиб, илмий жамоатчиликни ва кенг китобхонлар оммасини суғдий тилда етиб келган ноёб фалсафий-ахлоқий мерос билан таништирди.

2012-2014 йилларда чоп этилган “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси”нинг биринчи ва иккинчи томларида “Авеста” ва “Суғд ёзма ёдгорликлари” қисмларининг нашрга тайёрловчи муаллифи ҳам М.Исҳоқовдир.

М.Исҳоқов 2003 йилдан буён бир неча давлат илмий грант лойиҳаларининг ғолиби сифатида илмий гуруҳларга раҳбарлик қилиб келади. 2003-2007 йиллардаги “Марказий Осиё қадимий ёзувлари ёдгорликлари манбашунослиги” номли лойиҳа натижаларидан бири унинг 2008 йилда чоп этилган “Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье» номли монографияси бўлди. Бу китобда ўлкамизда парфёний, хоразмий, суғдий, бохтарий, туркий ёзувларнинг шаклланиш, тараққиёт йўллари, уларнинг график жиҳатдан такомиллашув босқичлари, турли ёдгорликлардаги палеографик хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. Тошкент Давлат шарқшунослик институти Туркология

кафедраси билан ҳамкорликда “Мангу битиклар” номли жамоавий монографияда суғд-турк қадимий муносабатларига доир материаллар билан қатнашди.

М.Исҳоқов 2003-2017 йиллар давомида 4 босқич давлат фундаментал тадқиқотлари лойиҳаларига раҳбарлик қилди. Булар асосида илк ўрта асрлар Марказий Осиё ва Суғд тарихига доир бир қатор монографик тадқиқотлар юзага келди. Сўнгги даврда 2015-2017 йилларга мўлжалланган илмий-амалий давлат гранти лойиҳаси доирасида М.Исҳоқов масъул муҳаррирлиги остида “Қадимги туркий халқларнинг ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарчилик маданияти” мавзуси билан боғлиқ “Қадимги туркийларда деҳқончилик ва боғдорчилик” (“Земледелие и садоводство у древних тюрков”), “Қадимги туркий халқларда кончилик ва темирчилик хунармандчилиги” монографиясининг 1- ва 2- китоблари (Ш.Камолиддин), “Хитой манбаларида қадимги туркий шаҳарлар ҳақида маълумотлар” номли монография (А.Хўжаев), “Қадимги туркий халқларнинг ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарчилик маданияти” номли хрестоматия (Тузувчилар М.Исҳоқов, И.Худойназаров), “Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда деҳқончилик ва шаҳарчилик турмуш тарзига оид маълумотлар” (М.Исҳоқов, Қ.Содиқов) каби китоблар нашр этилди ва нашрга тайёрланди.

М.Исҳоқов кўплаб Республика ва халқаро илмий анжуманларда (Берлин, Истамбул, Сеул, Ланжоу, Кёнгжу, Алмати, Туркистон, Душанбе, Самарқанд, Тошкент, Хива, Бухоро, Термез, Шахрисабз, Қарши ва б.) суғдшуносликка оид маърузалари билан иштирок этган.

М.Исҳоқовнинг Республика олий таълим муассасалари, жумладан, Самарқанд, Гулистон, Андижон, Урганч давлат университетлари, Тошкент дипломатия ва иктисодиёт университети, Ажиниёз номидаги Қорақалпоғистон педагогика институти, Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон давлат ва жамият бошқаруви академияси каби Олий ва махсус ўқув юртларидаги суғдшуносликка доир туркум маърузалари, маҳорат дарслари (мастер класслари) кизгин қабул қилиб келинмоқда.

Мирсодиқ Исҳоқов суғдшуносликка оид илмий билимларнинг моҳир тарғиботчиси сифатида ҳам кенг танилган. Унинг Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали кўплаб чиқишлари, телемулоқотлардаги иштироки, интервьюлари, “Академсоат”, “Тарихий савол” ва “Мозийга саёҳат” каби лойиҳалар асосида телевизион дарслари ҳамда чиқишлари халқимиз орасида кенг эътироф этиб келинади.

Мирсодиқ Исҳоқов суғдшуносликка оид илмий мактаб яратган олимдир. Бу соҳа учун олий даражадаги кадрлар етиштиришда фаол хизмат қилиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 4 нафар фан докторлари (А.Отахўжаев, А.Аширов, Ғ.Бобоёров, Б.Ғойибов), 7 нафар фан номзодлари (А.Отахўжаев,

Ў.Мансуров, М.Эшмуродов, К.Пардаев, Ш.Шоёқубов, Б.Ғойибов, Х.Файзиев) ва бир нафар тарих бўйича фалсафа доктори (PhD – Р.Ўразова) малакали кадрлар етишиб чиққан.

Ўзбекистонда Суғд тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганиш ва илмий жамоатчиликка кенг тарғиб этишда проф. Ш.Камолиддиннинг ҳам хизматлари катта.

Камолиддин Шамсиддин Сирожиддин ўғли – тарих фанлари доктори, профессор.

1955 йилда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. 1980 йилда Тошкент давлат университетининг шарқ факультетини тамомлаган.

1980 – 1996 йилларда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида илмий ходим, 2002 – 2005 йилларда ЎзР ФА Тарих институтида илмий грант раҳбари бўлиб ишлаган. 2002 – 2006 йилларда Ўзбекистон миллий университетида, 2006 – 2007 йилларда Тошкент давлат педагогика университетида, 2007 – 2019 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтида профессор лавозимида дарс берган. 2019 йилдан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислари институтида профессор лавозимида дарс беради. Араб, инглиз ва рус тилларида дарс бериш тажрибасига эга. 10 та ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари нашр этган. Унинг илмий раҳбарлиги остида 20 дан ортиқ магистр ва 2 та фан номзоди тайёрланган.

1988 йилда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида тарих фанининг манбашунослик йўналиши бўйича номзодлик диссертацияси, 1993 йилда эса умумий тарих йўналиши бўйича докторлик диссертациясини ёклаган.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида 40 дан ортиқ илмий монографиялар ва 400 га яқин мақолалар муаллифи. Айрим мақолалари турк, форс, хитой, венгер ва туркман тилларига таржима қилинган. 10 дан ортиқ илмий тўпламларга масъул муҳаррирлик қилган.

Ш.С.Камолиддин 1999 йилда шайх Абд ал-Азиз ал-Баптин (Қувайт)нинг ислом тарихи тадақиқотлари соҳасидаги “Имом ал-Бухорий авлодларига” номли халқаро мукофотига сазовор бўлган.

2010 йилдан “The Islamic Manuscript Association” халқаро илмий уюшмаси (Кембриж университети, Буюк Британия), 2012 йилдан эса “The International Society of the Arabic Papyrology (Лейден университети, Голландия) халқаро илмий уюшмасининг аъзоси.

2012 йилдан “Moziydan sado” журнали, 2016 йилдан “Vodiynoma” журнали, 2019 йилдан “The Journal of Islamic Research” (Анкара, Туркия) журналининг таҳририят аъзоси.

Ш.С.Камолиддин араб, форс ва турк тилларидаги манбалар асосида Марказий Осиё илк ўрта асрлар тарихи ва тарихий географияси билан шуғулланади. Унинг бир қатор ишлари Суғд тарихи ва тарихий географияси билан боғлиқ. Хусусан, унинг докторлик диссертацияси “Тўхористон ва Жанубий Суғд тарихий географиясига”га бағишланган. Олим Абу Бакр Наршахий “Бухоро тарихи”нинг рус тилига илмий изоҳли таржимасини

амалга оширган. Бундан ташқари, у Самарқанд, Бухоро, Нахшаб ва Кеш шаҳарларининг тарихи, тарихий топографияси, топонимияси, нумизматикаси ва меъморий ёдгорликлари, шунингдек, Суғд ҳукмдорлари – Ғурак ва Турғар ҳақидаги мақолалар муаллифидир.

Ш.Қамолитдин қарийб беш йилдан бери ўзбекистонлик тилшунос ва тарихчиларнинг суғдшунослик соҳасидаги илмий изланишларини жамлаган ҳолда “*Суғдий тўплам. Суғд тарихи ва маданияти тарихи бўйича Ўзбекистонда амалга оширилган янги тадқиқотлар*” рукни остида йиллик нашрлар эълон қилиб боради. Мазкур тўплам Суғд тарихи ва маданиятини кенг илм аҳлига етказишда муҳим самара бермоқда.

Суғдшуносликка оид муҳим тадқиқотлар олиб бораётган “Ўзбек суғдшунослик мактаби” вакили, тарих фанлари доктори, ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, “Қадимги ва ўрта асрлар тарихи” бўлими бошлиғи Атаходжаев Азимхўжа Музаффаровичдир.

А.Атаходжаев 1962 йилда Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида туғилган. 1979 йилда 29-ўрта мактабни тугатган. 1981-1985 йилда Тошкент давлат маданият институтида таҳсил олиб, имтиёзли диплом билан битирган. 1990-1992 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти аспирантурасида ўқиган. 1999 йилда “Суғд тилида олмош туркуми” мавзусида фан номзоди ишини ҳимоя қилган. 2000-2002 йилларда ЎзР ФА Тарих институти докторантурасида ўқиган. 2011 йилда “Илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларда турк-суғд муносабатлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Илмий фаолиятини олим 1993-1998 йилларда – ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти кичик илмий ходими сифатида бошлаган. 1998 йилдан ўз фаолиятини ЎзР ФА Тарих институти сектори мудири сифатида давом эттирган. 2003-2012 йилда ЎзР ФА Тарих институтининг етакчи илмий ходими ва 2012 йилдан ҳозиргача – ЎзР ФА Тарих институтининг аввалига “Ўрта асрлар тарихи” бўлимига, сўнгра “Қадимги ва ўрта асрлар тарихи” бўлимига раҳбарлик қилган. 150 га яқин илмий ишлар муаллифи.

А.Атаходжаев томонидан суғдшуносликка оид бир қатор ишлар эълон қилинган. Жумладан, 1995 йилда “Суғд ёзма ёдгорликларида олмош туркуми” (Тошкент, 1995. – 32 б.) рисоласи; 2000 йилда А.Қаюмов, М.М.Исҳоқов ва Қ.Содиқов билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Қадимги ёзма ёдгорликлар” (Тошкент: Ёзувчи, 2000) монографияси; 2010 йилда “Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари” (Тошкент: ART FLEX, 2010) монографиясига муаллифлик қилган.

А.Атаходжаев Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия, Туркия, Корея Республикаларида бўлиб ўтган илмий анжуманларда ўз маърузалари ва мақолалари билан қатнашган.

А.Атаходжаев докторлик диссертацияси натижалари асосида нашр этилган “Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд

муносабатлари” номли монографиясида турк-суғд муносабатларини чуқур ўрганиб, унинг Марказий Осиё цивилизациясидаги ўрнини кўрсатиб берган ва шу аснода Суғднинг илк ўрта асрлар даврини чуқур таҳлил қилган. Мазкур тадқиқот илк ўрта асрлар Суғд тарихини ўрганишда муҳим илмий адабиёт сифатида кенг эътироф этилган ва соҳага оид кейинги тадқиқотлар учун манба вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистонда Суғд тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим, турколог, суғдшунос ва тилшунос тарих фанлари доктори, профессор Бобоёров Ғайбулла Боллиевичдир.

Ғ.Б.Бобоёров 1973 йил 12 декабрда Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Хардури қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топган. 1991 – 1996 йилларда Қарши давлат университетида таҳсил олиб, ўқишни имтиёзли диплом билан битирган. 1996 йилдан ЎзР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсилни давом эттирган. 2004 йилда тарих фанлари номзоди ва 2012 йилларда тарих фанлари доктори диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2014 – 2016 йилларда Халқаро Туркий Академия (Қозоғистон)да грант аъзоси сифатида тадқиқотлар олиб бориб, суғдшуносликнинг дунё бўйлаб ривожланишида улкан ҳисса қўшганлигини эътироф этиш лозим. Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори ва грант лойиҳаси раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, олим ЎзР ФА Миллий археология маркази “Фанлараро тадқиқотлар” бўлими бошлиғи сифатида соҳага оид тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Ғ.Бобоёров томонидан 250 дан ортиқ илмий ишлари хориж ва Ўзбекистонда нашр этилган. Илмий хизматли туфайли 2006 йили “O‘zbekiston belgisi” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ғ.Бобоёров ишларида асосан суғдий ҳужжатлар билан бирга нумизматик манбалар лингвистик ва палеографик жиҳатдан тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотчининг изланишлари Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тизими масаласига қаратилган бўлиб, Суғднинг хоқонлик тасарруфидаги ҳолати ҳам тадқиқотчи томонидан анчайин ўрганилган. Жумладан, Ғ.Бобоёровнинг суғдий ёзувли қадимги турк тангаларини тадқиқ этиш жараёнида Суғд конфедерацияси, шу жумладан, Панч ҳукмдорлигида зарб қилинган тангалардаги унвонлар ва тамға шакллариغا эътибор қаратганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, мазкур тадқиқотчи Чоч воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлигига оид тангаларда ўрин олган тамғалар билан Панч тангаларидаги тамғаларнинг ўхшаш жиҳатлари борлигига, бунинг замирида эса Панч ҳукмдорлиги бошқарувчи сулоласининг туркийларга бориб тақалиши ётишини илгари сурган. Олимнинг Суғд нумизматикасига доир тадқиқотлар нафақат Ўзбекистонда балки халқаро эътироф этилган.

Ғ.Бобоёровнинг Суғд нумизматикаси ва сиёсий тарихига оид “Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate” (Ankara: TİKA, 2007), “Монета с титулами Тудун” (Нумизматика

Центральной Азии. Ташкент, 2004), “Sogd under Turkish Rule during 6th - 7th centuries (on Sogdian and Turkish symbiosis)” (Ērān ud Anērān. Studies Presented to V.I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday. Venezia, 2006), “Афросиёб деворий расмлари” (Moziydan sado. Тошкент, 2007. № 3 (35)), “Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тизимига доир” (Шарқшунослик. Тошкент, 2008), “Ғарбий Турк хоқонлигининг вассаллар бошқарувида доир” (Шарқшунослик. Тошкент, 2010. №15), “Ғарбий Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқарувида қўллаган усул ва воситалари масаласига доир” (O‘zbekiston tarixi, Тошкент: 2011. №4) каби монография ва мақолалари суғдшунослик соҳасида қўлга киритилган муҳим илмий натижалар ҳисобланади.

Ғ.Бобоёров томонидан 2012-2014 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси”нинг иккинчи жилд биринчи китобидаги “Хитой манбалари”, “Бактрий тилли ҳужжатлар”, “Суғд тилидаги манбалар” нашр этилди. Натижада илк ўрта асрлар Суғд тарихининг бирламчи манбалари ўзбек тилида китобхонга тақдим этилди. Мазкур тадқиқот суғдшуносликка оид кўплаб тадқиқотларнинг вужудга келишига туртки бўлди.

Соҳанинг баъзи жиҳатлари Ў.Мансуров изланишларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, тадқиқотчининг ишлари Суғд тарихига дахлдор манбалар тадқиқига бағишланган. Тадқиқотчи Ш.Шоёқубов ҳам ўз ишларига суғдий манбаларни кенг жалб этган ҳолда илк ўрта асрлар Суғд тарихининг ижтимоий-сиёсий масалаларига эътибор қаратган. Б.Мамараҳимова (Бобоқулова) эса Суғд, шу жумладан, Панч ҳукмдорлигининг маҳкамачилик иш юритиш тарзи масалаларини махсус тадқиқ қилмоқда. Олиманинг ишларида Суғднинг хўжалик тарихини ўрганиш устивор вазифа қилиб белгиланган. Турколог, суғдшунос А.Кубатин асосан Турк хоқонлиги даврига оид унвонларни ўрганиш асносида илк ўрта асрлар Суғддаги бошқарув тизими масалаларига ўз эътиборини қаратган.

Бугунги кунда М.Насритдинова, Ҳ.Қўшбақов, Н.Хўжанов, Э.Сатторов, А.Унгалов каби тадқиқотчилар ҳам Суғд тарихи ва маданияти борасида устозлар анъанасини муносиб равишда давом эттиришмоқда.

Хуллас, М.Исҳоқов раҳбарлигида тамал тоши қўйилган “Ўзбек суғдшунослик мактаби” соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, проф. М.Исҳоқовнинг шогирдлари А.Атаходжаев, Ғ.Бобоёров, Б.Ғойибов, А.Кубатин каби олимлар устоз-шогирд анъанасини давом эттирган ҳолда суғдшуносликнинг турли йўналишларида жаҳон миқёсидаги тадқиқотларни олиб боришмоқда ва уларнинг ишлари эътироф этилмоқда. Ушбу олимлар илмий ишларининг натижалари эса ўзбек давлатчилиги тарихи, тарихий-география, манбашунослик, атамашунослик тадқиқотлари учун амалий тажриба вазифасини ўтаб, ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишда муҳим самаралар бераётганлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, соҳага оид тадқиқотлар арабшунослик, туркшунослик, хитойшунослик ва бошқа бир қанча йўналишларда тадқиқотлар олиб боришда муҳим илмий аҳамият касб этиб,

мазкур соҳаларга оид тадқиқотларнинг тўлиши ва кучайишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Суғд тарихига доир суғдий ёзма ёдгорликлар асосида Суғднинг тарихий-географик тадқиқи; Суғддаги танга зарби, савдо иқтисодий муносабатлар тарихи; Суғд маъмурий бирликлари тарихи; тангалардаги ёзувлар палеографияси, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари асосида илк ўрта асрлар Суғд хўжалик тарихи; ёзма ёдгорликлар асосида Суғднинг диний-ахлоқий, фалсафий, маънавий ҳаёти тарихи каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб давом этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, суғдшуносликнинг кейинги тараққиёти учун кадрлар тайёрлаш масаласида хорижий ҳамкорлик ва фанлараро алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса, филологик билимлар зарурлигини ҳисобга олиш лозим. Бу ўз навбатида Ўзбекистон ва хориж суғдшуносларининг тарих ва филологик йўналишларида ҳамкорлигини талаб қилишини таъкидлаб хулоса қилиш мумкин.

ХУЛОСА

Мавзуга доир манбаларда Суғднинг конфедератив асосда бошқарилганлигига доир ишоралар кўзга ташланади. Айниқса, хитой йилномаларида келтирилган Самарқанддаги сулоланинг етакчи бўлганлиги ва унинг тўққизга бўлинганлиги, нумизматик материаллар асосида Суғддаги ҳар бир хукмдорликнинг ўз танга зарбига эгаллиги ҳамда Муғ тоғи суғдий хужжатларида келтирилган ташқи душманга қарши биргаликда иттифоқ тузиш, араб ва форс манбаларида келтирилган Суғд чегараларининг доимий равишда ўзгариб туриши каби мисоллар Суғд тарихий-маданий ўлкаси конфедератив асосда бошқарилганлигини тасдиқлайди.

Суғд милоддан аввалги II аср ўрталарида Юнон-Бактрия подшолари даврида мустақилликка эришиш учун ҳаракат бошлаб, милоднинг I асрларидан мустақил танга зарб қилишга эришган бир неча кичик хукмдорликлардан иборат Суғд номи остида муайян бир сиёсий уюшма – конфедерация шаклидаги тузилма кўринишига кела бошлаган. Мазкур конфедерациянинг бош мақсади қариндошлик муносабатлари асосида минтақадаги сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш бўлганлиги унинг кейинги фаолияти давомида янада ойдинлашади. Айни мана шу тинчликнинг сақланиши минтақада шаҳарсозлик, санъат ва маданиятнинг Суғд хукмдорлари раҳнамолигида ривож топишига асос бўлиб хизмат қилган.

Суғд конфедерацияси суғдий этнос яшаган ҳудудларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва улар муносабатларининг зарурияти билан ўлчанади. Масалан, мил. авв. III – II- асрларда бошлаб санскрит ва ҳинд европа тиллари ўзининг флектив хусусиятларини сақлаган ҳолда эроний тиллар аналитик тил доирасига ўтиб кетди. Айни мана шу давр Суғд конфедерацияси учун муайян замин яратди. Чунки Суғд конфедерациясининг ўзига хос табиий ҳудудий чегараланиш хусусияти уларни тил ва этник умумийлик асосида бирлашувини зарурат қилди.

Давлат ёки қабилаларнинг муайян ягона масалани муҳокама этиш учун йиғилишлари ва шу асосда бирлашишлари конфедерациянинг шаклланишига туртки бўлган омиллардан ҳисобланади. Конфедератив бошқарувда марказ (пойтахт) битта шаҳар бўлиб, унга бирлашган иттифоқдош ҳудудлар (маъмурий бирликлар)нинг ҳар бири ўз номидан танга-пул зарб қилиши, ҳокимият рамзларига эга бўлиши ҳамда душман хуружи даврида марказга ўз қўшини билан ёрдам бериши ва маънавий тadbирларни биргаликда бажариш шарти ҳам бўлган. Бундан ташқари, тил, дин ва этник мансублик жихатидан ҳам умумийлик муҳим аҳамият касб этган. Бу конфедератив бошқарувнинг бош мезонлари бўлиб, Суғд ўзининг бошқарув тизими, маъмурий бўлиниши, хукмдорлар шажараси, ҳокимият рамзлари мавжуд бўлган конфедератив давлат кўринишига тўла мос келади.

Суғд конфедерациясининг маъмурий-сиёсий тузилиши унинг табиий-географик жойлашуви билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, воҳадаги ҳар бир кичик ҳукмдорлик ўзи жойлашган ҳудуд – дарё ҳавзаси, тоғ ёки қирлар орқали бири-иккинчисидан ажралиб туриши омилидан келиб чиққан ҳолда ўзининг маъмурий-сиёсий яхлитлигига эга бўлган. Масалан, Қашқадарёнинг юқори ҳавзасидаги Кешнинг маъмурий-сиёсий ҳолати, худди шу дарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзасидаги аҳоли масканларини ўз ичига олган Нахшаб ҳукмдорлигидан алоҳида шаклланиб, ҳар иккала ҳукмдорликни улар орасидаги қирлар ва даштлар ажратиб турган. Ўз навбатида, мазкур иккала ҳукмдорлик шимолдан Кушония, Самарқанд ва Маймурғдан тоғлар ҳамда кенг даштликлар орқали ажралган. Самарқанд, Кушония, Иштихон, Кабудон, Панч, Маймурғ ҳам гарчи Кеш ва Нахшаб каби кенг даштлар орқали бўлма-са-да, нисбатан торроқ дашт ва қирлар орқали маъмурий-сиёсий жиҳатдан бир-бирларидан алоҳида бўлишган. Бир сўз билан айтганда, конфедерациянинг шаклланиши ва маъмурий бўлинишида географик омиллар муҳим аҳамият касб этган.

Суғд конфедерацияси ҳукмдорликлари Қанғ давлати таркибида ҳам ўз ўрнига эга эди. Хитой йилномаларида келтирилган Суғд ҳукмдорликлари Қанғ давлати кучайган даврда унга қўшиб олингани ва улар ўзларининг давлатчилик анъаналарига эга бўлганликлари мазмунидаги маълумот ушбу фикрни тасдиқлайди. Бундан ташқари, йилномаларда Суғд ҳукмдорининг Қанғуй хонадони вакили деб келтирилиши, Қанғ давлати таркибидаги бошқа ҳудудларга нисбатан Суғднинг мавқеи баланд бўлганлигидан далолат беради. Айни ана шу мавқедан фойдаланган ҳолда Суғд ҳукмдорлари ўз атрофларидаги катта-кичик ҳукмдорликларни бирлаштира бошлаганлар ва Қанғ давлати парчалангач, бу жараён янада жадаллашган. Чунки Қанғ давлати конфедератив асосдаги давлат бўлиб, уни ягона марказдан бошқариш анчайин қийинчиликлар туғдирар эди. Бу эса давлатни конфедерацияларга бўлиб бошқаришни қулай эканлигини намоён этар ва Қанғдаги конфедератив бошқарув модели Суғдда давом этди. Уларда конфедерацияга бирлашишда этнослар доминантлиги фарқ қиларди.

Хуллас, ўзбек халқи ва унга қўшни бўлган бошқа халқлар ўзларининг давлатчилик тарихини ўрганишга интилаётган бугунги кунда илк ўрта асрларда Суғдда яратилган маданият Марказий Осиё халқларига бирдай тегишли эканлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, илк ўрта асрларда Суғд Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳам маданий жиҳатдан тараққий этган минтақаси ҳисобланиб, бу ҳар бир ҳукмдорликнинг ўз номидан танга зарб қилганлиги, айни даврда минтақада бир қанча шаҳарларнинг вужудга келганлиги ва ривожланганлиги, давлат бошқаруви, маҳкама ва девон ишларининг йўлга қўйилганлиги каби мисоллар асосида ўз тасдиғини топади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

Манбалар

Авеста: “Видевдот” китоби. Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: ТДШИ, 2007. – Б. 6, 83-84.

Ал-Балазури, Ахмад ибн Йахйа ибн Джабир. Завоевание Хорасана. Извлечения из книги “Китоб футух ал-Булдон” / Перевод извлечений С. Волина в кн. Туркмены. – Ашгабад: 1950. – Т. I. – 126 с.

Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. – Том I. – 1950. – С. 178.

Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л.: Изд. АН СССР. – Том II. – 1950. – 380 с.

История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – 439 с.

Ибн ал-Асир. Ал Камил фи-т-тарих (“Польный свод истории”). Избранные отрывки / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камалиддина. – Ташкент-Цюрих: 2005. – С. 20-31.

Ибн-Хаукал Абул-Касим. Китаб ал-Масалик вал-Мемалик / перевод с арабского языка С. Волина. МИТТ. Кн 1. – Л.: 1939. – С. 25.

Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннахр. / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи. Ш. Камалиддин. – Тошкент: ЎМЭ, 2011. – Б. 27-30, 49-51.

Крачковский И.Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии / Избранное сочинения. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1957. – Том. I. – С. 185-186.

Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избр. соч. – Т. IV. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1957. – С. 148.

Материалы по истории туркмен и Туркмении / перевод Е.А. Разумовский. – М.-Л.: 1939. – Т. I. – С. 86-143.

Махмуд ал-Кашгари. Дўвāн Лугāt ат-Турк / перевод, предисловие и комментарии З.А.М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 852.

Мухаммад Наршахи. История Бухары / перевод с персидского Н. Лыкошинь. – Ташкент: 1897. – С. 15-17.

Нажмиддин ан-Насафий. Самарқандия / Арабчадан Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси. – Тошкент: ЎМЭ, 2001. – Б. 127.

Наршахий Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А. Расулев таржимаси // Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 88-174.

Насафи. Кандия Малая / Перевод В.Л. Вяткина (справочная книга Самаркандской области). – Самарканд: 1906. – Вып. 8.

Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – М.: Наука, 1963. – С. 61-91.

Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – 389 с.

Согдийские документы с горы Муг. Вып. I / Чтение, перевод и коммен. А.А. Фреймана. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. – М.: ИВЛ, 1962. – 90 с.

Согдийские документы с горы Муг. Вып. II / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М.: ИВЛ, 1962. – 222 с.

Согдийские документы с горы Муг. Вып. III / Хозяйственные документы / Чтение перевод и комментарии М.Н. Боголюбова и О.И. Смирновой. – М.: ИВЛ, 1962. – 131 с.

Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань Цзяна (фрагменты из ленинградского рукописного собрания Института Востоковедения АН СССР). – М.: Наука, 1991. – С. 15-27.

Хордадбех Ибн. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик (Книга путей и стран) / перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Наили Велихановой. – Баку: Элм, 1986. – 428 с.

Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача III-VIII вв. *Catalogue of coins of Chach III-VIII A.D.* – Ташкент: Фан, 2006.

Ўзбекистон тарихи. (Хрестоматия). 2-жилд. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 22-100.

Худуд ул-олам (Мовароуннахр тавсифи) / Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонullo Бўриев. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б. 13-28.

Bibliotheca geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum..... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1967. – P. 316.

Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. – СПб.: 1903. – Вып. 6. – P. 229.

Hudud al-Alam. The regions of the world. A Persian geography. 372 a.n. – 982 a.d. / Translated and explained by V. Minorsky. – London: 1970. – 482 p.

Монография, брошюра ва тўпламлар

Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: 1982. – Б. 116.

Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – 160 с.

Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 4-6.

Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – Б. 27, 29, 30, 31, 32.

Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 382.

Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 49.

Аржанцева И.А. Новые хозяева Азии / Материалы международной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения С.П. Толстова. – Нукус: 2007. – С. 104-105.

Атаходжаев А. К вопросу взаимоотношений тюрков и согдийцев в раннем средневековье // “Марказий Осиё халқлари тарихи манбашуноси ва

тарихшунослиги масалалари” мавзуидаги Республика 5-илмий конференциясининг материаллари. 2-қисм. – Тошкент: ТДШИ, 2013. – Б. 86.

Ахунбабаев Х.Г. Древний Кабудонжакет (к вопросу локализации, генезиса этапов развития раннефеодальных владений и средневековых рустаков Самаркандского Согда) // Археология Средней Азии. Тезисы докладов. – Ташкент: 1990. – С. 26-27.

Аюбов А.Р. Топонимы Уструшаны: истоки их происхождения и значения. – СПб.: 2009. – С. 32-48.

Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий мадания таракқиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 216-220.

Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI-VIII вв. н.э.). – Ташкент: Изд. Нац. библиотеки Узбекистана им. Алишера Навои, 2007. – С. 14-30.

Бабаяров Г., Кубатин А. К новому чтению и интерпретации легенд на некоторых доисламских монетах Самаркандского Согда // Тарих тафаккури. “Баркамол авлод” йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами / Масъул муҳаррир ва тузувчи: Ш.Х. Воҳидов. – Бухоро: 2010. – Б. 26-29.

Бабаяров Г., Кубатин А. Доисламские монеты Согда: новые чтения и интерпретации легенд // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида. ЎзР ФА Археология институтида 2012 йил 6-7 апрельда ўтказилган ёш олимлар Республика конференцияси материаллари. – Самарқанд: 2012. – С. 11-23.

Бабаяров Г., Кубатин А. Заметки к происхождению некоторых титулов Караханидского каганата и их параллели в титулатуре Западно-тюркского каганата / История и культура Центральной Азии. History and Culture Central Asia. – Токуо: 2012. – С. 6-8.

Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о монетах Согда с титулом “хатун” // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. V тўплам. 2-қисм. – Тошкент: ТДШИ, 2013. – Б. 106-107.

Бабаяров Г., Кубатин А. Очерки по истории нумизматике Западно-Тюркского кагантана. Часть I. LAR LAMBERT Academic Publishing, 2014. – С. 111.

Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу об употреблении титула *MR'Y* в Средней Азии (по нумизматическим данным) / Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Выпуск 2. Редактор Ш. Камалиддин. LAR LAMBERT Academic Publishing, 2015. – С. 89-92.

Байпаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья. – Алма-Ата: 1986. – С. 29-31.

Байпаков К. Города округа Кенджида-Кендже / Цивилизации и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы международной конференции. Самарканд 7-8 сентября 2009 г. – Самарканд-Ташкент: 2010. – С. 5-15.

Баратова Л. Тюркский каганат и его взаимоотношения с владениями Среднеазиатского Двуречья / Очерки по истории государственности Узбекистана. – Ташкент: Шарқ, 2001. – С. 43.

Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских надчеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // Культурное наследие Средней Азии. – Ташкент: 2002. – С. 24.

Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. – М.: ИВЛ, 1963. – Том I. – С. 169-443.

Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья / Соч. – М.: Наука, 1963. Т. II (1). – С. 104.

Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. I. – С. 144.

Бартольд В.В. Арабское завоевание и Туркестан при Саманидах / Соч. – М.: Наука, 1963. – Т. II (1). – С. 142.

Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. – М.: Наука, 1964. – Т. II (2). – С. 380-388.

Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч. – М.: Наука, 1965. – Т. III. – С. 97-236.

Бартольд В.В. Работы по исторической географии и истории Ирана / Соч. VII. – М.: Наука, 1971. – С. 221-222.

Барфилд Т. Дж. Опасная граница. Кочевые империи и Китай (221 г. до н.э. – 1757 г. н. э.) / перевод с английского Д.В. Рухлядева, В.Б. Кузнецова. – СПб.: 2009. – С. 111.

Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда (по материалам Пенджикентских храмов) // Живопись древнего Пенджикента. – М.: 1954. – С. 25-83.

Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. – М.: Искусство, 1973. – 65 с.

Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: 1973. – С. 149.

Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии / Культура Востока. Древность и раннее средневековье. – Л.: Аврора, 1979. – С. 215-221.

Бердимуратов А., Мантеллини С., Матбабаев Б. Кафиркала - загородная резиденция Самаркандских правителей / Самарканд шахрининг умумбашарий маданий тараккиёт тарихида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарканд: Фан, 2007. – С. 73-77.

Бобоёров Г. Монета с титулами “Тудун” // Нумизматика Центральной Азии. – Ташкент: 2004. – Вып. VII. – С. 40-43.

Бобоёров Г. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Тошкент: Yangi nashr, 2010. – Б. 27.

Бобоёров Г. Тун ябғу-хоқон. Тошкент: Abu Matbuot Konsalt, 2011. – Б. 15.

Бобоёров Г. Турк хоқонлиги ташқи сиёсатида никоҳ муносабатларининг ўрни // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2011. – Б. 46-54.

Бобоёров Г., Ғойибов Б. Илк ўрта асрлар Суғд бошқарувидаги элтебар, тудун ва тархон унвонлари хусусида // Марказий Осиё халқлари тарихи

манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари. 5. 2-қисм. – Тошкент: ТДШИ, 2013. – Б. 67-78.

Буряков Ю.Ф. К вопросу о связях Согда и Индии в древности и раннем средневековье // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент: 2000. – С. 161-162.

Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга. 1. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 280.

Гойибов Б. Из истории арабских завоеваний в Согде: к биографии Деваштича сына Йодахшитака // III Международная научная конференция «Вопросы исторической науки». г. Москва январь. 2015 г., – Москва: Буки-Веди, 2015. – С. 51-54.

Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию (604-704). – Душанбе: Дониш, 1989. – С. 25-47.

Дандамаев М.А. Политическая история ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985. – С. 31.

Дашков С.Б. Цари царей – Сасаниды. Иран III-VIII вв. в легендах, исторических хрониках и современных исследованиях. – М.: 2008. – С. 148.

Девонакулов А. Асрори номҳои кишвар. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 143-151.

Дьяконов М.М. Росписи Пянджикента и живопись Средней Азии / Живопись древнего Пянджикента. – М.: Искусство, 1954. – С. 83-159.

Захидов П. Государство Кангуй. – Ташкент: 2009. – 63 с.

Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 269-273.

Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 81.

Зуев Ю.А. Китайские известия о Суябе // Изв. АН Казахской ССР. – Алма-Ата, 1960. – Вып. 3 (14). – С. 19.

Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Титулатура доисламских правителей Чача. – Ташкент: ТашГИВ, 2007. – 87 с.

Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2008. – 453 с.

Исҳоқов М.М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва таракқиёти масалалари / Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 3-143.

Исҳоқов М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 11.

Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 26.

Исҳоқов М.М. Суғдшуносликнинг айрим масалалари // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. – Тошкент: ТДШИ, 2009. – Б. 4-13.

Исҳоқов М. Суғдиёнада “ихшид” ва “ихрид” унвонлари ҳақида / Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши: 2011. – Б. 64-65.

Ильясов Дж.Я. Об этнической принадлежности правителей Пенджикента // Нумизматика Центральной Азии. – Ташкент: 2004. – Вып. VIII. – С. 58-59.

Ильясов Д. О происхождении тамги Самаркандских правителей // Самарканд шахрининг умумбашарий маданий таракқиёт тарихида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарканд: Фан, 2007. – Б. 146-149.

Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисябзком оазисе. Известия АН УзССР. 1951. – №6. – С. 62.

Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). – Ташкент: Фан, 1977. – С. 6.

Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 72-79.

Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-Ансаб” Абу Саъда Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 77-89.

Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 422 с.

Камалиддинов Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шарк, 2006. – 187 с.

Камалиддин Ш.С. Последний ихшид Согда Тургар в письменных источниках // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. 4. – Тошкент: ТДШИ, 2012. – Б. 103.

Карнейро Р.Л. Теория происхождения государства // Раннее государство, его альтернативы и аналоги. – Волгоград, 2006. – С. 55-71.

Каримова О.А., Гаффоров З.М. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 35.

Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С. 64.

Кобзева О.П. Роль Великого шелкового пути в формировании этнического разнообразия Зарафшанской долины / Самарқанд шахрининг умумбашарий маданият тараққиёт тарихида туган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 164-165.

Крадин Н.Н. Империя Хунну. – М.: Логос, 2001. – С. 232-233.

Кубатин А.В. Система титулов в Тюркском каганате. Генезис и преемственность. – Ташкент: Yangi nashr, 2016. – С. 77.

Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – М.: Наука, 1997. – С. 107.

Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Наука, 1961. – С. 42.

Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба // Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии. – Л.: 1965. – С. 17-23.

Лившиц В.А. Правители Согда и “цари хуннов” в китайских династических историях // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. IX годовичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР (аннотации и краткие сообщения). – М.: 1973. – С. 25-27.

Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 347-541.

Лившиц В.А. Согдийские документы из замка Чильхужра // Scripta Gregoriana. Сборник в честь семидесятилетия академика Г.М. Бонграда-Левина. – М.: 2003. – С. 77-89.

Лившиц В.А. Согдийские и бактрийские настенные надписи на городище Афрасиаб / Royal Nauruz in Samarkand Proceedings of the Conference Held in Venice on the Pre-Islamic Paintings at Afrasiab. – Pisa-Roma: 2006. – P. 62.

Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I, III) // ППВ. – М.: 2008. – № 1 (8). – С. 173-176.

Лившиц В.А. История изучение Согда / Рахмат-наме. Сборник статей к 70-летию Рахмата Рахимовича Рахимова. – СПб.: Кунсткамера, 2008.

Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – 408 с.

Лурье П.Б. Счастливый правитель Чекин Чўр Билгä // Центральная Азия от Ахеманидов до Темуридов. Археология, история, культура. Материалы международной научной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения Александра Марковича Беленицкого. – СПб.: 2005.

Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII вв. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 15.

Лурье П.Б. Согдийские документы из раскопок раннесредневекового Мартшката // Индоевропейское языкознание и классическая филология – XVI. Материалы чтений, посвященных памяти профессора Иосифа Моисеевича Тронского. г. Санкт-Петербург, 18-20 июня 2012 г. – СПб.: Наука, 2012. – С. 433-461.

Мавлонов Ў. Шуллуктепа // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2005. 10-жилд. – Б. 127.

Мавланов У. Самарқанд в системе древних путей Среднеазиатского междуречья // Самарқанд шахрининг умумбашарий мадания таракқиётида тутган ўрни. Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. – С. 102-103.

Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. – Новосибирск: 1989. – С. 77.

Мамарахимова Б.И. Дворцовое хозяйство и управление хозяйственными отношениями в Согде (по данным документов с горы Муг) / Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры в Узбекистане. Выпуск 2. Редактор Ш. Камалиддин. LAMBERT Academic Publishig. 2015. – С. 33-46.

Мартынов А.И. Вопросы истории и археологии Сибирского средневековья // Этнокультурные процессы в Южной Сибири и Центральной Азии в I-II тысячелетиях н.э. – Кемерово: 1994. – С. 8-9.

Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес. – Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. – М.: Наука, 1967. – С. 172-175

Матбобоев Б. Кадимги Фарғона давлати (Давань) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: 2001. – Б. 29.

Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент: Тафаккур, 2009. – С. 55.

Морозова Л.А. Теория государства и права. – М.: Изд. Эксмо, 2009. – С. 74.

Мусакаева А.А. Туранские монеты III-VIII вв. – Ташкент: 2013.

Насритдинова М. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерацияси ижтимоий-сиёсий ҳаётида Кабудон ва Фай хукмдорликларининг ўрни // Ёш шарқшуносларнинг Академик Убайдулла Каримов номидаги XI илмий-амалий конференция тезислари. – Тошкент: 2014. – Б. 83-86.

Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1988. – 291 б.

Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Усрушаны с древнейших времен до X в н.э. // МИА. – М., 1953. – №37.

Отахўжаев А. Суғд конфедерациясида Кешнинг ўрни // Шахрисабз шахрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 40.

Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – 219 б.

Пардаев М. IX-X асрларда Жиззах – ғозийлар шаҳри // Тарих ва кадриятлар. – Тошкент: 2015. – Б. 33-38.

Пардаев М., Ғофуров Ж. Уструшонанинг илк ўрта аср кишлок маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида). – Тошкент: ILMIY – TEXNIKA AXBOROTI – PRESS NASHRIYOTI, 216. – Б. 143-163.

Пигулевская Н.В. Византия и Иран на рубеже VI и VII веков. – М.-Л.: 1961.

Пигулевская Н. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV-VI вв. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1951. – 339 с.

Пугаченкова Г.А. Древности Мианкаля. – Ташкент: Фан, 1989.

Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. – Л.: Наука, 1980. – С. 65-110.

Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 201.

Рахимов Н.Т. Согдийская колонизация: история изучения и новые данные / НОМАИ ДОНИШГОҲ. УЧЕННЫЕ ЗАПИСКИ. SCIENTIFIC NOTES. 2016. №2 (47). – С. 32.

Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и права. – Ташкент: Адолат, 2000. – С. 56.

Ртвеладзе Э.В. Цивилизация, государство, культуры Центральной Азии. – Ташкент: 2005. – 286 с.

Ртвеладзе Э. История и нумизматика Чача (вторая половина III - середина VIII в. н.э.). – Ташкент: 2006.

Сагдуллаев А. ва б. ... Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: 2000. – Б. 31.

Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 66-67.

Сагдуллаев А., Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдосотиқ тизими. – Тошкент: Akadimiya, 2012. – Б. 7.

Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Тошкент: 1999. – Б. 16-17.

Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Основы государства и права. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 16-17.

Семенов Г.Л. Согдийская фортификация V-VIII веков. – СПб: 1996. – 220 с.

Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зарафшана // МИА. – М.: 1950. – №15. – С. 54-66.

Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики верхнего Зарафшана // МИА. 1953. – №15. – С. 56-61

Смирнова О.И. К истории Самаркандского договора 712 г. (Договор арабского полководца Кутайбы с царем Согда Гуреком, заключенный в 712 г.) // КСИВАН. – 1960. – Вып. XXXVIII. – С. 140.

Смирнова О.И. О титуловании согдийских правителей. – М: ИВЛ, 1962. – С. 393-398.

Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – 288 с.

Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – 342 с.

Хидояттов Г.А. Основы дипломатии. – Ташкент: УМЭД, 2002. – С. 89.

Хилал ас-Саби. Установления и обычаи двора халифов (Русум дар ал-халифа) / перевод с арабского, предисловие и примечания И.Б. Михайловой // Памятники письменности Востока. LXVII. – М.: Наука, 1983. – С. 90.

Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде // Цивилизация и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. 2009 г. 7-8 сентябр. – Самарканд: 2009. – С. 142-144.

Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 39 б.

Чигуевский Л.И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана / СНВ. X. – Москва: Наука, 1971. – С. 150.

Шишкина Г.В., Сулейманов Р.Х., Кошеленко Г.А. Согд // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. – М: 1985. – С. 173-292.

Шоёқубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2008. – Б. 45.

Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 50-63.

Эрназарова Т., Кочнев Б. Тангалар ўтмиш даракчилари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 9.

Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқарув тарихи. – Тошкент: 2012. – Б. 147-148.

Юй Т. Сведения о ранней Согдиане в официальных историях HAN, WEI, JIN Южной и Северной династии / Согдийский сборник. Выпуск 4. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане // Ред. Ш. Камалиддин. – Lambert Academic Publishing: LAP, 2017. – С. 41.

Юй Т. Эфталиты и Согдиана / Согдийский сборник. Выпуск 4. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане // Ред. Ш. Камалиддин. – Lambert Academic Publishing: 2017. – С. 31.

Якубов Ю. Паргар в VII-VIII веках нашей эры. – Душанбе: Дониш, 1979. – 216 с.

Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни (илк ўрта асрлар). – Тошкент: Наврўз, 2012. – Б. 119.

Ғойибов Б. Деваштич. – Тошкент: Наврўз, 2013. – С. 14.

Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Файнинг ўрни хусусида // Ziyonet ресурс маркази сайти. [http:// library.ziyonet.uz/uz/book/10690](http://library.ziyonet.uz/uz/book/10690)

Ғойибов Б. “Кушон” атамаси ва унинг моҳияти хусусида // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзуидаги Республика илмий конференцияси. Андижон ш. 2015 йил 24 апрель. – Андижон, 2015. – Б. 56-58.

Ғойибов Б. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. // Монография. – Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT, 2015. – Б. 30-42.

Ғойибов Б.С. Суғдда элчилик муносабатларининг баъзи хусусиятларига доир /“Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил” мавзуидаги профессор Розия Мукминова номидаги Республика тарихчилар

илмий-амалий конференцияси материалларида чоп этилган – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2016. – Б. 30-42

Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкен: 1985. – Б. 17.

Anshuman Pandey. Revised proposal to encode the Sogdian script in Unicode. 2017. – 105 p.

Vaissiere de la É. Histoire des marchands sogdiens. – Paris: College de France, 2002. – 409 p.

Vaissière de la É. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies = Handbuch der Orientalistik. Section eight, Central Asia; v. 10). Brill. – Leiden-Boston: 2005. – P. 120.

Vaissière de la É. Samarcande et Samarra. Elites d'Asie centrale dans l'empire Abbaside. – Paris: 2007. – P. 23-107.

Frye R.N. The history of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge: 1954. n. 28. – 178 p.

Gibb H.A.R. The Arab conquests in Central Asia. – London: 1923.

Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford, 1954. – I –X, 2-ed. – Oxford, 1961.

Goyibov B. From the history of relations between Sogd and India / South and Central Asia: insights and commentaries // Edited by A. Sengupta, M. Rakhimov // – New Delhi: KW Publishers Pvt Ltd, 2015. – P. 75-95.

G'oyibov B. "Ishtixon" toponimi va uning mohiyati xususida // Tarixshunoslik va manbashunoslikning dolzarb muammolari. Ilmiy maqolalar to'plami. I qism. – Samarqand, 2015. – Б. 52-56.

Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. Transition Periods Iranian History. Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgeu, Studia Iranica. (22-25 mai 1985). – Cahier-Leuvan: 1987. – vol. 5. – P. 101-122.

Grenet F. Les "Huns" dans les documents Sogdiens du mont Mugh (aves un Appendice par N. Sims-Williams) // Stir. Études Irano-Aryennes offertes á Gilbert Lazard. – Paris: 1989. – Tom 7. – P. 165-184.

Grenet F. Regional interaction in Central Asia and Northwest India in the Kidarite and Hephthalite period / Proceedings of the British Academy CXVI. – London: 2002. – P. 209-214.

Gershevich I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford: 1954.

Gershevich I. The Avestan hymn to Mitra. – Cambridge: 1959. – P. 21.

Hayashi T. Sogdian Influence Seen on Turkic Stone Statues Focusing on the Fingers Representation // Ērān und Anērān. Studies Presented to B.I. Maršak on the Occasion of His 70th Birthday. – Venezia: 2006. – P. 245-259.

Harmatta J. Byzantinoturcica // Madyar tudományok Akademia. Acta antiquae Academiae scientiarum Hungaricae. – Budapest, 1962. – t. 10. – P. 131-150.

Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // Prolegomena to the History of Preislamic Central Asia. – Budapest, 1979.

Henning W.B. Sogdica. – London: James G. Forlang Fund, 1940. – vol. XXI. – P. 8-11.

Kafesoglu I. Turk Milli kulturu. – Istanbul: 1993. – S. 94.

Kurat A.H. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'i zebti (higri 93-94-miladi 712) / Ankara Universitesi Dil va Tarih – Gografiya dergisi. – 1948. Cilt VI. – № 4. – S. 387-430.

Marquart J. Die Chronologie der altturkischen Inschriften. – Leipzig: 1898. – P. 59-72.

Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901. – P. 74.

Mori M. Soğdluların Orta Asya'daki Faaliyetleri. TTK, Belleten, Ocak. – Ankara: 1983. – S. 339-351.

Ôsawa T. Aspect of the Relationship Between the Ancient Turks and the Sogdians – Based on a Stone Statue with a Sogdian Inscription in Xinjiang // *Ērān und Unērān*. – Venezia: 2006. – P. 471-504.

Prods Oktor Skjærvø. An Introduction To Manichean Sogdian. Berlin, 2007. – 121 p.

Raham Asha. A Compendious Sogdian Dictionary. Paris, 2020. – 314 p.

Rapin Cl., Isamidinov M., Khasanov M. La tombe d'une princesse nomade a Koktepe pres de Samarkand // *Akademie des inscriptions et belles lettres. Comptes vendues de seances*. – Paris: 2001. – P. 35-98.

Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien – und Zentralasien // *Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum*. – Stuttgart: 2002. – P. 389.

Sims-Williams N. The Sogdian Inscriptions of the Upper Indus // *Antiquities of North Pakistan / Reports and Studies*. Ed. K. Yettmar. – Mainz, 1989. – P. 40.

Sims-Williams N. The Sogdian Merchants in China and India. Cina e Iran. Da Alessandro Mango alla Dinastia Tang, a cura di Alfredo Cadonna e Lionello Lanciotti. – Firenze: 1996. – P. 25-32.

Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. *Corpus Inscriptionum Iranicarum*, 2.3.1. – Oxford: 2000. – P. 74-98.

Sims-Williams N. The Sogdian inscriptions of Kultobe: text, translation and linguistic commentary // *Труды Центрального Музея*. – Алматы: 2009. – Т: 2. – С. 153-171.

Shaban M.A. Khurasan at the Time of Arab Conquest // *Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky*. – Edinburg: 1971. – P. 482-483.

Shaked Sh. Le satrape de Bactriane et son gouverneur. Documents arameens du IV e s. avant notre ere provenant de Bactriane (Persika 4). – Paris: De Boccard, 2004. – 62 p.

Taşığıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 88.

Trembley Xavier. Pour une histoire de la Serinde (Le manicheisme parmi les peuples et relegions d'Asie Centrale d'apres les sources primaires). WIEN: DER ÖSTERREICHISCHEN AKADEMIE DER WISSENSCHAFTEN, 2001. – 337 p.

Togan Z.V. Umumî Türk tarihi'ne giriş. Cilt I. / En eski devirlerden 16. asra kadar. 3 Baski. – Istanbul: Enderun Kitabevi. Aksiseda matbaasi, 1981.

Tomashek W. Central Asiatische Studien I. Sogdiana // *SPAW*. —Wien, 1877. – vol. LXXXVIII. – 187 p.

Yoshida Y. In search of traces of Sogdians “Phoenicians of the Silk Road” // *Berlin-Brandenburgische Akademie der Wissenschaften. Berichte und Abhandlungen*. Bd 9. – Berlin: 2002. – P. 185-200.

Yoshida Y. Some reflections about the origin of *čamūk* // *Papers on the pre-islamic documents and other materials unearthed from Central Asia*. Ed. T. Moriyasu. – Kyoto: 2004. – P. 131-132.

Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. S. 263-264. – S. 185, 263-264, 305.

Журнал мақолалари

Абдуҳолиқ Абдурасул ўғли. “Юэжи” атамаси ҳақида // О‘zbekiston tarixi. – 1999. – №4. – Б. 9-16.

Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К. Новые материалы к изучению рустака Фай // ИМКУ. – Самарканд: 1996. – Вып. 27. – С. 128-149.

Адилов Ш.Т. Из политической истории Западного Согда (в свете проблемы «тирании Аброя» и тюрко-сасанидского конфликта) // ИМКУ. – 2012. – Вып. 37. – С. 102-113.

Бобоёров Ғ. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими // О‘zbekiston tarixi. – 2000. – №4. – Б. 71-79.

Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги даврида Суғд // Шарқшунослик. – 2002. – № 11. – Б. 119-129.

Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тизимига доир // Sharqshunoslik. – 2008. – № 13.

Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг ўз вассалларини бошқарувида қўллаган усул ва воситалари масаласига доир // О‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2011. – №4. – Б. 3-15.

Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин А. Илк ўрта аср Самарканд тангаларида “Турон” топоними / Ўзбекистон археологияси. 2015. – №2 (11). – Б. 17-23.

Ғойибов Б. Согдийская конфедерация: формирование и особенности // Отан тарихи. Ғылыми журнал. – Алматы, 2015. – №3. (71). – С. 51.

Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / СИНО илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий журнал. 2010. 37-38-39-40 сонлари. – Б. 7.

Исомиддинов М. О дате основания Самарканда // ОНУ. – 1997, №5. – С. 62-67.

Исхаков М.М. Преемственность в истории древних тюрских систем письменности (согдийского-тюркские контакты) // О‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. – №4. – С. 46-57.

Исҳоқов М., Ғойибов Б. Паранжи нима? (бир кийим тарихидан) / Водийнома. 2019. – №2. – Б. 7-12

Кабанов С.К. Кешские монеты V-VI вв. // ВДИ. – 1961. – № 1. – С. 137-142.

Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв. // ВДИ. 1961. – №. 1 (75). – С. 137.

Камалиддинов Ш.С. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // ОНУ. – 2003. – №3. – С. 15.

Камалиддинов Ш.С., Мухаммедов У.З. Новые данные по истории Средней Азии в эпоху арабских завоеваний // ОНУ. – 1997. – №3-4. – С. 91-95.

Кляшторный С.Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. – М.: Наука, 1971. – Вып. X. – С. 127-146.

Крадин Н.Н. Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток. – М.: 2001. – № 3. – С. 21-32.

Крачковская В.А. Эволюция куфического письма в Средней Азии / ЭВ. –М: Изд. АН СССР, 1949. – Вып: 3. – С. 4-5.

Кубатин А.В. Древнетюркские термины в согдийских документах горы Муг / Урало-алтайские исследования. Научный журнал. – Москва, – №3 (14), 2014. – С. 12-23.

Лившиц В.А., Луконин В. Среднеперсидская и согдийская надписи на серебряных сосудах // ВДИ. – 1964. – №3. – С. 169-171.

Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. К открытию бухарского локального варианта согдийской письменности // ВДИ, 1954. – №1. – С. 152.

Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (Док. А-14 с горы Муг) // СЭ. – 1960. – № 2. – С. 34-51.

Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки) // НАА. – М.: Наука, 1979. – № 4. – С. 57-69.

Лившиц В.А. Согдийские надписи из храма I в Пенджикенте // НАА. – М., 1982. – №5. – С. 131-141.

Лившиц В.А. Древнее название Сыр-Дарьи // ВДИ. – М.: 2003 – №I. – С. 3-10.

Мусакаева М. Монеты Гиркода // ИМКУ. 2004. – №34. – С. 76-88.

Отахўжаев А. Ғарбий Суғднинг суғориш тармоқлари билан боғлиқ атамалар хусусида // O'zbekiston tarixi. – 2005. – №3. – Б. 3-7.

Отахўжаев А. Жанубий Суғдда Нахшаб шаҳри ва вилоятининг тутган ўрни ва аҳамияти / O'zbekiston tarixi. 2006. – №2-3. – Б. 17.

Смирнова О.И. Нумизматические заметки // ЭВ. – 1967. – Вып. XVIII. – С. 36-39.

Смирнова О.И. Места домусульманских культов в Средней Азии (по материалам топонимики) // СНВ. – М.: Наука, 1971. – Вып. X. – С. 90.

Ставиский Б.Я. О северных границах Кушанского государства // ВДИ. – 1961. – № 1. – С. 112.

Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi, 2004. – №1. – Б. 52-61.

Ғойибов Б. Тарихий бир атаманинг ишлатилишига доир айрим мулоҳазалар / Ўзбекистон археологияси. 2013. – №8. – Б. 53-58.

Ғойибов Б. Суғд конфедерациясининг тарихий-маъмурий бўлиниши хусусида айрим мулоҳазалар // Илмий хабарнома. Научный вестник. – Андижон, 2014. – №1. – Б. 59-60.

Ғойибов Б. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясининг айрим хусусиятларига доир // Шарқшунослик, 2014. – №2. – Б. 68-77.

Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Иштихоннинг ўрни хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2014. – №3. – Б. 35-39.

Ғойибов Б. Суғднинг Кушония ҳукмдорлиги тарихига доир // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2014. – №1. – Б. 49-52.

Allot de la Fuye. Monnaies incertaines de la Sogdiane et des contrees voisines. Revue Numismatique. – Paris: 1910; 1925; 1926. – P. 40.

Benveniste E. Notes sogdiens dans un texte rehlévi de Turfan // JA. – 1930. – t. 217. – P. 49.

Beckwith C.I. Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam // АЕМАе. – Wiesbaden: 1984. – Tom IV. – P. 36-38.

Enoki K. On the nationality of the Ephtalites // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko. – 1959. – № 18. – P. 34-40.

Frye R.N. Tarxun – Turxun and Central Asian History // Harvard Journal of Asiatic Studies. – Cambridge, 1951. – vol. XIV. – P. 105-129.

Frye R.N. The role of Abu Muslim in the “Abbasid Revolt” // The Muslim World. – Hartford: 1951. – vol. XXXVII. – P. 42.

Frye R.N. Jamuk, sogdian peal? // JOAS, 1952. – P. 105-106.

Grenet F., Vaissiere de la E. The last days of Pandjikent // Silk Road Art and Archaeology. 8. Journal of the Institute of Silk Road Studies. – Kamakura, 2002. – P. 155-196.

Gayibov B. Sogdian Confederation: The Kingdoms Position and Peculiarity // The international journal of Humanities & Social Studies. Vol. 4. Issue 6. June. – India: 2016. – P. 88-94.

Gayibov B. About to the Question of the Main Origin of Sogdian Rulers // International journal of Humanities & Social Science Studies. Volume-III, Issue-I. July. – Karimganj-Assam, India: 2016. – P. 235-242.

Goyibov B. Soğd merkezi yönetimi ve onun Köktürk kağanlığına bağlılık şartları // Gazi Türkiyat. – Ankara, 2013. – №13. – S. 81-90.

G'oyibov B. Sug'd konfederasiyasining Kabudon hukmdorligi tarixiga doir // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник. – Samarqand, 2015. – №2 (90) – Б. 26-29.

Gayibov B. About Confederative Administration Ruling of Sogd // International Journal of Central Asian Studies. South Korea. Volume 20. 2016. – P. 167-179.

Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – vol. 12. – P. 176.

Humbach H. Die Soghdischen inschriftenfunde vom oberen Indus (Pakistan) // Allgemeine und vergleichende Archaologie – Beitrage. Bd 2. – Munchen: 1980. – P. 201-228.

Kljaštornyj S.G., Livšic V.A. The Sogdian inscription of Bugut reviced // AOASH. – Budapesht: 1972. – Tom XXVI (1). – P. 69-102.

Lurje P.B. The element – *kath / kand* in the place names of Transoxiana // ST. 32, fascicule 2, 2003. – P. 185-212.

Ôsawa T. Batı Göktürk Kağanlığın'daki Aşınaslı Bir Kağan'ın Şeceresine ait bir kaynak // TÜRKLER. – Ankara: 2002. – Cilt 2. – S. 79-88.

Skaff K.J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // Turks, 2. – Ankara: 2002. – S. 364-372.

Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys. – 2006. – № 1. – P. 95-111.

Yoshida Y. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related Problems // JA. 2003. – Tome 291. 1-2. – P. 35-67.

Энциклопедия ва луғатлар

Древнетюркский словарь / Под ред. В.М. Наделяева, Д.М. Насилова, Э.Р. Тенишева, А.М. Щербака. – Л.: Наука, 1969. – С. 372-373.

Исмоилов М., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 322

Мустақиллик (изоҳли илмий-оммабоп луғат) / А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий тахрири остида. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 97.

Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь / Энциклопедический справочник. – Ташкент: ЎМЭ, 1999. – С. 107-112.

Фарҳанги тафсири забони тоҷикӣ (иборат 2 ҷилд). ҚИЛДИ 2 (О-Я). – Душанбе: Пажӯҳишгоҳи забон ва адабиёти Рӯдакӣ, 2008. – С. 42.

Форсча-ўзбекча ўқув луғати / тузувчилар А. Рустамов, Қ. Каримов, З. Умаров. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 99.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 ҷилдли. – Тошкент: ЎМЭ, 2007. Бешинчи ҷилд. – Б. 460.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2001. – Том 2.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2002. – Том 3.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2004. – Том 8.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎМЭ, 2005. – Том 4.

A Compendious syriac dictionary / Edited by Payne Smith. Oxford, 1903. – 626 p.

Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. – Teheran: Farhang Publications, 1995, XXII. – 644 p.

Fransuzcha-O'zbekcha lug'at. Dictionnaire francais-ouzbek. – Тошкент: ИФЕАС, 2008. – Б. 238.

Диссертация ва авторефератлар

Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата: автореферат дисс. на соиск. доктора истор. наук. – Тошкент: 2012. – 56 с.

Баратова Л. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-IX века (типология, иконография, историческая интерпретация): автореферат диссертации на соиск. ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент: 1995. – С. 18

Боголюбов М.Н. Ягнобский (новосогдийский) язык. Исследования и материалы. Автореф. док. дис. – Л.: 1956. – С. 14.

Лурье П. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дисс. ... канд. филол. наук. – СПб.: 2004. – 305 с.

Мавланов Ў.М. Ўрта Осиёнинг алоқа ва савдо йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари: тарих фанлари доктори автореферати. – Тошкент: 2009. – 47 б.

Маликов А. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI-VIII вв. (по археологическим и письменным источникам). Автореф. на соиск. учен. степени канд. истор. наук. – Самарканд, 2000. – 24 с.

Мамадалиев Х.М. Этническое положение в Средней Азии в IX-XII вв. (на основе материалов арабоязычных источников): Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – Ташкент: 2010. – 28 с.

Мансуров Ў.Н. Суғд ёзма ёдгорликлари манбашунослиги масалалари. Тарих фанлари номзоди... дис. – Тошкент: 2003. – 137 б.

Якубович И.С. Проблемы согдийской этимологии: диссертация на соиск. ученой степени кандидата филологических наук. – М.: 2009. – 201 с.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

АРТ	– Археологические разведки в Таджикистане
ВДИ	– Вестник древней истории.
ВИ	– Вопросы истории
Вып.	– Выпуск.
ИАН	– Известия АН СССР.
ИВЛ	– Издательство восточной литературы.
Изд.	– Издательство.
ИМКУ	– История материальной культуры Узбекистана.
КСИА	– Краткие сообщения Института археологии АН СССР.
КСИВАН	– Краткие сообщения Института востоковедений АН СССР.
КСИИМК	– Краткие сообщения института истории материальной культуры.
ЛО	– Ленинградский отдел.
ЛО ИВАН	– Ленинградские отдел Института востоковедения Академии наук.
МИА	– Материалы и исследования по археологии СССР.
МИТТ	– Материалы по истории туркмен и Туркмении.
МИЦАИ	– Международный институт Центральноазиатских исследований.
НАА	– Народы Азии и Африки.
ОНУ	– Общественные науки Узбекистана.
ПВ	– Проблемы востоковедения.
ППВ	– Письменные памятники Востока.
СА	– Советская археология.
Сб. Тр.	– Сборник трудов.
СВ	– Советское востоковедение.
СНВ	– Страны и народы Востока.
СГЭ	– Сборник Государственного Эрмитажа.
СЭ	– Советская этнография.
СДГМ	– Согдийские документы с горы Муг.
СТ	– Советская тюркология.
СС	– Согдийский сборник.
СПб	– Санкт-Петербург.
Соч.	– Сочинения.
суғд.	– суғдийча.
ТДШИ	– Тошкент давлат шарқшунослик институти.
ТОЭВ	– Труды отдела Востока государственного Эрмитажа.
Тр. ТАЭ	– Труды Таджикской археологической экспедиции.
ТХАЭ	– Труды Хорезмской археологической экспедиции
УМЭД	– Университет мировой экономики и дипломатии.
ЎзМЭ	– Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
ЎзСЭ	– Ўзбек Совет энциклопедияси
ЭВ	– Эпиграфика Востока.
АЕМА	– Archivum Eurasiae Medii Aevi.
BGA	– Bibliotheca Geographorum Arabicorum.
CAJ	– Central Asiatic Journal.
SPAW	– Sitzungsberichte der Preussischen Akademie der Wissenschaften.
SI	– Studia Iranica.
JRAS	– Journal of the Royal Asiatic Society.
JOAS	– Journal of the American Oriental Society.
HJAS	– Harvard Journal of Asiatic Studies.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ғойибов Бобир Собирович – тарих фанлари доктори, доцент.

1982 йил 1 сентябрда Навоий вилояти Нурота шаҳрида туғилган.

2007 йилда Самарқанд давлат университети тарих факультетини тугатгач, “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, 2017 йилдан буён кафедра доценти ва 2019 йилдан кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Тарих фанлари номзоди (2011), тарих фанлари доктори (2017).

Номзодлик диссертацияси: “Суғд конфедерациясида Панч мулкининг тугган ўрни (илк ўрта асрлар мисолида)”. – 2011, Тошкент, ЎзР ФА Тарих институти.

Докторлик диссертацияси: “Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназули”. – 2017, Тошкент, Ўзбекистон Миллий университети.

Илмий ишларининг умумий сони 120 дан ортиқ.

2015-2020 йиллар мобайнида 70 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ва оммабоп ишлар нашр эттирган. Жумладан, ушбу давр мобайнида 1 ўқув қўлланма, 4 ўқув-услубий қўлланма, 4 та монография, 1 та хориж жамоавий монографияси, 50 дан ортиқ хориж ва республика илмий мақолалар ҳамда ўнлаб намунавий ўқув дастурлари яратди.

Б.С.Ғойибов томонидан илк ўрта асрлар Суғд тарихини ўрганиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, докторлик диссертацияси материаллари асосида 2019-2020 ўқув йили “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқув режасидан жой олган “Илк ўрта асрларда Суғд конфедерацияси тарихи” танлов фанини (50 соат маъруза, 50 соат семинар) ишлаб чиққан ва мазкур фандан талабаларга дарс ўтиб келмоқда.

Б.Ғойибов “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг ўқув режасидаги бакалаврият ва магистратура мутахассислиги ўқув фанларини мувофиқлаштириш тизимини шакллантиришда ҳамда уларни такомиллаштиришда бошчилик қилиб келмоқда.

Б.Ғойибов ўз илмий соҳаси бўйича 7 та PhD диссертациясига раҳбарлик қилиб келаяпти.

E-mail: boburgoyibov@mail.ru

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	4
“Суғд” атамаси ва унинг моҳияти хусусида	12
“Кан” фамилияси ва унинг тарқалиши	20
Суғд конфедерациясининг шаклланиши ва унинг омиллари	27
Илк ўрта аср Суғд давлатчилиги масаласи	39
Суғд конфедерациясининг бошқарув тизими	50
Самарқанд – Суғд конфедерациясининг бошқарув маркази	77
Суғдда кўшхокимиятчилик (Деваштич фаолиятига чизгилар)	88
Иштихон – Суғд ҳукмдорлари қароргоҳи	112
Суғдда элчилик муносабатлари	120
Суғд конфедерацияси таназзулининг сабаблари	128
Ўзбек ва тожик тилларидаги баъзи суғдий иборалар	133
Ўзбекистонда суғдшунослик ва “Ўзбек суғдшунослик мактаби”	148
Хулоса	156
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	158
Шартли қисқартмалар	173

Б о б и р Ғ О Й И Б О В

СУҒД ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Монография

Muharrir	J. Bozorova
Musahhih	L. Xoshimov
Texnik muharrir	N.Isroilov

2020 yil 31 yanvarda tahririy-nashriyot bo'limiga qabul qilindi.

2020 yil 15 fevralda original-maketdan bosishga ruxsat etildi.

Qog'oz bichimi 60x84_{1/16}. "Times new roman" garniturasini. Offset qog'ozi.

Shartli bosma tabog'i – 11,0.

Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 02/5.

SamDU tahririy-nashriyot bo'limida chop etildi.

140104, Samarqand sh., Universitet xiyoboni, 15.